

Ж-96

Нарзулла Жўраев




# Тафаккурдаги Эврилиш

НАРЗУЛЛА ЖҮРАЕВ

# ТАФАККУРДАГИ ЭВРИЛИШ

*Истиқлол изтироблари ва қувончлари  
ҳақида мулоҳазалар*



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2001

**Тақризчилар:**

**Ўзбекистон Фанлар академияси академиги**

**Сайд Шермуҳамедов,**

**социология фанлари доктори, профессор**

**Мансур Бекмуродов,**

**сиёсий фанлари доктори, профессор Сайфиддин Жўраев,**

**тарих фанлари доктори, профессор Карим Норматов,**

**хукуқшунослик фанлари номзоди Ахтам Турсунов.**

**Ж 96**

**Жўраев, Нарзулла.**

Тафаккурдаги эврилиш: Истиқдол изтироблари ва  
қувончлари ҳақида мулоҳазалар.—Т.: «Шарқ», 2001.—  
240 б.

**ББК 66.3(5У)**

## ИСТИҚЛОЛ МАВЖЛАРИНИНГ ТАЛҚИНИ

Мустақилликнинг ўн йиллик сарҳадида туриб, беихтиёр жуда кўп воқеалар ҳақида ўйлайсан, киши. Дарвоқе, бугун мустақиллик эълон қилинган кунда туғилган бола ўн ёшта тўлди. Ўша пайтдаги етти, саккиз яшар мурғаккина полопон болаларимиз навқирон ўғилқизлар бўлиб етишди. Мустақил ҳаёт остонасида туришибди. Уларнинг тасаввурида бугунги ҳаёт, турмуш тарзимиз азалдан худди шундай давом этаётгандай.

Ҳамма гап шундаки, гарчи улар китоблар орқали, мактабларда мустақиллик, унинг қадрияти, бу йўлдаги курашлар ва изтироблар хусусида маълум бир маълумотга эга бўлган бўлсалар-да, унинг нақадар оғир, машиқатли ва, айниқса, зиддиятли, қарама-қаршиликларга тўла даврни босиб ўтганини англашолмайди.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Бу вақт ўтгани сари мустақилликдан олдинги ва унинг дастлабки йилларида маълум лавозимларда ишлаган, мустақиллик ва мустақил тараққиётни бутун моҳияти билан англай олмаган, уни қўллаб-куватлашга ҳам сиёсий, ҳам маънавий қурби етмаган амалдорлар бугун Ўзбекистон тараққиёт йўлига чиқиб олган, фуқаролар ҳаётидаги барқарор ривожланиш юз берган бир пайтда ўзларини мустақиллик фидойилари, ташкилотчилари, ташаббускорлари қилиб кўрсатишмоқда. Ва, ҳатто, ўзларини мустақиллик қаҳрамони сифатида кўрсатишдан ҳам тоймаяптилар.

Ўн йиллик давр тарих олдида капалак умридай қисқа. Аммо, мамлакат, миллат, халқ тақдири билан боғлиқ бўлган улкан ҳодисалар кўз олдимизга келтирилса, асрларга тенг, тарих саҳифаларида абадий қоладиган ишлар амалга оширилганлигига гувоҳ бўламиз. Бироқ, бу ўз-ўзидан бўлган эмас. Қизил империянинг тажовузкор сиёсатига қарши туриш, мамлакатни мустамлакачилик зулмидан озод қилиш, халқни таҳқир ва хўрликдан кутқаришга интилиш раҳбар учун қанчалик хавфли, хатарли ва, ҳатто, фожиали эканлигини ўйлаш, анг-

лаш ва тан олиш мавриди келди. Ички ва ташқи ғоявий ғанимларимизнинг хатти-ҳаракатларини ижтимоий ва сиёсий нуқтаи назардан баҳолашимиз керак. Тарих ҳар доим аччиқ ҳақиқат ва буюк мураббийлик мезони бўлиб келган. Келгуси авлодларга худди ана шу фазилати билан ибрат бўлади. Ана шу нуқтаи назардан босиб ўтган йўлимизга тарих ҳақиқати, ҳаёт ҳақиқати, илмий ҳақиқат ва миллат манфаати нуқтаи назардан ёндошмоғимиз керак. Кўлингиздаги ушбу китоб ана шу мақсад илинжида дунёга келди.

Таниқли сиёсатшунос ва публицист-ёзувчи Нарзулла Жўраев «Тафакурдаги эврилиш» номли навбатдаги китобида мустақиллик учун кураш азоблари, уқубатлари, изтироблари ва қувончлари хусусида фикр юритади. Муаллиф аниқ тарихий ҳужжатлар, ўша давр матбуоти саҳифаларида ёритилган материаллардан унумли фойдаланади. Уларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиб, чуқур публицистик руҳ билан ифода этади.

Умуман олганда, мустақилликкача бўлган беш-үн йиллик давр, яъни саксонинчи йиллар шўро тузуми тарихи учун ҳам, сobiқ иттифоқ ҳалқлари ҳаёти учун ҳам алоҳида ўрганишни, илмий-назарий, бадиий ва публицистик тадқиқотни тақозо қиласди. Бу хусусан Ўзбекистон ва ўзбек ҳалқи учун алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, саксонинчи йиллар сobiқ иттифоқ таркибида фақат Ўзбекистонда 30—50-йиллар қатағонларининг янги даври, миллатлараро низоларнинг атайлаб уюштирилиши, Марказий Осиёда Ўзбекистон орқали шафқатсиз хунрезликларни вужудга келтиришга интилиш даври бўлди. Айни ана шундай қалтис бир шароитда Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш ва бу курашда республика раҳбарининг шахсий жасорати алоҳида тадқиқотни тақозо этади. Нарзулла ана шу масъулиятли, айни пайтда миллат ва мамлакат тарихи учун муҳим бўлган воқеалар жараёнини таҳлил қилишга киришди.

Бундай воқеаларнинг кўпига мен ҳам гувоҳ бўлганман. Ислом Абдуғаниевич Қашқадарё вилоятида раҳбарлик қилган энг оғир пайтларда, гдлянчилар енг шимариб ишга киришган бир шароитда, вилоятда ижтимоий адолатни тиклаш, ҳалқ манфаатини ҳимоя қилиш, бегуноҳ ва беозор, меҳнаткаш вилоят пахтакорларининг бўйнига тушган тавқи-лаънатларни йўқ қилиш қанчалар оғир кечган. Марказ билан олишувлар, Кремлнинг кундан-кунга янгиланиб бораётган зўравонликларига бардош бериб, вилоят манфаатини

ҳимоя қилиш каби тасаввур этиш қийин бўлган ши-жоатларга, жасурликларга гувоҳ бўлганман. Ижодкор сифатида бир одамнинг шунчалик эътиқод учун, ий-мон учун ҳамма манфаатлардан воз кечишга тайёрлигни кўриш менга қанчалик рафбат, илҳом, куч-куват бағишиласа, шунчалик қийноқ, азоб ва изтироб ҳам берар эди.

СССР халқ депутатлари қурултойларида бўлган во-кеалар эсимдан ҳеч қачон чиқмайди. Қурултой танаффусларидан бирида Ислом Абдуғаниевич СССР Министрлар Совети раиси Н. Рижков ҳузурига борди. Масалани кўндаланг қўйди: «Ўзбекистондан ташиб кетилаётган олтинларнинг ҳисоб-китобини беринг», деди. Ҳукумат бошлиғи ҳазар-писанд қилмай: «Ҳеч қандай ҳисоб-китоб йўқ. Ўзбекистоннинг ҳамма олтинлари СССРники», деди. Шунда Ислом ака «Заводни тўхта-таман», деди. Рижков «Тўхтатганинг билан бу олтиндан манфаатдор бўлаолмайсан», деди. Каримов «Заводни кўчиритириб юбораман, ўзбек олтинини кетмон билан қазиб оламан», деганида Рижков «Сенинг кетмон ишлаб чиқаришгаям қурбинг етмайди, ҳеч нарса қилаолмайсан», деб ўшқирди. Каримов эса, «Менга заводнинг ҳам, кетмоннинг ҳам кераги йўқ. Ўзбек олтинини тирноғим билан ковлаб олиб, ҳалқнинг ўзига бера-ман», деди. Бундай журъат, бундай шижаотни қаердан топиш мумкин? Мен бунга тирик гувоҳман. Ахир биз ўшанда, шу гаплар айтилаётганда Кремл қалъасининг ичидаги, қурултой залидаги ўтирган эдик-ку! Уша залдан чиқиб кетиш, омон қолиш, шундай кескин гаплар учун, ҳаётни қайтадан кўриш, эркин ва озод яаш мумкин эканлигига ҳеч ким кафолат бермас эди. Аниқроқ қилиб айтганда, биз ҳаммамиз, жумладан, Ислом ака ҳам қамалдаги одамлар эдик. Журъат, миллий нафсоният, миллий орият у кишида шахсий ҳаётдан устун эканлигига ўшанда гувоҳ бўлган эдим.

Нарзуланинг ушбу китобида бундай мисолларни кўпдан-кўп ва хилма-хил шаклини кўриш мумкин. Ана шундай зиддиятлар, асабий тарангликлар, қалб изтироблари, инсон ва фуқаро сифатидаги курашчанлик, ҳаётнинг барча неъматларидан, хусусан, яаш имкониятидан устун турадиган фазилатлар, миллат ва ҳалқ манфаати Ислом Каримов учун энг юксак қадрият эканлиги хусусида фикр юритилади. Бу фикрлар аниқ далиллар ва ҳужжатлар асосида исбот қилиб берилади.

Албатта, ушбу китобга кирган айрим мавзулар сизга таниш. Улар муаллифнинг олдинги асарларида ўзифодасини топган. Бироқ ушбу китобнинг ютуғи шундаки, биринчидан, янги материаллар, янги хужжатлар асосида мустақилликкача бўлган давр ижтимоий-сиёсий муҳити биринчи марта кенг ва чукур таҳлил этилмоқда. Зотан, мустамлакачилик даври фожиаларини қанчалик ўргансак, унинг моҳиятини англасак, мустақиллик қадриягини шунчалик тушунамиз. Айниқса, мутелик, тобелик кайфиятларига қарши курашни бошлаб берган, миллатни озодликка олиб чиқишига ҳаракат қилган етакчининг изтироблари, жасорати билан боғлиқ воқеаларга баҳо бериш вақти келди. Иккинчидан, мустақиллик учун кураш ва унинг ютуқлари хусусида бундай яхлит, бир-бирини тўлдирадиган, ўқувчи га яхлит маълумот берадиган асар ҳозиргacha яратилман.

Ушбу китоб Мустақиллик ташаббускори, ташкилотчиси ва раҳнамоси сифатида муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг шахсий ибрати, раҳбар ва инсон сифатидаги изтироблари, сиёсий ироди, сиёсий маданият ва сиёсий ахлоқ сингари ноёб фазилатлари илк бор қаламга олинган яхлит мажмуя сифатида ўқувчиларга тақдим этилмоқда.

Дарҳақиқат, XX аср ва кейинги даврларда ҳам ўзбек халқи учун Ислом Каримовчалик буюк хизматлар қилган ва қилаётган иккинчи шахс йўқ!

Ҳеч шубҳасиз, китобни ҳар қандай ўқувчи ҳаяжон ва қизиқиши билан ўқыйди. Айни пайтда мустақилликкача ва мустақилликнинг дастлабки давридаги сиёсий бўхронлар, ижтимоий-иктисодий тангликлар, маънавий-руҳий парокандаликлар ҳақида етарли маълумотга эга бўлади. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлидаги ғовлар, қарама-қаршиликлар ва зиддиятларнинг илдизлари қаерда эканлигидан хабардор бўлади. Ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўтирилишлар ва уларни бартараф этишда сиёсий Етакчининг шахсий ибрати, сиёсий кудрати нималарга қодир эканлигига гувоҳ бўлади.

*Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон халқ шоири,  
Ўзбекистон қаҳрамони.*

## КИРИШ

Мустақилликнинг ўнинчى йилида яшаяпмиз. Ўтган муддат тарихан ниҳоятда қисқа, моҳияттан эса бир неча ўн йилликларга татийдиган, тарих саҳифаларида абадий қоладиган воқеаларга бой бўлди. Онг ва тафаккур билан боғлиқ бўлган, уни тубдан ўзгартириб юборган ҳодисалар юз берди. Фикрлар хилма-хиллиги, қарашлар турличалиги, муносабатлар ранг-баранглигини келтириб чиқарди. Натижада жамият ҳаётида фикрий жўшқинлик, одамлар тафаккурида эврилиш, ижтимоий фаоллик юз берди.

Бироқ бу жўшқинлик собиқ иттифоқ таркибидан ажralиб чиқсан турли мамлакатларда турфа шаклларда ва ҳолатларда рўй берди. Уларнинг бир қисмида саросималик ва таҳлика кундан-кунга кучайиб борса, бошқа бир қисмида қонли тўқнашувлар, жангу жадаллар, фуқаролар уруши тутунлари бурқсиган фожиалар тарзида вужудга келди.

Ўзбекистонда эса буларнинг барчасидан фарқли ҳолда истиқлолнинг дастлабки, таҳликали ва зиддиятли кунларидан бошлабоқ ҳар томонлама барқарорликка алоҳида эътибор берилди. Собиқ иттифоқ таркибида шаклланган иқтисодий ҳудуднинг пўлат занжирлари парчаланиб кетиб, ўзаро алоқалар узилиб, иқтисодий вазият чигаллашиб, халқ турмуши бирмунча қийин аҳволга тушиб қолган пайтда ҳам туб ислоҳотлар йўлидан осойишталик ва қатъий ишонч билан борилди.

Ички ва ташқи ғанимларимизнинг жазавалари тутиб, демократия ўйинларини авж олдирган, шу йўл билан мамлакатда парокандаликни келтириб чиқариш ва охир-оқибатда эса шахсий мақсадларига эришиш учун курашганларида ҳам танлаб олинган йўлдан тоийлмади.

Дарҳақиқат, бугун биз муборак истиқлолнинг ўн

биринчи йили сарқадига кеча туриб, унинг ўша — ҳаяжонли, эҳтиросли, фикрлар хилма-хиллиги ва қара-ма-қаршилиги кучайган, асаблар таранглашган, юраклар ҳаприққан, турли руҳий ва маънавий бўхронлар авж олган кунларни ҳам катта севинч, ҳам чукур изтироб билан эслаймиз. Мамлакатда қонли тўқнашувлар ҳамда миллатлараро низоларни келтириб чиқариш, қонуний ҳукумат ва мустақиллик ташаббускори бўлган давлатни бадном қилиш йўли билан ҳокимият тепасига чиқиб олишга интилишлар хатти-ҳаракати, улар келтириб чиқариши мумкин бўлган фожиалар бугун ўзининг бутун салмоғи ва кўлами билан кўз ўнгимиизда яққол гавдаланади.

Мустақилликнинг галдаги йили сарқадларида туриб, ўтган даврда юз берган барча қийинчилекларни енгиб, ўз истиқоли ва истиқболига қатый ишонган, энг оғир кунларда ҳам иймон-эътиқоди билан иш тутган, турли ифвогарликлару сафсатабозликларга учмаган, уларга эргашмаган, ўзининг мислсиз иродаси, яратувчилик куч-кудрати ва бутун тақдирига кафолат берган давлатга ишончи туфайли халқимиз истиқлол йўлидан қатъият билан бормоқда.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, биз мустамлакачилик моҳиятини, истибдод тарихини қанчалик чукур ўргансак, мустақиллик мазмунини шунчалик чукур тушунамиз. Истиқлол ғояларини умуминсоний қадрият сифатида англашимиз осон бўлади. Биз бугун, қандай жамиятда яшаган эдик? Совет тузуми қандай тузум эди? Октябр инқилоби бизга нима берди? Коммунистик мағкурунинг асл моҳияти қандай эди? деган саволларга тарихий ҳақиқат, илмий холислик ва назарий асослар билан жавоб бермоғимиз лозим. Токи, мустақиллик даврининг бугунги ва келгусидаги авлоди миллий истиқлол тушунчасини, унинг бутун кўлами, миқёси ва қадриятини тушунсин. Оталари қандай тузумда яшаб, қандай жамиятни мерос қолдираётганини, мустақиллик — бу табиий жараён эмас, балки жуда катта йўқотишлар, аёвсиз курашлар, чукур изтироблар маҳсули эканлигини англасин. Бу муқаддас ғояларни асрраб-авайлайдиган, уни давом эттирадиган фидойи ва садоқатли авлод бўлиб етишсин.

Ана шу мақсадда биз ушбу китобда мустақиллик учун курашнинг жасоратли, шонли, миллат шаъни билан боғлиқ бўлган воқеалари, бу кураш йўлидаги мислсиз изтироблар, қувончли ва мангаликка даҳлдор, тарих саҳифаларида абадий қоладиган жиҳатлари ҳақида гапирап эканмиз, совет тузуми давридаги ҳукмрон сиёsat, унинг мақсад ва ғоялари асоратларининг айрим жиҳатлари ҳақида ҳам тўхталишни маъқул кўрдик. Зотан, мустақилликнинг бекиёс қадриятини, юқорида айтганимиздек, мустамлакачилик азобини ҳис этмасдан англаш мумкин эмас.

биринчи йили сарҳадига кеча туриб, унинг ўша — ҳаяжонли, эҳтиросли, фикрлар хилма-хиллиги ва қара-ма-қаршилиги кучайган, асаблар таранглашган, юраклар ҳаприққан, турли руҳий ва маънавий бўхронлар авж олган кунларни ҳам катта севинч, ҳам чукур изтироб билан эслаймиз. Мамлакатда қонли тўқнашувлар ҳамда миллатлараро низоларни келтириб чиқариш, қонуний ҳукумат ва мустақиллик ташаббускори бўлган давлатни бадном қилиш йўли билан ҳокимият тепасига чиқиб олишга интилишлар хатти-ҳаракати, улар келтириб чиқариши мумкин бўлган фожиалар бугун ўзининг бутун салмоғи ва кўлами билан кўз ўнгимизда яққол гавдаланади.

Мустақилликнинг галдаги йили сарҳадларида туриб, ўтган даврда юз берган барча қийинчиликларни енгиди, ўз истиқоли ва истиқболига қатъий ишонган, энг оғир кунларда ҳам иймон-эътиқоди билан иш тутган, турли извогарликлару сафсатабозликларга учмаган, уларга эргашмаган, ўзининг мислсиз иродаси, яратувчилик куч-кудрати ва бутун тақдирига кафолат берган давлатта ишончи туфайли халқимиз истиқлол йўлидан қатъият билан бормоқда.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, биз мустамлакачилик моҳиятини, истибодод тарихини қанчалиқ чукур ўргансак, мустақиллик мазмунини шунчалик чукур тушунамиз. Истиқлол ғояларини умуминсоний қадрият сифатида англашимиз осон бўлади. Биз бугун, қандай жамиятда яшаган эдик? Совет тузуми қандай тузум эди? Октябр инқилоби бизга нима берди? Коммунистик мағкуранинг асл моҳияти қандай эди? деган саволларга тарихий ҳақиқат, илмий холислик ва назарий асослар билан жавоб бермоғимиз лозим. Токи, мустақиллик даврининг бутунги ва келгусидаги авлоди миллий истиқлол тушунчасини, унинг бутун кўлами, миқёси ва қадриягини тушунсин. Оталари қандай тузумда яшаб, қандай жамиятни мерос қолдираётганини, мустақиллик — бу табиий жараён эмас, балки жуда катта йўқотишлар, аёвсиз курашлар, чукур изтироблар маҳсули эканлигини англасин. Бу муқаддас ғояларни асраб-авайлайдиган, уни давом эттирадиган фидойи ва садоқатли авлод бўлиб етишсин.

Ана шу мақсадда биз ушбу китобда мустақиллик учун курашнинг жасоратли, шонли, миллат шаъни билан боғлиқ бўлган воқеалари, бу кураш йўлидаги мислсиз изтироблар, қувончли ва мангаликка даҳлдор, тарих саҳифаларида абадий қоладиган жиҳатлари ҳақида гапирап эканмиз, совет тузуми давридаги ҳукмрон сиёsat, унинг мақсад ва ғоялари асоратларининг айрим жиҳатлари ҳақида ҳам тўхталишни маъқул кўрдик. Зотан, мустақилликнинг бекёс қадриятини, юқорида айтганимиздек, мустамлакачилик азобини ҳис этмасдан англаш мумкин эмас.

# **Б и р и н ч и б о б ИМПЕРИЯНИНГ ИНҚИРОЗИ**

## **1. ИСТИБДОД ВА ИСТИҚЛОЛ**

Қайта қуриш сиёсати ўзининг кўзлаган мақсадига, кутилган натижасига эриша олмади. Ижтимоий-сиёсий жараёнлар кутимагандага ўз ўзанини ўзгартириб юборди. Демократия тўлқинлари эркин сўз, эркин фикрни заруратга айлантира бошлаган бир пайтда шўро жамиятини тоталитаризмдан эркинлик сари, хуррият сари сифат ўзгаришига олиб келаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий қадрият сифатида намоён бўлди.

Бироқ, Кремль бундан манфаатдор эмас эди. М. Горбачев бошчиллигидаги Совет ҳукумати раҳбариятиномигагина эркинликка йўл бериб, инсон ҳуқуқлари хусусида кўпиртириб гапирса-да, моҳиятан тоталитар тузум ва маъмурий-буйруқбозлик режимини сақлаб қолишдан манфаатдор эди. Зотан, улар ҳеч қачон СССРнинг тарқалиб кетишини назарда тутмаган ва буни кутмаган ҳам эди.

Жараёнлар шу даражада тезлашдики, охир-оқибатда нафақат сўзамол М. Горбачевни, балки бутун Сиёсий Бюрони, партия Марказий Кўмитасини, ҳукуматни талвасага солиб кўйди. Натижада маъмурий органлар кучидан фойдаланиш йўли танланди. Турли шаҳарларда, минтақаларда, СССРнинг фаол ва демографик жиҳатдан қулай бўлган, геосиёсий жиҳатдан муҳим нуқтадаридан бекарорликни вужудга келтириш орқали мамлакат аҳолисини чалғитиш йўлига ўтилди.

Аксига олиб энди уйғонган одамни қайтадан мудроқ бостиришнинг иложи йўқ эди. Чунки эркин фикрлаш, эркин яшаш нашидасини сура бошлаган озод фуқарони қайтадан занжирбанд қилишга қанчалик уринмасин, ҳукуматнинг кучи етмас, фуқаронинг эса хоҳиши йўқ эди. Бошқача қилиб айтганда, мамлакат фуқаролари манфаати билан тоталитар режимдаги дав-

лат қизиқишилари ўртасида «хитой девори» тикланиб бўлинган эди. Ана шундай зиддиятли бир пайтда давлат ўз мавқеи ва ролини йўқотмаслик учун озодликка интилаётган, ҳуррият учун курашаётган уйғоқ фуқаролар ўртасида турли низоларни уюштириши зарур бўлиб қолган эди. Ана шу мақсадда Болтиқ бўйидаги тўқнашувлар, Арманистон, Озарбайжон, Грузиядаги қонли фожиалар, Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) ва Россияянинг бошқа айрим минтақаларида бўхронлар ва пўртанаалар авж олиб кетди.

Кизил империянинг тажовузкорона сиёсати ана шу тарзда 73 йил мобайнида аста-секинлик билан чокчоқидан ситила борди. Натижада мамлакат ижтимоий-сиёсий жараёнларини ҳам, одамлар хатти-ҳаракатини ҳам бошқариб бўлмайдиган ҳолат вужудга келди.

\* \* \*

...Аслини олганда, Совет ҳокимияти тузум сифатида жуда ҳам мустаҳкам эмас эди. У октябр инқилобининг урҳо-ур, сурҳо-сурлари оқибатида вужудга келган, бошқача қилиб айтганда, пойдевори қумдан кўтарилган жамият эди. Инсон манфаатлари, ҳақ-хукуқлари буткул инкор этилган, зўравонлик ва тазиикни асосий иш усулига, сиёсий бошқарув услубига айлантирган ҳокимият сифатидаги кўзга ташланди.

Ана шундай гайриинсоний ва гайриахлоқий жамият асосчиси сифатида В.Ленин ҳокимиятни қўлга киритган дастлабки кунлариданоқ сиёсий, иқтисодий, хукуқий, маънавий ва жисмоний террорни ҳокимиятни бошқаришнинг муҳим омили даражасига кўтарди ва уни моҳирона амалга оширди. Зеро, октябр инқилобининг қонли «галаба»си ҳам худди ана шу тамойил асосида қурилган ва амалга оширилган эди.

Оммани чалғитиш, жамиятдаги барқарорликни барбод этиш, мутелик ва қуллик руҳиятини чуқурлаштириш йўлида турли ҳолатларда ва вазиятларда турли шаклдаги сиёсий-ташкилий тадбирлар амалга оширила бошланди. Стратегик мақсад — дунёга ҳокими мутлоқ бўлиш, жаҳон социализмини амалга ошириш орқали инсоният доҳийисига айланишга ҳаракат қилинди. Ана шундай мақсадларини амалга ошириш учун Ленин турли-туман найрангларни ўйлаб топди ва уларни ўта шафқатсизлик билан амалга оширди.

Ана шундай сиёсий-ташкилий тадбирлардан бири

Совет ҳукуматида «Янги иқтисодий сиёсат»ни амалга ошириш эди. Машхур олим Д.Волкогоновнинг фикрича, Ленин бу сиёсатга юзаки қараганда хайриҳо бўлсада, асл моҳияти билан унга қарши эди. Д.Волкогонов шундай мисол келтиради: 1919 йил 5 декабрда Советларнинг Бутун Россия VII съездидан нутқ сўзлар экан, Ленин жуда баланд руҳ билан ўз мақсад-иддаоларини очиқ-ойдин баён этади: «Ким нон савдоси эркинлигини хоҳлар экан, хато қиласди. Биз бунга бир томчи қонимиз қолгунча курашамиз. Бу соҳада ҳеч қандай чекинишларга йўл кўймаймиз». Бу инқилоб доҳийснинг мамлакатни хонавайрон қилиш, ҳалқни аборг этиш борасидаги кўпқиррали сиёсатидан биригина, холос. Айни ана шундай очарчилик ва атайлаб уюштирилган камбағаллаштириш сиёсати Ўрта Осиёни ҳам четлаб ўтмади. Фарғона водийсининг ўзида 1921 йили 64 минг 315 киши очликдан вафот этди. Бу Ленин «халқпарвар» сиёсатининг Туркистондаги рӯёбидан далолат берар эди.

Лениннинг сафдошларидан бири А.А.Иоффе қуидагиларни ёзади: «Қачонки, 1921 йили Марказий Кўмита мени Туркистонга ишга юборар экан, сафар олдидан бўлган сұхбатда ва кейинчалик менга ёзган хатларида В.И.Ленин доимий хавотирда эканлигини алоҳида таъкидларди. «Туркистон — бу бизнинг жаҳон сиёсатимиз. Туркистон — бу Ҳиндистон», дерди».

Туркистоннинг геосиёсий ўрини ва аҳамияти ўша пайтдаёт инқилоб доҳийси дикқатини ўзига тортган эди. Айни Туркистон орқали Осиёни забт этиш сиёсати, Осиёга эгалик қилиш мақсадини амалга ошириш учун Туркистон муҳим стратегик аҳамиятта эга эканлиги Совет ҳукумати турли даврлардаги арбобларининг дикқат марказида бўлган. Ҳусусан, Ленин Туркистонга жуда катта очкўзлик ва иштаҳа билан қараган.

Совет ҳокимияти учун, ҳусусан, унинг дастлабки йилларида Россия саноатини хомашё билан, даҳшатли очлик исканжасида қолган ҳалқини эса нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун Туркистон катта стратегик аҳамиятта эга эди. Шунинг учун ҳам Ленин «Ҳаммамизга маълумки, енгил саноат хориждан келтириладиган пахтанинг етишмаслиги боис жуда кучли инқирозни бошдан кечирмоқда... Ягона манба — бу... Туркистондир», деган эди.

Хомашё тақчиллиги муаммосини ҳал этиш учун 1921 йили Лениннинг энг содик сафдошларидан бири

М.П.Томский Туркистонга юборилди. Унинг раҳбарлигига ўша йилнинг ўзида олдинги йилга нисбатан дехқончилик майдони 300 минг десятинага, пахта майдони эса 100 минг десятинага кўпайди.

Повольжедан даҳшатли очарчиликни бошидан кецираётган 300 мингдан ортиқ киши кўчириб келиниб, Туркистонда жойлаштирилди. Лениннинг Россия марказий туманлари аҳолисига ёрдам шиорига жавобан Наркомпродга 250 минг пуд, Москвага 600 минг пуд буғдой юборилди.

Булар ҳали инқилоб олови бутқул сўнмаган бир пайтда Совет ҳукумати дастлабки талон-тарожчилик сиёсатининг натижаси эди. Ваҳоланки, бу сиёсат Ўзбекистон СССР таркибидан тўла ва бутқул чиқиб кеттунга қадар давом этди. Ўзбекистонда етиштирилган пахта, пилла, қоракўл тери, мева-сабзовот, полиз маҳсулотлари, олтин, газ ва бошқа ер ости бойликлари мунтазам равишда ташиб кетилди. Ана шу тарзда ленинча сиёсий, ҳукуқий, иқтисодий, маънавий ва ижтимоий террор «ривожланган социализм» шароитида ҳам «қардош» ўзбеклар ва «Шарқ машъали» Ўзбекистоннинг шўрини куригти.

Лениннинг тажовузкор руҳи чегара билмас эди. У ҳеч қандай миллий, маънавий манфаатлар доираларига сифмас эди. Ахлоқий-диний тафаккур ва турли ҳалқларнинг миллий-анъанавий турмуш тарзи, асрлар мобайнида шаклланган руҳияти билан боғланмаган, фактат дунёни зўравонлик билан эгаллаш руҳи унда устунлик қиласр эди. Шунинг учун ҳам инқилобий ўзгаришлар доираси кенгайиб, бир давлат доирасидан чиқиб кетди. Жаҳон социализм васvasаси миңтақа ва бутун сайёрани эгаллаб олишга интилган хаёлпарастлик касаллигининг натижаси эди.

Ленин шу даражада ўзининг ҳавои хәёлларига қатъий ишонар эдики, унинг кўлами ва салмоғини баҳолаш қийин эди. Дунёни эгаллаш васвасаси унинг онгу шуурини бутунлай қамраб олган ва натижада маънавий-руҳий жиҳатдан бутун вужуди билан унга интиларди. Бу бевосита инсон ва шахс сифатида унинг маънавий-руҳий қиёфаси, сиёсий маданияти ва ахлоқий тарбияси маҳсулидир. Д.Волкогонов таъбири билан айтганда, **Ленин ана шу мақсад йўлида ўз қалбигагина эмас, балки бутун инсоният цивилизациясига ҳам ўт кўйишга тайёр** эди. Яна шунин айтиш керакки, унга ҳалқнинг миллатнинг аҳамияти йўқ эди. У ҳатто рус

халқининг жуда катта қисмини қурбон қилишдан ҳам ўзини тиймас эди. Ана шу қурбон бўлганлар кулини кўкка совуриб, хузур қилар ва дунёга ўт кетишини кутиб ётар эди.

Айтиш мумкинки, Ленин фақаттйна бешафқат большевик эмас, айни пайтда планетар «ислоҳотчи» ҳам эди. У ўзининг «ислоҳотлар назарияси» билан дунёни «янги» ламоқчи, янги «пайғамбар»лик даъвоси билан яшайдиган ҳолатга келиб қолган эди. Шунинг учун ҳам 1917 йилдаёқ, улкан давлатни кўлга киритгани ҳамоно, у Германия, Венгрия, Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Польша ва бошқа мамлакатларни ҳам забт этишга интилди. Унинг ана шундай зўравонлик сиёсатини, мақсадларини назарда тутган машҳур рус олими Н.Бердяев ўз вақтида «Ленин антигуманисттина эмас, айни пайтда у антидемократ» ҳам деб ниҳоятда тўғри баҳо берган эди.

Аслини олганда, диктатурага, зўравонликка интилиш инсон руҳияти нуқтаи назаридан аввалбошида сиёсий мақсадларга эришиш учун имкон яратади. Кеинчалик яхлит фаолиятта, хатти-ҳаракатлар тизимиға айланади. Натижада, бора-бора бундай руҳий мойиллик кайфияти кучайиб, аста-секинлик билан маънавий имкониятларни чегаралаб қўяди. Ана шундай пайтда инсон шахсий манфаатлари ва интилишлари йўлида ўзини жуда катта сиёсий ирода ва сиёсий маданият билан бошқармаса, ўзини-ўзи енгиб яшамаса, ҳавоий интилишлар кулига айланса, умуминсоний қадриятлардан узоклашиб боради. Натижада озодликнинг таazziулуга, хурриятнинг инқиrozига, инсон ҳақ-хукуқларининг поймол этилишига кенг йўл очилади. Ленин ва ленинчилар худди ана шундай инсоний қадриятлардан ҳам, ҳеч бўлмаганда шахс сифатида инсоний фазилатлардан ҳам анча олисда эдилар. Улар кайфияти ва феълатворидаги тажовузкорлик шаклан турланиб, замонга мосланиб турса-да, моҳиятини йўқотмади.

Ленин ҳар доим ўз атрофидаги раҳбарларга ва сафдошларига бир нарсани такрорлаб келган (1921 йил): «Яширин равишда террор тайёрлансин: бу зарурат ва шошилинч». Айтиш мумкинки, бундай ленинча қаттиқўлликнинг манбаси ва моҳиятини англаш унчалик қийин эмас. Ташқи кўринишда «қўнгилчан», «мехрибон», «одамларга эътиборли» бўлган доҳийнинг бундай қараашлари жиноий, сиёсий ва ёки миллий манфаат йўлидаги қаттиқўллик эмас, аксинча, бутун ле-

нинча дунёқарааш қатъийлиги, унинг фалсафасининг, мантигининг, бутун феъл-автори-ю муносабатларини ўзида мужассам этган тафаккур тарзининг майиб-мажрух қиёфаси эди.

Бундай иллатлар фақат Ленингагина хос эмасди. Унинг ишининг давомчилари ҳам айни ана шу мақсад ва гоя билан яшашарди. Сталин, Хрущев, Брежнев, Суслов, Андропов, Черненко ва бошқалар ҳам айни ана шу мактаб таълимими олган, ана шу таълимотнинг содиқ давомчилари эди.

Миллий масалага муносабатда ленинча ёндошув бутун совет давлатининг изчил, доимий равища ривожланиб, такомиллашиб борган сиёсатига айланди. Зотан, «доҳий» совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёт «башорат» қилган эди: «...миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши уларнинг файри миллатлар жамоаларидан давлат бўлиб ажралиши, ўз мустақил миллий давлатини тузиши демакдир».

Кўриниб турибдики, Ленин миллатларга эркинлик бериш ва миллий равнақни таъминлашдан манфаатдор эмас. У том маънодаги маънавий террор тарафдори. Шунинг учун ҳам ўз сиёсатини изчил ва шафқатсиз равища давом эттириди: «Бир давлатнинг ичида турли миллатлар бўлиши зарурдир, биз марксчилар, уларни яқинлаштириб, қўшиб юборишга интиламиз», деди.

Ленин таълимоти унинг содиқ издошлари томонидан замонга мослаштирилиб давом эттирилди. Жумладан, Сталин «шаклан миллий, мазмунан социалистик», Брежнев «мазмунан ягона социалистик, миллий шакллари турлича, руҳан байналмилад маданият»ни яратиш учун курашдилар.

Горбачев эса мазкурояни бирмунча «демократлаштирган» ҳолатда, «қоғозга ўраб» илгари сурди: «Зиёлилар ўз тарихий илдизларини ўрганмоқдалар. Бу гоҳида тарихни ва у билан боғлиқ бўлган барча нарсаларни, тараққиётга зид тарихий нарсаларни ҳам илоҳийлаштиришга олиб келмоқда». («Правда». 14 январ, 1987.)

Демак, Бош котиб миллий тарих ва у билан боғлиқ бўлган қадриятларни ўрганишга қарши. Уни «тараққиётга зид нарсалар» деб тушунади. Чунки, Горбачевнинг мақсади ягона совет халқининг шакланишига, улуғ давлатчилик ва улуг миллатчилик фояларини амалга оширишга интилишдир.

Д. Волкогонов шундай маълумотни келтиради: Афро-

халқининг жуда катта қисмини қурбон қилишдан ҳам ўзини тиймас эди. Ана шу қурбон бўлганлар кулини кўкка совуриб, хузур қилар ва дунёга ўт кетишини кутиб ётар эди.

Айтиш мумкинки, Ленин фақатгина бешафқат большевик эмас, айни пайтда планетар «ислоҳотчи» ҳам эди. У ўзининг «ислоҳотлар назарияси» билан дунёни «янги» ламоқчи, янги «пайғамбар»лик даъвоси билан яшайдиган ҳолатга келиб қолган эди. Шунинг учун ҳам 1917 йилдаёқ, улкан давлатни қўлга киритгани ҳамоно, у Германия, Венгрия, Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Польша ва бошқа мамлакатларни ҳам забт этишга интилди. Унинг ана шундай зўравонлик сиёсатини, мақсадларини назарда тутган машҳур рус олими Н.Бердяев ўз вақтида «Ленин антигуманистгина эмас, айни пайтда у антидемократ» ҳам деб ниҳоятда тўғри баҳо берган эди.

Аслини олганда, диктатурага, зўравонликка интилиш инсон руҳияти нуқтаи назаридан аввалбошида сиёсий мақсадларга эришиш учун имкон яратади. Кеинчалик яхлит фаолиятга, хатти-ҳаракатлар тизимиға айланади. Натижада, бора-бора бундай руҳий мойиллик кайфияти кучайиб, аста-секинлик билан маънавий имкониятларни чегаралаб қўяди. Ана шундай пайтда инсон шахсий манфаатлари ва интилишлари йўлида ўзини жуда катта сиёсий ирода ва сиёсий маданият билан бошқармаса, ўзини-ўзи енгиб яшамаса, ҳавоий интилишлар қулига айланса, умуминсоний қадриятлардан узоқлашиб боради. Натижада озодликнинг таҳзуллига, ҳурриятнинг инқирозига, инсон ҳақ-хукуқларининг поймол этилишига кенг йўл очилади. Ленин ва ленинчилар худди ана шундай инсоний қадриятлардан ҳам, ҳеч бўлмаганда шахс сифатида инсоний фазилатлардан ҳам анча олисда эдилар. Улар кайфияти ва феъл-авторидаги тажовузкорлик шаклан турланиб, замонга мосланиб турса-да, моҳиятини йўқотмади.

Ленин ҳар доим ўз атрофидаги раҳбарларга ва сафдошларига бир нарсани такрорлаб келган (1921 йил): «Яширин равишда террор тайёрлансин: бу зарурат ва шошилинч». Айтиш мумкинки, бундай ленинча қаттиқўлликнинг манбаси ва моҳиятини англаш унчалик қийин эмас. Ташқи кўринишда «кўнгилчан», «мехрибон», «одамларга эътиборли» бўлган доҳийнинг бундай қарашлари жиноий, сиёсий ва ёки миллий манфат йўлидаги қаттиқўллик эмас, аксинча, бутун ле-

нинча дунёқарааш қатъийлиги, унинг фалсафасининг, мантигининг, бутун феъл-автори-ю муносабатларини ўзида мужассам этган тафаккур тарзининг майиб-мажрух қиёфаси эди.

Бундай иллатлар фақат Ленингагина хос эмасди. Унинг ишининг давомчилари ҳам айни ана шу мақсад ва гоя билан яшашарди. Сталин, Хрущев, Брежнев, Суслов, Андропов, Черненко ва бошқалар ҳам айни ана шу мактаб таълимими олган, ана шу таълимотнинг содиқ давомчилари эди.

Миллий масалага муносабатда ленинча ёндошув бутун совет давлатининг изчил, доимий равишда ривожланиб, такомиллашиб борган сиёсатига айланди. Зотан, «доҳий» совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёт «башорат» қилган эди: «...миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши уларнинг файри миллатлар жамоаларидан давлат бўлиб ажралиши, ўз мустақил миллий давлатини тузиши демакдир».

Кўриниб турибдики, Ленин миллатларга эркинлик бериш ва миллий равнақни таъминлашдан манфаатдор эмас. У том маънодаги маънавий террор тарафдори. Шунинг учун ҳам ўз сиёсатини изчил ва шафқатсиз равишда давом эттиргди: «Бир давлатнинг ичида турли миллатлар бўлиши зарурдир, биз марксчилар, уларни яқинлаштириб, қўшиб юборишга интиламиз», деди.

Ленин таълимоти унинг содиқ издошлари томонидан замонга мослаштирилиб давом эттирилди. Жумладан, Сталин «шаклан миллий, мазмунан социалистик», Брежнев «мазмунан ягона социалистик, миллий шакллари турлича, руҳан байналмидал маданият»ни яратиш учун курашдилар.

Горбачев эса мазкур гояни бирмунча «демократлаштирган» ҳолатда, «қоғозга ўраб» илгари сурди: «Зиёлилар ўз тарихий илдизларини ўрганмоқдалар. Бу гоҳида тарихни ва у билан боғлиқ бўлган барча нарсаларни, тараққиётга зид тарихий нарсаларни ҳам илоҳийлаштиришга олиб келмоқда». («Правда». 14 январ, 1987.)

Демак, Бош котиб миллий тарих ва у билан боғлиқ бўлган қадриятларни ўрганишга қарши. Уни «тараққиётта зид нарсалар» деб тушунади. Чунки, Горбачевнинг мақсади ягона совет халқининг шаклланишига, улуғ давлатчилик ва улуг миллатчилик гояларини амалга оширишга интилишдир.

Д.Волкогонов шундай маълумотни келтиради: Афро-

нистонда узоқ давом этган уруш тугагач, Совет раҳбариятининг чуқур ўйламасдан бошқа бир мамлакат ички ишларига аралашганилиги аниқ бўлди. 1990 йилларда ҳам, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларида инсонийлашув тенденцияларининг пайдо бўлаётганини, зўравонликларнинг ибтидоийлашайтган ҳодиса сифатида тан олинаётганини совет раҳбарлари пайқашмас эди. Улар ҳатто дунёга эгалик қилиш каби ленинча тафаккурдан холос бўлмаганилигини кўрсатади. СССР Мудофаа Вазири Д.Т.Язов КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросида қўшни мамлакатда амалга оширилган «интернационал бурч»нинг ўн йиллик якунлари хусусида ҳисобот берди. 1979 йил декабридан 1989 февралигача Афғонистоннинг тоғли йўлларини 546 минг 255 Совет ҳарбийлари босиб ўтди. «Интернационал бурчи»ни бажара туриб 13 минг 826 киши, шундан 1977 офицер қурбон бўлди. Афсуски, уларнинг асосий қисми мусулмон ҳалқларнинг, жумладан, ўзбек ҳалқи вакиллари эди. Айни ана шу уруш келтирган заар бир неча ўн миллиард сўмни ташкил этади.

Совет ҳукумати 1980 йилларда амалга оширган бу хунрезликлар ҳалқлар отаси Сталин ибораси билан айтганда «вазифани бажаришга интилиш керак, қурбонлар билан ҳисоблашмаслик лозим», деган ғоясининг амалдаги кўриниши эди.

Репрессия ва қон тўкишлар Совет ҳокимиятининг доимий иш усули эди. Турли даврларда, турли номлар ва баҳоналар билан ҳалқни қириш, миллатнинг энг сара вакилларини йўқ қилиш тамойилга айланиб қолган эди. «Эрон жосуси», «Хитой жосуси», «Ҳалқ душмани», «Ёт унсурлар», «Бузгунчилар», «Иродасизлар» сингари турли номлар билан миллионлаб кишилар қатл этилган ва сургун этилган.

«Қабоҳат салтанати» китобида келтирилишича, 1917—1929 йилги фуқаролар урушида 15 миллион киши, 1929—1933 йилги очлик даврида 8 миллион киши, 1933—1939 йилдаги қатағонларда 16 миллион, 1945—1954 йиллардаги сургунлар ва очликдан 4 миллион киши қурбон бўлган. Хулоса қилиб айтганда, Совет тузуми айни ана шу йилларда ўз аҳолисининг учдан бир қисмини — етмиш миллиондан зиёдини атайлаб йўқотган.

«Босмачилик» номи билан «миллий озодлик ҳарарати»га қўшилганлардан 16 йил давомида 1 миллион 200 минг ўзбек қурбон бўлди. Бир ярим миллион мусулмон худосизлар жамияти билан келишолмай хорижга

чиқиб кетди. 1 миллион 700 минг киши «босмачилик ҳаракати»ни қўллаб-қувватлаганликда айбланиб, Сибирга сургун қилинди (Ўша манба. 24—25-бетлар).

Фақат шугина эмас. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон чор ҳуқумати сиёсати даврида қандай бўлса, ўшандай стратегик аҳамиятта эга бўлган майдонга айлантирилди. Аниқроғи, СССРнинг пахта мустақиллиги сиёсати Ўзбекистон орқали амалга оширилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг пахтадан бошқа ҳамма соҳалари қисқартириб юборилди. Ўзбеклар фақат пахта етиштирувчи дехқонларга айлантирилди. Саноат, транспорт, алоқа тармоқлари энг қуий кўрсаткичларда амалга оширилди. Ижтимоий соҳа, фан, таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш иттифоқ кўрсаткичидан энг паст даражада ташкил этилган. Экологик муаммолар аста-секинлик билан чуқурлашиб бориб, охир-оқибатда бутун инсоният фожиасига айлантирилди.

Бир қарашда Брежнев раҳбарлик қилган даврларда мамлакатда бир мунча сокинлик ва тинч тараққиёт таъминлангандай эди. Бироқ инсоннинг энг катта иқтидори — даҳолик кудрати сўндирилди. У тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш воситаси бўлиб қолди. Фикрламай яшаш, инсон тафаккурини чеклаш, муносабат билдириш каби ақлий салоҳият барҳам топди. Мутелик ва тобелик кайфияти чуқур илдиз отди. Бу аста-секинлик билан ўз ўтмишини унугиш, келажакка кўр-кўронна назар ташлаш ва шунчаки кун кечириш кайфиятини чуқурлаштириди.

Коммунистик мафкура одамлар қалбига таҳдиц солди. Ҳукмрон ғоя олдида фуқаро ўзини ночор ҳис этадиган, ўз имкониятларини рўёбга чиқаролмайдиган жонзотга айланди. Ана шундай тарзда ҳалқнинг эркин меҳнат қилишга бўлган рағбати сўндирилди.

Мустақил фикрлайдиган, юз бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил баҳо берадиган кишилар ўзбошимча, маҳмадона деб қораланар, тазийикқа олинар эди. Бу тузум шундай носоғлом мухитни вужудга келтирган эдики, натижада лаёқатсиз, фикрсиз, лаганбардор, бошлиққа таъзим, ходимга зуғум кўрсатадиганлар қадрқиммат топиб яшарди. Негаки, мустамлакачилик сиёсатининг табиати шуни тақозо қиласи эди.

Буларнинг барчаси жамиятнинг маънавий таназзулини тезлаштириди. Ҳалқ манфаатини ўйлаган, унинг онигига нур, қалбига зиё бағишлашга интилган, виждан ва ақл билан ишлашга, хуррият учун курашга

ТАТУ ҚИТУВҲОСАНИ

36155 SONLI

нистонда узоқ давом этган уруш тугагач, Совет раҳбариятининг чукур ўйламасдан бошқа бир мамлакат ички ишларига аралашганилиги аниқ бўлди. 1990 йилларда ҳам, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларида инсонийлашув тенденцияларининг пайдо бўлаётганини, зўравонликларнинг ибтидоийлашаётган ҳодиса сифатида тан олинаётганини совет раҳбарлари пайқашмас эди. Улар ҳатто дунёга эгалик қилиш каби ленинча тафаккурдан холос бўлмаганилигини кўрсатади. СССР Мудофаа Вазири Д.Т.Язов КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросида қўшни мамлакатда амалга оширилган «интернационал бурч»нинг ўн йиллик якунлари хусусида ҳисобот берди. 1979 йил декабридан 1989 февралигача Афғонистоннинг тоғли йўлларини 546 минг 255 Совет ҳарбийлари босиб ўтди. «Интернационал бурчи»ни бажара туриб 13 минг 826 киши, шундан 1977 офицер курбон бўлди. Афсуски, уларнинг асосий қисми мусулмон ҳалқларнинг, жумладан, ўзбек ҳалқи вакиллари эди. Айни ана шу уруш келтирган зарар бир неча ўн миллиард сўмни ташкил этади.

Совет ҳукумати 1980 йилларда амалга оширган бу хунрезликлар ҳалқлар отаси Сталин ибораси билан айтганда «вазифани бажаришга интилиш керак, курбонлар билан ҳисоблашмаслик лозим», деган гоясининг амалдаги кўриниши эди.

Репрессия ва қон тўкишлар Совет ҳокимиятининг доимий иш усули эди. Турли даврларда, турли номлар ва баҳоналар билан ҳалқни қириш, миллатнинг энг сара вакилларини йўқ қилиш тамойилга айланиб қолган эди. «Эрон жосуси», «Хитой жосуси», «Ҳалқ душмани», «Ёт унсурлар», «Бузгунчилар», «Иродасизлар» сингари турли номлар билан миллионлаб кишилар қатл этилган ва сургун этилган.

«Қабоҳат салтанати» китобида келтирилишича, 1917—1929 йилги фуқаролар урушида 15 миллион киши, 1929—1933 йилги очлик даврида 8 миллион киши, 1933—1939 йилдаги қатағонларда 16 миллион, 1945—1954 йиллардаги сургунлар ва очликдан 4 миллион киши курбон бўлган. Хулоса қилиб айтганда, Совет тузуми айни ана шу йилларда ўз аҳолисининг учдан бир қисмини — етмиш миллиондан зиёдини атайлаб йўқотган.

«Босмачилик» номи билан «миллий озодлик ҳаракати»га қўшилганлардан 16 йил давомида 1 миллион 200 минг ўзбек курбон бўлди. Бир ярим миллион мусулмон худосизлар жамияти билан келишолмай хорижга

чиқиб кетди. 1 миллион 700 минг киши «босмачилик ҳаракати»ни қўллаб-кувватлаганлиқда айбланиб, Сибирга сургун қилинди (Ўша манба. 24—25-бетлар).

Фақат шугина эмас. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон чор ҳукумати сиёсати даврида қандай бўлса, ўшандай стратегик аҳамиятга эга бўлган майдонга айлантирилди. Аникроғи, СССРнинг пахта мустақиллиги сиёсати Ўзбекистон орқали амалга оширилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг пахтадан бошқа ҳамма соҳалари қисқартириб юборилди. Ўзбеклар фақат пахта етиштирувчи деҳқонларга айлантирилди. Саноат, транспорт, алоқа тармоқлари энг қуий кўрсаткичларда амалга оширилди. Ихтимоий соҳа, фан, таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш иттифоқ кўрсаткичидан энг паст даражада ташкил этилган. Экологик муаммолар аста-секинлик билан чукурлашиб бориб, охир-оқибатда бутун инсоният фожиасига айлантирилди.

Бир қараашда Брежнев раҳбарлик қилган даврларда мамлакатда бир мунча сокинлик ва тинч тараққиёт таъминлангандай эди. Бироқ инсоннинг энг катта иқтидори — даҳолик қудрати сўндирилди. У тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш воситаси бўлиб қолди. Фикрламай яшаш, инсон тафаккурини чеклаш, муносабат билдириш каби ақлий салоҳият барҳам топди. Мутелик ва тобелик кайфияти чукур илдиз отди. Бу аста-секинлик билан ўз ўтмишини унудиши, келажакка кўр-кўронна назар ташлаш ва шунчаки кун кечириш кайфиятини чукурлаштириди.

Коммунистик мафкура одамлар қалбига таҳдид солди. Ҳукмрон ғоя олдида фуқаро ўзини ночор ҳис этадиган, ўз имкониятларини рӯёбга чиқаролмайдиган жонзотга айланди. Ана шундай тарзда халқнинг эркин меҳнат қилишга бўлган рағбати сўндирилди.

Мустақил фикрлайдиган, юз бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил баҳо берадиган кишилар ўзбошимча, маҳмадона деб қораланар, тазийиққа олинар эди. Бу тузум шундай нософлом мухитни вужудга келтирган эдики, натижада лаёқатсиз, фикрсиз, лаганбардор, бошлиққа таъзим, ходимга зуфум кўрсатадиганлар қадр-қиммат топиб яшарди. Негаки, мустамлакачилик сиёсатининг табиати шуни тақозо қиласи эди.

Буларнинг барчаси жамиятнинг маънавий таназзулни тезлаштириди. Халқ манфаатини ўйлаган, унинг онигига нур, қалбига зиё бағишлашга интилган, виждан ва ақл билан ишлашга, хуррият учун курашга

чорлаганлар эса коммунистик партияning лаббайгүй югурдаклари томонидан сўроқ-терговга тутилар, маънавий жиҳатдан бадном қилинар, баъзан эса ҳатто жисмоний маҳв ҳам этилар эди.

Натижада бундай беаёв ва шафқатсиз бедодликлардан огоҳ бўлиб турган ҳалқ бутуnlай умидсизликка тушди. Жамиятда на партияга, на сиёсатга, на давлат ва унинг йўлбошчиларига ишонч қолди. Йишончидан айрилган киши эса руҳан ўлиқдир.

Маълумки, руҳияти шикаста ва озурда, ҳадик ва қўркув гирдобига тушган одамда яратишга, бунёд этишга интилиш бўлмайди. Ва ҳатто ҳаётга, яшашга рағбат ҳам шунчаки «кун кўриш»га айланади.

Ҳаётта бефарқ қараш, лоқайдлик аксарият кўпчиликнинг яшаш тарзига айланди. «Совет кишиси» ўз соясидан чўчиб яшайдиган бўлиб қолди. Чунки юрагининг туб-тубига қўркув билан қозиқ қилиб қоқилган тобелик, мутелик туйғуси уни тирик мурда ҳолига солиб кўйган эди.

Тарихий тажриба ҳар қандай ислоҳот ва янгилашилар энг аввало инсон онги ва қалби орқали ўтган тақдирдагина самарали натижа беришини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда озодликнинг ilk кунлариданоқ одамлар онги ва тафаккурини ўзгартиришга эътибор бериб келинмоқда. «Иқтисодий ислоҳотларни ҳал этиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо маънавий ислоҳотлар, қуллик ва мутелик исказнисидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш — бу дунёда бундан ортиқроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ». Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ баён этган бу фикр халқни маърифий уйғоқликка чорлаш йўлидаги оташин даъват бўлиш билан бирга, бу соҳадаги ишларимизнинг асосий йўналишларини ҳам белгилаб берган эди.

Дунёда ҳеч ким ер юзида жаннат яратган эмас. Бироқ, Ўзбекистон Совет ҳокимияти даврида Ленин ва ленинчиларнинг саъи-ҳаракати билан дўзахга айлантирилгани тарихий ҳақиқат. Зотан, бу фожиаларни, бу кўргиликларни тарих, миллат ҳеч қачон унутмайди. Айни ана шундай ғояни амалга оширишнинг янги, цивилизациялашган, замонавий шаклини ўйлаб топган М.Горбачев «қайта куриш» сиёсати стратегиясини ишлаб чиққани ва амалда қўллагани ҳақиқатдан ҳам

ленинизмга садоқатлилигини кўрсатди. Айни пайтда ўзига хос «новатор» сифатида Ленин фояларини амалга оширишнинг янги шаклини амалда жорий этди. У 1987 йил, октябрь ойида КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросида нутқ сўзлаб, ўз мақсадини аниқ-равшан ўргага ташлади ва «Лениндан бизгача кўприк ташлаш лозим. Бугунги кундаги ишларимиз билан ўша даврдаги воқеаларга ленинча муносабат ўргасида алоқа ўрнатиш лозим. Бу — диалектика. Ленин ҳал этган масалалар — бу ҳозирги вазифаларни ҳал этиш учун калитдир», деди ва айни ўша зўравонлик ва яккаҳокимлик фояси, ҳалқларни хонавайрон қилиш йўли билан ҳокимиятни мустаҳкамлаш позициясининг мавжудлигини кўрсатди.

Лениннинг шахси, унинг сиёсий позицияси хусусида гапирав экан, машҳур рус олим Н.Бердяев пролетариат «дохий»сининг қуйидаги гапини келтиради: «Нимаики инқилобга хизмат қиласа — барчаси эзгулик, унга ҳалақит берадиган ҳамма нарса — ёвузликдир».

Бундай кескин ва бир ёқлама қарааш 70 йил мобайнида яшади. Бироқ, турли даврларда турли шаклга кирди. Дейлик, Горбачев тилида «Нимаики Коммунистик мафкурага хизмат қиласа — эзгулик. Унга зид бўлган ҳар қандай фикр — ёвузлик»ка айланди. Охир-оқибатда бутун ленинизм фояларини ҳам, яхлит жамиятни ҳам инқирозга олиб келди.

1990-йилларнинг охирига келиб вазият бирмунча ўзгарди. Бу айни демократик жараёнларнинг чуқурлашибиши ва уйгонаётган ҳалқнинг уйгонаётган, эврилаётган тафаккури билан боғлиқ бўлган ҳодиса эди. Бироқ ҳар бир республиканинг ижтимоий-сиёсий иқлими, тарихий жараённинг бориши бевосита ана шу республика раҳбарининг хатти-ҳаракати, ижтимоий-сиёсий жараёнлар бориши оқимига муносабати билан боғлиқ эди.

Сиёсий жасорат, сиёсий ирода, воқеликни тўғри англаш, тўғри баҳолаш ҳақиқий раҳбар учун ноёб фазилат. Демократия ҳақида кўпиртириб гапириб, зўравонлик режимини кучайтиришга интилган М.Горбачевнинг сиёсий йўли, аниқроғи, позицияси Ўзбекистон учун ва умуман миллий республикалар учун манфаатли эмас эди. Иттифоқдош республикалар раҳбарлари орасида биринчи бўлиб Й.А.Каримов М.Горбачевга буни рўй-рост айтди. Республика раҳбари сифатида ўз юргининг барча ютуғио нуқсонларига ўзини

чорлаганлар эса коммунистик партияning лаббайгүй югурдаклари томонидан сўроқ-терговга тутилар, маънавий жиҳатдан бадном қилинар, баъзан эса ҳатто жисмоний маҳв ҳам этилар эди.

Натижада бундай беаёв ва шафқатсиз бедодликлардан огоҳ бўлиб турган ҳалқ бутунлай умидсизликка тушди. Жамиятда на партияга, на сиёсатга, на давлат ва унинг йўлбошчиларига ишонч қолди. Ишончидан айрилган киши эса руҳан ўлиkdir.

Маълумки, руҳияти шикаста ва озурда, ҳадик ва кўркув гирдобига тушган одамда яратишга, бунёд этишга интилиш бўлмайди. Ва ҳатто ҳаётга, яшашга рағбат ҳам шунчаки «кун кўриш»га айланади.

Ҳаётта бефарқ қарааш, лоқайдлик аксарият кўпчиликнинг яшаш тарзига айланди. «Совет кишиси» ўз соясидан чўчиб яшайдиган бўлиб қолди. Чунки юрагининг туб-тубига кўркув билан қозиқ қилиб қоқилган тобелик, мутелик туйфуси уни тирик мурда ҳолига солиб қўйган эди.

Тарихий тажриба ҳар қандай ислоҳот ва янгилашилар энг аввало инсон онги ва қалби орқали ўтган тақдирдагина самарали натижада беришини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда озодликнинг илк кунлариданоқ одамлар онги ва тафаккурини ўзгартиришга эътибор бериб келинмоқда. «Иқтисодий ислоҳотларни ҳал этиш мумкин. Ҳалқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо маънавий ислоҳотлар, қуллик ва мутелик иссанжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш — бу дунёда бундан ортиқроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ». Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ баён этган бу фикр ҳалқни маърифий уйғоқликка чорлаш йўлидаги оташин даъват бўлиш билан бирга, бу соҳадаги ишларимизнинг асосий йўналишларини ҳам белгилаб берган эди.

Дунёда ҳеч ким ер юзида жаннат яратган эмас. Бироқ, Ўзбекистон Совет ҳокимияти даврида Ленин ва ленинчиларнинг саъии-ҳаракати билан дўзахга айлантирилгани тарихий ҳақиқат. Зотан, бу фожиаларни, бу кўргилликларни тарих, миллат ҳеч қачон унутмайди. Айни ана шундайояни амалга оширишнинг янги, цивилизациялашган, замонавий шаклини ўйлаб топган М.Горбачев «қайта куриш» сиёсати стратегиясини ишлаб чиққани ва амалда кўллагани ҳақиқатдан ҳам

ленинизмга садоқатлилигини кўрсатди. Айни пайтда ўзига хос «новатор» сифатида Ленин фояларини амалга оширишнинг янги шаклини амалда жорий этди. У 1987 йил, октябрь ойида КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросида нутқ сўзлаб, ўз мақсадини аниқ-равшан ўртага ташлади ва «Лениндан бизгача кўприк ташлаш лозим. Бугунги кундаги ишларимиз билан ўша даврдаги воқеаларга ленинча муносабат ўртасида алоқа ўрнатиш лозим. Бу — диалектика. Ленин ҳал этган масалалар — бу ҳозирги вазифаларни ҳал этиш учун калитдир», деди ва айни ўша зўравонлик ва яккаҳокимлик фояси, халқларни хонавайрон қилиш йўли билан ҳокимиятни мустаҳкамлаш позициясининг мавжудлигини кўрсатди.

Лениннинг шахси, унинг сиёсий позицияси хусусида гапирав экан, машхур рус олими Н.Бердяев пролетариат «доҳий»сининг қўйидаги гапини келтиради: «Нимаики инқилобга хизмат қиласа — барчаси эзгулик, унга ҳалақит берадиган ҳамма нарса — ёвузликдир».

Бундай кескин ва бир ёқлама қарааш 70 йил мобайнида яшади. Бироқ, турли даврларда турли шаклга кирди. Дейлиқ, Горбачев тилида «Нимаики Коммунистик мафкурага хизмат қиласа — эзгулик. Унга зид бўлган ҳар қандай фикр — ёвузлик»ка айланди. Охир-оқибатда бутун ленинизм фояларини ҳам, яхлит жамиятни ҳам инқизрозга олиб келди.

1990-йилларнинг охирига келиб вазият бирмунча ўзгарди. Бу айни демократик жараёнларнинг чукурлашиши ва уйгонаётган халқнинг уйгонаётган, эврилаётган тафаккури билан боғлиқ бўлган ҳодиса эди. Бироқ ҳар бир республиканинг ижтимоий-сиёсий иқлими, тарихий жараённинг бориши бевосита ана шу республика раҳбарининг хатти-ҳаракати, ижтимоий-сиёсий жараёнлар бориши оқимига муносабати билан боғлиқ эди.

Сиёсий жасорат, сиёсий ироди, воқеликни тўғри англаш, тўғри баҳолаш ҳақиқий раҳбар учун ноёб фазилат. Демократия ҳақида кўпиртириб гапириб, зўравонлик режимиини кучайтиришга интилган М.Горбачевнинг сиёсий йўли, аникрофи, позицияси Ўзбекистон учун ва умуман миллий республикалар учун манфаатли эмас эди. Иттифоқдош республикалар раҳбарлари орасида биринчи бўлиб Й.А.Каримов М.Горбачевга буни рўй-рост айтди. Республика раҳбари сифатида ўз юртининг барча ютуғиу нуқсоnlарига ўзини

қалқон қилди. Раҳбар сифатидаги қатый ва мустаҳкам иродасини кўрсатди. И.А.Каримовнинг бундай феъл-автори ва хатти-ҳаракатига ҳар ким ҳар хил баҳо берди. Жумладан, М.Горбачев уни шартакиликка, бетгачопарликка йўйса, унинг гумашталари бу фикрарини қўллаб-кувватлашди. Ўзбеклар қаторида барча совет халқи эса И.А.Каримов интилишларини қўллаб-кувватлади. Чунки, И.А.Каримов позицияси нафақат қардош республикалар халқлари, балки Россия аҳолиси манфаатларини ҳам ўзида мужассам этган эди. Шунинг учун ҳам Москва нашрларидан бири «Ўзбекистон Президенти И.Каримов иттифоқ миқёсидаги сиёсий арбоб сифатида СССР халқ депутатларининг IV съезди кунларида туғилди. У М.Горбачевни қаттиқ танқид қилиб, «команда»ни ўзгартиришни талаб қилиди. Кўпчилик учун бу буткул кутилмаган ҳодиса эди. Узоқ йиллар мобайнида анъанага кўра Ўрта Осиё республикалари олий раҳбарлари Марказ сиёсатига эргашиб юрар эдилар. Қандай ўзгариш юз берди? Каримов ўз кучига бундай қатъиятли ишонч қаердан пайдо бўлди?» деб ёзган эди. Бундай ҳайрат ва ҳаяжонни тушуниш мумкин. Тўғри таъкидланганидек, 130 йилдан бери давом этётган мутелиқ кайфияти каттаю кичикини ўз домига тортган эди. Ўзбекистон раҳбари иттифоқдош республикалар раҳбарлари орасида биринчи бўлиб шаклланган сиёсий тафаккур оламида тўнтириш ясади. Янгича фикрлайдиган, жамиятда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни тўғри баҳолайдиган мард ва жасур кишилардан иборат янги «команда» тўплаши зарурат эканлигини, сиёсий демагогияга барҳам бериш вақти келганлигини очиқ-ойдин айтди. Шундай қилиб, И.А.Каримов айни ана шу қолипни—ленинча бошқарув тамойилларини чиппакка чиқарди. Дарвоҷе, у табиатан ҳеч қандай олдиндан тайёрланган ёки русумга айланган «қолип»га сифмайди! У айни ана шундай ўзига хослиги, ҳақиқат ва адолат йўлидаги ўта қайсарлиги ва ўжарлиги билан бутунлай янги типдаги раҳбар феноменини кашф этди.

Фақат шугина эмас. Аниқроғи, Москва нашрлари баён эттанидек, И.А.Каримов СССР халқ депутатлари съезди кунларида «туғилмади». У айни ана шу съезд минбарида Иттифоқ доирасидаги шаклланган ислоҳотчи, замонавий тафаккур эгаси сифатида СССРга танилди ва тан олинди, холос.

И.А.Каримов республика Давлат режа қўмитаси Ра-

иси ва Молия вазири бўлиб ишлаган пайтлардаёқ СССРдаги мавжуд ҳолатлар, сиёсий таназзул ва иқти-  
садий-ижтимоий чекинишлар ҳодисасидан хабардор эди.  
Айниқса, Қашқадарё вилояти раҳбари бўлган пайтлар-  
да Кремлнинг Ўзбекистонга муносабати орқали совет  
ҳокимииятининг зўравонлик сиёсати «куюшқон»дан чи-  
қиб кетаётганини пайқаган эди. Натижада, республика  
раҳбарлигига сайланганидан тўрт ой ўтар-ўтмас И.А. Ка-  
римов узоқ йиллар мобайнида вужудга келган қатъий  
хуросаларини Ўзбекистон КП МКнинг XVIII пленумида баён  
этди ва (1989 йил, 25 ноябр) «Барча масалаларни ҳал этиш учун сиёсий системани ислоҳ қилиш зарур», деди.

Ана шу биргина сўз бутун Совет ҳукумати сиёсий тизимини, ленинча таълимотнинг «инқилобий» ҳара-  
катини ларзага келтирди. Горбачев бошлиқ арбоблар  
салтанатини талвасага солиб қўйди. Буни нималарда  
кўриш мумкин?

**Биринчидан**, мавжуд ва ҳукмрон сиёсий системани ислоҳ қилиш — совет жамиятини тубдан янгилашни  
тақозо этади.

**Иккинчидан**, КПСС раҳбар бўлган бошқарув тизими ва унинг бутун фаолиятини ислоҳ қилишга тўғри  
келади. Бу ўз-ўзидан ленинча бошқарув ва миллий сиёсатда туб бурилиш қилишни тақозо этади.

**Учинчидан**, иттифоқдош республикалар ва Марказ ўртасидаги муносабатларга аниқлик киритишни, уларнинг конституциявий ваколатларини кенгайтиришни  
талаб қиласди.

**Тўртингчидан**, гап агар фақат Ўзбекистон ҳақида бо-  
раётган бўлса, мавжуд сиёсий система яна давом эта-  
диган бўлса, Ўзбекистон СССР таркибидан чиқиб ке-  
тиши мумкинлигини кўрсатади.

**Бешинчидан**, сиёсий етакчининг тафаккур тарзи-  
ни, ижтимоий-сиёсий жараёнлар боришини олдиндан  
пайқаш, баҳолаш салоҳиятини ва, энг муҳими, Шахс  
сифатидаги сиёсий жасорат, сиёсий қатъият, мислсиз  
ицода ва юксак маданият фазилатларини кўрсатади.

И.А. Каримов воқеликка реал қарайди ва уни реал  
баҳолайди. Кутимагандага ўта аниқлик билан иш юри-  
тади. Шунинг учун ҳам у ўзининг яқин ўтмишдошли-  
ридан кескин фарқ қиласди. Шунинг учун ҳам И.А. Ка-  
римов қисқа фурсатда халқни ўзига торта билди. Унинг  
мислсиз ишончини қозонди. 1980-йилларнинг таҳлика-  
лари ва умидсизликларини, тушкун кайфияти ва озур-

да руҳиятини моҳирлик билан енгди. Халқни тўла са-  
фарбарликка, яқдилликка йўналтира олди. Бу жаҳон  
бошқарув тарихида камдан-кам юз берадиган ҳодиса.

И.А.Каримов тарихан жуда қисқа вақтда ўзини «та-  
факкур инқилобчиси» сифатида кўрсатди. Бу унинг учун  
атайлаб, ислоҳотлар қилиш узоқ йиллар мобайнида  
инсон тафаккурини ўраб-чирмаб олган фикрлаш тар-  
зини бузиш, бузғунчи ва шиддаткор оқимга қарши  
туришга интилиш орқали эмас, аксинча, табиий ҳолат-  
да, шахсий фазилатлари, ички имкониятлари, қобилия-  
ти туфайли юзага келаётган, вақт ўтгани сайин шакл-  
ланиб бораётган воқелик сифатидаги феноменидан ке-  
либ чиқади.

Дарҳақиқат, И.А.Каримов феъл-автори, тафаккур  
тарзи жиҳатидан ўзидан олдинги андозаларнинг тор,  
биқиқ ўлчовларига сигмайди. Худди ана шу фазилатла-  
ри туфайли ҳам бугун сиёсий тизимни синдириб таш-  
лашга журъат этди. Иқтисодий-ижтимоий бўхронлар,  
маънавий-руҳий парокандаликлар, сиёсий ва ғоявий  
таназзулларни ҳаммадан олдин кўра билди. Тоталитар  
ақидапарастлик ва сиёсий доктрина шароитининг то-  
бора чукурлашиб бораётганини бошқалардан олдинроқ  
пайқади ва катта жасорат билан унга қарши чиқди.  
Ана шу тарзда жамиятни тубдан янгилашга журъат этди.

И.А.Каримов ўзининг радикал фикрлари ва воқелик-  
ка куттимаганда, фавқулодда ёндопшувлари билан со-  
ветлар империясининг инқирозини тезлаштиргди. Ком-  
мунистик афсонанинг сароблагини исбот этди. Ўзбекист-  
онни, қолаверса, барча иттифоқдош республикаларни  
ғоявий таназзул гирдобига торган совет тоталитариз-  
мига қарши тура олди ва уни қатъият билан енгди.  
Ҳарбий коммунизм ва фуқаролар социализмининг ле-  
нинча ғоялари уйдирмаларини фош этиш билан ўзининг  
ноёб мафкуравий ва сиёсий жиҳатдан бутунлай янги,  
тасаввуримизга сигмайдиган дунёнинг кашф этувчиси  
сифатида кўрсата олди.

Бошқача қилиб айтганда, И.А.Каримов феномени  
ҳақидаги мулоҳазалар шахснинг тарихдаги ўрни тўғри-  
сидаги фикргина эмас. Балки, тарихнинг шахс бораси-  
да тақдирни ва қадрияти билан боғлиқлиги ҳамдир. Зо-  
тан, камдан-кам тарихий шахслар тарихнинг туб бури-  
лиш нуқтасини белгилаб берадилар, жараёнлар ва тур-  
муш тарзининг бир хилдаги оқимини кескин ўзгарти-  
риб юборадилар. Бутунлай янги, ҳаётбахш ва ҳузур-  
бахш турмуш кечириш, аниқроғи, Инсон ва Инсони-

ят тақдиридаги мислсиз маънавий кўтарилишлар даврини бошлаб берадилар.

Ана шу нуқтаи назардан қараганда, И.А.Каримов шахси халқимизнинг тарихий тақдири, унинг кечинмалари, изтироб ва қувончлари сифатида вужудга келди. Бошқача қилиб айтганда, И.А.Каримов феномени ўзбек халқининг миллӣ қадриятлари ва руҳияти, миллат сифатидаги феномени орқали умуминсоний қадриятлар ва умумжаҳон сиёсати феноменига айланди.

Тарих филдирагининг бир текисдаги ҳаракатини, меъёрини бузиш ҳамма вақт ҳам қувончли бўлавермайди. Бу бир жиҳатдан ислоҳотчининг мўлжални қайдаражада тўғри олгани билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, айни шу ҳаракатни ҳалокатларга йўл қўймасдан, синаб кўрилмаган, бирор юрмаган хавфли-хатарли довондаги ишончли ҳаракатни тъминлаш ҳамдир. Ана шу тарзда учинчи энг муҳим масала юзага келади. Бу бевосита шахс ҳаёти, тақдири билан боғлиқ бўлган ҳодиса. Қатъият, журъат, вазиятни ўз вақтида баҳолай билиш, бошинг устида гурзи кўтариб турган одам билан тинимсиз курашаётуб ўзингни асраш ҳам керак. Ана шу мўлжал ва муносабатдаги энг кичик бир хато бутун хонумонингни куйдириб юбориши ҳеч гап эмас.

Хуллас, И.А.Каримовнинг Кремль билан муносабатлари шу даражада кескин эдик, у улкан арбобларнинг демократия ва ошкоралик foялари атрофидағи бир-бирига зид, бир-бирини инкор этадиган фикрлари билан мутлақо келишолмас, совет тоталитаризми намояндлари ва коммунистик эртакчиларнинг дунёқараши noctor эканлигини чукур англар эди. Айни пайтда М.Горбачев бошлиқ коммунистлар И.А.Каримовнинг қатъий ислоҳотчи, радикал янгиланишлар тарафдори сифатидаги прагматик сиёсатини мутлақо ёқтирилмас эдилар. Чунки, И.А.Каримов қарашлари улар манфаатига бутунлай зид эди.

Бошқача қилиб айтганда, раҳбарлик фаолиятининг дастлабки йилларида И.А.Каримов сандон билан болғанинг орасида яшади. Ана шундай ҳолатга тушган кишининг изтироблари, қалб оғриқлари ва руҳий кечинмалари эса, унинг ўзигагина маълум.

Шундай қилиб, 1980-йилларнинг «қайта қуриш» ниқобидаги шафқатсиз тазииклари тўлқинлари И.Каримов сиёсий жасорати ва қатъий иродасининг мислсиз қоясига келиб урилади. Бу тўқнашув истибодд ва истиқтол, мустамлакачилик ва мустақиллик ўртасидаги

бебаёв курашнинг ёрқин ифодаси сифатида тарихда муҳрланиб қолди.

## 2. ТАФАККУРДАГИ ЭВРИЛИШ

Маълумки, Шароф Рашидов вафотидан сўнг Ўзбекистонда парокандалик вужудга келди. Сабаби ўша пайтдаги биринчи раҳбарнинг ўта бўшанглиги, мустақил фикрга эга эмаслиги ва мунофиқлиги туфайли бутун мамлакат ва миллият бадном этилди, ўзбек пораҳўр, боқиманда, текинхўр ва олибсотар сифатида шармандаю шармисор қилинди. Бу шунчаки тасодифий ҳодиса эмас, балки ўша пайтдаги раҳбариятнинг Марказ билан биргаликдаги сиёсий йўли, пишиқ-пухта ишлаб чиқилган концепцияси, ҳар томонлама ўйлаб, ақл-идрок билан амалга оширилаётган ниятлари эди. Натижада минг-минглаб иқтидорли, раҳбарлик маҳоратини пухта эгаллаган, республикани ҳар қандай шароитда ҳам тургунлик ҳолатидан олиб чиқа биладиган истеъдодли раҳбар кадрлар атайлаб йўқ қилинди. Бу халқ руҳиятига қаттиқ таъсир қилди, қалбини жароҳатлади. Бунинг устига баъзи вилоятлар, туманлар, вазирликлар бирлаштирилиб аҳолини чалғитиши, атайлаб муаммоларни чуқурлаштириши, масалаларни ҳал этиши ўрнига онгли равишда чигаллаштириб юбориш ҳоллари юз берди. Бу ва шунга ўхшаш яна бир қанча омиллар бор.

Айтиш мумкинки, қизил империя ва коммунистик мафкура XX асрнинг 80-йилларига келиб, ўз келажигининг унчалик ҳам ёруғ эмаслигини, узокқа бормаслигини пайқай бошлади. Энди у чўғ устида ўтирган одамдек ўзини ҳар тарафга ташлашга, бу таҳликали ва охир-оқибати номаълум, туманли ва рутубатли истиқбол қаршисида қандайдир йўл топиш талвасасига тушшиб қолди. Бошқача айтганда, совет тузуми ўз ҳаққини, инсоний шаъни ва яшаш ҳуқуқини талаб қила бошлаган одамларнинг кудратли тўлқинига дуч келган, бу тўлқин уни гарқ қилиб юбориши ҳеч гап эмас эди. Шу боис у чўкаётган кимса каби «хасга ҳам, хашакка ҳам ёпиша бошлаган» бир ҳолатда эди.

Хуллас, коммунистик мафкура хоҳлайдими-йўқми, ўз foяларини қисман ўзгартириши, иш услубининг янги шаклларини излаб топиши, қисқаси, қандайдир ўзгариш қилиши керак эди. Ана шу ҳаракатларнинг маҳсулли сифатида Горбачевча «қайта куриш» сиёсати дунёга келди.

Бир қарашда, қайта қуриш сиёсати мамлакатда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг ҳақ-хукуқлари ва эркинликларини кенгайтириш борасида маълум даражада ижобий силжишларга олиб келди. Бироқ бу асл манзаранинг ташки кўриниши эди, холос.

Бу сирти ялтироқ, ичи қалтироқ жамиятда ойнанинг тескари, аммо ҳақиқий томони ҳам бор эди. Бунда энг оддий ҳақиқатларни очиқдан-очиқ тан олмаслик, жizzакилик, ашаддий ва эҳтиросли сиёсий ўйинлар, турли кичик халқларни хонавайрон қилгувчи ҳийла-найранглар, иттифоқдош республикаларга «тошини пахтага ўраб отиш» сингари тажовузлар, Бош Котиб қиёфасидаги сиёсий чайқовчилик кўринишлари кучайиб борар эди. Бу — биринчидан.

Иккинчидан, қандайдир сиёсий нуфузга эришиш, машҳурлик даъво қилиш, ном чиқаришга интилиш, йирик мансаб курсиларини эгаллаш касаллигига учраган «демократ»лар ўйини авж олди. Айни пайтда бу бутун мамлакат бўйлаб хавф-хатар келтирувчи сурункали касалликка айланди. Натижада иттифоқнинг турли бурчакларида турли кўринишдаги шиорбозликлар, сўзамолликлар, шармандали тарзда бир-бирини рад этувчи, бир-бирини инкор қилувчи, тўғри келиб қолса, мавҳ этувчи ҳар хил ҳаракатлар юзага келди. Буларнинг бари бутун мамлакатда сиёсий-маънавий муҳитни лойқалатиб юборди.

Аслида бунинг ўзига хос сабаблари бор эди. Жумладан, узок یиллар мобайнида инсон ҳукуқларининг чекланганлиги, сўз ва фикр эркинлигининг йўқлиги, иқтисодий тараққиётнинг жар ёқасига бориб қолганлиги, мудхиш қатағонларнинг ташкил этилиши, аҳолини доимий равища кўркув ва ҳадик билан яшашга мажбур қилиш ана шу сабаблардан эди. Қайта қуриш сиёсати, юқорида айтганимиздек, одамларга бирмунча эркинлик берди.

Бироқ бу эркинликнинг маънавий, ҳукуқий, сиёсий ва иқтисодий асоси бўлмаганлиги боис, у шунчаки, ўткинчи ҳодисага айланди. Ҳокимиятнинг энг баланд курсиларини эгаллаган кишиларда эса аниқ дастурлар, мамлакат истиқболини белгилайдиган, уни та-наззул ботқоғидан олиб чиқишига қодир бўлган сиёсий ирода, маънавий қудрат, ички маданият ва донишманд давлат арбобларига хос муҳим фазилатлар етишмади. Натижада уларнинг ўзи ҳам шаклан турлича

бўлган, моҳияттан бир-бирини тўлдирадиган, устаси фаранг найрангбозларга айланиб қолишиди.

Ўзбекистонда қарор топган сиёсий-маънавий муҳит СССР доирасига кирган бошқа республикаларга нисбатан анча жиддий, таҳликали, бесаранжом ва зиддијатли эди. Буни нималарда кўриш мумкин?

**Биринчидан**, Кремлинг кўлида кўғирчоққа айланниб қолган, мустақил фикрга эга бўлмаган, ўз миллат тимииздан чиққан мунофиқлар бутун Ўзбекистонни хонавайрон қилишиди. Миллат шаънига, унинг асрлар мобайнида тўплаган обрў-эътиборига, миллий қадриятларига доғ туширишиди. Бутун ўзбек халқини порахўр, лаганбардор, ўгри ва муттаҳам қилиб кўрсатишиди. Натижада юзлаб тажрибали ва етук, мамлакат равнақига чинакамига таъсир кўрсата оладиган раҳбарлар қасдан йўқ қилинди. Ваҳоланки, «пахта иши»га ўшаган салбий ҳодисалар Москвада ва бошқа иттифоқдош республикаларда ҳам турли шаклларда бундан ҳам оғирроқ, бундан ҳам даҳшатлироқ тарзда мавжуд эди. «Пахта иши» кейинроқ атайлаб «ўзбек иши»га айлантирилиб, халқимизнинг миллий нафсониятини топташ йўлига ўтилди. Оқибатда бутун республикамизда парокандалик, лоқайдлик, умидсизлик ва ишончсизлик кайфияти чукурлашди. Одамларнинг кўнгли жамиятдан ҳам, сиёсатдан ҳам совиди, саросималик ва таҳлика билан яшайдиган бўлди.

**Иккинчидан**, ўзларини миллатпарвар ва ватанпарвар қилиб кўрсатадиган сохта демократлар Ўзбекистонда ҳам пайдо бўлган, улар шундоқ ҳам танг аҳволда яшаётган аҳолининг кундалик ҳаётидаги етишмовчиликлардан унумли фойдаланиб қолишига интилар эдилар. Уларнинг мақсадлари иқтисодий ва ижтимоий муаммолар гирдобида гангиб қолган халқ ўртасида норозилик келтириб чиқариш ва шу йўл билан уларни ҳукуматга қарши оёққа турғазиш, турли хилдаги исён ва низоларни вужудга келтириш йўли билан ҳокимиятни эгаллаш эди.

Бундай сохта халқпарварларни СССРнинг турли бурчакларида, Москва ва бошқа шаҳарларда ҳомийлари, маслаҳатчилари, йўл-йўриқ кўрсатувчилари бор эди. Улар зарур бўлганда ҳам моддий, ҳам маънавий, керак бўлиб қолганда эса, жисмоний ва ҳарбий жиҳатдан ҳам ёрдам беришга тайёр эдилар. Ҳар икки томон фоллари мамлакатнинг оловли нуқталарида, муаммолар тўпланиб қолган жойларда, аҳолининг асаблари нис-

батан таранглашиб, иродаси синиб қолган жойларда изғиб юришарди. Йиллар мобайнида тўпланиб қолган масалаларни бирданига ҳал қилишнинг имкони борми-йўқми, янгими-эскими раҳбарият олдига кўндаланг қилиб қўйишарди. Минглаб одамларни ўзларига эргаштириб, кўча-кўйларда, майдонларда норозилик митинглари уюштиришарди. Ваҳоланки, бу оғир, мураккаб, машаққатли масалаларни ҳал этиш энг аввало барқарорликни, тинч-тотувликни, мулоҳазакорлик билан иш юритишни талаб этарди. «Бирлик» ҳалқ ҳаракати, «Эрк» демократик партияси худди ана шундай номақбул ва айни пайтда мамлакат ҳаёти учун ҳам, ҳалқ ҳаёти учун ҳам хатарли бўлган йўлни тутишди.

Умуман олганда, Ислом Каримов республика раҳбарлигига сайланганиданоқ Марказ билан ўзига хос «муносабат»да бўлди. Очикроқ айтганда, унинг қатъиятлилиги, ҳар томонга оғимасдан ўз фикрига эгалиги ва ўз йўлига событилиги «улуг оға»ларга унчалик ҳам ёқмасди. Иккинчидан, миллат манфаатига кўпроқ ён босгани, республика ички ҳаётидаги вазиятга чукурроқ кириб боргани сайин КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросида ҳам, СССР Олий Кенгаши ва Иттифоқ идораларида ҳам унга нисбатан муносабат кескинлаша бошлиди. Айниқса, юртимизни абгор қилиб Марказга «қочиб» борган бир гурӯҳ «собиқлар» бундай «кулай» фурсатдан фойдаланиб қолиш учун турли-туман ҳийлаю найрангларни ишга солиши. Қатор марказий нашрларда Ўзбекистон ва унинг раҳбариятига нисбатан ифвогарликлар уюштиришди. Бундай оғир, зиддијатли бир шароитда ишлаш давлат раҳбаридан алоҳида асаб, ниҳоятда вазминилик, пўлатдек мустаҳкам ирода талаб этади.

Ислом Каримов ана шундай зиддијатлар авж олган бир пайтда сиёсий майдонга чиқди! У ҳали мавжуд жараёнларни ўрганмай, таҳлил этиб улгурмай туриб айрим сиёсий партиялар, жумладан, «Бирлик» ҳалқ ҳаракати ва «Эрк» демократик партияси вакиллари «Каримов позициясини эълон қилмаяпти. Унинг аниқ дастури йўқ», деган таъна тошларини ҳам отдиilar. Турли митинглару йигилишларда очикдан-очиқ хужумга ўтдилар. Ана шундай пайтда Каримов рақибларга хурмат билан қарашиб, уларнинг фикрини дикқат билан эшитиш, зарур бўлса улардан ижобий хулосалар чиқариш, ҳалқ ва мамлакат манфаати учун ҳар қандай ифвогарликлар, тазииклару зўравонликлар, қолаверса мақтов-

лару хушомадгүйликларга бир хилда муносабатда бўлиш, фақат ақл-идрокка таяниб иш тутиш намунасини кўрсатди.

Мамлакат мураккаб ижтимоий сиёсий вазиятга тушиб қолган, турлича, бир-бирини инкор қиласдиган фикрлар хуружи авж олган бир пайтда гўёки «Бирлик» халқ ҳаракатининг «сиёсий ўйинчилари» демократия учун кураш бошладилар. Аслида эса уларнинг мақсадлари том маънодаги хуррият эмас, балки шахсий манфаат йўлида чет эллик гумашталарининг чилдирмасига тушаётган «ракс»лари эди. Аникроғи, уларнинг ортиқча шовқин-сурону жазавага тушишдан бошқа асосли фикрлари, ҳаётга, тарихий тажрибага таянган ва янгича шароитларни ҳисобга олиб конкрет воқелик чукур таҳлил этилган аниқ концепциялари йўқ эди. Улар воқеа ҳодисаларни юзаки баҳоладилар ва юзаки тушундилар. Ижтимоий-сиёсий жараёнлар боришини тўғри англай олмадилар, фикрлар майда, талаблар жўн, интилишлар эса ибтидоий, юксак сиёсий онглилик ва маданиятдан узоқ эди.

Масалан, улар СССР таркибида турган ҳолда, унинг бутун зўравонлиги ва мустамлакачилик сиёсатидан кутилмаган Ўзбекистонда демократияни йўлга қўйиш мумкин эмаслигини, демократия хусусида гапириш асоссиз ва мантиқсиз эканлигини тушунишмади. Кул кулликдан озод бўлмагунча эркин бўлолмаслиги, озод бўлгач эса кул эмаслиги оддий ҳаётий ҳақиқат. Мамлакат мустамлакачиликдан тўла озод бўлмагунча, мустақил давлат сифатида ўзини намоён этмагунча ҳар қандай эркинлик, хуррият ва демократия хусусидаги фикрлар кўчанинг гапи бўлиб қолаверади. Чунки, ўша пайтдаги мавжуд ўта марказлашган ва гоятда кучли бўлган, такомиллашган истилочилик сиёсий механизмининг шиддатли ҳаракатини, атоқли файласуф Ҳ.Пўлатов айтганидек, тўхтатиш, уни бошқа изга солиш ҳеч кимнинг қўлидан келмас эди. Бундай қилишга уринган ҳар қандай арбобни, унга қўшиб бутун халқни КПСС деб аталган сиёсий машина мажақлаб ташлар эди.

Ана шундай пайтда Каримовнинг ўзига хос сиёсий йўли, масалага ёндошиш усули, ижтимоий-сиёсий жараёнлар боришини ўта нозик ва чукуранглай олиш салоҳияти кўзга ташланди. У айрим пайтларда ўта хужумкор, айрим пайтларда эса, зарурат туғилганда шароит тақозоси билан чекинишга ёки мудофаа йўлига ўтиб олишда фавқулодда тадбиркорлик кўрсатади. Етти ўлчаб

бир кесади. Ана шундай феъл-атворига мос равища хуррият ва демократияга муносабатда ҳам ўзига хос тактика ва стратегияси борлигини ёрқин намоён этди.

Учинчидан, Шароф Рашидов вафотидан сўнг ҳаёт пайтида унинг этагини тутиб сифинган айрим ноқобил ва сотқин шогирдлар бу атоқли раҳбарнинг обрўсини тўкиш орқали мамлакатда норозиликни кучайтириш, одамларни чалғитиш, уларнинг руҳиятини синдириш, миллатни бўлиб ташлаш мақсадида ҳеч нарсадан то-йишимади. Жумладан, бальзи туманлар, вилоятлар ва турли вазирликларни қўшиб юбориш орқали ана шу нијатларига етмоқчи бўлишди.

Туман ва вилоятларнинг қўшиб юборилиши мамлакат иқтисодий тараққиётига кескин зарба бериш билан бирга одамлар кайфиятига ҳам жуда қаттиқ салбий таъсир кўрсатди. Нафақаҳўрлар, ногиронлар, ёш болали оналар оддий бир ҳужжат учун юзлаб километрлаб йўл босиб, сарсон-саргардон кезишарди. Бу уларнинг кўпдан-кўп норозиликларига сабаб бўлган бўлса, иккинчи жиҳатдан, республика бошқарув тизимининг ўзида ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Чунки юзлаб бошқармалар, бирлашма, трестлар, бошқа идора ҳамда муассасаларни тарқатиб юбориш шу соҳа мутахассислари орасида ишсизликни келтириб чиқарар, қолаверса, ташкилий-ҳудудий муаммоларни баттар чукурлаштиради. Хулласки, бошқарувдаги бу номақбул «ислоҳот» аҳолининг турли табақаси ўртасида хилманил норозиликларга, жамиятда эса парокандаликка сабаб бўлди.

Тўргинчидан, аҳоли тифиз жойлашган, моддий жиҳатдан қатор етишмовчиликлар қуршовида қолган минтақаларда миллатлараро низоларни келтириб чиқариш ва шу йўл билан аҳолини асосий мақсад ва йўналишларидан чалғитиб, ўз ҳукмдорлигини сақлаб туришга интилган Кремль республикамиз ўша пайтлардаги раҳбариятининг ношудлигидан устамонлик билан фойдаланди. Юртимизда вужудга келган турли хилдаги тангликлар, жумладан, месхети туркларининг ўз тарихий ватанига қайтишдек адолатли талаблари юзасидан келиб чиқаётган норозиликларничувалаштириб қонли тўқнашувга олиб келди. Бу мунофиқ сиёсат ўзини ҳеч нарса билан оқлолмайди, тарих ҳамиша уни лаънатлаб ўтади. Кўғирчоқ раҳбарлар бутун миллатни, минг-минглаб хонадонларни ўзларининг вақтинчалик амал курсилари учун курбон қилдилар.

Марказда тайёрланган аниқ режа ва сиёсий кўрсатмалар ўз миллатимиз вакиллари орасидан чиққан мунофиқларнинг саъй-ҳаракати билан амалга оширилди. Ўрта Осиё халқлари ўртасига нифоқ солиш, уларни бир-бирига гиж-гижлашдан манфаатдор бўлган Москва ҳар қандай извогарликларга зўр беришга интилди. Тожикистон ва Қирғизистондаги ўзбеклар, Ўзбекистонда яшаётган тожиклар турмушидаги айрим камчиликлар бўрттириб кўрсатилди. Уларнинг олдини олиш ўрнига миллатларни гиж-гижлаш, адоватни кучайтиришга ҳаракат қилинди.

Ана шундай пайтда республикага раҳбар бўлиб турган Р.Нишоновнинг «Ибн Синони тожикларга бердик. Энди бу ҳар икки миллат ўртасидаги муаммолар ҳал бўлади» қабилидаги гаплари унинг фаҳм-фаросати нақадар noctor, сиёсий даражаси нақадар гарис ва нотавон эканлигини кўрсатади.

Президент Ислом Каримов табиатан жонсарак, беҳаловат ва куйинчак шахс. Айниқса, ўз foяси учун фидойи, ҳақ ва ҳақиқатни бутун вужуди билан ҳимоя қиласидиган сиёсатчи. Унинг ана шундай фазилати айниқса Республика раҳбарлигига сайланганидан сўнг яна ҳам ёрқинроқ кўзга ташлана бошланди. Чунончи, Фарғона воқеалари юз берган бир пайтда депутатлардан уни республика Олий Кенгаши сессиясида кенг муҳокама қилишни сўради. СССР Олий Кенгашидан бу фожиалар асосини чукур ўрганиш ва ўз вақтида сиёсий баҳо беришни талаб қилди. Унинг бевосита ташаббуси билан фашизмга қарши уруш йилларида ватанидан қувиб чиқарилган қатор халқларга ўз юртига қайтишга ёрдам бериш тўғрисида Декларация қабул қилинди ва СССР Олий Кенгашига тақдим этилди. Айтиш мумкинки, ўз вақтида катта сиёсий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган бундай ҳужжат (у қандай ҳал этилганидан қатъи назар) фақат Ўзбекистонда қабул қилинди ва унинг раҳбарияти ҳамда халқи хоҳиш-иродасининг ифодаси сифатида бутун СССРда эълон қилинди.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг биринчи котиби Р.Нишонов ана шу можароларга йўл очиб берганлиги учун боши « силанди »: СССР Олий Советининг Миллатлар Советига раис қилиб қўйилди. Айни миллатлараро низоларни кучайтиргани, одамлар ёстигини қуритгани эвазига! Депутатлар Фарғона воқеалирига сиёсий баҳо беришни талаб қилиб турган бир пайтда Нишонов: «Ҳаммаси яхши, ҳаммаси жойида.

Фарғонада тинчлик. У ерда икки безорининг бир чөлак қулупнай устидаги жанжали бўлган, холос», деб бамайлихотир ўтиришининг ўзи унинг шахс ва сиёсатчи сифатидаги маънавий қиёфасини яққол кўрсатади.

**Бешинчидан**, коммунистик мафкура арбобларининг жазаваси билан қайта қуриш йиллари ҳалқимиз қонқонига, жон-жонига сингиб кетган, кундалик турмуш тарзига айланган Ислом динига қарши кураш янада кескинлашди. У бидъат ва хурофт сифатида қораланди. «Дин — афъюндин» деган даҳрийлик шиори одамлар қалбини жароҳатлади. Бироқ иймон ва эътиқоди кучли бўлган ҳалқимизнинг асосий қисми юрагида динга муносабат ўзгармади, уни асраб-авайлаб юрди.

Жамиятда юз берган парокандалик пайтида диндан ўз манфаати йўлида фойдаланувчи айрим ақидапараст кимсалар ислом динини ҳимоя қилиш ниқобида қўпурвчилик ишлари билан шуғулланишди. Аллақандай диний партиялар, диний ҳокимиёт хусусида гаплар тарқатилди. Моддий қийинчилеклар гирдобига тушиб қолган аҳолининг кайфиятидан фойдаланишга, хукумат билан ҳалқ ўртасига нифоқ солишга уринишди. Наманганд, Андижон, Фарғона ва Тошкентда турли-туман митингбозликлар авж олиб кетди. Охир-оқибатда соҳта диндорларнинг ниқоби йиртилди.

**Ислом Каримов ана шундай** — муаммолар устига муаммолар қалашиб, масалаларчувалашиб кетган, мураккаб ва зиддиятли бир пайтда ҳокимиёт тепасига келди. У ўзи раҳбар этиб сайланган Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси плenумининг 1989 йил, 23 июннадаги йигилишидаёқ ўз позициясини аниқ-равшан кўрсатиб берди. Жумладан, мамлакатни жар ёқасидан қайтариб олиш, минтақада миллатлараро тутувлик ва барқарорликни бутун чоралар билан таъминлаш, тўплашиб қолган муаммоларни тезроқ бартараф этиш учун бутун куч ва имкониятларни жамлаб, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш кераклигини уқтириди. Қарашлар ва ғоялардан қатъи назар мамлакат ва ҳалқ манфаати йўлида бирлашиш зарурлигини, мавжуд кескин ва таҳликали вазият шуни талаб этаётганини, бунинг учун ўзининг ҳамма нарсага тайёр эканлигини такрор ва такрор айтди. Тўқнашув юз берган жойларга шахсан ўзи бориб, одамлар билан мулоқотда бўлди, уларни қийнаётган масалаларни ҳар жиҳатдан чукур ўрганди.

Ана шундай оғир ва зиддиятли бир пайтда Ислом Каримов биринчи навбатда республикада барқарорлик-

ни таъминлаш орқали ҳаётий эҳтиёжларни қондириш йўлини тутди. Партия Марказий Кўмитасининг кейинги олти ойлик фаолиятида тўрт марта пленум йиғилиши ўтказилди. Уларнинг барчасида миллатни миллат сифатида белгилайдиган асосий омиллар — маданий меросни ва тарих ҳақиқатини тиклаш, миллий урф-одатлар ва анъанааларни ривожлантириш, яқин ўтмишдаги руҳий кушандалик мағкурасига зид ҳолда ислом динининг юксак маънавият ва маданият воситаси эканлигини, у одамларни иисоғга, диёнатга, ўзаро тотувлик ва ҳамжиҳатликка даъват этувчи роят кучли қурол эканлиги Ислом Каримов томонидан очиқ-ойдин айтилди ва тўғри баҳоланди.

Муқаддас туйғулари топталиб, юраги зада бўлиб қолган халқ динга катта йўл очилгани, диний таълимотга катта зътибор берилаётганлигини зўр қониқиши билан кутиб олди: Республикада маънавий жиҳатдан соғлом, назарий жиҳатдан етук, амалий жиҳатдан баркамол сиёсат вужудга келаётганлигини пайқай бошлиди ва унга ишонди.

Ислом Каримовнинг сиёсатдаги ютуғи шундаки, у ҳамиша одамлар дилидаги кечинмаларни чуқур англайди, уларнинг энг нозик ҳисларига таъсир ўтказишни яхши билади. Шу сабаб у ҳаётдан кўнгли совиб, кўлинни ювиб кўлтиғига урган, можаролар ва қонли тўқнашувлар эзib юборган, файриинсоний сиёсат тегирмон тошлари орасида қолган халққа тўғридан-тўғри мурожаат қилди. Жумладан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг 1989 йил 19 августда бўлиб ўтган XVI пленумида: «Ўзбек халқининг виждони пок. Фарғона воқеалари ўзбек халқининг иродаси билан содир бўлмади. Бу воқеаларга тутуруқсиз ва гаразли мақсадларни кўзлаб, ким қандай бўёқ бермасин, тарих албаттга ўзининг адолатли хукмини чиқаради. Байнамилалчилик, меҳмондўстлик, яхшилик, қалб саховати ҳамиша ўзбек халқига хос фазилатлар бўлиб келди. Халқимиз ҳеч қачон бошқа халқларга нисбатан душманлик кайфиятида бўлмаган. Бу қадимий ва ҳозирги тарихимиздан олинган кўшина мисоллар билан исбот қилинган», деб халқимизнинг дардига дармон бўлди, унга чексиз тасалли берди.

Шу билан бирга сўнгти 8—10 йил мобайнида ўзбеклар ва Ўзбекистон бошига ағдарилиб келинган маломатни ювиб ташлашга қатъий аҳду паймон қилганини кескин билдири ва амалда исбот қилди.

Айни ўша пленумда Ислом Каримов: «Шунга аминманки, одам биргина яхши сўз туфайли, мажозий қилиб айтганда, тогни талқон қилиши мумкин. Афсуски, биз кейинги вақтда одамларга бундай муносабатда бўлишини деярли унугиб қўйдик. Чунки, одамга ишонч уни улуғлайди, ўз кучига ишонч бағишлайди. Бошқа томондан ишончсизлик, холисона муносабатда бўлмаслик одамларнинг ҳафсаласини шир қиласди ва шу туфайли биз қангчадан-қанча истеъдодли кишиларни бой бермокдамиз», дега афсус билан таъкидлаган эди. Бу муносабат ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги парокандалик ва бесаранжомликни бартараф этишнинг услугуб жиҳатдан халқона, шакл жиҳатдан миллӣ, мазмун жиҳатидан умумисоний қадриятларни ҳимоя қиласидиган сиёsat қарор то пайдиганидан далолат берар эди.

Масаланинг яна бир жиҳатига зътибор беришни истардик. 1983—1988 йиллардаги сиёсий-маънавий муҳитни мумкин қадар чукурроқ таҳдил этсак, унинг устида мулоҳаза юритсак муаммонинг моҳияти яхшироқ очилади. Демак, юқоридаги фикрлар баён этилган кундан роппа-роса беш йил муқаддам Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг 1984 йил XVI пленуми айни унинг тескарисини ашаддий тарзда баён қилган эди. Шу билан бирга тобелик ва мутеликнинг миллатбурушилик ва ватанбурушилик мазмунидаги сотқинлик қиёфасини кўрсатди. Марказий Кўмитанинг ўша пайтдаги биринчи котиби Усмонхўжаев узоқни кўра олмаслиги, қалбида Миллат ва Ватан туйғусининг заифлиги ҳамда иймонининг сустлиги туфайли Кремлга кўр-кўrona итоат билан иш юритди. Ўзбек ва ўзбекларнинг рўй-рост бадном бўлишига, шармандаи шармисор этилишига йўл қўйиб берди. Унинг раҳбарлигига ўтган ана шу пленум тарихимиизда машъум ном олди.

Муқоясадан кўриниб турибдики, демак, сиёсатчининг шахсий етуклиги сиёсатнинг етуклигига, раҳбарнинг маънавий баркамоллиги бошқарув тизимининг маънавий баркамоллигига бевосита боғлиқ.

Юқорида қайта қуриш сиёсатининг талвасага тушган ҳолатлари хусусида гапирган эдик. Ўша йиллари Горбачев мамлакатни таназзулдан олиб чиқиши йўлида бошини урмаган эшик қолмади. Гоҳ жадаллаштириш концепциясини ўйлаб топди, гоҳ фан-техника тараққиёти деб бутун мамлакатни алғов-далғов қилди. Ундан натижада чиқмагач, агросаноат комплексини қай-

та қуриш режаларини ишлаб чиқди. Шундан сўнг кадрлар сиёсати масаласини кўтарди. У ўзини қаёқقا урмасин, ҳаракатлари самарасиз бўлаверди. Бора-бора, энг муҳими — инсон омили эканлигини тушунди, бироқ энди кеч бўлиб қолган, фишт қолипдан кўчган эди.

Дарҳақиқат, инсон онги ва тафаккурида ўзгариш ясамагунча, унинг дунёқарашларини янги ижтимоий-сиёсий жараёнларга мослаштиrmагунча ҳар қандай ҳаракатлар бесамар ва фойдасизdir. Ислом Каримов эса мамлакат раҳбарлигига сайланганидан бошлабоқ халқ-қа суюнди, унинг ташвиш ва изтироблари билан яшади. Аҳоли руҳиятига таъсир қиласидиган, уни маънавий жиҳатдан кўллаб-куватлайдиган, ўзлигини англашига ёрдам берадиган усуllарни ишлаб чиқди ва ҳаётта тат-биқ этди.

Шўро тузуми даврида Ўзбекистон иқтисодини издан чиқариш, аҳолини қора меҳнатга маҳкум этиш, унинг бой ўтмиш маданиятидан, миллий қиёфа ва анъ-аналарни ўзида мужассам этган ёрқин ва рангин хотирасидан айириш мақсадида пахта яккаҳокимлигига зўр берилган эди. Қайта ишлаш саноати атай ривожлантирилмади. Халқнинг миллий урф-одатлари, анъаналари, жаҳон тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилган қадриятлари топталди.

Ислом Каримов Марказнинг ана шундай пишиқ-пухта стратегиясини ўзгартирмасдан туриб, Ўзбекистонда ижобий силжишлар қилиш мумкин эмаслигини дадил баён этди. Жумладан, пахтанинг харид нархини ошириш, унинг хукмронлигини камайтириш борасидаги талабларини Кремль олдига қатъий қилиб қўйди. Марказ олдига қўйилаётган янгидан-янги талаблар, Москва билан Тошкент ўртасидаги кўз илгамас зиддијатли муносабатлар ва кўрилаётган чора-тадбирларини ўз вақтида халққа маълум қилиб турди. Жумладан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг 1989 йил 19 августда бўлиб ўтган XVI пленумида: «Биз 1990 йил плани лойиҳаси билан Иттифоқ органларига икки марта учрашдик. КПСС Марказий Комитети, мамлакат Министрлар Совети ва Госплани раҳбарияти билан учрашдик. Бутун масъулиятни зиммамга олиб, шуни айта оламанки, пахта нархи масаласи яқин ойлар ичида кўриб чиқилади. Бу муаммони ҳал қилишимиз учун ҳисоб-китобларга кўра, камида бир ярим миллиард сўм талаб қилинади...

**Хозир очигини айтиш керак... Москвауда ўртага кўйган масалаларни ҳал қилишимиз қийин бўлягти. Биз раҳбарлар бу масалаларни қатъият билан, билимдошлик билан ўртага қўйишимиз, уларнинг ҳал этилишига изчиллик билан эришишимиз, ҳар қандай ҳолатда ҳам айни бирорларга тўнкамай ва бирорларнинг орқасига яширинмай, масъулиятни ўз зиммамизга олишимиз керак», деб аниқ-равшан кўрсатиб берди.**

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бир ярим миллиард сўм пул ўша пайтдаги қиймати бўйича жуда катта маблағ ҳисобланарди. Қолаверса, ўта хасис «оға»нинг «қандайдир» Ўзбекистонга шунча пул бериши унинг жонининг чиқиши билан баробар эди. Шунга қарамай, Ислом Каримов республика раҳбари сифатида энг қийин ва зиддиятли бир пайтда қанчалик оғир бўлмасин, ҳақиқат билан юзма-юз туришга ҳарарат қилди. Бу эса осон иш эмас эди. Бунга ҳамма ҳам чидай олмасди. Бунинг сабаби, шунда эдики, республика аҳолиси асосий кўпчилигининг сабр косаси тўлиб, ҳиссиётлар жунбушга келиб, кучли бир пўргана ҳаммаёқни текислаб кетиши мумкин бўлган вазият ҳар қандай раҳбарни ҳам ўйга солиб қўяр эди.

Қолаверса, Москва Ўзбекистондаги худди ана шундай вазиятдан фойдаланиш позициясида турарди. Бу ерда қанча кўп нохушлик юз берса, у ёқда шунчалик хушнудлик кайфияти кучаярди. Ана шундай таҳликали вазиятда Ислом Каримов, таъбир жоиз бўлса, икки ўт орасида ёки сандон билан болғанинг ўртасида қолган эди. Ва улкан давлат арбоби, донишманд сиёсатчига хос фазилатлари туфайли у бу мушкул вазият чангалидан мардоналик билан, ёруғ юз билан чиқа олди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг 1989 йил 25 ноябрда бўлиб ўтган XVIII пленуми республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида кескин бурилиш ясади. Унда Фарғона фожиалари мисолида миллий масаланинг тарихий жиҳатлари, ҳозирги аҳволи, миллий сиёсатнинг ижтимоий-иктисодий муаммолари, маданий-ахлоқий масалалари чуқур илмий холислик билан таҳлил этилди ва иттифоқ раҳбарияти олдига бу масалаларни ҳал этишни асосий вазифа қилиб қўйди. Жумладан:

**Биринчидан, Ўзбекистон ва ўзбеклар бошига ёfilaётган маломат тошларига чек қўйиш, «пахта иши», «ўзбеклар иши» деган уйдирмаларни бас қилиш, Москва матбуотида ўзбекларни шармандаи шармисор қила-**

диган, миллий нафсониятига тегадиган чиқишлиарни тұхтатиши зарур эканлиги үқтириб ўтилди.

Бундай талаблар жавобсиз қолавергач, жиддийрөк йүл тутишга тұғри келди. Шимолдан жанубга қараб чигирткадай ёпирилиб келиб, ҳамма ёқни ғорат қилаётгандың басын бадният ва шум мухбирлар йўли түсилди. Айрим газеталарнинг тарқатилиши тұхтатилди. Буни ҳар ким ҳар хил тушунди. Москваликлар ўзича, қўйнида пичоғини яшириб, орқамиздан пойлаб юрган «жайдари» миллатпарварлар ўзича. Кимдир дод-фарёд солди, асосан кўпчилик тұғри тушунди. Ҳақиқат ҳақиқатлигига қолди. Бақт ҳаммасига ўз баҳосини берди.

Шу ерда диққатингизга «Век» газетасининг 1995 йил 21—27 июль сонларида босилган бир мақоладан кўчирмани ҳавола этмоқчиман. Жумладан, унда шундай дейилади: «СССР парчаланиб кетганидан сўнг энг даҳшатли воқеа Ўзбекистонда юз бериши лозим эди. Лекин, бундай бўлмади. Каримов бирорта ҳам хатога йўл қўймади...

Каримовнинг митингларни тақиқлаб қўйиши қирғизлар, тожиклар билан ўзаро муносабатлардаги мураккаб вазифаларни ҳал этиш каби жуда тұғри иш эди. Унинг колхоз ва совхозлар раҳбарларини сайлаш эмас, балки тайинлаш тұғрисидаги таклифи ҳам ўринли эди. Агар шундай қилинмаганида охир-оқибат қандай бўлишини билиш қийин эди. Каримов мусулмон мамлакатлари билан муносабатларни ҳам заргарларга хос нозиклик билан йўлга қўйди... Буларнинг ҳаммаси Ислом Каримовнинг улуғлигини белгилайдиган сифатлардир.»

Иккинчидан, ўзбеклардай қадими халқ жуда катта маданиятга, тарихга ва маънавий меросга эгалигини назарда тутишни, унинг миллат сифатидаги ниҳоятда ёрқин ва бетакрор қиёғасини тан олишни бундай халқ билан ўйнашиб бўлмаслигини, у билан муносабатда айни унинг даражасида бўлиш зарурлигини ва шу асосда юқори даражадаги раҳбариятнинг номақбул сиёсати туфайли бутун СССРда илдиз отган нуқсонларни ўзбекларга тўнкаш файриқонуний иш эканлиги таъкидланди.

Учинчидан, мамлакат халқ таълими тизимида, маданий-маърифий ҳаётида жиддий равишда ислоҳотлар ўтказиши, халқнинг ўзлигини англаши, миллий қадриятларни қайтадан тиклаши ҳаётий зарурат эканлиги қайд этилиб, бу иш учун масъуллик қайси даражада бўлмасин, барча соҳадаги раҳбарларнинг зиммасига қатъий қилиб қўйилди.

Ислом Каримов мамлакат халқ таълими ва маърифат соҳасида фикр юритар экан, «Она тилида ўқитиладиган мактаблар тармоғи, бошқа миллий-маданий мусассасалар асоссиз тарзда камайди. Феодализм сарқитларига қарши кураш шиори остида ўтгизинчи-қирқинчи йилларда ва эллигинчи йилларнинг бошларида ўзбек халқининг кўп асрлик маданий мероси, анъана ва урф одатларини сақлаш ва бойитишга ҳаракат қилган Ўзбекистон фани ва маданиятининг бир қанча таникли арбоблари, жумладан, Абдулла Қодирий, Усмон Носири, Ойбек, Шайхзода, Шукрулло, Шухрат, Туроб Тўла ва бошқалар миллатчиликда, панисломизм ва пантуркизмда айбланиб репрессия қилиндилар.

Республика адабиёти ва санъати тараққиётига катта ҳисса кўшган Чўлпон ва Фитрат сингари маданиятимизнинг таникли арбоблари хусусида ҳам тарихий ҳақиқат ваadolat тикланиши керак», деган янгича нуқтаи назарни илгари сурди.

Республикада тил масаласини ҳал этиш муҳим сиёсий ва маънавий ҳодиса сифатида кўтариб чиқилди. Тил — миллатнинг қалб тори. Унга озор етказмаслик, аксинча, сайқал топиб, жилоланиб боришига эришиш зарур. Кўпмиллатли мамлакатда ўзаро муносабатларнинг таъминланиши, бошқа кичик халқлар тилларини камситмаган ҳолда туб аҳоли тили мавқеини тиклаш муҳим маданий-маърифий ҳодисадир. Пленумда *партия тарихида биринчи марта мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб тилларга муносабат бутунлай ўзгариши лозимлиги ва ана шу ўзгариши туфайли республикага номини берган миллат қадр қимматини кўтариши, иззат-икромини жойига қўйишадолат иши эканлиги алоҳида уқтирилди*. Ижодкор зиёлиларнинг энг иқтидорли ва соғлом кучларини бирлаштириш, шу асосда юртимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни вужудга келтириш, халқимизга маънавий-руҳий жиҳатдан мадад бўлиш республика раҳбариятининг асосий вазифаси қилиб белгиланди. Ана шу хulosалардан келиб чиқиб, кўхна тарих ва маданият соҳиби бўлган Беруний, Улугбек, Алишер Навоий, Фурқат, Муқимий ва бошқа улуғ мутафаккирлару халқ маърифатпарварларининг бебаҳо меросига эга бўлган Ўзбекистондай республикада тарих ва маданиятнинг мантиқий ва событқадам силсиласи узилмаслиги учун барча шарт-шароитларни яратиш керак, деб уқтириди Ислом Каримов.

Яна бир муҳим масала: худди шу пленум бизнинг

70 йил мобайнида шаклланиб қолган атеистик қарашларимизда, ислом ва бошқа динларга бўлган муносабатларимизда кескин бурилиш ясади. Биз биринчи марта коммунистик партияниң жазаваси тутиб турган, унинг мафкураси эса қилич ялангочлаб майдонга тушган бир пайтда ислом динини маънавият, юксак ахлоқ ва маданиятнинг муҳим бўғини сифатида тан ола бошладик. Бу партия раҳбарлиги курсисида ўтириб, унинг мафкурасини бутунлай бошқа ўзанга буриб юборишта қодир бўлишдек ниҳоятда кучли иродада, қатъият ва жасурлик талаб этадиган камдан-кам ҳодисадир.

Дарҳақиқат, бутун Иттифоқда демократия ўйинлари, сиёсий шовқин-суронлар, мафкуравий тўқнашувлар жунбушга келган бир пайтда Ўзбекистонда Ислом Каримов «Динга муносабатда ҳам пухта ўйланган, синовдан ўтган ёндошув лозим. Бир томондан виждан эркинлиги, динга ишонувчиларнинг диний туйгуларини хурмат қилиш принципини оғишмай ўтказиш лозим. Диний тузилмаларнинг тинчлик ва хайрия фаолиятини кўллаб-кувватлаш керак», дея ўз фикрини ўргага ташлади ҳамда «барча масалаларни ҳал этиш учун сиёсий системани ислоҳ қилиш зарурлиги»ни кўрсатиб берди.

Масалага бундай ёндошув ва шу пайтгача кутилмаган ислоҳчиликка интилиш энг аввало мавжуд ва чукур илдиз отган ижтимоий-сиёсий муҳит билан муроса қила олмаслик, уни иложи борича тезроқ йўқотиш зарурат эканлигини теран тушунди. Шу билан бирга жамиятни тубдан ислоҳ қилишга ўзини қодир деб билди, ўз кучига, иқтидорига, бўлажак ишининг якунинг қатъий ишонди. Натижада бу ниҳоятда қалтис ва таҳликали ишга енг шимариб киришди. Хатти-ҳаракатлар ва интилишлар кўп ўтмай ўз самарасини бериб, республикада қандайдир ҳаётбахш жараён бошланаётганидан далолат бера бошлади. Бу — биринчидан.

Иккинчидан, Каримовнинг ўзига хос, мустақил иш юритиши СССР таркибидағи каттаю кичик сиёсий арбоблару арбобчаларни ҳайратта солар эди. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон етакчиси билан Кремль ўртасидаги муносабатларни жиддийлаштирадар, марказдагилар бундай «бебош ва ўзбошимча раҳбар»нинг таъзирини бериб қўйишга ҳаракат қилишарди.

...Воқеалар жараёни шу даражада тезлашдики, Каримовнинг сиёсати бевосита ўзбек ҳалқи хоҳиши-иродаси, саъй-ҳаракати билан қўшилиб кетиб, иттифоқ раҳбариятини хийла талвасага солиб қўйди. Чунончи,

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1990 йил, 24 марта бўлиб ўтган сессиясида бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилишга ва президентлик лавозимини ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилинди. Бу хужжатда, жумладан шундай сатрлар бор:

*«Демократия жараёнларини янада ривожлантириши, сиёсий ўзгаришларни чукурлаштириш, конституцион тизимни, гражданларнинг ҳуқуқларини, эркинликлари ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг ўзаро алоқасини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети*

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти лавозими таъсис этилсин».**

Қарор матнига жиддийроқ эътибор берайлик. Унда куйидагиларни кўриш мумкин.

Биринчидан, демократия жараёнларини янада чукурлаштириш ҳам, сиёсий ўзгаришларни такомиллаштириш ва конституцион тизимни мустаҳкамлаш мантиқан том маънодаги мустақилликни талаб этади ва унинг замирида Марказга бўйсунмаслик, ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойили ётади. Зотан, қайсиadir даражада бўлмасин, энг кичик масалалар бўйича ҳам кимгадир тобе бўлинса, юқорида кўйилган талабларнинг биронтасига ҳам эришиб бўлмайди.

Иккинчидан, Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг ўзаро алоқасини тақомиллаштириш — бу бевосита партия яккаҳокимлигини бартараф этиш, демократик жараёнларни чукурлаштириш, халқ ва ҳокимият, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларни яқинлаштириш, яъни жамиятда соғлом ижтимоий-сиёсий, маънавий-рухий мухитни қарор топтириш, уни аста-секинлик билан турмуш тарзига айлантириш имконияти демакдир. Бу эса охир оқибатда республиканинг ўз тараққиёт йўлини ишлаб чиқадиган ва уни амалга оширадиган Президент лавозимини жорий қилишни тақозо этади. Бу табиийки, Горбачев бошлиқ Иттифоқ раҳбариятини қаттиқ ташвишга сола бошлаган эди.

Аслини олганда, Ислом Каримов СССР ҳукумати барча миллий республикаларга кундан-кунга тазиيқ ва зўравонликни ошираётган, кам сонли халқларга зуфум ўтказаётган бир пайтда бошқарувнинг Президентлик шак-

лини ташкил этиб, вазминлик ва қатъяят билан Ўзбекистон мустақиллигига дастлабки пойдеворни кўйган эди! Чунки Президентлик бошқарувининг энг асосий таомйили мустақиллик истагини ҳаётий зарурат даражасида англаш, ўзгага бош эгмаслик, ўз тақдирини ўзи белгилаш, барча давлатлар билан тенг ҳукуқли муносабатда бўлиш, дунёга ўзлигини танитишидир. Ана шундай оғир ва қалтис ишни амалга ошириш, бир жиҳатдан, Каримовнинг фавқулодда жасорати ва журъатидан далолат берса, иккинчи томондан, унинг ниҳоятда мутафаккир ва ўткир сиёсатчи эканлигини кўрсатади. Ахир, Марказ — Сиёсий Бюро, СССР Президентлик Кенгаши, унга бўйсунувчи қатор маъмурий ва жазо органлари ҳар қандай йўл билан бундай «бебош» раҳбарга тазийик ўтказиши ҳеч гап эмас эди-да. Бироқ Ислом Каримов СССРнинг ич-ичидан зил кетаёттанини, бу мамлакат — «бузуқ арава» узоққа боролмаслигини, барча сессиялару пленумлар, партия ва депутатлар курултойлари халқ түфёни қаршисида энди ожиз ва нотавон эканлигини Иттифоқ миқёсидаги бошқа раҳбарлардан олдинроқ англади, олдинроқ тушунди ва бу воқеаларга ўз муносабатини кескин равишда билдириди. Аслини олганда ана шу позициянинг ўзи «Ислом Каримовнинг аниқ дастури йўқ. Позициясини ошкор айтмаялти» деган таъналарга жавоб эди.

Масаланинг иккинчи асосли ва мантиқий томони ҳам бор. Чунончи, у мамлакат то мустақил бўлмагунча ҳеч қачон миллий равнақ бўлмаслигини, том маънодаги тарих ҳақиқатини тиклаш учун эса аввало мамлакат озод бўлиши зарурлигини сиёсий, назарий ва амалий жиҳатдан кўрсатиб берди.

Шунинг учун Президент Ислом Каримовнинг қарашлари Марказнинг етмиш йил мобайнида шаклланган, обдон пишитилган қарашлари ва манфаатларига сира мос келмас эди. Аниқроғи, унинг Горбачев бошлиқ ҳукumat сиёсий ўйинларига унчалик ҳуши йўқ, табиатан бундай муҳитни ўзига сингдиролмас эди. Чунки, вазият аллақачон ўзгарганлигини, Марказ олиб бораётган калтабин сиёсатнинг охиривой эканини, энди янги руҳдаги, халқнинг ва тарихий жараённинг эҳтиёжига монанд сиёсат зарурлигини у аллақачон пайкаран эди. Марказ Каримов билан ҳисоблашиб ишлаш, унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатиб туришга мажбур эди. Шу билан бирга у билан ғоят эҳтиёткорона муносабатда бўлишар эди.

Болтиқбўйи мамлакатлари мустақиллик тўғрисидағи талабларини СССР Олий Кенгаши мажлиси ва ҳалқ депутатлари қурултойига кўндаланг қилиб қўйганларидан сўнг Президент М. Горбачев бир гуруҳ депутатлар ва раҳбарлар билан вазиятни ўрганиш, аникроғи, тазиқ қилиш, ўз таъсирини ўтказиш мақсадида Болтиқбўйига борди. Гуруҳ таркибида Ўзбекистон Президенти ҳам бор эди. У ерда Ислом Каримов ҳақиқат билан юзма-юз келди ва шунда жуда катта қатъият ва фавқулодда журъат билан ўз муносабатини билдири: комиссия ишини якунламасданоқ Горбачевни ҳам, унинг манфаатларини қўллаб-қувватловчи гуруҳни ҳам ташлаб тезда орқага қайтди. Бу билан у Болтиқбўйи ҳалқларининг талаблари қонуний эканлигини, мустақиллик, СССР таркибидан чиқиши — тарих ҳақиқати, инсон ҳақ-хукуқларининг тантанаси эканлигини ошкора намоён этди. Чиндан ҳам, СССР таркибида туриб ҳеч қандай миллий равнақ, маънавий тараққиёт хусусида гапириб бўлмас эди. Чунки ёвузлик ва зўравонлик асосида қурилган бу давлат бундай интилишларга асло йўл бермас эди. Америка адібаси Эйн Рэнд таъбири билан айтганда, «инсонни фикрсиз кулга айлантирган ёки унинг меҳнати самарасини тортиб оладиган, эркин тафаккур қилишдан маҳрум этадиган ёки ақлга зид ҳаракатларга ундейдиган жамият, мавжуд қонунлари билан инсоннинг табиий талаб-эҳтиёжлари ўртасида қарама-қаршилик келтириб чиқарадиган жамият аслида жамият деб аталишига ҳам арзимайди. У — жиноятчилар тўдаси ёки оломондир. Барча инсоний қадриятларни нест-нобуд этадиган бундай жамият фаолиятини ҳеч қачон оқлаб бўлмайди. Бундай жамият фаровонлик манбаи эмас, балки инсон ҳаётига хавф солувчи оғатдир. Шу сабабдан ҳам, Совет Иттифоқида ёки фашистлар Германиясиdek мамлакатда яшагандан кўра кимсасиз оролда истиқомат қилмоқ инсон учун минг карра хавфсизроқдир».

Тарих ҳақиқатини тиклаш, асрлар мобайнида шаклланган анъанаалар ва урф-одатларимиз, қадриятларимизни жой-жойига қўйиш учун энг аввало сиёсий ва ҳукуқий жиҳатдан мустақиллик керак эди. Акс ҳолда тоталитар тузум тиши-тирноғи билан иттифоқдош республикалар ва кичик ҳалқларга зугум қилаётган бир пайтда миллат эҳтиёжлари хусусида гапириш хомхаёлдан бошқа нарса эмас эди. Ана шу нуқтаи назардан Президент Ислом Каримов Ўзбекистонни том маъно-

да мустақил мамлакат сифатида тан олдириш йўлини тутди. Шунинг учун ҳам республикада президентлик бошқаруви тизимини жорий этганидан кейин кўп ўтмай «Мустақиллик Декларацияси»ни қабул қилишни Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советидан сўради.

Шундай қилиб, давлат раҳбари ҳаёти учун хатарли, аммо миллат ва юрт истиқболи учун шукуҳли бўлган дастлабки, залворли қадамлар қўйилди. Энди халқ душмани сифатида қораланган миллатимизнинг асл фарзандларидан тортиб ўрганиш ман этилган улуф тарихимизни — барча-барчасини тиклаш, унга холис баҳо бериш учун шароит туғилди. Борган сари ўзлигини англашга, ўзлигини тиклашга, тарихий қадриятларини ўз вақтида баҳолашга замин яратилди. Хўш, буларнинг ҳаммасига қандай қилиб эришилди? Бундай имконият ўз-ўзидан юзага келдими? Йўқ, албатта!

Москвада ва Россиянинг бир қатор йирик шаҳарларида воқеалар шу даражадачувалашиб кетди, унинг ечимини топишга энг юқори даражадаги раҳбарлар ҳам ожиз бўлиб қолишли. Горбачев ва унинг бир ҳовуч гумашталари зўр бериб жон ҳолатда пўкакка осилишарди. Аммо, халқнинг кудратли тўлқини уларни тобора қирғоқча чиқариб ташлаётганидан таҳликага тушиб қолишган эди. Аниқроғи, улар янгилик билан эскилиқ, истиқбол билан ўтмиш орасида муаллақ қолишган эди. Бу эса мамлакатнинг келажаги таназзул билан тугашидан далолат берарди. Ана шундай оғир, саросимали, таҳдид ва таҳликалар пайтида Ўзбекистонда Ислом Каримов халқقا суюнди. У билан тиллашди, дардлашди. Натижада халқ билан ҳукумат ўргасида соғлом муносабат вужудга келди.

Президент Ислом Каримовнинг энг катта ютуғи шундаки, у одамлар билан юзма-юз туриб гаплашди, рост гапирди, ёлғон ва баландпарвоз ваъдалардан ҳазар қилди. Халқ эса аччиқ бўлса-да рост гапга муҳтоҷ эди. Чунки у йиллар мобайнида ҳаёт ҳақиқатидан маҳрум этилган, уйдирмалар ва ҳавойи шиорлар гирдобига фарқ этилан эди. Ҳукумат раҳбари сифатида Ислом Каримов халқнинг худди ана шу кемтик жойини тўлдиришга киришли. Халқ даҳосига, унинг яратувчилик кудратига ишонди, унга таянди.

Мамлакат раҳбарининг халқ билан очик, юзма-юз туриб гаплашиши жамиятда ижтимоий-сиёсий муҳитнинг бир мунча барқарорлашишига олиб келди. 1989—

90—91-йиллар айтиш мумкинки, бир неча минг йиллик тарихимизда Миллий Тикланиш, Миллий Уйғониш ва Миллий Таракқиёт даврининг муқаддимаси бўлди. Худди ана шу йилларда Наврӯз байрами миллий байрам сифатида кенг нишонланди, бу оммавий байрамларда биринчи марта ҳукумат раҳбарлари ва шахсан Ислом Каримов халқ билан бирга иштирок этишди.

Бу воқеаларни бугун — орадан бирмунча вақт ўтгач хотиржам эслаш осон. Ўша пайтларда эса ҳар бир кишининг қалбida аллақандай ҳадик, ифодалаб бўлмас кўркув, унга қоришиб кетган севинч ва ҳаяжон бор эди. Бу воқеаларни ҳар ким ўзича тушунди, ўзича талқин этди. Бироқ Ўзбекистон раҳбарияти ўз сўзида событ турди. Турли ҳийлаю найрангларни, иғво ва маломатларни қатъият ва амалий иш билан енгди. Охир оқибатда эса Ўзбекистон яна бир бор ўз куч-кудратини, сиёсий салоҳиятини ёрқин намойиш этди. 1991 йил 31 август куни Иттифоқдош республикалар ичида биринчилардан бўлиб ўз мустақилигини эълон қилди ва уни қонун билан мустаҳкамлаб кўйди. Бу сана тарих саҳифасида абадий қолади!

Президент Ислом Каримов сессияда мустақиллик моҳияти, унинг тарихий зарурат эканлиги хусусида гапирав экан, мустамлакачилик асорати ва собиқ Иттифоқда қарор топган муҳитни рўй-рост очиб ташлади:

«Мамлакат катта фалокат ёқасига, жар ёқасига келиб қолганини кўриб турибмиз. Халқ ўзининг эрганини кунига ишончини кундан-кунга йўқотаяшти. Одамлар ўзларининг, оиласининг, бола-чақасининг тинчлигига кафолат истайди. Улар тўқис, хотиржам ҳаёт талаб қилаяшти. Бу истаклар, бу талаблар сафсатабозлик ва вада-бозлик остида кўмилиб кетяпти.

Бизнинг халқимиз сабр-бардош, яхшилик, осойиншаталик, бошқа халқларга нисбатан хайриҳоҳлик руҳида тарбияланган. Бу халқ бугун биздан ҳимоя талаб қилаяшти, тинч-тотув ҳаёт, оғир меҳнатига яраша турмуш шароитларини талаб қилаяшти. Бу — ҳаққоний талабдир.

Ўзбекистон раҳбарияти ҳеч қачон, қандай иттифоқ бўлмасин, ким билан иттифоқ бўлмасин, қандай шароит бўлмасин иккинчи даражали ролга рози бўлмайди, бунга йўл ҳам кўймайди».

Бу нуқтадай назар Ватан ҳисси, миллий рух, миллий туйғу давлат сиёсати даражасига кўтарилиганининг яқъол ифодасидир.

Президент мустақиллик түғрисида қонун қабул қилиш, энди СССР таркибида ортиқ қолиб бўлмаслигини, ундан чиқиб чинакам миллий равнақ ва миллий тараққиётга замин яратишимииз зарурлигини уқтириб, «Бу қонунда қадимий ва янгиланаётган диёримизда истиқомат қилаётган барча кишиларнинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топган. Ҳалқимизнинг бу эзгу хоҳиш-иродаси эса биз учун муқаддасдир», деди.

Ислом Каримов тасаввурида том маънодаги маънавият энг аввало Ватан туйғусидир. Ватан туйғуси ҳам миллий мансублик сингари ҳар бир шахснинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлган мўътабар ҳодисадир. Зоро, инсон қайси замон ва қайси маконда яшамасин, туғилган юргини ўзгартира олмайди, ундан тонолмайди. Ватан ва миллат туйғусининг мўътабарлиги, улуғлиги, муқаддаслиги ана шунда. Шунинг учун ҳам Президент энг аввало мустақилликни англаш учун миллатни англаш, ўзликни англаш, Ватан ва унинг буюк ўтмиши билан фаҳрлана олиш ҳиссини уйғотишга ҳаракат қилди. Айни пайтда мустақиллик йўли ҳақиқат йўли, инсон ҳақ-хуқуқлари йўли, маънавий етуклик, юксак маданият, бой инсоний фазилатлар мажмуидир. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари ўз танлаган йўлининг тўғрилигига қатъий ишонди ва миллионлаб юртдошлиримизни ҳам бунга ишонтира олди ва «...Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким ҳеч қачон қайтара олмайди, зотан, Ватанга бўлган меҳру муҳаббат ҳар қандай муаммони ечишга, ҳар қандай ёвуз кучни енгишга қодирдир. Энди ортга йўл йўқ. Ўзбекистон истиқболини сабитқадамлик билан барпо этмоғимиз зарур. Бу йўлда иккиласланмоқ, манфаатпарастликнинг майда-чуйда ташвишларига ўралашмоқ — Ватанга, ҳалққа, келажак авлодга хиёнат бўлади. Истиқболдаги Ўзбекистон Ватан озодлиги насиб этмаган боболаримизга улувор ҳайкал бўлажак! Ўзбекистоннинг шуҳратига шуҳрат қўшувчи фарзандларимизга муқаддас бешик бўлажак», деб ўз мақсадларини ифода этди.

### 3. «ПАХТА ИШИ» ОПЕРАЦИЯСИ

XX асрнинг 80-йилларида «Пахта иши» билан боғлиқ зўравонликлар, тазийклар ва қонунсизликлар Ўзбекистонда жамият ҳаётини бутунлай издан чиқарди. Мамлакатда руҳий тушкунлик, маънавий озурдалик, фуқаролар ўртасидаги муносабатларда парокандалик юзага

келди. Оддий трактор ҳайдовчиси ёки бригадир ишига соxта айбловлар эълон қилиниб, сиёсий тус берилиб, давлат жиноятчиси даражасига кўтарилиди. Юқори партия органлари раҳбарларининг топширигини бажаришга мажбур бўлган минглаб бегуноҳ одамлар қатағон қилинди. СССР Прокуратурасининг Т.Гдлян бошлиқ тергов гуруҳи бутун мамалакатни хонавайрон қилди, одамлар бойлигини талон-торож қилди.

Албатта, бу гуруҳнинг қурби бунчалик катта фожиаларни, қирғин-баротларни бошлашга етмас эди. Ўзимизнинг миллатдошларимиз бўлган Республика раҳбариyининг юқори курсиларини эгаллаган миллатфурушлар тиз чўкиб, уларнинг хизматини қилишди. Шу ўринда биргина мисол келтиришнинг ўзи кифоя. «Аргументы и факты» газетасининг 1988 йил сентябрь сонида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Р.Нишоновнинг каттагина интервьюси эълон қилинди. Ўзбек ҳалқи ўз тақдирини, истиқболини ишониб топширган, ўз миллатдошларининг, республиканинг тажрибали, обрўли, ҳар томонлама баркамол раҳбарларини қатағон қилиб, миллат шаънига доф туширган ушбу «арбоб» ўзининг кемтик маънавий қиёфасини ана шу интервьюда очиб ташлайди: «Республикада жамият ҳаётининг барча жабҳаларини соғломлаштириш учун турғунлик даври меросига қарши қаттиқ, оғир кураш кетмоқда. КПСС Марказий Комитети кейинги тўрт йилда Ўзбекистонга юзлаб тажрибали кадрлар юборди. Аввало Республикага шундай кўламли ёрдам кейинги ўттиз йил мобайнида биринчи марта амалга оширилганлигини таъкидламоқчиман. Янги ходимларнинг келиши бизнинг чинакам баҳтимиз бўлди».

Республика раҳбарининг баҳтини қаранг-а. Мўр-малаҳдай ёпирилиб келган «десант»чилар — ўзбек ҳалқининг урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи, маънавий-руҳий оламидан бехабар «арбоб»лар катта-катта мансаб курсиларини эгаллаб олишди. Миллий қадриятларни поймол этишди. Одамларнинг миллий ориятига, нафсониятига тегишди. Бу эса Нишоновнинг кўнглидагидек иш эканлигини одамлар қаердан билсин?

Дарвоҷе, Нишоновнинг бир гапида жон бор. Ҳақиқатдан ҳам кейинги ўттиз йилда Москва яна бир бор «оталарча ғамхўрлик» кўрсатди. Минг-минглаб кишиларнинг ёстигини куритишда ҳам ташкилий, ҳам

амалий ёрдам берди. Асосиз ва тўқима айбловлар билан жазолангандарнинг бола-чақалари, бевалари дод-фарёд чекиб қолишиди. Ана шу воқеалардан ўттиз йил олдин 1950-йилларда ҳам худди шундай оммавий қирғин эълон қилинган эди ва ўзбек халқининг энг сара, истеъдодли маданият ва жамоат арбоблари халқ душмани сифатида қамоқقا олинган, сургун қилган эди. С.Аҳмад, Ҳ.Сулаймон, Шукрулло, Т.Тўла сингари қанчадан-қанча адид ва олимлар бошига кулфатлар солинган эди. Р.Нишонов эса ана шу қора кунлар яна бир бор, бошқа шаклда миллат бошига тушганидан, бундай бедаволикларга биринчи раҳбар сифатида ҳомийлик қилиб, мадад бериб турганидан хурсандлигини яширмайди. Буни ўзига баҳт деб билади.

Гувоҳ бўлган одамлар бир воқеани ҳали-ҳамон ёқа ушлаб гапиришади: Навоий вилояти партия кўмитасининг раҳбари бўлган (ўша «десантчи»лардан бири) Ефимов оддий бир бригадирни беш юз кишилик мажлис пайтида ўрнидан турғизиб, эй ўқ, бе ўқ, «нечта боланг бор», деб сўрайди. Бригадир, раҳбарнинг важоҳатидан тиззаси қалтираб саккизта боласи борлигини айтганда Ефимов «Сен ўғрисан. Ўғрилик билан шунча болани боқмасанг, нима билан боқардинг» деб ўша мажлиснинг ўзидаёқ унинг ишини ўрганиш учун прокурорга топшириқ берган. Бу пайтда эса бирорнинг ишини ўрганишнинг якуни муқаррар равишда қамоқقا олиш амалиёти чуқур илдиз отган эди.

Республика раҳбари Р.Нишонов эса ана шундай тажовузкорларга ҳомийлик қилди. Юқоридаги интервьюнинг давомига эътибор беринг: «Республикада сўнгги тўрт йил ичидаги эллик саккиз минг масъул ходим вазифасидан бўшатилди. Мен ўзим шахсан Тельман Хоренович Гдлян группасининг ишини фоятда ижобий баҳолайман. СССР Прокуратурасининг ходимлари билан кўлни кўлга бериб иш олиб бормоқдамиз. Улар республикада адолат ўрнатиш, Рашидов атрофидаги яқин одамларни жавобгарликка тортишда жон куйдириб ишламоқдалар. Кескин кураш кетмоқда. Шуни рўй-рост айтишим керакки, Гдлян группаси Республика партия органлари томонидан қаттиқ кўллаб-куватланмаганида ва ҳар томонлама ёрдам кўрсатмаганида эди, улар бу қадар самарали ишлай олмас эдилар». Республика раҳбарининг дунёқарашини қаранг. Миллат манфаати, халқ истиқболи, Ватан келажаги бу одам учун нақадар бегона.

Албатта, партия, хўжалик ва маъмурий органлар раҳбарлигига келган Анишчев, Огарок, Клепиков, Сатин, Нестеренко, Дидоренко, Гайданов, Литвиенко, Галкин каби юзлаб, минглаб шафқатсиз ва лўттивоз раҳбарлар айни И.Усмонхўжаев ва Р.Нишонов каби миллат хоинлари ҳомийлигига ҳақиқатдан ҳам самарали ишладилар.

Муҳтарам китобхон! Мабодо Сизда «ҳамма ёққа ўт кетиб, хону монимиз куйгандан кейин кул титкилашдан нима фойда?» деган савол туғилиши мумкин. Аслида биз ҳам худди шу мазмундаги андишадан бегона эмасмиз. Бизнинг Нишоновга ҳам ва Усмонхўжаевга ҳам адоватимиз йўқ! Биз масалага фақат сиёсий етакчининг жамият тараққиётидаги ўрни ва роли нечоғли эканлигини аниқ тарихий далиллар асосида таҳлил қилиш, ижтимоий-сиёсий жараёнларни баҳолашда ва бошқаришда унинг таъсири қандайлигини ўрганиш нуқтаи назаридан ёндошамиз. Қолаверса, ҳалқимиз бугун—мустақилликнинг ўн йиллиги кунларида 1980-йилларнинг этни жунжиктирадиган руҳий ва маънавий озурдаликларини, юракларни зардобга тўлдирган пайтларини, аччиқ изтироблари, рутубатли ва аёзли кунларини эсламаслиги мумкин эмас.

Иккинчидан 80-йиллар воқеаларининг таҳлили ҳар биримизнинг шаънимиз, ориятимиз, нафсониятимиз ва қадр-қийматимиз билан боғлиқ бўлган, энг олий инсоний қадриятларимизни тиклаган Истиқболга осонгина эришмаганлигимизни кўрсатади. Ҳалқимиз тоталитар тизим зўравонлиги, шўро қирғинлари ва коммунистик мафкура қонхўрлигига, хусусан, 80-йиллар талвасаю васвасаларига бардош бериб, уни катта иродада билан енгигб чиқди.

Энди, бугунги шукуҳли кунларда — қалбинг ифтихорларга тўлиб турган бир пайтда, ўтмиш изтиробларини эслаш кишини қайсиdir даражада хушёрликка давлат этади, инсофини, иймонини уйғотади. Зотан, ўтмишга назар солишининг, тарихнинг аччиқ ҳақиқатидан ибратли хulosалар чиқаришнинг ҳикмати ана шунда!

...КПСС съезди минбарида ўзининг ношудлиги, нотовонлиги ва қатъиятсизлигини рўй-рост ошкор этган И.Усмонхўжаев кўзда ёш билан «Кадр беринг, Ўзбекистонга кадр керак», дейиш билан ўзининг Кремлга садоқатини кўрсатмоқчи бўлди. Айни ана шу таклиф билан келган, юқорида номлари саналган сохта арбоблар мамлакатни хонавайрон қилишди.

Құлмишига яраша жазосини олган И.Усмонхұжаев Сибир ўрмөнларида хору-зор бўлиб юрган бир пайтда мамлакатда тўс-тўполон қилиб, одамларни оёққа турғизиб, ҳукуматта қарши ҳужум эълон қилаётган «Эрк» демократик партиясига «Халқим мени кечирсін» деб мактуб ёзганини қандай тушуниш мумкин? Халқдан кечирим сўрайдиган, ўз айбига, құлмишига икрор бўлган софдил инсон соғлом фикрли, ўз тақдирини ўзи яратишга қодир бўлган, ориятли ва қатъиятли халққа, қонуний ҳукуматта мурожаат қилмайдими? Иймени суст, иродаси бўш, ақлдан кўра эҳтироси кучли бўлган, охир-оқибатда эса айни ана шу нуқсонлари билан жамиятта фожиалар келтирадиган кишиларга мурожаат қилишдан муддао не?

...Боши тошга теккан, тубсиз қудуққа тушган одам ҳар қандай кўйга тушиши мумкин. Бироқ, республикани бошқарган, бутун миллат тақдирини ҳал қилиш масъулиятини зиммасига олган кишининг бундай фожиалар олдида довдираши мумкин эмас. Қолаверса, айни ана шу фожиаларнинг пайдо бўлишига, чуқурлашишига ҳомийлик қилган, мадад кўрсатган одам тазийклару таҳқирлар қанчалик бўлмасин ўзи айборлигига икрор бўлмоғи керак. Зотан, бундай одам учун бошқа йўл ҳам йўқ.

Бироқ И.Усмонхұжаев товба-тазарру билан мадад сўраб, қуидагиларни баён этади: «Мен, Иномжон Бузрукович, республикада энг мураккаб даврда ишлаб бутун куч ва ғайратимни, ақл ва идрокимни халқимга хизмат қилишим учун сафарбар этдим». («Эрк» газетаси. 1990 йил, 24-сон, ноябрь. «Халқимга мурожаат»). Қаранг, бутун куч-ғайратини, ақл-идрокини ўз халқига хизмат қилиш учун сафарбар этган киши қатағон ишларининг бошланишига ҳомийлик қиласадими? Халққа хизмат қилиш халқни бадном қилиш, унинг энг асл фарзандларини йўқ қилиш, миллатни шармандаю шармисор қилиш эмас-ку?

И.Усмонхұжаев ўз айбининг сабабларини изламоқчи бўлади ва «ҳар бир даврнинг ўз мураккабликлари бўлиб, у даврда юқоридан берилган топшириқларни бажаришга мажбур эдим. Вақт шуни тақозо этар эди. Айрим фикр-мулоҳазаларга қарши дилдан исён этар эдим. Иложим қанча». Ана шу ерда унинг маънавий қиёфаси, ички маданияти, сиёсий иродаси қанчалик начор ва заиф эканлиги кўзга яққол ташланади. И.Усмонхұжаев Кремль буйруқларини сўзсиз бажарадиган,

республика ва миллат манфаатига зид бўлган ҳар қандай топшириқларни садоқат билан уддалайдиган кўғир-чоққа айланган эди. Сиёсий савия шу даражада паст, сиёсий тафаккур шу даражада тор эдики, миллат ва халқ манфаати, унинг бир неча минг йиллик қадриятлари, тарихи ва келажаги ҳақида ўйлаш ўрнига кўркўона, ҳар қандай бўлар-бўлмас топшириқни бажаридиган мутелик руҳияти охир-оқибатда унинг ўзини курбон қилди, умрини хазон этди.

Шу ерда яна бир мантиқий ҳолат хусусида тўхтамоқчимиз. И.Усмонхўжаев Ш.Рашидов тирик пайтида республиканинг иккинчи раҳбари эди. Ўша пайтдаги сиёсий тизим нуқтаи назаридан Олий Совет Президиуми Раиси биринчи котибдан кейинги шахс ҳисобланарди. Демак, Рашидовнинг раҳбарлик фаолиятидаги барча ютуқлари-ю камчиликлари бевосита Усмонхўжаевга ҳам тегишли эди. Рашидовни бадном этиш орқали миллатни бадном этиш, мамлакатда давлат, партия, ишлаб чиқариш ва план интизоми кўпол равишда бузилганлиги, пораҳурлик, қариндош-уруғчилик чуқур илдиз отганлиги ҳақиқатдан ҳам рост бўлса, айни ана шу иллатлар Усмонхўжаевнинг ўзига ҳам тегишли эдику! Шундай экан у ўзининг олдинги позициясида (агар позицияси бўлса) туриши лозим эди. Қатъий туриб республикадаги мавжуд иллатларга тегишли раҳбар сифатида қаттиқ қарши курашиши, бу иллатларни бартараф этиш учун бутун имкониятини ишга солиши зарур эди.

Аксинча, Москвада, КПСС XXVII съезди минбаридан туриб ундан ҳам баттар, ундан ҳам аянчли гапни гапириб юборди: «Ёрдам беринг, кадр беринг. Ўзбекистонда кадр йўқ» деб дийдиё қилди.

«Собиқ партия, совет, хўжалик ходимлари ва хукуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарларининг турли жиноий иш қилган катта бир қисми партиявий ва жиноий жавобгарликка тортилди. Бу соҳада, республикада тартиб ўрнатишнинг дастлабки даврида бўлгани каби, биз КПСС Марказий Комитетининг мададини яна бир бор зўр куч билан сездик. Марказий аппаратдан, РСФСР ва бошқа республикаларнинг йирик партия ташкилотларидан Ўзбекистонга доимий ишлаш учун етук партия, совет кадрлари юборилмоқда.

...Ўзбекистонда ишлаш учун юбориладиган халқ хўжалиги мутахассислари сонини кўпайтиришни илтимос қиласиз», деди.

И.Усмонхўжаев жиддийроқ одам бўлганида эди, «камчиликларимиз бор, нуқсонларимиз йўқ эмас, бироқ, уларни бартараф этишга қурратимиз етади, имкониятларимиз бор. Иттифоқнинг турли идоралари ҳа деб бизнинг ишимизга аралашавермасин. Бизга вақт беринг. Халқимиз, республикамиз катта ақлий салоҳиятта эга. Сизни ишонтирамиз» деб, вазиятни юмшатиб, масъулиятни ўз зиммасига олмоғи керак эди. Ана шунда «пахта иши», «ўзбеклар иши», «рашидовчилик» каби соҳта уйдирмалар унчалик ҳам чуқурламасмиди?!

Агар И.Усмонхўжаев Гдлян ва Ивановларнинг хатти-ҳаракатларига ҳамда бетайин десантчиларнинг ёпирилиб келишларига қарши турганида эди, миллат бунчалик бадном, юртимиз бунчалик абгор, истеъододли ва тажрибали раҳбарларимиз бунчалик қурбон бўлмас эди. Афсуски, бундай мардлик, қатъият ва ирода бу одам учун бегона эди.

Масаланинг яна бир жиҳати бор. Албатта, Кремлинг тажовузкорлик сиёсатига кўкрак тутиб қарши туриш осон иш эмас эди. Агар И.Усмонхўжаев рўй-рост ва ошкора қарши турганида ҳам барибир пешонасига ёзилган ўша кўргилигини — қамоқ жазосини кўрар эди. Бироқ, минг-минглаб одамлар хонавайрон бўлмас эди, миллат бадном этилмас эди, юртимиз абгор бўлмас эди, халқимиз топталмас эди. Халқ бойликлари талонторож қилинмас эди. Бу масаланинг бир томони.

Масаланинг иккинчи томони бевосита И.Усмонхўжаев шахси билан боғлиқ бўлган ҳодиса. Агар у мард бўлиб, қатъият ва жасурлик кўрсатиб, миллатни, юртни, халқ фарзандларини асрашга интилганида эди, қамалганда ҳам жуда катта обрў билан қамалган ва обрўсига яраша озод этилган шахс сифатида халқнинг юксак обрў-эътиборига муносаб бўлиб яшар эди. Афсуски, бундай инсоний фазилат, миллат шаъни, Ватан қадри билан боғлиқ бўлган фидойилик унда йўқ эди. Ана шунда у дийдиёлар билан халқидан узр сўраб, халқнинг ваколатли органларига ҳам эмас, аллақандай тўполончи, сиёсий чайқовчилар нашри бўлган «Эрк» газетасига мурожаат қилмас эди.

Кўққисдан, кутилмаганда мураккаб вазиятта тушган одамнинг кечинмаларини тўғри тушуниш, тўғри баҳолаш осон эмас. Ичингдан ўтгани биргина ўзингга ва Худога аён. Бироқ, ҳаёт мантиғи, воқеалар ривожи ва унга муносабат нуқтаи назаридан ҳар ҳолда холисона бир фикрни айтиш мумкин. Ҳўш, Усмонхўжаев боши

тошга теккач, қилмишларидан пушаймон бўлиб, «вазият шундай эди», деб узр сўрайти экан, мабодо иши аввал-бошдан қандай бўлса шундай юришиб кетиб, қамалмаганида эди, хато қилаётганини тушунармиди?! Йўқ, албатта. У яна қандай ишлаган бўлса шундай ишларди. Яна бир неча минг кишининг ёстиғи қурир эди. Мамлакат чиндан ҳам хонавайрон бўларди. Бу аччиқ ҳақиқатни тан олмоқ керак.

«Пахта иши» ҳақиқатдан ҳам халқни хонавайрон қилди. Гдлян ва Ивановларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари 90-йилларга келиб очилиб қолди. Уларнинг терловни қонунчиликка риоя қилмай қўпол равишда олиб борилганлигига нафакат СССР Бош Прокуратураси, балки бутун СССР халқи қатъий ишонч ҳосил қилди. Улар жуда кўп бегуноҳ шахсларни ноқонуний жавобгарликка тортганлиги маълум бўлди. Бир неча минглаб одамлар қамоқхоналарда ноҳақ жазо муддатини ўтаётган эди.

Албатта Гдлян ва Иванов фаолиятига бошқача назар билан қарайдиганлар ҳам бор эди. «Беайб парвардигор» қабилида уларга ўртacha муносабатда бўладиганлар мавжуд эди. В.Ильюхин шундайлар хусусида гапирап экан, «улар «ўрмонга ўт кетса ҳўлу куруқ баравар ёнади-да!» деган нақлни пеш қилиб гдлянчиларнинг хатти-ҳаракатларини хаспўшламоқчи бўлади. Ҳўш бу ишларнинг ҳўли қайси-ю куруғи қайси? Келинг, қуйидаги маълумот ва рақамлар хусусида бир бош қотириб кўрайлик: Гдлянчилар деярли 200 кишини ушлаб ҳибсга олишган. Обдон текширилгандан кейин шуларнинг 40 нафаридан сал кўпроғи айбдор деб топилган. Ана энди Гдлян ўт қўйган ўрмонда қанча куруқ ёғоч ёнган, унга қўшилиб қанчадан-қанча кўм-кўк, яшиаб турган норасида тақдирлар нобуд бўлганини айтиш қиин эмас», дейди.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, Гдлян ва Иванов фаолияти турли гуруҳлар томонидан турлича талқин қилинарди. Айримлар юқоридагидек лоқайдлик билан «ўрмонга ўт кетса, ҳўлу куруқ баравар ёнишини» айтишса, Гдлян ва Ивановнинг манфаатдор гумашталари зўр бериб уларни ҳимоя қилишарди. Уларни замон қаҳрамонларига айлантиришарди. Матбуот органлари, хусусан, «Оғонёк» журнали, унинг Бош мұхаррири Коротич енг шимариб, Ўзбекистон ва ўзбеклар бошига мағзава қўйишарди. Гдлян ва Ивановни сал кам авлиёга айлантиришарди.

А.Собчак сингари йирик сиёсат ва жамоат арбоблари ҳам Гдлянчилар гурухини ҳалқ депутатлари курултойи минбаридан туриб қаттиқ ҳимоя қилишарди. Бироқ, буларнинг мақсади бутунтай бошқа — айни Гдлян ва Иванов кўли билан Кремль соҳиблари кирдикорини очиб ташлаш эди. Собчак ва унинг тарафдорларининг ўзбеклар учун ҳеч қандай адовати йўқ. Фақат улар демократик жараёнларга тўсқинлик қилаётган тўрачилик кучларига қарши эдилар, холос. Кескин мунозаралар, тўқнашувлар диктатура ва демократия ўртасидаги беаёв курашга сабаб бўлган эди.

СССР ҳалқ депутатлари курултойидаги манзара бир жиҳатдан фикрлар хилма-хиллиги, сўз ва фикр эркинлиги минбарига айлангандек туюлса-да, иккинчи томондан шўро ҳукуматининг таназзулини бир неча йилларга яқинлаштирган ижтимоий-сиёсий воқеликка ҳам айланди. Ана шундай сиёсий мунозараларда, миллий ва ижтимоий масалаларга доир баҳсларда кўпдан-кўп масалалар қаторида «Пахта иши» муаммоси ҳам кун тартибидан тушмас эди. Юқорида айтганимиздек, ўзбеклар учун гдлянчилар фаолияти ҳаёт-мамот, миллий орят ва миллий гурур масаласи бўлса, бошқа бировлар учун тоталитаризмга қарши кураш воситасига айланди. Гдлянчиларнинг ўзи эса сувни лойқалатишдан, жамиятда бекарорликни келтириб чиқаришдан манфаатдор эдилар.

Хуллас, бундай қонунсизликлар, зўравонликлар ва тазиикларни тарих кўрмаган. Фашизм ва садизмнинг жазолаш усуслари гдлянчилар фаолияти олдида ҳолва бўлиб қолди. Бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Яхшиси В.Ильюхиннинг китобидан айнан келтирамиз:

«Гдлянчилар гуруҳи Узбекистонда «ҳамма пора олади ва ҳамма пора беради», деб ҳисоблар эди. Улар айни шу фикрдан келиб чиқиб, ҳар бир одамга ахборот манбаи деб қарашар ва ҳар қандай йўллар билан бўлса ҳам ундан ўша ахборотни суғуриб олишга ҳаракат қилишар эди. Айбсиз фуқароларни кўплаб ушлаб келтириш ва ҳибсга олиш усули ҳам худди мана шундай назария асосида курилган эди. Улар: «Қўлингдаги терговчилик шамширини ўнгга ҳам, чапга ҳам сермаб боравер, охири кимгадир тегади. Бу ерда ҳамма жиноятчи, шунинг учун сенинг хатти-ҳаракатларинг барibir тўғри бўлиб чиқади ва оқланади», дейишарди.

Худди ана шундай разил назариянинг муттасил амалга ошириб борилганлигини бугун Гдлянчилар фа-

олиятининг тафтиши исбот қилиб турибди. Бу тафтиш терговчиларнинг хатти-ҳаракатларидан, уларнинг хулқатворидан батафсил маълумот бера олади. Ўзбекистон Олий суди томонидан оқланган Ҳикматов бундай тергов усулига шахсан ўзи гувоҳ бўлган. Мана, у қандай кўрсатма беради: «терговчи Иванов менга бундай деди: «Сиз Ельцин билан Жабборовга пора бермаган бўлсангиз ҳам, пора берганман, деб қўл қўйиб беринг. Ўзбекларнинг ҳаммаси пораҳўр эканлиги бизга яхши маълум».

Рад жавобини олгач, Иванов яна ўз гапини маъкуллаб бундай деди: «Биз судни ҳам мажбур қиласмиш. Судлар биз нима десак шуни қиласди. Суд Каримов, Курдатов, Музаффаровларни отишга ҳукм қиласган эди, лекин улар бизга керак кишилар эди, шунинг учун биз уларни отишдан саклаб қолдик. Улар олдида сен ким бўлибсан, бор-йўғи битта райкомнинг биринчи котибисан-да, яқин орада биз ҳатто Кремлда ўтирган кишиларни ҳам қамоқча оламиш. Агар сен ҳозир бизнинг айтганимизни қилассанг, сени қип-яланғоч қилиб ечинтирамиз ва бутун Совет Иттифоқи бўйлаб сазойи қиласмиш. Болаларинг билан бирга сени турмада чиритишади. Ёки сенга энг олий жазо беришларига эришман. Сен ҳали бизнинг совунимизга кир ювмабсан, бизларни билганингда эди, бошқача одам бўлиб қолардинг».

Улар томонидан тўқиб чиқарилган яна бир назария бундан ҳам баттар, бундан ҳам ваҳшийроқ садистлик назарияси эди. Унинг маъноси шундан иборат эдики, бирор лавозимда ўтирган шахсни «юқори»га пора бергани тўғрисида ёлғон гапиришга қийнаб мажбур қилинار эди. Қийноқлар азобидан эзилиб, жонидан тўйиб кетган маҳбус ҳар қандай гувоҳлик беришга рози бўларди. Гдлянчилар тилхат мазмунини айтишар ва ҳатто ўша шахсга неча сўм миқдорида пора берилганлиги тўғрисидаги ёлғонни ҳам тўқиб ташлашарди. Бундай вақтларда албатта катта миқдордаги сумма айтиларди. Шу тариқа, Гдлян жуда катта пирамида тузишга, битта катта занжирга ҳаммани маҳкам боялашга уринарди. Бу занжирнинг ҳалқалари колхозлар, совхозлар, участкалар, фермерлардан бошланиб, охири Кремлгача борар эди.

Бу хилдаги беҳисоб далиллашлар тўғрисида Қосим Нуримбетов муфассал гапириб берган эди. Чунончи, у шундай ҳикоя қиласди: «Менга Гдлян кимга қанча пора

берганлигим ва кимдан қанча пора олганлигимни айтиб турди, мен бу гапларни аризамга ёза бошладим. Бу тахминан шундай содир бўларди. Гдлян мендан районимизга юқори ташкилотларда ишлайдиган раҳбарлардан кимлар келганини сўраб оларди. Мен уларнинг номларини айтганимдан кейин у мени ўша кишиларга пора берганман, деб ёзишга мажбур қиласр эди. Сўнгра барча колхоз раислари номини ёзид беришни ва у кишиларни пора берувчи кишилар эди, деб кўрсатиши буюарарди. Мен у айтган ҳамма гапларни ёзид берганман. Рўйхатни ёзид бўлганимдан кейин яна Гдляннинг ўзи айтиб туриб мен номларини айтган ҳар бир кишидан неча сўм олганимни, худди шунингдек, юқори ташкилотларда ишлайдиган раҳбарларга гўё мен етказиб берган пулнинг миқдорини ёздирган. Фақат шундан кейингина ҳар бир пора берувчи ва пора олувчи киши тўғрисида бу пуллар нима учун олингани ва бошқаларга нима сабабдан олиб бориб берилганлигини ўйлаб чиқаришимга тўғри келган, яъни мен аризамни иложи борича ростга ўҳшатиб ёзишим керак эди».

Тўрабой Каримов бу ҳақда шундай ҳикоя қиласди: «Сўроқ вақтида ҳар хил дўқ-пўписалар билан мени қўрқитишар эди. Турмадан чиқармайман, шу ерда чириб кетасан, биз сенинг қоқ пешонангта яшил хол ясаймиз ва шу холни мўлжалга олиб сени отиб ташлаймиз, дейишарди. Ҳар доим сўроққа икки қўлимга кишан солиб олиб келишарди. Улар менинг хотиним қамоққа олинганини, қизларим институтдан ҳайдалганини айтишар, шу каби ёлғон маълумотлар билан мени қўрқитиб бўйсундирмоқчи бўлишар ва уйимга бульдозер солиб, уни ер билан битта қилиб, вайрон этишга қасам ичишарди. Лекин энг даҳшатли ишлар камера ичиди содир бўлар эди. Бу ерда атайнин мен билан бирга қамаб қўйилган ашаддий жиноятчилар мени мунтазам уриб-сўкиб ҳақорат қилишар эди. Камерага кириб келган заҳоти улар бояги терговчилик тўқиб чиқарган пул тўла дипломатни мендан талаб қилишар ва аёвсиз калтаклай бошлашарди.

Улар бошимга телпак кийгизиб томоқларим остидан ипини маҳкам тақиб қўйишар ва батамом кучдан қолиб, йиқилиб тушмагунимча ўтириб туришга мажбур қилишарди. Шундан кейин жуда кўп миқдорда соvuқ сув ичишга мажбур қиласр эдилар. Агар бўйсунмасам тутиб олиб ўласи қилиб уришар эди. Ўзлари тўшакда ётган ҳолда, мени изгирин шамол кучлироқ эсадиган

жойда пол устида ухлашга мажбур қилишарди. Ётган жойимдан туришга мутлақо рухсат беришмас эди. Шунга ўхшаш қийноклар натижасида тез-тез бурним қонайдиган бўлиб қолди».

Ҳомиладор аёл Нуримбетова Аважон ўзида жиноий йўллар билан тўплланган ҳеч қандай бойлик сақланмаётганини айтганида терговчилар унга дўқ қилиб «... у ҳолда сени ҳозир турмага олиб кетадилар, сен болангни ўша ерда туфасан» деб уни кўрқитганлар.

Жуманиёзова Зухрага терговчи бундай деган: «Агар Исмоиловга қарши гувоҳлик беришга рози бўлмасанг, қизларингни зўрлаймиз...» (В.Ильюхин «Қабоҳат ёхуд...», Т., «Ўзбекистон», 1993. 37-бет).

Ана шундай бедаволиклар, миллатни хўрлаш, таҳқирлаш Гдлян ва Ивановдан иборат «иккилиқ»нинг иш усулига, мақсад ва муддаосига айланди. Улар энди Ўзбекистон ва ўзбеклар орқали бутун СССР ҳукуматига, унинг раҳбариятига тажовуз қилишдан ҳам ўзларини тия олмасдилар.

Балки, бу юқорида айтилганидек, авторитар режимга, тоталитар тизимга қарши исёндир. Балки бу демократик тамойилларни қарор тоғтириш учун курашдир. Балки, Горбачев ва унинг гумашталарига очикдан-очиқ тазийиқдир. Балки Кремль «сир»ларини ошкор этиш орқали ном чиқаришга интилишдир. Ҳар ҳолда, қандай бўлмасин, инсоният ҳётига маданият олиб кирган бутун бир миллатни, буюк тарихга ворислик қилаётган халқни бадном қилиш, уни қириб юбориш ҳисобига бўлмаслиги керак!

Ҳар қандай шахсий обрў, нуфуз, манфаат миллатлар ва халқлар манфаати, уларнинг тарихий шон-шуҳрати, қадриятларидан устун турмаслиги лозим!

Риёкорлик, фирибгарлик, қонун остидаги турли найранглар жазаваси тутиб, гдлянчиларни бутунлай ўз домига тортган эди. Бугун орадан анча вақт ўтиб, бундай фожиалар нақадар даҳшатли, изтиробли эканлигини англаб турибмиз. Истиқтол фояси, халқ иродаси айни ана шу бедаволик ва фаразгўйликдан миллатни асраб қолмоқда, авайламоқда.

СССР Олий Совети Раиси А.Лукъянов имзоси билан 1990 йил, 18 апрель куни Гдлян ва Иванов ишлари юзасидан Фармон қабул қилди. Унда жумладан шундай дейилади: «СССР халқ депутатлари Т.Х.Гдлян ва Н.В.Ивановларнинг СССР Олий Советини, баъзи халқ депутатлари ва юқори лавозимдаги шахсларни обрўсиз-

лантиришга қаратилған мурожаати қоралансин... СССР Баш Прокурорининг СССР халқ депутатлари Т.Х.Гдлян ва Н.В.Ивановларни жиной жавобгарликка тортишга рухсат бериш тұғрисидаги тақдимномаси рад этилсин».

Бундай бир-бирига зид, бир-бирини инкор этадиган, тутуруқсиз Фармон мамлакаттнинг энг олий минбарида туриб қабул қилинганини қандай түшуниш мүмкін? Бу ҳукуқшунос олим-шоир-«арбоб» А.Лукъяновнинг сиёсий савиясими? Кремль соҳибларининг навбатдаги ўйинларими? Халқ депутатлари, уларнинг сайловчиларининг устидан кулишми? Ҳар ҳолда қатыятысизликдай кўринган ушбу воқеадан шундай холоса келиб чиқадики, мурожаат қабул қилинса, салтанат соҳиблари шармандаю шармисор бўлишади. Мурожаатни рад этиб, Баш Прокурор тақдимномасини қабул қилишга эса юрак бетгламайди. Ахир улар осонгина «жон» берадиган итоаттўйлардан эмас-да! Ана шундай зиддиятлар қуршовида «обрў кетса кетсин, курси кетмасин» илинжида «сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган» йўл танланди.

Виктор Ильюхин гдлянчилар фаолиятини ўрганар экан: «Биз фақат қонунбузарликларни аниқлаб ҳам қолмай, шу билан бирга ҳукуқقا қарши тергов олиб боришни Берия давридаги садизмни эслатадиган жинояткорона ишларнинг бутун бошли силсиласини очиб ташлашга муваффақ бўлдик. Мен гдлянчилар терговини 30—50-йиллардаги терговлар билан яққол солиштириб кўриш имкониятларига эга эдим. Чунки 1989—1991 йилларда бошқармамиз ўша даҳшатли йилларнинг айбизз курбонларини оқлаш билан, айниқса, фаол шуғулланаётган эди. Деярли ҳар куни менинг столимга даста-даста НКВД ишларини келтириб қўйишарди. Бу ишларга, ҳукмларга, «учлик комиссияси» қарорларига, алоҳида кенгашлар ва шунга ўшашлар чиқарған ҳукмларга тайёрланган протест-норозилик ҳужжатлари илова қилинади. Баъзан менинг хаёлимдан кишини ҳайратта соладиган фикрлар кечар эди. Хаёлимдан Гдлян атайлаб ана шундай нотўғри усувларни ўрганиб чиққанми, деган фикрлар кечарди» дейди. (Ўша манба).

\* \* \*

## Мавзуга доир материал

### ГДЛЯН

Алломиши Чамбидда,  
Гүрўели гўрда,  
Ҳақиқат бешикда ухлади қотиб.  
Бир жом олтин сўраб,  
Қилич ўйнатиб,  
Кириб келди қашшоқ ўзбек ерига—  
Тельман Хоренович... Берия!..  
Уйинг куйди ўзбек,  
Шўринг қуриди.  
Пойгагинг қуриди,  
Тўринг қуриди.  
Деҳқонинг,  
Чўпонинг,  
Пахта чопонинг,  
Ортиндаги ҳамма зўринг қуриди.  
Отангни сотишса, изламадинг ҳам,  
Болангни отишса, йигламадинг ҳам.  
Йигласанг ҳам пахта териб йигладинг,  
Қотилга топганинг берийб йигладинг...  
Элим, деб ким куйса—  
Бари қамалди,  
Кимки ерин суйса—  
Бари қамалди.  
Жаллоднинг ғазнаси тўлгунча зарга,  
Сенинг бўз кўйлагинг минг бор ямалди.  
Эй, сен содда халқим,  
Ғамбода халқим,  
Сен бир кун тинган кун олам оч қолар.  
Сен бир кетмон урган далангда дунё  
Юз иш ётиб еса етгай, бож қолар.  
Сенинг поклигингга шубҳа қилмасман,  
Мен сени билмасам гар — ўйилмасман.  
Фақат бошинг чиқмас мудом меҳнатдан,  
Фақат тилинг қачон чиқар, билмасман!..  
Алломиши эртакда,  
Гўрўели гўрда,  
Тўмарис бешикда ухларди қотиб,  
Бир қон олтин сўраб қилич ўйнатиб  
Кириб келди мўмин ўзбек ерига—  
Тельман Хоренович... Берия.

Муҳаммад ЮСУФ

\* \* \*

Дарҳақиқат, юқорида айтганимиздек, 30—50-йиллар қатағони «пахта иши» шаклида 80-йилларда атайдар

лаб уюштирилди. Кремль ҳомийлигига Гдлян ва Ивановдан иборат бўлган «иккилиқ» айни 30-йиллардаги қатафонларнинг ташаббускорлари ва ташкилотчилари бўлган «учлик» ишининг давоми эди. Гўёки тарих қайталанаётгандек.

СССР халқ депутатлари қурултойлари «Пахта иши» билан боғлиқ можароларнинг кескин мунозара минбарига айланди. Гдлян ва Иванов фаолиятини ўрганиш бўйича давлат комиссияси тузилди. Қурултойда «Пахта иши» ва СССР Бош прокуратураси ҳодимларининг файриқонуний ҳаракатлари қанчалик қораланмасин, бу мунозараларнинг тагида миллат қадр-қиммати, ўзбеклар шами билан боғлиқ бўлган изтироб ва оғриқлар одамлар қалбини жунбушга келтирас эди. Тахқирли, ҳақоратли чиқишлиар ва уларга қарши зарбалар гирдо-бидиа Ўзбекистон ва ўзбеклар қадру қиммати поймол қилинар эди. Ана шу зиддиятлар хусусида гапиран экан, атоқли адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов қуидагиларни айтади: «Бу сўзларни айтиш мен учун жуда оғир ва қийин. Чунки менинг тақдирим ўзбек халқи тақдирни билан чамбарчас боғлиқ. Бундан чорак аср олдин «Правда» газетасининг ёш мухбири сифатида Ўзбекистон ютуқлари ҳақида, кўриқ ерларни ўзлаштириш ҳақида кўплаб ёзганман. «Оқ олтин»нинг ойдин йўли» очеркимда эса, мен пахта терувчи энг яхши, меҳнатсевар инсонлар ҳақида ёзиб, шуни фахр билан қайд этган эдимки, агар Ўзбекистоннинг бутун пахтасини вагонларга жойлаштирасак, унда ердан ойгача узунликдаги эшелон керак бўлади. Ҳақиқатдан ҳам бу ерда ҳеч қандай муболага йўқ. Ўзбек меҳнаткашларининг мамлакат (СССР — Н.Ж.) учун қилган барча ишлари таҳсинга сазовордир. Кўп асрлик ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга кўрсатган таъсирини Византияning қадими русларга кўрсатган таъсирига қиёслаш мумкин». («Зона молчания». Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма. Т., 1989. 4-стр.)

Дарҳақиқат, нафақат Ўрта Осиё, балки инсоният ҳаётига маданият ва маърифат олиб кирган, дунё халқлари тарихида бир неча цивилизациялар даврини бошлаб берган ўзининг даҳолик курратини буюк маданий ёдгорликлар ва умуминсоний қадриятларни яратиш билан кўрсатган ўзбек халқидай қадимий халқни шунчалик бадном қилиш тарих фожиасидир. Буни инкор қилиб бўлмайди. Ана шуни назарда тутиб Ч.Айтматов «Шўролар давригача ҳамда шўролар даврида ҳам Ўзбе-

кистон бизнинг Шарқдаги сўзимиз ва қиёфамиздир», деган бўлса ажаб эмас. Худди ана шундай буюк эътироф орқали адид изтироб чекади: «Тошкентнинг қадрдан кўчаларига ҳайрат билан қараб, ўзимга савол бераман: Наҳотки, тилларда достон бўлган Ўзбекистонда айрим мансабдор шахсларнинг содир этган жиноятлари тўғрисидаги матбуотдаги хабарлар рост бўлса? Нима бўлди, қанақа маъмурий фожиа юз берди? Мен буни фақатгина миллий фожиа дея олмайман.

Бу ерда қандай ахлоқий ва маънавий муносабатлар пайдо бўлди? Нима учун айримларнинг жиноятлари бутун халқнинг фожиасига айлантирилди? Билмайман, бу қанчалик ҳақиқат. Аммо айтишларича республикада юзлаб одамлар ҳибсга олинган ёки терговга тортилган. Лекин бу қанчалик оширилган бўлмасин халқнинг фурурига, унга нисбатан айтилган камситишларга чида бўлмайди. Ҳақиқатга зид шов-шувларнинг аралаштирилиши уятли холдир». (Ўша манба. 5-бет.)

Қадимий Мовароуннаҳр халқлари азалдан эзгулик ва яхшиликни турмуш тарзига айлантирган, ҳаётдан фақат яхшилик излаб, уни ҳимоя қилишга қодир бўлган халқ бир ҳовуч найрангбозларнинг ўйинчоғига айлантирилди. Ана шу ҳодиса Ч.Айтматовга оғир ботган ва уни изтиробларга солган эди. «Туркистон тоф ва водийларида яшовчи аҳоли ёшлигидан ўзбек халқининг қадимий тарихи ва маданиятига, жаҳон тан олган, юксак дараҷада гўзал бўлган миллий хусусият — ҳақиқий меҳнатсеварлик ва ўзининг ажойиб жамоачилик анъаналярига ҳурмат билан тарбияланган бизлар учун бундай ҳодисаларни эшитиш қайгули».

«Пахта иши» операцияси натижалари И.Каримовни ҳар томонлама безовта қиласди. Бундай ноҳақликлар ва бедаволикларга чидолмасди. Унинг оқибатлари хусусида гапирав экан, «лаббайгўйлар»нинг фаолиятига кескин баҳо берди: «Бўш-баёв, сиёсий иродадан маҳрум, ўз халқининг ор-номуси ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган кишиларнинг Ўзбекистон Компартияси ва республика раҳбариятига келиб қолиши, аввало шунга ёрдам берди. Уларнинг аксарияти ўзларининг омон қолишларини ўйлаб, ҳукуқ муҳофазаси органдари, жумладан, Гдлян ва Иванов гуруҳи йўл қўйган қонунсизлик ва қонун бузишларини пайқамасликка обдан уриндиilar» (Ўзбекистон КП XXII съездидаги нутқдан. 1990 йил).

Энг аввало, киши ким бўлмасин, юрагининг туб-

тубида орият, нафсоният, журъят ва ирода бўлиши керак. Афсуски, бундай одамлар ҳаётда камдан-кам учрайди. Шахс орияти миллий ориятга; шахс фурури миллий фууррга айланган чоғда киши бебаҳо қадриятга айланади.

Миллат бошига тушган ҳар қандай кулфат бундай одамга ором бермайди. Нафсонияти кўзгайди-ю адолат учун, ҳақиқат учун «бошини кундага қўяди».

Президент И.Каримов КПСС зўравонлик сиёсатини кундан-кунга кучайтираётган, гдлянчиларни зўр бериб ҳимоя қилаётган бир пайтда худди ўша партия минбаридан туриб, унга қарши чиқди. «Пахта иши»ни навбатдаги қатағонга қиёслаб, уни рад этди: «Буларниг ҳаммасини биз қатъян рад этамиз ва асоссиз тарзда репрессияларга дучор бўлган кишиларнинг ор-номуси, қадр-қиммати, покиза номини тиклашни, уларга етказилган маънавий ва моддий зиён ўринини қоплашни ўзимизнинг биринчи галдаги бурчимиз деб ўйлаймиз». (Ўша манба).

1990 йилларга келиб, ҳали СССР жазаваси тутиб бутун мамлакатда зўравонлик кўрсатаётган бир пайтда Узбекистонда Москва бошлаб берган сиёсий ўйинларга чек қўйишга ҳаракат қилинди. Жумладан, «пахта иши», «ўзбеклар иши», «рашидовчилик» тамғалари босилган маломатларни ювиш, миллат шанини, қадру қимматини тиклаш йўли танланди. Республикада ижтимоий, сиёсий, хукуқий ва тарихий ҳақиқатни тиклаш, шу орқали руҳи эзилган, шаъни топталган, иззат-нафси ерга яксон қилинган ўзбек миллатининг тоза ва беғубор қиёфасини тиклаш учун барча имкониятлар ишга солинди. Ижтимоий адолат ҳар нарсадан устун туриши, у ҳар қандай манфаатлар, сиёсий ўйинлар қурбони бўлмаслиги, аксинча республика равнақи учун муҳим омил эканлиги такрор ва такрор айтилди. Жумладан, республика раҳбари И.Каримов «пахта иши» деб ном олган қисматимизга келсақ, оқланганлар сони минг кишига етди. Бунга чуқурроқ назар ташланса, ана шу рақамлар замирида қанчадан-қанча шикастланган қисматлар, қанчадан-қанча азоб чеккан тақдирлар бор. Ноҳақлиқ, адолатсизлик жабрдийдаларини ҳаммамиз бир тасаввур қилиб кўрайлик. Буни шунинг учун ҳам такрор айтаяпманки, энди ҳеч қачон бундай ноҳақликлар тақрорланимасин. Бунинг учун ҳаммамиз курашмоғимиз керак. Ўзбекистон мустақиллик йўлига ўтар экан, авваламбор мана шундай масалаларни ечишда ўзини кўрсатиши керак. Четдан келиб халқимиз тақдирини ҳеч ким ҳал қиласин. Ўзимизнинг Олий Кенгашимиз бор, ўзимизнинг Олий судимиз бор» («Совет Ўзбекистони», 1991 йил, 27 марта).

Юқоридаги иқтибосга эътибор беринг. «Ўзбекистон мустақиллик йўлига ўтар экан, авваламбор, масалаларни ечишда ўзини кўрсатиши керак. Четдан келиб халқимиз тақдирини ҳеч ким ҳал қиласин». Бу жамиятни аста-секинлик билан миллий истиқлол сари бошлиш, аҳоли тушкун кайфиятини, синиқ руҳиятини кўтариш орқали унинг юрагида мустақиллик туйғусини ўйготишга интилишнинг ўзи эмасми? Бутун мамлакатни (СССРни), халқни мисли кўрилмаган фожиалар ўз гирдобига тортаётган бир пайтда бир одам ўз зиммасига шунчалик оғир юкни олиши мумкинми? Бошқача айтганда, И.Каримов феномени айни ана шундай жиддий тўқнашувлар орқали ўз қудратини кўрсатди.

Ҳаётда баъзан одамлар тасаввур қилиши қийин бўлган ҳодисалар ҳам юз берар экан. Улар кутилмаганданда бир одамнинг ҳокимият тепасига келиши билан боғлиқ бўлиб, бир инсоннинг феъл-атвори, хатти-ҳаракати, бошқарув тизимини нечоғлик қўлга олганлиги ва қайси томонга буриб кетаётганилиги билан боғлиқ экан.

Жамиятда шахснинг ўрни ва роли деган тушунча мазмуни балки ана шундай миллат, халқ бошига тушган кулфатли кунларда яққол кўзга ташланади. Қарийб 10 йил мобайнида руҳий озор, ижтимоий адолатсизлик ва қонунбузарлик курбони бўлган халқ қалбига нур, кўзига зиё бахш этадиган, унинг озурда руҳиятига мадад бўладиган, шикаста ва топталган ориягини тиклайдиган вазиятни яратиш осон иш эмас. Бошқача айтганда, СССРнинг охирги йилларида — алаҳсираш ва узлуксиз жазавалар пайтида унинг бутун сиёсатига, стратегик мақсадларига қарши туриб, ўз ҳаётини, оиласи тақдирини хавф остида қолдириб, миллат шаънини тиклаш йўлини танлаш ҳар қандай раҳбарнинг ҳам қўлидан келавермайди. Ислом Каримовнинг айни ана шундай феъл-атвори яқин ўтмишдошлари бўлган И.Усмонхўжаев ва Р.Нишонов сингари нопок, миллат сотқинлари феъл-атворига мутлақо зид ҳолда ўз қиёфасини кўрсатди. Айни ана шу ҳолатнинг ўзи миллат дардига дармон, орзуларига қанот, ишончига таянч бўлиб қолди.

#### 4. ТАҚДИР ЧАРХПАЛАГИ. ИНСОН, ЖАМИЯТ ВА ЖАРАЁН

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг эндиғина бир йиллигини нишонлаган, дунё меҳварида ўзини намоён қилишга интилаётган бир пайтда миллий қадри-

ятларни тиклаш, миллат юзидағи доғларни ювиш, унинг тоза ва баркамол қиёфасини яратиш зарур эди. Президент Ислом Каримов айни ана шу йўлни танлади. 1992 йил, ноябрь ойида Шароф Рашидов тавалтудининг 75 йиллиги катта тантаналар билан нишонланди. Ш.Рашидов орқали мамлакат ва миллат шанига айтилган барча бўхтонлар очиб ташланди. Ш.Рашидовнинг шахсий ва тарихий қадриятига муносиб баҳо берилди. Юбилей тантаналарида Президент Ислом Каримов сўзлар экан, қуидагиларни алоҳида таъкидлadi: «Ўтмишни бўяш ва бежашнинг ҳожати йўқ. Шароф Рашидов ўз тузумига садоқат билан хизмат қилди. Аммо пайти келиб, у дунёдан кўз юмганидан кейин у ҳимоя этган тузум унга хиёнат қилди. Дунёда ҳеч бир бундай беандиша тузум йўқки, инсон қадрини бу қадар беобруй қilsa! Бугун кўкларга кўтариб, эргасига ер билан яксон этса! Рашидов вафотидан кейин республиканинг иқтисодий тараққиёти кескин сустлашди, ҳатто кўп ҳолларда бутунлай тўхтаб ҳам қолди. Буни қўққисдан кириб келган қайта куриш, мамлакатдаги умумий иқтисодий танглик билан ҳам изоҳлаш мумкин. Лекин шуни ҳам тан олишимиз керакки, мальум даражада республикамиз ва унинг жафокаш халқи бошига тушган бу кулфат обрўли, тажрибали йўлбошчини йўқотганининг ҳам натижаси бўлди. Чунки ҳокимиятни узокни кўролмайдиган, енгилтабиат, иродасиз, фақат ўзини ўйлайдиган, нафсга берилган шахслар эгаллаб олди. Ҳақиқий раҳбарсиз қолган халқ собиқ Марказдаги сиёсий қиморбозликнинг қурбони бўлди. Уларнинг сиёсий ўйинлари, маккорликлари натижаси билан Ўзбекистон тарихда кўрилмаган ёвуз тажриба майдонига айлантирилди».

\* \* \*

Шароф Рашидов шахсига ва раҳбарлик фаолиятига сиёсий баҳо бериш учун у яшаб, меҳнат қилган давр ижтимоий-сиёсий мухитини ҳар томонлама чукур таҳлил қилиб ва умуман СССР деб аталган собиқ мамлакатда ҳукмронлик қилган фоят кудратли сиёсат — коммунистик диктатуранинг бутун фожиаларини ва нуқсонларини элакдан ўтказиш, мамлакатда социалистик тузум қайтарзда барпо этилганлиги, унинг пойдевори қандай қўйилгани ва қандай қад ростлаганини чукурроқ ўрганиш лозим. Зоро, Шароф Рашидов гарчи дунё миқёси-

даги сиёсатчи, жаҳонга танилган йирик давлат ва жамоат арбоби, ноёб истеъод, ўзига хос нозик таъб ва юксак маънавий-сиёсий маданият эгаси бўлса-да, айни пайтда тоталитар тузум, социалистик диктатура сиёсати ва коммунистик яккаҳокимлик мафкурасига тобе эди.

Тарихга бир назар солайлик. Россия, Кавказорти ва Ўрта Осиё ҳалқлари ҳаётига шовқин-сурон, қон тўкишлар, курбонликлар ва зўравонликлар билан кириб келган Октябрь инқилоби асоссиз равишда амалга оширилган эди. Пойдевори қумдан кўтарилиган социализм дастлабки кунлариданоқ ўзининг узоққа боролмаслигини кўрсатди. Жумладан, пролетариат диктатураси ўрнатилди деб, айюҳаннос солинди. Бироқ, меҳнаткаш омма бошида тегирмон тоши айлантирилди. Меҳнат кишиси ғоявий, маънавий ва жисмоний зўравонликлар исканжасида қолди. Айниқса, Россия атрофида бирлашган ва СССР деган улкан мамлакат таркибига кирган миллий республикалар тақдири ғоят ачинарли бўлди. Улар фақат хужжатларда мустақил давлат сифатида расмийлаштирилди, холос. Амалда эса тўла мұстамлака бўлиб қолаверди.

Умуман олганда, чор Россиясининг мұстамлакачилик сиёсати 1917 йилда бошқача қиёфага кириб олди-ю моҳиятини ўзгартирмади. Кичик ҳалқлар ва маҳаллий миллатлар устидан қатъий ҳукмдорлик сиёсати тобора чукурлашди. Миллий қадриятлар, ҳалқларнинг минг йиллар мобайнида тўплаган маданий мероси, бебаҳо қадриятлари ва анъаналари очиқдан-очиқ поймол этилди. Пухта ишлаб чиқилган сиёсий концепция асосида «Тенглар ичida тенг», «Барча миллатларга равнақ» шиорлари дабдабали тарзда, катта-катта минбарларда такрорланаверди. Бироқ унга амал қилинмади. Миллий камситишлар, қардош республикалар тараққиётiga ҳар томонлама тўқинлик қилиш, унга эркинлик ва ҳуқуқ бермаслик чоралари кўрилди. Миллат тақдири ва миллий тараққиёт ҳусусида гапирғанларнинг ҳаммасига миллатчи, сотқин, ҳалқ душмани деган тавқи лаънатлар тамғаси босилди. Маҳаллий ҳалқларнинг онгли, билимдон кишилари, зиёлилари, олиму шоирлари қатағон қилинди, отиб ташланди.

Бир ўйлаб кўринг. Шароф Рашидовгача Ўзбекистонга раҳбарлик қилган бирон бир арбоб хотиржам ҳаёт кечирмаган. Дастилаб Файзула Ҳўжаев, Акмал Икромов ва уларнинг сафдошлари қатағон қилинди. Кейин Усмон Юсупов ҳам катта ҳамду санолар билан

Марказга олиб кетилди. Қарасаки, у юрт манфаати ва халқ тақдиди учун курашаяпти. Демак, бадном қилиш керак. Ҳудди ана шу сабабдан ҳам уни ҳар хил баҳоналар билан лавозимидан бўшатишди. Аникроқ қилиб айтганда, у Мирзачўлга сургун қилинди. Уни қўриқ ўзлаштиришга юборишди. Шунга ўхшатиб Нуриддин Муҳиддиновни КПСС Марказий Кўмитаси котиблиги ва Марказий Кўмита Президиуми (Сиёсий Бюро) аъзолиги лавозимидан хорижга элчи қилиб юбориб қўя қолишиди. Ана шундай мустамлакачилик ва зўравонлик сиёсати Шароф Рашидовни ҳам ўз домига тортган эди.

Хўш, Рашидов қандай қилиб узоқ муддат ишлади? Ҳарҳолда айримлар айтганидек лаганбардорлик, Марказга сифиниш туфайли эмас! Бундай одат унинг табиатига ва феъл-авторига мутлақо тўғри келмасди. Рашидов ноёб, ҳар томонлама камолотта етган сиёсатчи, зўр дипломат ва юксак муомала маданиятига эга бўлган баркамол шахс бўлганлиги сир эмас. Бундай одам ортиқча эгилмайди, ҳар қандай шароитда ҳам ўз мавқени сақлай олади.

Ш.Рашидов сиёсатидаги «байналмилал»чиллик, рус халқига керагидан ортиқча баҳо бериш, «улуг оға»чиллик сифати унинг Марказга тобелигидан эмас, ўша давр ижтимоий-сиёсий муҳити қобигидан чиқолмаслик, ўзининг катта-катта мақсадларига мамлакат раҳбарининг кайфиятига мос равища иш тутиш, муросага бориш йўли билан эришиш муддаосидан келиб чиқкан. Ҳар қандай мақтомув арzon қарсакларга ўч бўлган йўлбошчиларга ана шундай муомалада бўлган Ш.Рашидов Ўзбекистон тараққиёти учун улардан, мамлакат ҳокимиятидан усталик билан фойдаланган. Республика тарихига, миллат фахри ва ифтихорига дахлдор бўлган курилишлардан тортиб, умумдавлат аҳамиятига дахлдор дастурлардаги кенг кўламли ишларни бажаришда унинг зўр сиёсий маданияти қўл келди. У фақат шу йўл билангина юрт ва халқ фарованиегини қисман бўлсада ошириш мумкинлигини яхши билган.

Миллатни ёмонотлиқча чиқариш, обрўли сафдош ва замондошларни бадном қилиш, улардан ўч олиш орқали юртга ва халқига сотқинлик қилишининг Р.Нишонов учун четараси йўқ эди. У «Союз» ҳафталиқ газетаси мухбири билан сұхбатда «Рашидовнинг миллатчилик туйғусидан келиб чиқиб, Темур каби ўтмиш қонхўр босқинчиларини улуглаштиргани, айниқса, менга ёқмас эди», деган эди.

Қачонки, мунофиқ ўзингдан чиқса, додингни кимга айтасан, киши. Төмур ўзингники бўлса, Рашидов ўзингники бўлса, халқ, улкан тарих, бой маданият ўзингники бўлса, кимга хизмат қиласпсан? Балки ростдан ҳам Рашидов билан ораларида нимадир бордир? Балки Рашидовнинг бирор билмаган нуқсонлари мавжуддир? Бу табиий ҳол. Бироқ тарихга, улуғ аждодларимизга ҳурмат туфайли уни айблаб бўлмайди-да! Агар жуда зарур бўлса, уни айблаш учун асосли мисоллар топиш мумкин эди!

Давлат ва сиёсат арбоблари фаолиятига баҳо беришда энг авалло уларнинг қандай ижтимоий-сиёсий жараёнларни бошдан кечиргани, унга нималар мерос қолгани ва ўз фаолияти давомида мамлакат ва халқ ҳаётида қандай из қолдирганини назарда тутиш лозим.

Кейинги йилларда Рашидов шахсига, унинг раҳбарлик фаолиятига бир ёқлама қараганлар, гаразгўйлик, шахсий адоват комига тушганлар қўлмишига қараб туриб, баъзан шундай савол туғилади: Хўш, Рашидовнинг ўрнида бошқа одам ишлаганида нима бўларди? Ёки Рашидовни бўшатиб, унинг ўрнига чиқмоқчи бўлганлар, борди-ю, ўз мақсадларига етиб, республика раҳбарлиги лавозимини эгаллаганларида Ўзбекистонда ахвол ўзгарармиди? Йўқ! Ахвол ўзгармас эди! Балки... бундан ҳам баттарроқ бўлиши мумкин эди. Чунки, ўша давр ижтимоий-сиёсий муҳитини танқидий назар билан қараб, холис баҳо берган таникли олим Ҳайдар Пўлатов ибораси билан айтганда: «Ўта марказлашган сиёсий механизмининг шиддатли ҳаракатини тұхтатиши, уни бошқа изга солиш ҳеч кимнинг қўлидан келмас эди. Бундай қилишга уринган ҳар қандай арбобни мавжуд сиёсий машина мажақлаб ташлар эди. Демак, Рашидов масаласи унинг шахсияти доирасидаги масала эмас. Балки турғунлик даври эҳтиёжи билан вужудга келган сиёсий ҳодисадир».

Келинг, Ш.Рашидовнинг республикага чорак аср мобайнидаги раҳбарлик фаолиятига яна ҳам кенгроқ қарайлик. Баландроққа чиқиб, дунёга назар солайлик. Яна бир бор сизни Октябрнинг аччиқ меваларидан татиб кўришга даъват этаман. Фашизм устидан қозонилган ғалабадан сўнг социализм бир мамлакат доирасидан чиқиб, жаҳон доирасини ташкил этди, деб жар солдик. Аслида ҳам шундай бўлди. Европадаги бир қатор мамлакатлар фашизм зулмидан озод этилди. Бироқ, уларга ўзларига маъкул бўлган ижтимоий-сиёсий ту-

зумни танлаш хуқуқи берилмади. Аксинча, социалистик тузум зўрлик билан жорий этилди. Натижада худди собиқ СССР таркибидаги қардош республикалар сингари Болгария, Чехославакия, Руминия, Польша, ГДР ва бошқа мамлакатлар ҳам жаҳон харитасида мустақил давлат сифатида белгиланган бўлса-да Москва сиёсатига қарам бўлиб қолаверди. Худди шу мамлакатнинг сиёсат ва давлат арбоблари Ш. Рашидов, Динмуҳаммад Кўнаев, Ҳайдар Алиев, Шчербицкий, Машеров сингари, Густав Гусаак, Тодор Живков, Войцех Ярузельский, Николае Чаушеску, Эрих Хонеккер ва бошқалар ҳам тоталитар тузум, социалистик яккаҳокимлик, зўравонлик, мустамлакачилик ва коммунистик диктатура сиёсати ўчоғи бўлган Москвага тобе бўлдилар. Улар «Қизил империя»нинг даҳшатли тазиики остида қолдилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган бу мустақил давлатларда собиқ Совет Қуролли Кучлари, ҳарбий аслаҳаҳоналари жойлаштирилган эди. Бу ерларда ҳар қандай кичик бир чекинишларга интилишни таг-туғи билан йўқотиш учун барча чоралар кўрилди. Жумладан, Германия Демократик Республикасида турли йилларда юз берган норозиликлар, 1986 йили Чехословакияда, ундан сўнг Польша ва Руминиядаги қонли тўқнашувлар собиқ Совет Қуролли Кучлари иштирокида бостирилди. Ана энди ўйлаб кўринг. Тўла мустақил бўлган Европа мамлакатлари шунчалик исканжага тушгач, СССР таркибига кирган республикалар аҳволи қандай бўлсин? Бундай шароитда ишлаш нақадар оғир ва аянчили.

\* \* \*

### *Мавзуга доир материал*

1960 йил май ойида СССРнинг Польша Ҳалқ Республикасидаги элчиси Пономаренко КПСС XX съездидан кейин Польша бирлашган ишчи партияси таркибидаги норозиликлар кучайгани ҳақида Москвага хабар беради. Хрущев, Микоян, Булганин, Молотов ва Каганович Польша бирлашган ишчи партияси пленуми арафасида Варшавага боришига қарор қилишди. Оҳат, Гомулка ва бошқа поляк раҳбарлари норозилик билдирадилар. Шунда Хрущев ва унинг сафдошлари таклиф қилинмаса ҳам боришиди.

Бальведер саройида пленумдан сўнг жиiddий сухбат бўлди. Гомулка (ПБИП МК Бош котиби — Н.Ж.) ва бошқалар бир нарсани талаб қилишди: ПБИПнинг ички

*ишиларига аралашмаслик, Польшадаги Совет Куролли Күчлери мақомини аниқлаш, Совет маслаҳатчилари сонини қисқартыши, Варшавада Мудофаа вазири (?) бўлиб ишилаётган Рокоссовскийни чақириб олиш.*

*Хрушчев, Булганин ва Молотов ўзларини жанговар тутдилар, «Сиз гарбга юзингиз билан, бизга эса орқангиз билан турмоқчисиз», «Сиз Германияда жуда катта армиямиз турганини унутдингиз, шекиллиш» деб дағдага қилдилар. Қўрқув ва таҳдид кучайди.*

*Суҳбат пайтида поляклардан бири Гомулкага хат олиб киради. У Хрушчевга мурожаат этиб, «Польшанинг гарбий қисмида жойлашган ҳарбийларингиз танклар билан Варшавага йўл олганлигини айтишди», — дейди. Гомулка уларни жойига қайтаришни илтимос қилиб сўрайди. Хрушчев Варшава Шартномаси Куролли Күчлари Бош қўймондони Коневга танкларни қайтариш тўғрисида буйруқ беради.*

*(Д.Волковонов. Ленин. «Новости». М. 1994. 458-бет.)*

\* \* \*

Мустақил фикрлаш, мустақил иш юритиш, халқи билан юзма-юз, очиқ-ойдин гаплашиш хуқуқи энг кичик раҳбардан энг каттасигача — ҳеч кимга берилмаган эди. Вилоятлар ёки вазирликлар раҳбарлиги у ёқда турсин, кичик бир идора қоровули штатини очиш учун ҳам Бош котиб розилиги керак эди. У пайтларда вазият шундай бўлганки, ҳамма нарсани кўриб турасан, бироқ кўрганингни айттолмайсан. Дардингни ичингта ютасан, юрак бағринг қонга айланади, лекин илжайиб туришга мажбурсан. Фақат битта йўл бор: ўта юмшоқлик ва маданият билан мақтовга ўч арбобни авраб, ҳамду санолар ўқиб иш битирасан. Ана шундай қийин шароитда Ш.Рашидов кўп иш қилган. Ўзбекистон тарихига абадий ёзилган ишларни амалга оширган.

Шу ўринда Асил Рашидовнинг бир ҳикоясини эслаш ўринидир. «Кунлардан бир куни бир даста рўзнома кўтариб акам ишдан жуда ҳорғин, ғалати кайфиятда кириб келдилар. Дарҳол саломатликларини сўрадик. Ҳаммаси яхши, соғлигим жойида, дедилар. Бироз сукут сақлаб ўтиргач, хўрсиниб «Бугун бир гуруҳ чақнаб турган йигитларни Афғонистонга юбордик. Марказга ялиндим, ёлвордим. Иложини қилолмадим. У йигитларнинг қанчаси ота-онасининг бағрига қайтиб келишини билмайман», дедилар. Бундай ҳодиса Ўзбекис-

тонга раҳбар бўлган ҳар қандай кишининг бошига турли ҳолатларда тушиши мумкин эди.

«Халқ сўзи» рўзномасида Қорақалпоғистон партия қўмитасининг ўша пайтдаги биринчи котиби Қаллибек Камоловнинг Рашидов ҳақидаги хотиралари босилди. Унинг айтишича, Тошкент метрополитени қурилиши учун Шароф Рашидов Брежневнинг қабулига турли пайтларда ва ҳолатларда олти марта кирган экан. Еттинчи марта кирганида «Сен, Рашидов метроинг билан жонимга тегдинг» деб хужжат устига қўл қўйиб берган экан. Мамлакат «отаси»нинг хонасидан оғир хўрсаниб, «ниҳоят ҳал бўлди...» деб чиққан Рашидов ҳолатини, дард аралаш севинчини Қ.Камолов алоҳида таъкидлайди. Бундай изтиробли ҳодисалар Рашидов бошидан деярли ҳар куни ўтган.

Ш.Рашидов раҳбарлик қилган чорак аср мобайнида Ўзбекистон харитасида ўнлаб янги шаҳарлар, туманлар, вилоятлар пайдо бўлди. Бир неча юз минг гектар ерлар ўзлаштирилди. Янгидан-янги саноат корхоналари бунёд этилди. Фан, техника, медицина, алоқа, транспорт ва маданият ривожланди. Бунчалик кенг миқёсли иш Марказнинг яккаҳокимлик сиёсати остида не машаққатлар билан амалга оширилганини англаш қийин эмас. Айни Ш.Рашидов раҳбарлик қилган йигирма беш йил ичida Ўзбекистон ҳалқи турмуш тарзи, қишлоқ қиёфаси ва дехқончилик маданияти анча ошганлиги, аҳоли дунёқараши ва саводхонлигига жиддий ўзгаришлар юз бергани ҳеч кимга сир эмас.

Ш.Рашидовга тош отганлар кўпинча Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қарийб текинга ташиб кетилганлигини рўкач қилишди. Албатта, бу гапларда асос бор. Бироқ, қайси республика Марказ билан жаҳон бозори тарозисида олди-берди қилди? Катта-ю кичик республикаларнинг барчаси хом ашё базасига айланиб қолган эди-ку!

Пахта мустақиллиги сиёсати барча пахтакор республикалар қаторида Ўзбекистон бошига қатор қийинчиликларни олиб келди. Пахта табиатан инжиқ ўсимлик бўлгани учун кимёвий моддалар кўп ишлатилди. Марказнинг миллий сиёсат борасидаги ғайриинсоний ғоялари дехқончилик технологиясини ривожлантиришга, қўл меҳнатини камайтиришга монелик қилди. Айниқса, пахта йиғим-теримини ташкил қилишда бирмунча нуқсонларни келтириб чиқарди. Ана шу фоя асо-

сида маҳаллий миллат вакиллари оғир ва машаққатли меҳнатга тобе қилинди.

Экология тўғрисида икки оғиз сўз. Албатта, мен бу соҳада ҳам Рашидовни тўла-тўқис оқламоқчи эмасман. Унинг қатор нуқсонлари, ҳеч бўлмаса мавжуд имкониятлардан кенгроқ фойдаланолмаган жиҳатлари бор эди. Бироқ, сабиқ СССРнинг қайси бурчагида соғлом табиат бор? Ахир бу ҳақда гапиравериб Озарбайжонда Анор, Қозогистонда Ўлжас Сулаймонов, Қирғизистонда Чингиз Айтматов, Тожикистонда Мўмин Қаноат, Россияда Валентин Распутин, Украинада Борис Олейникнинг жигари қон бўлди-ку! Бу фожиаларнинг ҳаммаси мамлакат Марказий бошқарув аппаратининг нўноклиги, узоқни кўра билмаганилиги оқибатида юз берди. Ёки миллатларни йўқ қилиш, инсонни оддий ишлаб чиқариш қуролига айлантириш йўлига ўтган, пухта ўйлаб топилган сиёсий концепция. Бошқа нарса эмас.

1937 йиллар қатағони бошқа бир шаклда 1980 йилларда атайлаб ташкил этилди. Ш.Рашидов вафотидан сўнг унинг халқаро обрўсини тўкиш, миллат рамзига айланиб қолган обрў-эътиборини поймол қилиш йўли билан ўзбек халқини бадном қилиш сабиқ КПСС Марказий Комитетининг, унинг Сиёсий Бюросининг, қолаверса, «янгича тафаккур ва янгича фикрлаш» сиёсати асосчиси М.Горбачевнинг ўйлаб топган Концепцияси эди. Бутун мамлакат яхши биларди. Қозогистонда Кўнаев қозоқ миллатининг рамзига айлангани сингари Ўзбекистон ва ўзбекларнинг халқаро майдондаги нуфузи, обрў-эътибори бевосита Ш.Рашидов номи билан, унинг шахси ва сиёсати билан боғланиб кетган эди. Оммавий равишда етук раҳбар кадрларни йўқ қилиш, қамаш, сургун қилиш, шу йўл билан республикада қарор топган сиёсий-маънавий муҳитни пароканда қилиш, одамларнинг руҳини синдириш ва уларни қора меҳнатга маҳкум қилиш мақсадида «ўзбек мафияси», «ўзбеклар иши», «пахта иши» сингари машъум ва лаънати иборалар ўйлаб топилди. Натижада ҳар томонлама камолотга етган, етарли тажрибага эга бўлган раҳбарларнинг ҳаммаси бадном қилинди. Ўзбеклар порахур, лаганбардор, деб дунёга жар солинди. Аслини олганда Ўзбекистонда юз берган салбий ҳодисалар бошқа иттифоқдош республикаларда бундан ҳам баттарроқ ва бундан ҳам хавфлироқ тарзда юз бермаганмиди? Россиянинг бир қатор ўлка ва вилоятларида, жумладан, Мос-

ква ва Ленинградда қўшиб ёзишлар, ўғриликлар, давлат мулкини талон-торож қилиш, қонунсизлик авжига чиқмаганмиди? Белоруссия, Молдавия, Украина-даги кўзбўямачиликлар Ўзбекистондагидан кам эмасди. Агар Ўзбекистонда юз берган барча нохуш кўринишларга фақат Рашидов сабаб бўлган бўлса, Москвада Гришин, Ленинградда Романов, Белоруссияда Машеров, Украинада Шчербицкийлар нега тартиб ўрнатишмади? Улар ахир ўзларини социализм маёқлари деб билишарди-ку?! Дунёда инсонпарварлик, адолат, ҳақиқат учун «курашувчи», энг жанговар ва инқилобий руҳдаги коммунистик партияниң йўлбошчиларидан деб санашарди-ку?! Буларнинг ҳаммаси бутун мамлакатни издан чиқарган, халқни хор қилган, социализмни жамият сафида туб-тубидан таназзулга бошлаган КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолари эди-ку?! Салбий ҳодисалар бутун мамлакатда илдиз отиб, жамият эса чок-чокидан ситилиб кетган бир пайтда бутун мағзава Ўзбекистон ва ўзбеклар бошига қўйилганини қандай тушуниш мумкин?

80-йилларнинг энг мудҳиш ва қонли дамларида биз ўзимизни ҳимоя қила олмадик. Миллий фуруримизни, шаънимизни, минг йиллар мобайнида мисқоллаб тўплаган қадриятларимизни, асрлар силсиласидан эсон-омон олиб ўтилган ўзлигимизни топташди. Биз эса уларнинг ёқасидан ушлай олмадик. Аксинча, уларга эгилдик, таъзим қилдик. Натижада Горбачев, Лигачев, Разумовский, Могильниченко, Бессарабов, Смирнов, Понамарев сингари арбобу арбобчалар Гдлян ва Ивановлар кўли билан ўзбеклар қонини сўришди, уни руҳан мажруҳ қилишди, мъянавий жиҳатдан топташди. Бутун Ўзбекистонни хонавайрон қилишди!

Ш.Рашидовга таъна тошини отганлар, унинг тириги у ёқда қолсин, ўлигини ҳам маломат ботқоfigа кўмганлар фақат марказдагилар эмасди. Улар қаторида ўзимизнинг орамизда ўсиб, вояга етган ўзбеклар ҳам бор эди. Рашидовга тириклигида «пайғамбар» деб синган, «пирим» деб қўл берган, кўзининг ёғини яланган арбобчалар шундай қилишди. Бундай тоифадаги раҳбарлар хоҳлаган пайтда юртини ҳам, ватанини ҳам, қолаверса, ота-онасию оиласини ҳам сотишга тайёр турган лўттивозлардир. Очифини айтайлик, И.Усмонхўжаевни республика миқёсига олиб чиқсан, республика ning иккинчи раҳбари қилиб кўтарган, ўзига фарзандидек яқин туттган, унинг оиласидаги бошқа ўртоқ-

ларга ҳам мадад бериб турган Ш.Рашидов айнан унинг қўли билан оёқости қилинмадими?

Бир йилга етар-етмас республика раҳбари бўлган Р.Нишонов икки кишининг олдида сўзласа гапини Рашидовни ёмонлашдан бошлар эди. Гўёки, уни Рашидов чет элга сургун қылган эмиш. Инсоф ва диёнат бўлганида Нишонов бир оғиз сўз билан бўлса-да, ростини айтарди. Ахир, у Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси котиби бўла туриб ахлоқий, майший ва маънавий бузуқлиги туфайли жиноятга қўл урган эди-ку. Ана шу жиноятнинг очилиб кетмаслиги, натижада бутун ўзбеклар шаънига доф туширмаслик учун уни ҳавоси қишин-ёзин мўттадил бўлган, жаннатмакон бир мамлакатга элчи қилиб юборгани, айбларини яшириб, ифлос кирдикорларини хаспўшлагани учун Рашидов айборми?!

Ш.Рашидов ҳамма қатори бир одам эди. Съезд минбаридан айтилганидек, унда сеҳргарлик ҳам, фавқулодда жодугарлик ҳам йўқ эди. Бироқ, камчиликлардан ҳам холи бўлмаганди. У ўзи тарбиялаган, вояга етказган шогирдларига қаттиқ ишонар эди. Бедодликни қарангки, худди ана шу ишонувчанлик унинг бошига ўлимидан кейинги кулфатларни олиб келди. Ноқобил, сотқин шогирдлар устоз гўрига ўт қалашди. Арвоҳини чирқиратишиди. У орқали бутун миллатни бадном қилишди.

\* \* \*

### *Мавзуга доир материал*

#### *ХУРСАНОЙ ОПА*

*Катта даргоҳларнинг дарди ҳам катта,  
Буни енгилгағлар англар, албатта.  
Шоҳга суюмли ёр бўлиб ҳам ҳатто  
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной опа!..*

*Подшонинг кўксисда экан бошингиз,  
Сизнинг кимингиз кўп— қариндошингиз,  
Ким келди оққанда кўздан ёшингиз?..  
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной опа.*

*Кеча нодончалар қилишиб ҳузур,  
Ҳайкалн тикилашиб, ҳайкалн бузиб,  
Бугун бари кёлса, сўрашиб узр,  
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной опа.*

*Ана, фариштангиз турди ҳам гўрдан,  
Жойи тўрда эди — беришди тўрдан,  
Сизда ҳам бор экан манглайдай шўрдан,  
Хурсанд яшаши қийин, Хурсаной опа.*

*Бу дард етар Сизга ўла-ўлгунча,  
Бардошингиз тоғдек бўлмаса бунча?  
Ноланг ҳаққа етиб қайтиб келгунча,  
Хурсанд яшаши қийин, Хурсаной опа.*

*Шеърим ўқиб дерсиз, сенга нима ғам?  
Умримда бир сизни кўрмаганиман ҳам.  
Кимда ғам кўп бўлса — у менинг онам!..  
Хурсанд яшаши қийин, Хурсаной опа.*

*Муҳаммад ЮСУФ*

## **5. ФАРГОНА — ЎШ — НАМАНГАН. ФОЖИАЛАР ЗАНЖИРИ**

1989 йил, май ойининг охирлари, июннинг бошида Фарғонанинг кўпгина туман ва шаҳарларида фавқулодда ҳодиса юз берди. Аниқроғи, бу фожиа 23 май куни бошланган. Икки кундан кейин эса Тошлоқ туманига, ундан сўнг Марғилон ва Кўқон шаҳарларига ўтди. Айтиш мумкинки, бундай фожиалар халқимиз тарихида юз бермаган. Бағрикенг, меҳмондўст, меҳршафқатли ўзбек халқи ҳеч қачон биродарларига қўл кўтартмаган. Бироқ, Москва таъсири билан юз берган ушбу фожиада кўплаб кишилар ҳалок бўлди. Мингта яқин киши жароҳатланди. Саккиз юздан ортиқ уйларга ўт қўйилди. Давлат ва жамоат идоралари шикастланди. Оммавий чиқишлигарга қатнашганларнинг сони ўтгиз мингта яқинни ташкил этади. Етказилган зарар бир неча миллион-миллион сўмлардан иборат бўлди.

Айни ўша тартибсизликларга, халқимиз ва давлатимиз манфаатларига зид бўлган ҳаракатларга ўзбек миллий кийимларини кийган, аслида бошқа миллиатларга мансуб кишилар ташкилотчилик қилишга иштирок этишган. Месхети турклари ва русларга қарши турли даъватлар ҳамда шиорлар билан майдонга чиқиб, қонли тўқнашувлар юзага келтирилган.

Марказий матбуот ва жаҳон оммавий-ахборот во-ситалари Фарғона воқеаларини бир ёқлама ёритишга ҳаракат қиласар эдилар. Улар зўр бериб ўзбек миллиати шаънини поймол этардилар. Ҳамма айбни маҳаллий миллиат вакилларига тўнкашар эди. Барча тартибсиз-

ликларга, қонли тўқнашувларга ўзбекларнинг ўзини айбдор қилиб кўрсатишга интилардилар.

СССР хукумати раҳбарлари ва маъмурий органлари эса воқеа содир бўлган жойда бўлиб, шунчаки келиб-кетар эдилар. Фожиалар илдизини аниқлаш, уларни кўриб чиқиб, сабабларини қидириш, ҳақиқий ташаббускор ва ташкилотчиларни ушлаш билан ҳеч ким шуғулланмас эди. Бундан мақсад аниқ эди. Ўрта Осиёда катта мавқега эга бўлган, геосиёсий жихатдан Farb билан Шарқни, хусусан Марказий Осиё республикаларини бир-бирига боғлаб турган Ўзбекистонда бекарор вазиятни вужудга келтириш, охир-оқибатда эса фуқаролар урушини ташкил этиш эди. Агар ана шундай қонли фожиалар Ўзбекистонда оммавий тарзда юз берса, бутун Ўрта Осиё хонавайрон бўлиши муқаррар эди. СССР хукуматининг сиёсий стратегияси худди ана шу мақсадни кўзлаган эди.

Эндиғина республика раҳбари бўлган Ислом Каримов воқеаага сиёсий баҳо бериш, унинг илдизларини қидириш ва бундай ғайриинсоний хатти-ҳаракатларга чек қўйиши учун бутун имкониятини ишга солди. Ўзбекистондаги вазиятни барқарорлаштириш вазифасини КПСС Марказий Комитети, хусусан Бош котиб М.Горбачев олдига кескин қилиб қўйди. КПСС Марказий Комитети Пленумида сўзга чиқар экан, Ислом Каримов Ўзбекистондаги, жумладан Фаргона вилоятидаги сўнгги воқеалар тўғрисида айрим оммавий-ахборот воситалари эълон қилган мақолаларни тушуниш қийинлиги ҳақида гапирди. Конкрет шароитимизни, кўп асрлик тарихимиз, маданиятимиз, анъаналаримиз, урфодатларимиз ва маросимларимизни билмаган, шунингдек, ўша воқеаларнинг боиси бўлмиш таг-заминли мураккаб муаммоларни үқиб олмаган қизиққон муаллифлар халқни бадном этиб, унинг юзига лой чапламоқдалар ва ўзларини олий ҳакам деб ҳисобламоқдалар, деб оммавий-ахборот воситаларининг сохта шов-шувлари асоссиз эканлигини кўрсатди.

Ислом Каримов воқеа содир бўлган жойларда бўлди. Аҳоли турли табақаси билан сухбат қилди. Воқеа сабабларини қидирди. Масала моҳиятини очиқ-ойдин кўрсатди. Жумладан, у «ана шу фожианинг айбдорларини ҳимоя қилишга уринишлар ҳам асоссиздир. Ким бўлишидан, қайси миллатта мансублигидан қатъи назар ваҳшийлик ва одам ўлдиришда, ўт қўйиши ва тўс-тўполон чиқаришда айбдор бўлган шахслар жазога тортилиши

**зарур ва жазога тортилди ҳам. Ўзбек халқининг яхши номига доғ туширилишига йўл кўйилмасин», деди у. («Совет Ўзбекистони», 1989 йил, 23 август.)**

Республика раҳбарининг бундай қатъияти асоссиз таъналар ва бўхтонлардан эзилган, турли таҳдидлар оқибатида таҳчикага тушган халқ руҳини кўтариб юборди. И. Каримов воқеага адолатли ёндашиш орқали миллат шаънига туширилган доғларни ювиб ташлади. Айни пайтда ваҳшийлик қилган, одам ўлдирган, тартибсизликларни келтириб чиқарган, уйларга ўт кўйган, транспортларни ёқиб юборган кимсалар ўзбек миллатига мансуб эмаслигини, у атайлаб ташкил этилганлигини Кремль минбаридан туриб жасурлик билан айтди.

Республикада мавжуд ижтимоий вазиятни назарда тутган Ўзбекистон раҳбари содир бўлган воқеалар юзасидан ўзининг позициясини очик-ойдин кўрсатди. Жумладан, у «батамом бошқача ёндашувлар зарур. Йўлимизга ғов бўлаётган барча нарсаларга қарши, биз билан халқ ўртасида раҳна солаётганларга қарши ҳақиқий жанг бошлаш керак» («Совет Ўзбекистони», 1989 йил, 23 август.) деб қатъий баёнот берди. Ана шу фикрнинг ўзи халқни ҳимоя қилиш, унинг тарихий обрўсини, юксак шанини асраш, юрт тинчлигиги таъминлаш йўлида И. Каримов ҳамма нарсага тайёр эканлигини кўрсатди. Иккинчидан, миллий тараққиётта тўғаноқ бўлаётган, миллий равнақ йўлидаги ғояларни енгиш учун кураш бошлади. Бу мамлакатни мустақилликка олиб борадиган бутунлай бошқача йўл, мавжуд сиёсий режимга нисбатан бошқача ёндашув эди. Энди, И. Каримовни бу йўлдан қайтариб бўлмас, Марказнинг ҳар қандай пўписалари у учун ҳеч нарса эмаслигини кўрсатади.

Миллатлараро тўқнашувлар шуни кўрсатди, қаерда бюрократизмга қарши кураш кучайса, Совет хукумати томонидан рус халқига қарши кайфият сифатида баҳоланди. Натижада ўша ерда қон тўкилди. 1986 йилнинг декабрида Олмаота шаҳри бош майдонида бўлиб ўтган ва «миллатлараро тўқнашув» туси берилган воқеа фикримизга далил бўлади. Ўшанда республика раҳбари Д. Кўнаев Марказ иродаси билан 18 дақиқали пленумда ишдан олинниб, ўрнига Колбин тайинланди. Бундан норози бўлган беш мингдан ортиқ қозоқ ёшлари на мойишга чиқдилар. Майдонда намойишчилар қони тўкилди. Тўрт йилдан кейин Парламент комиссияси ўша жиноят изидан тушганида, қўйидаги ҳужжатга дуч

келди: «За истечением срока действия как утерявший практическое значение план действия в период проведения операции «Метел» (ах № 1095, на 27 листах) уничтожен путём сожжения». (Қаранг: «Комсомольская правда», 1990 йил 2 сентябр.).

Фарфона фожиалари тагида ҳам шовинизмга алоқадор сабаблар бор. Фарфона воқеаларини айтиш мумкинки, айни Олмаотада амалга оширилган «Метел» операциясининг давоми эди. Албатта, сценарийлар шакли, ташкилий услуги жиҳатидан ҳар хил бўлиши мумкин. Бироқ мақсад битта.

Мавжуд сиёсий тизимни, яхлит мамлакатни алғовдалғовлар, тўс-тўполонлар, миллий республикалардаги ижтимоий-сиёсий вазиятни чигаллаштириш орқали сақлаб қолишга ҳаракат қилинди. Натижада «Рашидовчилик», «ўзбеклар иши», «пахта иши» каби гавғолардан гангитилган республиканизнинг ўша пайтдаги раҳбарлари «илтимосларига» кўра Россиядан юзлаб чаласавод раҳбарлар «десанти» Ўзбекистонга ташланди. «Десантчилар» сиёсати фош бўла бошлигач, республикани миллиатчиликда айблаш керак бўлиб қолди. Ярим йиллик тайёргарликдан сўнг, 45 йил давомида СССР ҳукуматидан Месхетияга қайтаришини талаб қиласвериб ҷарчаган, май ойида нима қилиб бўлса ҳам кетишини режалаштирган туркларнинг фаоллашувидан, худди шу ойда ишлизлик жонларига тегиб намойишларга ҳозирланаётган Фарфона ёшларининг соддалигидан фойдаланилди. Натижада шўрпешона турклар Россиянинг бўм-бўш қишлоқларига кўчирилди. Бошқача қилиб айтганда янги шароитда, янгича сургун қилинди. Ўзбеклар эса ижтимоий-сиёсий талаблари учун Кўқонда ўққа тутилди. Бу икки ҳаракатда ҳам русларга қарши кайфият бор деб тахмин қилинди. Бундай тахмин Ўзда 1989 йил 20 майда бўлиб ўтган воқеадан кейин пайдо бўлган эди...

...Ўзда қандай воқеа бўлувди? ДХҚ Ўш вилоят бошқармасининг ўша пайтдаги бошлиги Мамеев фикри қуйидагича: «Нездоровая тенденция в межнациональных отношениях стали фиксировать сразу же после трагических Ферганских событий. Этому способствовали распространяющиеся панических между представителями русскоязычного и киргизского населения» («Ленинский путь», 1990 йил, 12 июл). Демак, масалага аниқлик киритишнинг ҳожати йўқ. У доимий ва изчил давом этиб келаётган, ўзини тўлдириб, тобора шаклланиб бораётган сиёсатнинг навбатдаги маҳсули.

Бирок, «ваҳима» Фарғонадан кейин эмас, анча олдин бошланган. Бундан икки йил аввал Ўш шаҳаридағи Ленин ҳайкали бошига солярка пақири кийгизилиб тагига қызил бүёқда таҳқирли сўзлар ёзилган эди... Буни ким қилгани номаълум. 1988—1989 йилларда қирғизлар хужум қиласмиш деган гап қучайганидан байрам кунлари ҳарбийлар, ички ишлар ходимлари кўпайтирилганини айтиб ўтиш керак. Ва ниҳоят, 1989 йилнинг 20 майида Ўшда қирғизлар руслар билан муштлашгани, қонли тўқнашувни милиция кўшини осмонга ўқ отиб тўхтатгани, Жалолободдаям шундай ҳодисалар бўлганини ўшликлар билади-ку. Демак, фожиадан бир йил аввал, бу «кайфият» ўзбекларга қарши қаратилган.

Қирғинбарот уруши ва миллий фожиа сифатида миллатлараро тўқнашув оқибатлари ўша пайтнинг ўзидаёқ СССР раҳбариятига маълум қилинди. Ўзбекистон Президенти И.Каримов зудлик билан СССР раҳбарларини, Сиёсий Бюро ва президентлик кенгаши аъзоларини, КПСС Марказий Комитетини вужудга келган foятда чигал аҳволдан хабардор қилди.

Ўш вилоятида вазиятнинг мураккаблашуви, низо-нинг кундан-кунга кенгайиб кетаётганилиги даҳшатли ҳодиса эди. Ўзбеклар яшаётган Қирғизистоннинг Ўш вилоятидаги фожианинг у ердагидан ҳам даҳшатли томони шунда эдики, Андижон вилояти кўшни туманларида 70 мингдан ҳам кўпроқ қирғиз миллатига мансуб аҳоли яшайди. Агар бу фожиа республикалар чегаралиридан ўтиб кетса, фожиалар кўламини ва худудини белгилаш қийин бўлар эди. Ва айни пайтда тасаввуримизга сифмайдиган фалокат юзага келиши мумкин эди.

Худди ана шундай ниҳоятда қалтис ва таҳликали вазиятларда меҳнат фахрийлари, республиканинг таникли адиллари, сиёsat ва жамоат арбоблари аҳоли ўртасида қизғин иш олиб бордилар. Маҳаллий ҳокимиёт вакиллари ва маъмурий органлар ходимлари кечакундуз Ўзбекистоннинг Қирғизистон билан чегарадош туманларида қатъий назорат ўрнатдилар.

Хусусан, Жалолкудук, Кўрғонтепа, Марҳамат ва бошқа туманлардаги вазият ниҳоятда хавфли эди. Мамлакат Президенти И.Каримов 1990 йил, 8 июндаги Фармони билан Ўш вилоятига чегарадош бўлган туманларда ва Андижон шаҳрида фавқулодда ҳолат жорий этилди. СССР Президенти М.Горбачевга телеграмма юбориб вазиятни барқарорлаштириш учун Иттифоқ даражасида шошилинч чоралар кўриш ва Ўш ви-

лоятидаги воқеалар республикалараро низога айланиб кетишининг олдини олишни илтимос қилди. Бу телеграммага жавоб бўлмагани учун иккинчи телеграммани юбориб Президент И.Каримов масалани қатъий кўйди ва жиддий равишда талаб қилди. Шу билан бирга СССР Олий Совети раиси Лукъяновга, СССР Министрлар Совети раиси Рижковга қатъий чоралар кўриш зарурлигини билдириди.

СССР ҳукумати бундай талабномаларни бажариши пайсалга солди. Албатта, вазиятдан чиқиши ёки масалага бефарқлик билан қарашиб орқали бутун Ўрта Осиёда вазиятни чигаллаштириш позициясида турғанинги кўрсатади. (*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Мажлислари. II сессия. Стенографик ҳисобот. Тошкент, 1992 йил.*)

Хуллас, мисли кўрилмаган фожиа содир бўлди, фитна уюштирилди. Бундай фожиани бир ёки бир неча киши амалга ошириши мумкин эмас эди. Ўш фожиаси — уюштирилган, пухта ўйланган фожиа. Фожиадан кўзланган мақсад — биринчидан, ҳокимият масаласи. Ҳокимият жиловини маъмурий-буйруқбозлик аппарати қўлида сақлаб қолиш.

Иккинчидан, сиёсий ва иқтисодий мустақиллик йўлини танлаган, СССРда биринчи бўлиб бошқарувнинг президентлик шаклини жорий этган, Мустақиллик Декларациясини қабул қилган Ўзбекистон ҳукуматига зарба бериш.

Учинчидан — туркий халқларнинг асрлар мобайнидаги қон-қардошлигини парчалаш, улар ўртасида низо келтириб чиқариш. Охир-оқибатда осиёликлар феномени — орият ва нафсоният устунлиги феъл-авторидан фойдаланиб, уларнинг энг нозик ҳисларини уйғотиш орқали бутун Ўрта Осиёда узоқ давом этадиган уруш оловини ёкиш эди.

Акс ҳолда нега фожианинг дастлабки кунларида ёқ СССР Олий Кенгашининг фавқулодда ҳодисалар бўйича комиссияси тузилмади?! Нега СССР Олий Совети Миллатлар Совети фавқулодда мажлис чакирмади? Нега Миллатлар Советининг қарори фожиадан 4 ой кейин қабул қилинди? Тергов деярли тўхтаб қолгани, жиноятчилар ушланмагани нега Марказни қизиқтиргаяпти? Ва, ниҳоят, битта эҳтиётсиз гапи учун генерал Калугиннинг увонларини Фармон билан бекор қилган мамлакат Президенти М.Горбачев нега болалар, аёллар ўлимига сабабчи бўлган «тўқнашув» матбуотда

фош қилинганидан кейин ҳам лоақал таъзия билдири-  
мади?\*

Булар шўро тузумига хос ва унинг фояларининг амалдаги рўёби сифатидаги фожиалар, «қизил империя» тажовузкор сиёсатининг ёрқин натижасидир. Акс ҳолда, бир неча асрлар ва, ҳатто, минг йилликлар мобайнида қондошгу-жондош бўлиб кетган халқлар ўртасида низо чиқармиди? Агар «қизил империя» ўз мақсад ва муддаоларини амалга ошириш учун, аниқроғи, Марказий Осиёда қон тўкишлар, биродаркушликларни уюштириб, авж олдиришдан ўзининг ҳукмронлик ролини кўрсатишга, фуқароларни куритиш ва тажовуз орқали мутеликда сақлашдан манфаатдор бўлмаса шундай фожиалар юз берармиди?

Ўрта Осиё халқлари тарихида бундай қонли тўқнашув олдинлари ҳеч учрамаган. Албатта, турли даврларда, турли ҳукмдорлар ўртасидаги келишмовчилик, уруғаймоқчилик, гуруҳбозлик натижасида бир-бирининг ҳудудини забт этиш ҳолатлари юз берган. Бироқ унга миллатлараро манфаат ёки миллий тус берилмаган. Айни шўро даврида туркий халқлар бир неча бўлакларга бўлиб юборилиб, уларни бир-бирига қарши қўйиш орқали азалий қардошлик ва биродарлик ришталарининг бузилишига замин яратилган.

Ўш воқеалари айтиш мумкинки, бевосита Ўзбекистон раҳбари И.А.Каримов қатъияти, сиёсий хушёрги, Кремль олдида қўйган ҳар томонлама асосли талаблари туфайли бартараф этилди. Андикон ва Ўш вилояти раҳбарлари Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳукумати, айни Президент И.А.Каримов кўрсатмалари билан ҳамжиҳатликда иш тутишди. Фожиаларнинг моҳияти, сабаблари очиб ташланди. Унинг кенгайиб кетиши, икки қардош, икки қўшни халқ ўртасидаги қирғинбаротлар олди олинди.

Ўш фожиалари ва миллатлараро муносабатлар келтириб чиқарган оғриқлар хусусида гапирад экан Президент И.А.Каримов қуйидагиларни гапиради: «Биз қандай жарлик олдига келиб қолган эдик? Фарғона фожиаси, Бўқадаги фожиалар, Сирдарёдаги, Ўшдаги фожиалар... Бу тўғрида жуда кўп гапириш мумкин. Кўз ўнгинизга келтиринг: вазият умуман бекарор, эски тузум,

\* Ўш воқеалари ҳақидаги маълумотлар мархум шоир ва публицист Шавкат Раҳмоннинг “Махфия” мақоласидан олинди. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 1991 йил, 8 февраль.

эски тартиблар емирилган, янгиси ҳали шаклланмаган, одамлар ишсиз қолган, далада ҳеч нарса йўқ... Агар мана шу йўлдан кетаверсак, фараз қилингки, кўши билан ярим йилга етар эди. Ундан кейин хонавайрон бўлардик. Шунинг учун яна бир бор айтаман: бир вақтлар юртимизда қонли воқеалар рўй берганда, шундай ҳам бўлдики, Андижоннинг йигитлари ғазаб билан Ўш чегарасига бориб, у томонга ўтамиз, қирғизларни сўямиз, деганлар ҳам бўлган. Шунда биз одам юбориб, «Эй барака топтур, бу йўл нотўри, эртага бунинг давоми бўлади, қирғин бўлади, бунинг қайтиши бор», деган гапларни айтиб, уларни тўхтатганимиз. Ҳатто уларнинг бальзиларига қаттиқроқ муомала қилишга ҳам тўғри келган. Орадан озгина вақт ўтгандан кейин, мен бориб шу вилоятларда ўша одамлар билан учрашдим. «Қани, айтинглар, ўша пайтда тўғри қилганимизми ёки нотўри қилганимизми?», деб сўраганимда, ҳаммаси бошини эгиб, юзимга қарай олмади.

Агар ўшанда уларни қўйиб юборсак, майли, битта иккитасини ўлдирап эди. Лекин бир-бирига яқин бу икки вилоят бир-бирига қарама-қарши бўлиб, эртага икки мамлакат — энди мустақил бўлаётган Қирғизистон — Ўзбекистон тўқнашувига айланиб кетса, кимга маъқул бўларди?.. Бу фитнани ташкил қилган КГБнинг одамларигами?!»

Бугун шуни алоҳида таъкидлаш жоизки айни ана шу фожиалар юз берган, минглаб бегуноҳ одамлар ёстичи қуритилган пайтларда Ўзбекистон раҳбарини ортиқча қаттиққўлликка, унинг фаолиятида авторитарлик нуқсонлари мавжудликда айлашди. Айниқса СССРнинг марказий матбуоти, қолаверса, хорижий оммавий-ахборот воситалари Ислом Каримовни демократик тамойилларни тан олмайдиган, коммунистик партократиянинг улкан арбоби сифатида қаттиқ танқид қилишарди. Мамлакат ичкарисида эса жазаваси тутиб, тинч аҳоли эҳтиросларини қўзғашга ва шу йўл билан ҳукуматга қарши норозиликларни авж олдиришга интилаётган «Эрк» демократик партияси, «Бирлик» халқ ҳаракати намояндалари Президент обрўсини тўкишга, унга нисбатан бўлган халқнинг катта ишончини барбод этишга интилардилар.

Аслини олганда эса умумхалқ манфаати, жамиятда барқарорликни сақлаш йўлидаги беқиёс қатъият И.А.Каримов шахсининг ноёб фазилати эди. Айни ана шу қатъият, қаттиққўллик, эзгу мақсад йўлидаги ўжар-

лик орқали қон тўкишлар доираси қисқартирилган. Ўшда ўзбеклар қирғин этилаётган бир пайда Қирғизистонга чегарадош бўлган Андижон вилояти туманларининг минг-минглаб ёшлари қалқиб кетиши. Миллий гуур, миллий орият, миллий нафсоният остидаги хис-ҳаяжонлар ақлдан устун кела бошлаган, Ўш вилоятига бостириб киришга чоғланган бир пайтда Президент И.Каримов туйғулари, ғазаб ва нафрат ёниб турган ана шу ёшлар вакиллари билан юзма-юз туриб гаплашди. «Жаҳл келганда ақлнинг йўқолиши», бир дақиқалик эҳтироснинг келтириши мумкин бўлган фожиалари бир неча ўн йиллар мобайнида ювилиб бўлмаслигини, у ҳалқимиз, миллатимиз шаънига дод бўлиб қолиши мумкинлигини, эҳтирос устун келган жойда инсон тубанликка кўл уриши муқаррар эканлигини тушунтира билди. Қатъиятли ота, қаттиққўл ва айни пайтда шафқатли падари бузруквор билан вужудида куч-файрат тўлиб-тошган, қалбида орият, нафсоният олови ловуллаб ёнаётган фарзанд ўргасидаги бундай очиқ-ойдин мулоқот минг-минглаб одамлар ҳётини сақлаб қолди. Тарихда абадий лаънатланиб қолиши муқаррар бўлган фожиаларнинг олди олинди.

Таниқли сиёсатшунос Леонид Левитин айни ана шу қонли тўқнашувларга гувоҳ бўлган. Уни ўз кўзи билан кўрган. У Ўш воқеалари хусусида гапирав экан, агар Ўзбекистон раҳбарида қатъият, сиёсий хушёрлик ва кучли иродада бўлмаганида эди Ўш Собиқ Иттифоқ ҳудудидаги иккинчи Тоғли Қорабоғга айланиши мумкинлигини айтади. Ва холосаларни қўйидагича баён этади: «Қирғизистоннинг жанубида 600 мингдан ортиқ ўзбеклар яшайди. Уларнинг ҳар бирининг Ўзбекистоннинг чегарадош туманларида қариндош-уруғлари яшайди. Ўн минглаб куролсиз ва қуролли одамлар икки республика чегарасида ўз қариндошларини ҳимоя қилиш шиори остида тўплланган эдилар. Вазият соат сайин оғирлашиб борар эди. Ана шундай қалтис вазиятда И.Каримов, мен Президент эканман, бирорта ўзбек ёмон ният билан Қирғизистон чегарасидан ўтмайди ва ҳеч қандай қасд олишга йўл қўймаслигини таъкидлади. И.Каримов кўли остидаги барча имконият, воситаларни ишга солиб, мислсиз ва даҳшатли фожиани бартараф этди. Қандай ахлоқий жасорат! Улар замонавий дунёда қанчалар кам!» (Л.Левитин. «Узбекистан на историческом повороте». М. «Вагриус» 2001. 44-бет.)

Дарҳақиқат, эҳтирослар жунбушга келган, миллий

орият ва нафсоният кўпириб кетган пайтда, аламзадалик, ўч олиш жаҳолатга бошлиётган шароитда бир одамнинг бекиёс кудрати, сўзининг қадри, сиёсатининг кучи нималарга қодир эканлигини ана шундай таҳликали пайтлардагина англаш мумкин, холос. Бундай сиёсий-ахлоқий жасорат, маънавий кудрат, ўз кучига ишонч дунёда қанчалар кам ва қадрли.

Карлайл эса Президент И.Каримовнинг Ўш воқеалари пайтидаги жасурлиги хусусида гапирав экан, «Ўшандада И.Каримов ўзбек сепаратчиларига ўз мақсадларини амалга оширишда йўл бермай доно иш қилган эди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бошқа бирон бир ўзбек раҳбари бундай ишни қила олмас эди. Ағусслар бўлсинки, Ўшда ва умуман Фарғона водийсида қонли этник қарама-қаршиликларни бартараф этишдаги Каримовнинг йўли Фарбда эътиборга олинмади. Бу эса адолатсизликдир», деган эди.

Албатта, И.А.Каримовнинг Ўш фожиаларини бартараф этиш борасидаги қатъияти бир томондан тан олиниб, юксак баҳолансада, иккинчи томондан унга бефарқлик билан қараш, воқеликни сохталаштириш, ҳаёт ҳақиқати ва ижтимоий-сиёсий адолат тамойиллари нуқтаи назаридан камситишлар ҳам мавжуд эди. Бу табиий ҳол. Чунки, Ўзбекистон давлати ва Президент И.А.Каримовнинг фавқулодда жасурлик ҳамда ноёб сиёсий ирова фазилатлари дунёning нуфузли давлатлари манфаатларига унчалик ҳам мос келмас эди. Хусусан, Кремль уни очиқ-оидин ошкоралик билан тан олмасди.

1991 йил март ойида Президент Ислом Каримов Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартномани имзолаш учун Ўшга борди. Мана шу ерда ҳақли савол туғилади: Нима учун икки республика ўртасидаги шартнома уларнинг қайси биринингдир пойтахтида эмас, айни Ўш шаҳрида имзоланиши керак? Бунинг тагида жуда катта сиёсий, ижтимоий, маънавий ва ҳукуқий қадрият ётади. Айни ҳар икки миллат ўртасидаги қарама-қаршиликлар, қонли тўқнашувлар юз берган, ҳали бу фожиаларнинг изтироблари сўнмаган, одамлар қалбида ва руҳида жароҳат маддалаб ётган бир пайтда икки давлат раҳбари-нинг ана шу ерда учрашиши, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги келишувга аҳд қилишлари худди ана шу қадрият билан ўлчанади. Бу воқеага гувоҳ бўлган Леонид Левитин одамлар кайфияти, фуқароларнинг яқин

ўтмишдаги жароҳатларию истиқболга ишончлари хусусида тўлқинланиб ёзади: «Аэропорт йўллари бўйлаб ва бутун шаҳар кўчаларида минглаб одамлар Каримовни қутлашга чиқдилар. Мен шунгача ва шундан кейин ҳам бирор бир давлат раҳбарининг ташрифи бунчалик қувонч ва шодиёнага айланганини кўрган эмасман. Одамлар гуллар билан, март ойи эди, (эрта баҳор, гуллар камёб бўлган бир пайтда — Н.Ж.) кўчанинг қатнов қисмига югуриб чиқиб, иккала давлат раҳбарлари кетаётган машинага гулдасталар ташлар эдилар. Кортеж эса ҳар доим тўхташга мажбур бўлар эди. Шундай тўхташларнинг бирида Каримов билан Акаев машинадан тушдилар. Уларни одамлар ҳалқаси ўраб олди. Миннатдорчилик сўзлари айтилди. И.Каримовнинг қўлини ёш болалар сиқиб миннатдорчилик билдирав эдилар. Қандайдир қария уни қучоқлаб олиб кўкрагига бошини кўйиб, йиғлаб юборди. Шартнома имзолангач, вилоят театри биносида қирғиз ва ўзбек санъаткорларининг концерти бўлди. И.Каримов Акаев ҳамроҳлигига залга кириб келганида одамлар давомли қарсаклар билан кутиб олдилар. Бундай олқишилар ўн беш минутдан ортиқ давом этди. Қирғизлар, ўзбеклар, руслар ўз миннатдорчилигини, ўлим, зулм, қон, ёнгин даҳшатларидан кутқариб, тинч ҳаётга қайтарганлиги учун ташаккурларини шу тариқа изҳор этишди». (Ўша маңба. 45-бет.)

Халқ ҳақ гапни, адолатли сиёсатни ана шундай кўллаб-куватлайди. Ўз тақдирини у билан боғладиди. Келажагини усиз тасаввур эта олмайди. Президент И.Каримов Ўш фожиаларини бартараф этишдаги ноёб раҳбарлик қобилияти, шахсий жасорати ва инсонпарварлик меҳр-муҳаббати билан икки мамлакат ҳалқларининг ана шундай юксак меҳрига сазовор бўлди.

Бугун, орадан бир мунча вақт ўтиб, ўша фожиалар хусусида ўйлар эканмиз, миллатлараро муносабатларнинг, қондошлиқ ва қардошликнинг нақадар азиз ва муқаддас туйфу эканлигига, уни асраб-авайлаш олий мақсад ва улкан мажбуриятлигига ишонч ҳосил қиласмиз. Миллатлараро муносабатларнинг маънавий-маърифий ва миллий қадрияти хусусида ўйлашга эҳтиёж сезамиз. Айни ана шу буюк инсоний фазилат орқали вужудга келган эҳтиёжни эса яна Президент И.А.Каримов фоялари орқалигина англашимиз, тушунишимиз мумкин бўлади.

Жамият янгиланаётган, умуминсоний қадриятлар

қайта тикланаётган бир пайтда турли миллатлар ўртасидаги муносабатлар, миллатлараро тотувлик алоҳида аҳамият касб этади. Ҳусусан, тоталитаризм иллатлари, мафкуравий яккаҳокимлик, миллатларни йўқ қилиш, сунъий «урчитилган» ягона совет халқини вужудга келтириш сиёсати исканжасида узоқ йиллар яшаган халқларнинг тафаккурида ўзгариш ясаш анча мураккаб ҳодиса. 130 дан ортиқ миллат ва элат яшаётган Ўзбекистонда ана шундай миллий ва миллатлараро муносабатларни ривожлантириш жараёни давом этмоқда.

Миллатлараро муносабатларни барқарорлаштириш ўтиш даври учун хос хусусият. Бундай пайтда давлат фақат адолатга таянсагина, унинг сиёсатида миллий, ирқий, диний мансублигидан қатъи назар яхлит мамлакат фуқароси тақдири қамраб олинсагина қадриятга айланади. Буни Ўзбекистон мисолида яққол кўриш мумкин. Айни Ўзбекистондагина миллий ва миллатлараро муносабатларга ана шундай ёндашилди. Натижада, мустақилликнинг дастлабки йилларида оғир, сиёсий бўхронлар, иқтисодий тангликлар, маънавий-руҳий парокандаликлар олди олинди. Ана шу иллатлар натижасида вужудга келиши мумкин бўлган фожиаларга тўғаноқ солинди.

Миллатлараро муносабат энг аввало одамлар дунё-қараси, фикрлаш тарзи билан боғлиқ бўлган мураккаб ҳодиса. Ўтиш даврида ижтимоий-сиёсий жараёнлар моҳиятини тўғри англаш, уни ўз вақтида тўғри баҳолаш имкониятлари билан боғлиқ бўлган жараён. Агар халқлар умумий мақсад йўлидаги foяларни бевосита ўз тақдири билан боғлиқ ҳолда англаса, ҳар бир фуқаронинг ўз тақдирини жамият тақдири, ўзи яшаёттан мамлакат тақдири билан боғлиқ ҳолда тушунса, турли миллатлар ўртасидаги ижтимоий бирлик вужудга келади. Ана шундай маънавий-руҳий ҳолатни вужудга келтириш жамиятда барқарорликни таъминлашнинг асоси бўлиб хизмат қиласи.

Миллатлараро тотувлик бу шунчаки баландпарвоз, яқин ўтмишимиздаги жарангдор, ҳаётдан узилган дўстлик ва қардошлиқ туйғусигина эмас. Айни пайтда у конкрет ҳаёт муаммолари, тирикчилик эҳтиёжлари, ҳар бир фуқаро кундалик турмуш талаблари билан боғлиқ бўлган ва ана шу талаблар, эҳтиёжлар қай даражада қондирилаётгани билан узвий боғланган серқира ҳаётнинг барча жабҳаларини ўзига мужассам этган ижтимоий-маънавий ҳодиса.

**Миллатлараро тотувлик** — бу сиёсий воқелик. Ўтиш даврида айни ана шу даврнинг барча зиддиятларини, қийинчиликларини, ички иродада ва ички маданият билан енга олишга қодир бўлган фуқароларни вужудга келтириш, шакллантириш, уларни гоявий-мафкуравий жиҳатидан бирлигини таъминлашга эришишни тақозо этади. Айни ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчилик вазифасини бажараётган бир пайтда унинг сиёсий иродаси, халқ манфаатларини ўзига мужассам этган сиёсий стратегияси ана шу муаммоларини нечоғли қамраб олғанлиги билан баҳоланади. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар шунинг учун ҳам давлат сиёсатининг муҳим бўғинига айлантирилди.

**Миллатлараро тотувлик** — бу иқтисодий ҳодиса. Чунки сиёсий бўхронлар ва иқтисодий тангликлар мавжуд бўлган бир пайтда турли қараашдаги одамларнинг диний муносабатлардан, ақидаларидан, миллий хусусиятларидан қатъи назар мамлакат фуқароси сифатида уларнинг яхлитлигини, кундалик турмуш эҳтиёжларини ижтимоий адолат юзасидан тенг равиша қондириб туриш муҳим аҳамиятга эга. Бу мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бутун моҳиятини, мазмунини, самарасини ва миқёсини белгилайди. Айни ана шу унсурлар ҳисобга олинган тақдирда у ўз самарасини беради. Миллатларнинг миллий хусусиятларидан қатъи назар умумий тақдир ва умумий истиқбол тушунчаси яқинлаштиради, бирлаштиради.

**Миллатлараро муносабатлар** — бу ижтимоий ҳодиса. Чунки, тирик жон ҳаётга интилади, яшаш учун курашади. Бу табиий ҳол. У ижтимоий барқарорликдан, ижтимоий таъминотдан ҳақли равиша манфаатдор бўлишга доимий интилади. У миллатидан қатъи назар мамлакат фуқароси сифатида шу мамлакатнинг барча имкониятларидан, неъматларидан фойдаланишга ҳақли. Ижтимоий муносабатлар жамият янгиланаётган бир пайтда эскича қараашлар исканжасидан халос бўлиши лозим. Оламни янгича идрок қилиш орқали унинг моҳиятини англаш жараёнида дунёқараашлар яқинлигига, аниқроғи дунёқараашлар уйғунлигига эришиш улкан ижтимоий моҳиятга эга бўлган ҳодиса.

**Миллатлараро муносабатлар** — бу маънавий-ахлоқий ҳодиса. Чунки миллат ўзини англаш, ўзини тиклаш жараёнида миллий худбинликка йўл қўймаслиги керак. Миллат уйғониш жараёнини бошдан кечираётган бир пайтда миллий қадриятларини умуминсоний

қадриятлар билан боғлиқ ҳолда ҳис қилиши лозим. Айни ана шу қадриятлар **миллатнинг миллат сифатида англанишдан олдиң инсоннинг инсон сифатида ўзини англанишни устун қўйишига олиб келади**. Зотан, ҳар қандай миллий туйфу, миллий ифтихор, миллий ғуур, комил инсон қадриятидан устун турмайди. Инсон қачонки ўзини инсон сифатида ўз қадр-қімматини англаса, инсонлик моҳиятини тушунса, у миллий манфаатлар, миллий қадриятлар, миллий ифтихор доирасидан чиқиб кетади. Оlam ва одам ўргасидаги муносабатлар, инсон ва инсоният ўргасидаги боғлиқликлар хақида ўйлашга қодир бўлади. Ана шу имконият ўзи инсонни ҳар қандай тор доиралардан кенг дунёга олиб чиқади.

Дарҳақиқат, тор фикрлар, тор тушунчалар билан яшайдиган одам бу кенг, чексиз-чегарасиз дунёни ўзини хонадонидан иборат деб билади ва шундай англайди. Шунинг учун ҳам феъли тор, бағри ярим, ўзига бино қўйган, худбин фуқаро кўз олдида ҳамиша олам тор, дунё чекланган бўлиб кўринади. Бағри кенг инсоннинг кичкинагина юрагига эса бу чексиз олам, бу рангбаранг дунё бемалол сигади. Агар кишида ана шундай маънавий-руҳий фазилат қанчалик кўп бўлса, у миллилараро муносабатларнинг, турли халқлар ўргасидаги алоқаларнинг моҳиятини шунчалик чукур тушунади, чукур англайди.

Ўзбекистонда миллиатлараро муносабатлар энг қишин шароитларда ҳам умумий хонадон — бутун мамлакат тақдири, ҳар бир фуқаро тақдири билан боғлиқ ҳолда тушунилди ва масалага ана шу нуқтаи назаридан ёндошилди.

Миллатларнинг ўз миллий қадриятларини тиклаши, миллий маданиятларни ривожлантиришга интилиши табиий ҳол. Эркин жамиятда, демократик тамошайлар қарор топаётган бир пайтда шундай бўлиши муқаррар. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган 80 дан ортиқ миллий-маданий марказларнинг пайдо бўлиши, уларнинг фаолият кўрсатиши ана шундан далолат беради. Бироқ, миллий маданият ривожлангани сари ўша миллатга мансуб бўлган инсон маданиятининг ривожланиши унинг ахлоқий-маънавий баркамоллашиши жамиятнинг баркамоллашишига олиб келади.

Президент Ислом Каримов мамлакат фуқаролари бирлигини таъминлаш ва турли миллатлар ўргасидаги муносабатларни барқарорлаштиришнинг сиёсий, ижтимоий ҳамда маънавий жиҳатлари хусусида гапирав

экан: «Турли қарашиб ва фикрға эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос мақсадларини уйғулаштирувчи гоя — юрг тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати — барчамиз учун бирдек муқаддас бўлиши шарт», деган эди.

Демак, юрг тинчлиги, ватан равнақи, халқ манфаати миллати, элати ва диний мансублигидан қатъи назар барча учун бирдай тегишли. Ўзбекистонда яшайдиган ҳар бир фуқаро, ўзини ана шу юрг фуқароси деб билиши ва фуқаролик мажбуриятини зиммасига олиб яшаши, мамлакат ва халқ тақдири учун жавобгарлик ҳиссини чуқур англаши лозим. Айтиш мумкинки, ана шу мажбурият Ўзбекистон фуқароларини бирбирига яқинлаштируди, бир-бирига тақдирдош қилиб кўйди. У ўз миллий тақдирини авайлайди, асрайди. Қадимий анъаналарини келгуси авлодларига етказишга ҳаракат қиласи. Айни пайтда унга ҳамнафас бўлган, елкадош ва сафдош бўлган бошқа миллат вакилини ҳеч қачон камситмайди. Бу унинг биринчи фазилати.

Иккинчи фазилати шу юртда яшайдими, шу мамлакатни ватаним деб биладими, демак, унинг тақдирiga тақдирдош, унинг истиқболига жавобгар.

Бу — жуда катта маънавий-ахлоқий ҳодиса.

Бу — жуда катта сиёсий маданият.

Бу — жуда катта бағрикенглик асосида вужудга келган, «ўзбекистонлик» тушунчасига таянган ўзига хос феномен. Буни бошқача баҳолаш мумкин эмас.

Демократик тамойиллар чукурлашиб бораётган, эркин шахс ва эркин фуқаро вужудга келаётган бир пайтда юқоридаги фазилатлар алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ана шу фазилатлар мавжуд бўлган ҳолдагина ҳақиқий демократия вужудга келади. Эркинлик ва озодлик тушиунчалари, имкониятлари суистесьмол қилинмайди. Миллий фуур ва миллий ифтихорнинг юксак маданият ва юксак ахлоқ категориялари билан қоришган, синтезлашган шакли вужудга келади. Худбинлик, ёввойилашган миллий фуур, бошқаларни камситиш орқали ўзини устун кўйиш қабилидаги файриинсоний қусрлар барҳам топади.

Халқларнинг ўзлигини англаш жараёни, қадимий анъаналари, афсона ва ривоятлари орқали миллий хусусиятларини такомиллаштириши ўша миллатга мансуб бўлган шахснинг ички миллий-маданий даражасининг ривожланишига олиб келади. Айни пайтда ўзининг миллий-маданий даражаси ошгани сари яхлит

оламга дахлдорлик ҳиссини кучайтиради. Яхлит оламдан ажралиб қолиш уни таназзулга олиб келиши муқаррап эканлигини англайди. Ана шу ички маданий янгиланиш жараёни уни оламни англаш орқали глобалашув жараёнига олиб киради. Демак, хусусий фикрлар ва тор тушунчалар қобигидан чиқиб дунёвий фикрлар, умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилади.

Миллий маданиятлар тараққиёти бевосита бутун мамлакат маданиятининг тараққиётига ўз таъсирини кўрсатади. Ҳар бир этнос ўзининг этник хусусиятларини сақлаш орқали бутун сайёра тараққиётига боғлиқ бўлган маданиятни сақлашга мубаффақ бўлади. Ҳар қандай миллий маданият ўз даврининг тарихий тараққиёти билан боғлиқ бўлган жаҳон маданиятини англамасдан, уни қабул қиласдан, унга эргашмасдан тараққий топмайди. Аксинча, ўзининг тор миллий қобигида қолиб кетаверади. Ҳар қандай миллатнинг бошқа бир миллат маданиятини ўрганишга қодирлик даражаси унинг ҳаётийлигини, яшовчанлигини, айни пайтда таъсирчанлигини кўрсатади. Шу билан бирга ана шу миллат маданияти умумжаҳон маданиятининг бир бўлаги сифатида ўз қиёфасини кўрсатишга қодир бўлади. Ана шундай ҳолатнинг ўзи бир миллатнинг бошқа миллат қадриятларини англашга, асрашга, ўзаро муносабатларини барқарорлаштиришга хизмат қиласди.

Миллатчилик, ирқчилик, шовинизм — булар тоталитар тузум иллатлари. Тоталитаризм моҳиятини белгилаб берадиган маънавий-ижтимоий иллат миллий маданиятининг тараққиётига зомин бўладиган файриинсоний ҳодиса. Этнократик кайфият миллатни таназзулга олиб келади. Миллий худбинлик кайфиятларининг чукурлашишига, бошқа миллатларнинг камситилишига, улар имкониятларининг чекланишига сабаб бўлади. Натижада айни ана шу кайфиятга тушган миллатнинг ўзи соғлом тараққиёт йўлидан оғиб қолади ва хоҳлайдимийўқми тараққиёт омилларини йўқотади, ўзини ўзи чеклаб қўяди.

Шовинизм, нацизм, тоталитаризм сиёсати натижасида вужудга келган миллий маданиятларни қамалга олиш тизими барбод бўлди. «Қизил империя»нинг зўравонлик фоялари ўзининг бошини еди. XX аср сўнгида вужудга келган жуда катта қадрият, умуммиллий ва умуминсоний неъмат ана шу билан белгиланади. XX аср миллий тараққиётни барбод этиш, миллатларни

қамалда сақлаш, улар устидан ҳукмронлик қилиш куратини ҳам кўрсатди. Айни пайтда бу қурат, бу имконият соғлом инсоний тафаккурдан ва соғлом ғоялардан узоқдалиги сабабли ўзини ўзи барбод этди. Натижада XX асрнинг сўнгти ўн йиллигида миллий равнак, миллий ўзлигини англаш, миллий тараққиёт даврининг янги босқичи вужудга келди. Бу миллий ва умуминсоний, дунёвий маданиятнинг ривожланишига замин яратди.

Бугун Ўзбекистонда шакланаётган янгича тафаккур турли миллатларнинг ўзаро муносабатларини чукурлашишига хизмат қилмоқда. Ҳар қандай миллат ўз миллий қадрияларини тиклаши, ўзининг турмуш аньналари ва урғ-одатлари такомиллашиши, маданиятлар ранг-баранглиги, турфа хиллиги асосида яхлит Ўзбекистон маданияти вужудга келмоқда.

Украина Президенти Леонид Кучма Ўзбекистондаги Украина миллий маданият маркази вакиллари билан учрашган пайтида Ўзбекистондаги миллий равнак, миллатлараро муносабатлар, ҳар хил миллатларнинг ўз миллий маданияти равнақини таъминлашга интилаётгани билан танишиб, айни Ўзбекистондаги маданий сиёсатга катта баҳо берган эди. Миллатлараро муносабатларни чукурлаштириш орқали ҳар бир миллат маданиятининг ривожланишини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганилиги олий даражадаги меҳмоннинг диққатини ўзига торгтан эди.

Ҳозирги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, миллатлараро муносабатларнинг шаклланиш босқичлари Ўзбекистонда яхлит миллий-маънавий мұхит шакланаётгандегидан, миллати ва элатидан қатъи назар ҳар бир фуқаро ана шу мұхитдан манфаатдор бўлаётганидан далолат беради. Манфаатдорлик туйғуси эса ўзаро хурмат, юксак маданият, етуклик ва комилликка интилиш орқали мазмунан бойиб бормоқда.

\* \* \*

Бу мудҳиш воқеа 1991 йил декабрь ойининг биринчи ўн кунлигига содир бўлган эди. Албатта, ҳеч бир нарса ўзидан-ўзи вужудга келмайди, кўнгилсиз воқеаларнинг юзага келишининг ҳам ўзига хос сабаблари бор.

«Кизил империя» даврида ижтимоий адолатсизлик авж олди. Одамларнинг у ёки бу масаладаги муаммолари сансоларлик, бюрократизм оқибатлари билан чи-

галлашиб бораверди. Совет фуқаролари миллити, келиб чиқиши, диний әзтиқоди, дунёқараши ва қаерда яшашидан қатыи назар тенг хукуқли деган дабдабали тамойиллар мавжуд бўлса-да, аслида жамият аллақачон табақалашиб бўлган эди.

Тенгсизлик, адолатсизлик оддий халқни умидсизликка олиб келди. Чунки улар на компартиядан, на совет тузумидан яраларига малҳам топди. Бу ўз навбатида айрим кимсаларнинг «янги худо» ясовчилар до-мига тушиб қолишларига сабаб бўлди. Айни шу дамларда «қизил империя» таназзулга юз тута бошлади. Унинг қонунлари, кўрсатмалари ўз кучини йўқотди, янги жамият қонунлари эса ҳали ишлаб чиқилмаган эди. Тараққиёт жараёнидаги бу бўшлиқ ислом фундаменталистларига кўл келди. Улар Марказий Осиёда йирик Ислом давлатини бунёд этишга ҳаракат қила бошлишди. Эзтиқоди бўш, мансаб, бойлик учун киндик қони тўкилган жойни — ўз Ватанини оёқости қилишга, виждонини сотишга ҳам тайёр бўлган манкуртларни излаб топиб, улар орқали ҳокимиятни кўлга киритишни режалаштиришди. Ана шундай кимсалардан Намангандада Тоҳир Йўлдошев, Ҳакимбойвачча Сатимов, Абдувоҳид Патгаев ва бошқалар бўлишди.

90-йилларнинг бошларида диний ақидапарастларнинг оммавий ҳаракати Намангандада кенг тус олди. Кейинги йилларда сиёсий жазаваси тутиб, тартибсизликларни авж олдираётган, ҳокимият учун интилаётган «Бирлик»чилар, «Эрк»чилар, «Озод дехқон» демократик фирқаси вилоят ташаббус гурӯҳи (норасмий бўлсада ўша вақтда ўзларини шундай номлашган) ва «Адолат» уюшмаси аъзолари яқиндан уларга кўмакдош бўлишди. Афғонистон ва Тожикистонда фаолият кўрсатяётган ислом ақидапарастлари қўлида қўғирчоқقا айланган бу ватанфурӯшлар улардан мунтазам равища кўрсатмалар олиб, моддий ва ҳарбий жиҳатдан таъминланиб турдилар.

Улар миллий адovатни кучайтириб, мамлакатни ичидан емиришни, давлат тизимини сусайтиришни, шу йўл билан ўзларининг қабиҳ ниятларига эришишни мақсад қилиб қўйганлар. Бу йўлда улар курашнинг ҳар хил усулларидан фойдалана бошладилар. Аҳоли ўртасида турли мазмундаги варажаларни тарқатдилар. Динга даъват этиш билан ўз сафларини кенгайтиришга интилдилар.

Тошкентда чоп этилган «Ислом уйғониши ҳизби»-

нинг «Даъват» нашрида (1991 йил октябрь, 6-сон) соддадил ватандошларимизнинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлғазиб эълон қилинган мақолалар орасида ҳизби-нинг ҳаракат дастурига ҳам ўрин берилганди. Унда Ўзбекистонда ҳокимиятни кўлга олиб, исломий жамият барпо этиш мўлжалланган. Ҳизби гуруҳи маҳаллий сиёсий кучлар, диний уюшмалар билан яқиндан мулоқотда бўлиб, улар билан ҳамкорлик қилишни кўзлади. «Эрк»-чилар, «Бирлик»чилар, норасмий «Адолат» гуруҳи, «Озод деҳқон» фирмаси, қолаверса, вилоят уламолар кенгашининг айрим «жонкуяр»лари, давлатдан аламзада бўлган жиноятчилар, лавозимларидан кетган амалдорлар, иши юришмаган фуқаролар уларга елкадош бўлдилар. Конституцион давлат тизимиға, бошқарув органларига, раҳбариятга нисбатан асоссиз турли бўхтонларни ёғдирдилар. Бу ишда улар «Худонинг уйи» — масжидларни тарғибот-ташвиқот марказларига айлантиридилар. Дунёвий, хуқуқий демократик давлат қуриш ўрнини эса исломий давлат қуриш даъвати эгаллади.

Жойларда ўтказилган ваъзхонликларда аҳолини мусулмон ва кофирга ажратиљди. Ҳолбуки, мамлакатда 1991 йилнинг 14 июнида қабул қилинган «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун амалда бўлишига қарамай, уни бу ақидапараастлар тан олмадилар. Қонунга зид ҳаракатлар содир этишли. Кимки намоз ўқимаса, масжидга чиқмаса уни маҳалладан ажратиб қўйишни, у билан қўшничиликни йиғиштириши, ҳар хил маросимларда қатнашмаслик, куда туғин-маслик, яккалақ қўйиш, иложи бўлса маҳалладан қўчириб юбориш уқтирилди.

Хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатдан четлатишга ҳаракат қилинди. Аёлларни эркаклар билан тенг хуқуқли бўлишларига қарши чиқишиди. Уларни паранжи-чимматга ўранишга даъват этилди. Замонавий хотин-қизларни таъқиб остига олиб, юзларини жароҳатладилар, таҳқирладилар.

Ислом ниқобидаги разил тарғиботлар Маркази — Наманган шаҳридаги Отавалихон тўра масжиди бўлди. 1989 йили мазкур эътиқод масканига Хусайн Миркамолов имом-хатиб этиб тайинланди. У фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб, исломни ислоҳ қилишга, дин уламолари, кекса мусулмонларнинг нафсониятларига тегиб, уларни камситди. Ваҳдобийлик фояларини тарғиб қилиб масжидга келаётган ёшлар онгига

сингдиришга уринди. Ҳатто, Отавалихон тўра масжиди намозхон ёшлари билан шаҳарнинг энг йирик Жомеъ масжидида мусулмончилик руқнларини адо этаётган кекса ибодатчилар ўртасида ўзаро зиддиятларни келтириб чиқарди. Халқ орасида Отавалихон тўра масжиди ваҳҳобийлар масжиди деб атала бошлади.

90-йилларнинг бошларида Отавалихон тўра масжидига Абдуаҳад деган киши имом-хатиблик қилди. «Опоқдада» деб ном чиқарган бу кимса масжидга келаётган ёшлардан ўзига маслақдошлар қидирди. 1991 йили Покистон, Ҳиндистон, Бангладешдан келган нотаниш одамларни масжидга етаклаб келди. «Опоқдада» раҳбарлигида бу ерда тўққиз кишидан иборат диний экстремистик кайфиятдаги «Тавба» гуруҳи тузилди. Унинг аъзолари муқаддас Куръонни ушлаб, ислом динига сайдоқат билан хизмат қилишга, Ўзбекистонда ислом давлатини барпо этишга онт ичдилар. Динни ўқитиш баҳонаси билан жойларда норасмий диний мактаблар очилди. Уларда замонавий кураш турлари, каратэни ўргата бошлашди. Совуқ ва ўқотар куроллардан фойдаланиш ўргатилди.

Мустақиллик арафасида талончилик, босқинчилик, гаровга олиш, таъмагирлик, ўғирлик, товламачилик, одам ўлдириш авж олди. 1990 йилнинг ўн ойида Наманган вилоятида 3189 та жинойи иш юз берган бўлса, 1991 йилнинг май ойига (беш ой ичида) келиб бу кўрсаткич 3213 тани ташкил этди (*«Наманган ҳақиқати» газетаси, 1991 йил 4 декабрь*). Ўзига тўқ оиласарнинг болаларини ўғирлаб кетиб, эвазига катта пул сўраш авж олди. Масалан, Ҳакимжон Сатимовнинг қизи йўқолди. Уни Наманган туманидаги Кумкўроң қишлоғида рэкетчилардан катта маблағ тўлаб кутқариб олди. Бундай бедодликлар Наманган шаҳри ва унинг атрофидаги ҳудудларда тез-тез кўзга ташланди. Жамиятда вужудга келган иллат ва кусурларга қарши, уни олдини олиш мақсадида Ҳакимжон Сатимов бошчилигида «Адолат» гуруҳи тузилди. У Наманган туманидаги «Партия XXII съезди» (ҳозирги «Олти қаҳрамон») жамоа хўжалигининг боғида макон қурди. Бу гуруҳ фаолиятини дастлаб маҳаллий ҳукумат қўллади. Гуруҳ аввал бошда уюшган жиноятчиликка қарши курашда, унинг олдини олишда ҳукуқни ҳимоя қилиш органларига кўмакдош бўлди. Лекин улар тез орада манманликка берилилар. Билдирилган ишончни амалда оқламадилар. Давлат тизимиға қарши, қонунчиликка зид

хатти-ҳаракатларга қўл ура бошлади. Ҳокимиятни эгаллашга интилдилар. Экин майдонларини ўзбошимчалик билан тақсимлаб бериш, давлат корхоналари, савдо муассасаларини рухсатсиз тафтиш этиш, бошқарув тизими ва унинг раҳбари фаолиятини назорат қилиш, гуноҳи тасдиқланмаган фуқароларни қонунга хилоф равишда жазолаш каби ваколат берилмаган ишларни бажара бошладилар.

Ҳ.Сатимов ва унинг гумашталари «Ислом лашкарлари» деб номланган гурӯҳ билан тил топишиди. «Адолат-ислом» лашкарлари вужудга келди. Тоҳир Йўлдошев ўзини Наманганинг амири деб эълон қилди. Бу гурӯҳга норасмий ваҳҳобийлар, Ислом уйғониш ҳизбиси, «Бирлик»чилар, «Эрк»чилар мадад бериб туришиди. Ислом соғлиги шиори остида жунбушга кирган «Адолат-ислом» лашкарлари бегуноҳ наманганикларнинг шаънига ўчмас доғ туширилдилар. Кулоқ эшитиб, кўз кўрмаган хунрезилклар қилдилар. Бу ҳаракат айниқса Республикада Президентлик сайлови арафасида, номзодлар билан учрашувлар бўлаётган пайтларда янада авж олдирилди.

1991 йилнинг 8 декабрида республика Президенти И.А.Каримов президентликка номзод сифатида Наманганд вилояти меҳнаткашлари сайловчилари билан учрашувга келди. Учрашув Наманганд шаҳрининг Нуробод массивида янги қуриб фойдаланишга топширилган Имоми Аъзам масжиидидан бошланди.

\* \* \*

## **Мавзуга доир материал**

*Тергов ва судда сўроқ қилиниб, баённома ва видеотасмага туширилган кўрсатувлари судда муҳокама қилинган жиноий уюшма раҳбарларидан ҳисобланган Б.Абдуллаев, З.Аскаров, К.Зокиров, О.Болтаевларнинг кўрсатувларидан маълум бўлишича, 1997—1998 йиллардан Истанбул, Боку, Қобул ва Техронда бўлиб ўтган Т.Юлдашев, С.Мадаминов ва бошқалар иштирокида уюштирилган учрашувларда иштирок этишган. Бу учрашувларда Ўзбекистонда «жиход»га даъват қилиш ва унинг тарафдорларини кўпайтириш, жиноий уюшма аъзоларини чет эл ҳарбий лагерларида ҳарбий тайёргарликдан ўтказиш, жиходий ҳаракатлардаги тарқоқликларни бартараф қилиш, ҳарбий тайёргарликка юборилаётган йигитларнинг сонини ошириш, 1999 йил баҳор ойларида Ўзбекистондаги*

*мавжуд тузумни «қуролли жиҳод» йўли билан ағдариб, Ислом давлати қуриш, бунинг учун Тошкент шаҳри ва Фарғона водийсида террористик ва қўпорувчилик ҳаракатлари содир қилингандан кейин Т.Юлдашев ва Ж.Ходжиев жангарилари билан Ўзбекистонга бостириб кириши режалаштирилган. С.Мадаминов бу жиҳодий ҳаракатлар учун 1.600.000 АҚШ доллари ажратишга вазда берган. Бўлајсак давлатда С.Мадаминов раҳбар, Т.Юлдашев мафкура ишлари бўйича, Ж.Ходжиев ҳарбий ишлар бўйича масъул бўлиши ҳақида келишилган.*

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг ҳукмидан. Тошкент шаҳри. 2000 йил, 17 ноябр. «Ҳалқ сўзи», 2000 йил. 22 ноябр.)*

\* \* \*

Шундан кейин Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Наманган туманидаги Свердлов номли (ҳозирги Боқи Маллабаев номли) жамоа хўжалигида, Тўракўргондаги «Шириналлик» комбинатида меҳнаткашлар билан учрашди. Ўша куни тушдан кейин вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари вакиллари билан Наманган шаҳар марказида учрашув ўтказди. Наманган шаҳар Советининг раиси Фазлиддин Кутбиддинов йигилганларни республика президентлигига номзод И.А.Каримовнинг таржимаи ҳоли билан таништириди. Номзодни кўллаб-куватлашга бўлган музокараларда «Мингчинор» маҳалла қўмитасининг раиси Турсунбой Абдуллаев сўзга чиқди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов амалга ошираётган ибратли ишларини, инсоний фазилатларини зикр этиб, муносиб номзодга талаблар билдириди. Жумладан, Наманган шаҳар ҳалқини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, Учқўргон-Наманган сув қувури қурилишини тезлаштиришга кўмак берилишини сўради. Учрашув сўнгида Республика Президентлигига номзод И.А.Каримов нутқ сўзлади. Йиғилишда сайловчиларга қарата мурожаат ва тегишли қарор қабул қилинди. Учрашув йиғилиши тугади. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов шу куниёқ Тошкентта жўнаб кетди.

1990 йилнинг 2 декабрида мудҳиш воқеа рўй берди. Наманган шаҳрида миллатлараро низо чиқариш мақсадида, рус миллатига мансуб бўлган бегуноҳ беш аскарга тажовуз бўлди. Бу жиноий ишда қатнашган, ўқотар қуроллардан фойдалантган бир гуруҳ жиноятчилар ҳибсга олинди. Бу жосусларнинг хатти-ҳаракатини маъкуллаб ўз паноҳларига олишга интилган «Бирлик»чилар, «Адо-

лат»чилар, дин ниқобидаги фундаменталистлар, бошқача айтганда, Ислом лашкарлари Конституцион давлат ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига асоссиз айблар қўйдилар, жиноягчиларнинг озод этилишини талаб қилиб вилоят прокуратурасига бостириб бордилар. Жиноягчиларнинг содир эттан хунрезликлари юзасидан тўплланган ҳужжатларни беришларини, вилоят прокурори Чори Жўраевнинг Намангандик зудлик билан тарк этишини, акс ҳолда унинг жонига қасд қилинажагини айтиб қўрқитдилар. Натижка чиқмагач, Намангандик шаҳри марказида, Чорсу бозори автобус бекати яқинида жиноягчиларнинг яқинларидан иборат кимсалар томонидан очлик эълон қилинди. Маҳаллий ва Республика ҳукумат вакиллари мазкур кимсалар билан бир неча бор учрашиб, қонун барча учун баробарлигини, агар улар бу ишда бегуноҳ бўлсалар озод этилишини тушунтирилар.

Кўр кўрни қоронғида топади деганлариdek, ҳокимиятга орзуманд бўлган Намангандаги сиёсий кучлар, «Адолатчи-ислом» лашкарлари ўзаро ҳамкорликда иш юритишиди. Задарё, Намангандик, Учкўрғон, Уйчи туманларида мавжуд ижтимоий-иктисодий муаммолар ниқобида қонуний ҳукуматга қарши норозилик митингларини ўюштирилар. Президент И.А.Каримовнинг мустақилликни мустаҳкамлаш сиёсатига, давлат ва бошқарув тизимида ўтказаётган ислоҳотларига қарши турдилар. Ўзларининг гаразли ниятларини амалга оширишга имконият қидирдилар.

Республика Президенти И.А.Каримовнинг сайловчилар билан учрашиш мақсадида Намангандик ташрифи баҳона очиқчасига курашга чиқишиди. Шаҳар маркази, вилоят партия қўмитаси биноси олдига одамларни тўпладилар. Йиғилганлар кўчада ибодат ҳам қилиб олдилар. Кеч соат ўн тўққизларда тўплланганлар сони 5—6 мингдан ошгач улар вилоят партия қўмитаси биносига бостириб кирдилар. Бино пештоқига ислом яшил байроби осилди. Туни билан давлат тизимиға қарши, унинг раҳбарларини бадном этадиган даъватлар махсус кучайтиргич мосламали радиокарнайлар орқали тинмай янгради.

Шу куни ярим тунда республика Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўша пайтдаги биринчи ўринбосари И.Х.Жўрабеков бошчилигида давлат комиссияси Намангандик келди. Вужудга келган вазиятни тинч йўл билан бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилди.

Тонг ота бошлади. Вилоят партия қўмитаси биноси узра аzon таралди. Бомдод номози бино ичида ва ташқи саҳнида, йўлакларда ўқилди. Эрталаб номозхонларга иссиқ тандир нонлари улашилди. Мол сўйилди. Дошқозонлар ўрнатилди. Иссиқ овқат тарқатилди. Шаҳар марказидаги майдон (ҳозирги Мустақиллик майдони)-да қад кўтаражак масжиднинг лойиҳаси кўрсатилди, курилиш учун пул йигилди.

Майдондан бетўхтов олиб борилаётган кўчма радио станцияси орқали Наманган шаҳар ва тумани аҳолисига сим орқали эшигтирилди. Одамлар оқими марказга томон келарди. Ваҳҳобийлар гояси билан онги заҳарланган ақидапарастлар йўл-йўлакай кўчадаги ҳайкал ва маданий ёдгорликларни уриб йиқитиб, синдиришиди.

Соат ўнларда аксарияти ёшлардан иборат ўн минг кишилик оломон марказга тўпланди. Маҳаллий давлат раҳбарлари жойлашган вилоят изкроия қўмитаси биноси (ҳозирги шаҳар ҳокимлиги жойлашган бино)га қараб «Аллоҳу акбар» садолари остида талаблар янгради. Жумладан, «Бирлик» ташкилотининг «Истиқлол» ҳафталик газетасини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни қабул қилишни, Халқ Демократик партияси аъзоларидан иборат давлат аппаратини тарқатиб, «Адолат-ислом» лашкарлари ва сиёсий кучлар — «Бирлик»-чилар, «Эрк» демократик партияси, «Озод дехқонлар» уюшмаси вакиллари таркибида бўлган янги бошқарув тизимини шакллантиришни айтдилар.

Оломон билан учрашувга Тошкентдан Республика Президенти И.А.Каримов келди. Ўзини Намангандининг амири деб эълон қилган Тоҳир Йўлдошев билан тўплангандар ҳузурида мулоқотда бўлди. Учрашувда И.А.Каримов давлат арбобига хос ноёб фазилатларини, юксак маданиятини, халққа нисбатан меҳр-оқибатини, инсонпарварлигини, сиёсий етуклигини намойиш этди. Ўшанда Президент И.А.Каримовнинг фавқулодда жасурлиги, қатъиятлилиги кўзга яққол ташланди. У машинадан тушибоқ ҳеч қандай емчиларсиз, бир ўзи олоненни ёриб, бино томон юрди. Митингни бошқараётган, алаҳсираб, жон-жаҳди билан қонуний ҳукуматга қарши одамларни жиҳодга чақираётган бир пайтда унинг ўнига борди. Майдонда тўплангандар ўзлигини унугтган, сохта эҳтирослар ва ҳавойи ваъдаларга буткул ишонган ақидапарастлардан иборат эди. Президент вазиятнинг нақадар хавфли, хатарли эканлигини яхши

биларди. Бироқ, журъат ва шижаат, одамлар билан юзма-юз туриб, рўй-рост гапирди.

Т.Йўлдошев ўз гумашталари номидан гапириб, мақсадни аён қилиди. Жумладан, Республика Президенти олдига ислом динини давлат дини деб тан олиш, Ўзбекистонни Ислом жумхурияти деб эълон қилиш, динни давлатдан ва мактабдан ажратиш ҳақидаги қонуни бекор қилиш, 1990 йилнинг 2 декабрида бўлиб ўтган воқеаларга муносабатни ўзгартириб, ҳибсга олингандарни озод қилиш, кўча митинглари ва намойишлари ўтказиш тўғрисидаги қонунни бекор қилиш, ислом уйғониши партиясини тан олиб, уни рўйхатдан ўтказиш, жума кунини дам олиш кунига айлантириш тўғрисида Фармон чиқариш, қизлар билан ўғил болалар мактабини алоҳида қилиб бериш, ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасида, ташкилот, муассаса ва ўкув юртларида диний ташкилот бўлимига рухсат бериш, вилоят партия қўмитаси биносини Ислом марказига бериш ва шунга ўхшаш дунёвий давлат тизими ва сиёсатига зид қатор талаблар қўйди. Президент қўйилган талабларга сиёсий жиҳатдан баҳо бериб, ўз муносабатини билдириди.

\* \* \*

### *Мавзуга доир материал*

*Аҳоли ўртасида маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларига нисбатан ишончсизлик уйготиши ва уларни кучсиз қилиб кўрсатиш мақсадида жиноий уюшма аъзолари 1991 йил 8 декабр куни Халқ депутатлари Намангандарни ўзини талабларига бўйсунмай, бинони «Ислом уйига айлантирамиз», деб эгаллаб олишган. Кечаси шаҳар кўчаларида норасмий юршилар қилишиб, фуқароларни ўзларига қўшилишларига даъват қилганлар. Эртасига эрталаб вилоят ижроия комитети биноси ёнидаги майдонга фуқароларни тўплаб, Т.Юлдашев сўзга чиқиб, митинг шитирокчиларини давлат бошқаруви идораларига бўйсунмасликка, «Ислом маркази» уюшмаси аъзоларига эргашишга ҳамда Намангани «Исломобод»га айлантиришига даъват қилган.*

*Республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан жиноятчиликка, жумладан, диний экстремистик характердаги жиноий уюшмаларга қарши кураш кучайтирилганлиги натижасида 1992 йил март ойида жиноий уюшма раҳбарлари Т.Юлдашев ва Ж.Ходжиевлар*

чет элга чиқиб кетишнинг белгиланган тартибини бузиб, Тожикистон Республикаси ҳудудига ўтиб яширинганлар.

Т.Юлдашев ва Ж.Ходжиевлар Тожикистон Республикасининг қонуний ҳукуматига қарши жангларда иштирок этаётган мухолифат кучларига ёлланиб, Ўзбекистонда конституциявий тузумни ағдариб, Ислом давлати қуриш учун жангарилар тайёрлаш ҳақида улар билан ўзаро жиноий тил биринтирган. Шу мақсадда Фарғона водийси ва бошқа вилоятларда қолган тарафдорларини «жисҳод»га тайёргарлик қуриш учун Тожикистонга олиб ўтишиб, «Наманган батальони» тузишган. Т.Юлдашев ўзини Ўзбекистондаги жисҳодий ҳаракатларнинг «амири» деб эълон қилиб, Ж.Ходжиевни эса мухолифатнинг дала қўймондони этиб тайинлаган.

1992 йил 22 август куни Т.Юлдашев ўзининг тарафдорлари билан фуқаролар уруши давом этаётган ва қуроласлаҳаларни қўлга киритиш учун қулай бўлган Афғонистон давлатига Тожикистон Республикаси Кўрғонтепа вилояти, Кумсангир туманидан «Айкуль» чегара заставининг 122-белгисидан қонунсиз равишда ўтиб кетиб, Ўзбекистонда мавжуд бўлган конституциявий тузумга қарши кураш олиб бориш мақсадида толибонлар эгаллаб турган ҳудудларда Ўзбекистонлик жиноий унсурлардан иборат ҳарбий дала лагерларини ташкил этади.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи Ў.Эргашев, Ҳ.Исмоилова, М.Рахимов, Т.Турсунбоев, Н.Абдуллаев, З.Бўрибоев, Т.Қодиров, А.Жакпаров, М.Сайдов, С.Фозилова, А.Жўраевларнинг кўрсатмаларидан маълум бўлишича, 1991—1992 йиллар давомида Т.Юлдашев бошчилигидаги жиноий гуруҳ аъзолари уларни уриб-қийнаб, ўзларининг қароргоҳларида қонунсиз ушлаб турганлар, аслида содир қилмаган жиноятлари учун асоссиз равишда тұхмат қилиб, улардан таъмагирлик йўли билан пуллар олишиб, фуқароларни қадр-қимматини асоссиз равишда камситганлар ҳамда Наманган шаҳрининг турли жойларида қонунсиз митинглар ўтказиб, Ислом давлати қуришга даъват қилганлар.

Гувоҳ Х.Сатимов судда 1991 йил 2 августда Наманганда у томонидан «Адолат» уюшмаси ташкил қилиниб, уни низоми ишлиб чиқилгани, аммо низом Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтмагани, Т.Юлдашев «ваҳҳобий» оқимишининг аъзоси бўлиб, унинг мақсади Ўзбекистонда исломий давлат қуришдан иборат бўлгани, Намангандаги митинг ва ўзбошимчаликлар Тоҳир Юлдашев томонидан уюшти-

рилгани, унинг томонидан ташкил қилинган «Ислом лашкарлари» ҳақиқатан ҳам қонунга хилоф ишларни қилиб, кишишларни сабабсиз жабрлаб келганини кўрсатди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ В.Эгамбердиев 1990 йилда «Уйчи» кўчасида жойлашган «Гумбаз» масжидига қатнаб, у ердагилар топшириғи бўйича Тошкент шаҳрига кўп марта бориб келганлиги сабабли, уни Т.Юлдашев «Ислом уйғониш хизби»га раис қилиб тайинлагани, «Ислом уйғониш хизби»нинг асосий мақсади Ўзбекистонда Ислом давлати ўрнатиш бўлгани ва шу мақсадга қонуний йўл билан бориш кераклиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳлар Р.Э.Ходжиев, А.Д.Хайдаров, К.Н.Солихонов, М.Х.Солиевнинг тергов давридаги кўрсатмаларига қўра, улар 1990 йилдан бошлаб Т.Юлдашев бошлигигида тузилган гуруҳга аззо бўлиб, Қашқадарё вилоятининг Касби туманида З кун Т.Юлдашев билан биргаликда «Ислом давлати қуриши» ҳақида даъват қилиб келганлар. Шундан сўнг «Товба», «Ислом лашкарлари» гурухлари тузилиб, шу гуруҳ аззолари Покистонда 4 ой мобайнида «Давлат-Таблих амаллари»ни ўрганиб келишган. Уларнинг мақсадлари Ўзбекистонда қолаверса, ер юзида Ислом давлати қуриши, Куръон ҳукмларини жорий қилиш бўлиб, гуруҳ аззолари «Бойтулмол» жамғармасига пул ажратганилар. Т.Юлдашев Намангандаги даъватчилар гуруҳини бошқариб, уни «амир» деб аташган.

(Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг ҳукмидан. Тошкент шаҳри. 2000 йил, 17 ноябр. «Халқ сўзи», 2000 йил, 22 ноябр.)

\* \* \*

Бўлиб ўтган Намангандаги воқеалари мустақилликни кўлга киритиб, уни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамлаш, мамлакатда ҳукуқий демократик жамият қуриш учун бор имкониятларни ишга солаётган ўзбек халқи, жумладан, соғлом фикрли, диёнатли ҳар бир Намангандаги қалбини ларзага солди. Уларни асрлар мобайнида инсон қадр-қиммати топталган, қадриятлари унитилаётган, эътиқод ва маънавияти камситилган заҳматкаш халқни эндиғина рўшноликка чиққан айни бир замонда ҳаётига раҳна солиниши, обрўсига путур етказилиши дарғазаб этди.\*

\* Намангандаги воқеалари фалсафа фанлари номзоди, доцент Акмал Ҳусаинов билан ҳамкорликда ёзилди.

Наманган воқеалари фақат наманганликларнигина эмас, бошқа бутун халқимизнинг қанчалик нафратига учраган бўлса, уни шунчалик хушёрикка ҳам чақирди. Воқеалар оқими, ижтимоий-сиёсий жараёнлар мантиғи диний экстремизм ва ақидапарастликнинг туб можиятини англаш, уни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш, унга сиёсий баҳо беришни тақозо этди. Айниқса, Ўзбекистондай 130 дан ортиқ миллат ва элатта мансуб турли дунёқараш ва турмуш тарзига эга бўлган аҳоли яшайдиган, 10 дан ортиқ диний конфессиялар фаолият кўрсатаётган мамлакатда ижтимоий муроса муҳитини яратиш фавқулодда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур муаммо мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ҳал этилиши долзарб масала сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Президент И. А. Каримов мамлакатда юрт тинчлигини таъминлаш ва барқарор муҳитни яратиш, миллатлараро ва динлараро муносабатларни мувофиқлаштириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, унинг назарий асосларини ишлаб чиқди ва амалиётда фаоллик билан жорий эта бошлади. Натижада мамлакатимизда ижтимоий муроса — мувозанат концепцияси дунёга келди.

Дарҳақиқат, жамиятда муайян ижтимоий меъёрларга эга бўлиш, турли диний ва ғоявий қарашдаги аҳоли табақалари интилишларини уйғунлаштириш, уларни мамлакат тараққиётини белгилайдиган ғоя атрофида бирлаштириб йўналтириш фавқулодда катта аҳамият касб этади. Айни чоғда умумий фикрларга келиш ҳар бир инсон эркинлиги, шахсий талаблари ва рағбатини бўғиши ҳисобидан бўлмаслиги ҳам зарур. Зеро, инсон илохий ва табиий қисматига кўра мутлақ бетакрор ҳодисадир. Абу Мансур ал-Мотурудий мазкур масалага алоҳида ургу бериб, инсонга берилган мұқаддас ҳукуқлардан бири ихтиёрий танлов, меъёрий мувозанатта интилиш ва ҳақни ўз рағбатига кўра топа билиш салоҳияти эканлигини таъкидлайди ва «...барча амалларни, хусусан, меъёрлар, эътиқодлар, қоидалар, фаолиятларни Аллоҳ яратади, аммо уларнинг барчасини инсон танлайди ва ўз ихтиёри билан амалга оширади. Танлаш ва ихтиёр қилиш жараёнларида инсоннинг масъулияти, эътиқодий жавобгарлиги (такиид бизники — Н.Ж.) намоён бўлади», — дейди.

Албатта, ихтиёрий танлов бевосита умумхалқ манфаати ва миллий тараққиётта хизмат қилмоғи керак. Зотан, ҳар қандай шароитда инсоннинг ихтиёрий тан-

лови, хатти-ҳаракати жамият ва жамоа манфаатидан устун бўлмаслиги лозим. Бу юксак маданият ва камолот белгисидир. Ана шу нуқтаи назардан қараганда ҳалқимизнинг Наманган фожиалари ва сохта диндорлар келтириб чиқарган мажароларга муносабати мамлакатда барқарорликни сақлаш, мустақилликни ҳимоя қилиш, уни асраб-авайлаш мақсади натижасидир.

Президент Ислом Каримовнинг «Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда», деб турли диний эътиқодлар ва маслакларни фуқароларнинг Ватан ягоналиги, макон ягоналиги тўғрисидаги қарашларини, илоҳий ва дунёвий қарашларнинг муштарақлиги хусусидаги илмий фикрларни илгари сурди. Зеро, инсон ва маънавият, одам ва олам, макон ва замон ўргасидаги муносабатларни уйғунлаштириш замирида бутун жамиятни барқарорлаштириш имкониятлари мужассамдир. Шу тариқа, турли эътиқодлар, хилма-хил қарашлар ва муносабатларни барқарорлаштириш ва уйғунлаштириш концепциясини асослашга йўл очилди. Бунда жамиятни маънавий-рухий жиҳатдан барқарорлаштириш масаласи инсон етуклиги ва комиллиги билан боғлиқ ҳолда тушунилди. Диний маърифий савия жамият тараққиётининг муҳим омили даражасига кўтарилди.

Ҳозирги кунга келиб республикамизда 1800 дан ортиқ диний ташкилот мавжуд. Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, Рус Православ черкови, Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси, Евангель, Христиан Баптистлари черковлари Йиттифоқи, Рим-католик черкови, Тўлиқ Инжил христианлар Маркази, Ўзбекистон Библия жамияти шулар жумласидандир. Мамлакатимизда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни ҳаётга тадбиқ этиш натижасида:

- диний ташкилотларнинг ноқонуний равища фаолият юритишларига чек қўйилди;
- диний ташкилотлар фуқароларнинг реал эҳтиёжларига бевосита хизмат қила бошлиди;
- диний ташкилотларга хорижий фуқароларнинг раҳбарлик қилишларига барҳам берилди;
- мамлакатда аҳолининг маънавий ҳаёти учун ёт ва заарли бўлган диний секталарнинг ёйилиб кетиши олди олинди;
- диний таълим тизими қонуний асосда қайта кўриб чиқилди;
- мамлакатда диний адабиётларни чоп этиш ва тарқатиш ишлари тартибга солиниб, бу фаолият мамла-

катимиздаги диний муассасалар томонидан амалга оширилиши белгилаб берилди;

• диний фундаментализм ва экстремизмга қарши кураш олиб бориш учун ҳукуқий пойdevor яратилди.

Президент Ислом Каримов мамлакат фуқаролари бирлигини таъминлаш ва динларо муносабатларни барқарорлаштириш, диний экстремизм ва ақидапарастликка қарши курашишнинг сиёсий, ҳукуқий, маърифий ва маданий йўналишларини жорий этишнинг ўзига хос концепциясини яратди. Мамлакатда барқарорликни таъминлашнинг маърифий аҳамияти хусусида гапирап экан: «Ўзбек халқи руҳининг тикланганлиги, миллат маънавий-ахлоқий идеалларининг шаклланиши чукур миллийлик билан умумисонийлик чамбарчас боғлиқ бўлган ҳодисадир. Ўзбекистонда яшаётган халқлар, ўзига хослигини йўқотмаган ҳолда, умумисоний руҳиятга, хулқ-автор фалсафасига эга бўлмоқдалар», деган эди.

Демак, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфати миллати, элати ва диний мансублигидан қатъи назар барча учун бирдай тегишилдири. Ўзбекистонда яшайдиган ҳар бир фуқаро, ана шу Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини кучайтирганлиги, юрт тақдири билан ўзининг тақдирини уйғун англаши, мамлакат ва халқ камолоти, истиқболи учун юксак масъулият ҳиссини туйиши муҳим фазилатга айланди. Айтиш мумкинки, ана шу туйфу Ўзбекистон фуқароларини бирбирига яқинлаштириди, маънавий яқдиллигини таъминлади.

## 6. ЖАСОРАТНИНГ ДАВОМИ

XX асрнинг 90-йилларига келиб социалистик мамлакатларда инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва озодликка интилишнинг янги босқичи бошланди. Шарқий Европа мамлакатларида қарийб ярим аср ҳукм сурган тоталитар давлат тузуми инқирозга юз тутиб, демократик тартиботлар қарор топа бошлади. Югославия Социалистик Федератив Республикаси парчаланиб, унинг ўрнида бир неча мустақил республика, Чехословакия Социалистик Республикаси иккига бўлиниб, Чехия ва Словакия суверен давлатлари вужудга келди. Айни чоғда собиқ СССР парчаланиб унинг ўрнида мустақил тараққиёт йўлини танлаган 15 мамлакат ташкил топди.

Бошқача айтганда, бу даврга келиб кўпгина мамлакатларда мустақилликка эришиш масаласи дунёни кенг қамраб олган жараёнга айланди. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ана шу оламшумул жараён таркибида юз берди.

«Халқларнинг озодлик, мустақиллик, баҳт-саодатта азалий интилиши, ўз тақдирини ўзи белгилашга азму қарори ҳаётдаги чуқур ўзгаришларни ҳаракатта келтирувчи кучдир», деган эди Ислом Каримов.

1990-йилларнинг бошларига келиб Ўзбекистонда халқнинг шу азалий орзусини амалга ошириш кун тартибидаги бош масала бўлиб қолди.

Мамлакатда шундай вазият вужудга келди, бир томондан: «Зўравонликка асосланган, маъмурий буйруқбозлика хос бўлган марказлашган давлат сақланиб қоладими ёки демократик жараёнлар чуқурлашиши эвазига иттифоқдош республикалар суверенитети таъминланадими?» деган масала долзарб бўлиб қолди. Иккинчи томондан, ўша даврдаги давлат раҳбарияти мамлакат ичкарисидаги вазиятни тўғри баҳолай олмади, миллий республикаларда мустақилликка эришишга интилишнинг тобора кучайиб бораётганининг олдини ололмай қолди.

СССР Олий Совети ҳам, СССР Президенти ва Ҳукумати ҳам инқирозий ҳолатдан чиқишнинг йўлини топа олмай қолди. Хуллас, 90-йилларнинг бошларига келганда Марказ ва иттифоқдош жумхуриятлар ўтасидаги муносабатлар кескинлашиб, марказий ҳокимиётнинг обрўи пасайиб кетди. Сиёсий, иқтисодий ва хўжалик ҳаёти бошқарилмай қолди. Оқибатда турмушнинг барча соҳаларидағи салбий аҳволдан халқнинг кун сайин норозилиги ортиб, турмуш даражаси ёмонлаша бошлади. Ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми издан чиқди. Бу ҳол табиий равишда халқнинг кўзини очди, энди у эскича буйруқбозлик усулинини қабул қила олмай қолди.

Қисқа қилиб айтганда, шу вақтга келиб республикалар суверенитетини ва инсон ҳуқуқларини поймол қилган тоталитар буйруқбозлик бошқарувининг истиқболсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсата бошлади.

Буни биргина собиқ СССРда халқ хўжалигини бозор иқтисодиётига ўтказиш ҳамда Янги Иттифоқ Шартномаси тайёрлаш борасидаги натижасиз қадамларда ҳам кўрса бўлади.

Шуни айтиш керакки, собиқ Иттифоқда халқ хўжа-

лигини бозор иқтисодига ўтказиш масаласи 1987 йили халқ депутатлари II съезди қарори ва иқтисодиётни соғломлаштиришга қаратилган Ҳукумат Дастурида тилга олинган, у 1990 йил май ойида Олий Кенгаш III сессиясида муҳокама қилинган эди.

Халқ депутатлари Ҳукумат Дастурини муҳокама қилар эканлар, бозор иқтисодига ўтиш объектив заррурият, бундан бошқа йўл йўқ, деган холосага келдилар. СССР Олий Совети III сессиясининг «Бошқариладиган бозор иқтисодига ўтиш ҳақида»ги қарорида бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мазмунини ташкил қиласди, деб қайд этилди. Шу боис бу борадаги Ҳукумат Концепциясини депутатлар фикр-мулоҳазалари асосида қайта ишлаш ва 1990 йил 1 сентябрига тайёрлаш топширилди.

Мамлакатда шу йўналишдаги амалий ишлар қизғин тус олди. 1990 йил 25 июлда СССР Президентлик Кенгashiда Бош Министрнинг Мамлакатни бозор иқтисодиётига ўтказиш юзасидан қўшимча чоралар ҳақидаги ахбороти тингланди. 1990 йил 27 июли ва 30 августида мамлакат Президентининг олимлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан иқтисодий ислоҳотлар мавзуидаги учрашуви бўлди.

6 августда эса мамлакат Президенти М.Горбачёвнинг «Янги Иттифоқ Шартномасининг асоси сифатида бозор иқтисодиётига ўтишнинг Иттифоқ Дастури Концепциясини тайёрлаш ҳақида» Фармони эълон қилинди. Бу вазифани бажариш учун СССР ва РСФСР раҳбарлари томонидан С.Шаталин, Н.Пардаков, Л.Абалкин, Г.Явлинский, С.Алексеенко, В.Вавилов, А.Григорьев, М.Задорный, В.Мартынов, В.Мащиц, А.Михайлов, Б.Фидеров, Т.Яригина ва Е.Ясинлардан иборат комиссия тузилди. Комиссияга 1990 йил сентябрдан кечикмасдан Ҳукумат Дастурини ишлаб чиқиши топширилди.

1990 йил сентябри бошларида СССР Олий Кенгashi IV сессиясида Н.Рижков «Бошқариладиган бозор иқтисодига ўтишга тайёргарлик ва мамлакат халқ хўжалигига барқарорликни вужудга келтириш ҳақида» маъруза қилди. Унда депутатларнинг аввалги фикрлари инобатга олинган вариант ишлаб чиқилгани айтилса-да, сессия Ҳукумат Дастурини қабул қилмади. Бунинг муҳим сабаби депутатларда Ҳукуматга нисбатан ишонч йўқола борган эди. Айни чоқда Ҳукумат Дастури собиқ Иттифоқни сақлаб қолишни, шунингдек, иқтисодиёт-

ни социалистик йўлдан ривожлантиришни кўзда тутар эди.

11 сентябрда РСФСР Олий Совети II сессияси С.Шаталиннинг «500 кун» Программасини қабул қилди. С.Шаталин томонидан ишлаб чиқилган «500 кун» Дастури эса:

— «Фуқароларни мулкка эгалик хукуқини, иқтисодий мустақиликни, эркин истеъмол бозори ва унда эркин нарх;

— корхонанинг мустақил иқтисодий фаолият хукуқи;

— иттифоқдош республикаларнинг мутлақ суверенитети;

— аҳоли турмуш даражасини пасайтирмаслик»ни кўзда тутар эди.

Шунга қарамасдан СССР Олий Совети 21 сентябрдаги IV сессиясида бу икки Дастурни ҳам қабул қилмади. 1990 йил 24 сентябрда сессия «Халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг кечикириб бўлмайдиган вазифалари»ни муҳокама қилиб, Ҳукумат Дастури ва С.Шаталин Дастуридан иборат Ягона Дастур ишлаб чиқишини топширди. 1990 йил 18 октябрида сессия: «Бозор иқтисодиётига ўтиш жаҳон амалиётидан келиб чиқсан зарурат, аммо у иқтисодиётнинг социалистик йўналишига зиён етказмайди», деб холоса берди.

Демак, 1980-йиллар охирига келиб, собиқ мамлакатда халқ хўжалигини бозор иқтисодиётига ўтказиши ҳаётнинг ўзи кун тартибига кўя бошлади ва унинг хукуқий асосларини яратишни заруратта айлантириди. Шундай бўлса-да, 1990—1991 йилларда иқтисодиёт орқага қараб кета бошлади ва халқнинг турмуш тарзи, шароити ёмонлаша борди. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан таназзулга юз тута бошлади.

Бунинг боиси мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига учта йўналишдаги кучлар манфаатлари тўқнашгани эди.

**Биринчи кучлар** — Н.Рижков ва В.Павлов Дастури тарафдорлари. Улар собиқ СССРни сақлаб қолиш, халқ хўжалигини Марказдан бошқариш, хукуқни кўпроқ Марказда тўплаш ниятида эдилар. Улар иқтисодиётни ривожлантиришда социалистик йўлдан воз кечмасликни талаб қиласар эдилар.

**Иккинчи кучлар** — С.Шаталин грухси аъзолари тарафдорлари. Улар СССРни тарқатиб юбориш, иттифоқдош республикалар ўрнида суверен, мустақил Давлатлар тузиш, чексиз хусусий тадбиркорликни ривож-

лантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, колхоз ва совхозларни тутатиб, фермер хўжаликлари тузишни кўзда тутдилар. Бу моҳиятнан иқтисодий ривожланишнинг социалистик йўлидан возкечишни билдирад эди.

Учингич кучлар — М.Горбачев Дастиурини қувватловчилар. Улар муроса йўлини қидириб, юқорида тилга олинган ҳар икки дастур йўналишларини уйғунлаштириш ва СССРни сақлаб қолиш, марказлашган маъмурий буйруқбозлиқ ҳокимиятини йўқотмаслик, «шоковая терапия» усулидан фойдаланиш гоясини илгари сурар эди. Янги Иттифоқ Шартномасини тайёрлаш ҳам шу мақсадчаларга йўналтирилган эди. Жумладан, янги Иттифоқ Шартномасида мамлакат номини ҳам «Социалистик Республикалар Иттифоқи» деб эмас, «Мустақил Совет Республикалари», «Мустақил Давлатлар Иттифоқи» деб аташ тўғрисидаги таклифлар ҳам ўртага ташланада бошлади.

Шундай қилиб, собиқ СССР ижтимоий тараққиёт тида учта йўналиш — тоталитаризмга қайтиш, буржуа-ча трансформация ва социалистик йўналишдаги демократик кучлар тўқнашиб қолган эди. Табиийки, бу мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида таназзулни вужудга келтирган эди.

Ана шундай зиддиятли бир шароитда Ўзбекистон раҳбарияти бу йўналишларнинг номақбул эканлигини аниқ-равшан кўрди ва республика ҳалқ хўжалигини бозор иқтисодиётига ўтказишнинг ўзига хос йўлини мустақил тарзда ўзи белгилай бошлади. Аввало, «Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини шакллантириш концепцияси»ни тайёрлашга киришилди. Концепция республика Режа Давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, бошқа вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот институтлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижроия қўмиталари билан ҳамкорликда тайёрланди. Унга кўра, «Ўзбекистон ҳалқ хўжалигини соғломлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишининг асосий принциплари» ишлаб чиқилди ва у 1990 йил 17 октябрида умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди.

1990 йил октябрини охирида Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши IV сессиясида бу масала юзасидан Ҳукуматнинг ҳисоботи эшитилди.

Олий Кенгаш сессияси «вужудга келган аҳволдан чиқишининг йўлини республиканинг иқтисодий мустақиллигини эришиш асосида иқтисодий ислоҳотларни

чукурлаштириш ва жадаллаштиришдан иборат» деб ҳисоблади.

Шунинг учун ҳам сессия республика Ҳукумати Дастурини маъқуллари ва Ўзбекистон Министрлар Советига «Ўзбекистон ССР мулкига эгалик қилиш, уни тасарруф этиш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш масалалари юзасидан республиканинг суверен ҳукуқларини амалга оширишнинг самарали амал қилувчи механизмини яратиш бўйича асосланган таклифлар тайёрлаш, шунингдек, 1 июнгача Ўзбекистон Олий Советига иқтисодий тизим масалалари ва ер, ер ости ҳамда бошқа табиий бойликларни, ишлаб чиқариш корхоналарини Ўзбекистон ССР мулкига ўтказиш бўйича Ўзбекистон ССР Конституциясига киритиладиган ўзгаришлар тўғрисида Қонун лойиҳаси киритиш»ни топширди.

Ҳукумат Дастурига кўра, қўйидагилар Ўзбекистон халқ хўжалигини соғломлаштириш ва бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтишнинг асосий йўналишлари қилиб белгиланди.

Мустақил давлат бўлмиш Ўзбекистон:

— бошқа республикалар билан мувофиқлаштирилган мустақил ижтимоий ва иқтисодий сиёsatни халқ хўжалигини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш соҳасида суверен ҳукуқларини амалга оширади, хўжалик турмуши ва маданий турмушдаги миллий ўзига хослик сақланиб қолишини таъминлайди;

— бошқа республикалар билан ўз иқтисодий алоқаларини эквивалентлик ва ўзаро манфаатдорлик асосида мустақил ҳал этади, бу алоқаларни мамлакатнинг яхлит халқ хўжалик комплекси доирасида ўзаро шартномалар ва битимлар билан тартибга солади;

— маҳаллий Советларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни кенг ривожлантириш, унинг мулкий ва молиявий негизини мустаҳкамлаш ҳукуқларига кафолат беради;

— ўз ихтиёрида бўлган ҳамма воситалар билан меҳнат жамоаларининг ва фуқароларнинг иқтисодий ҳукуқларини мустаҳкамлашга кўмаклашади, шу ҳукуқларнинг ҳар томонлама ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Шунингдек, ушбу ҳужжатда Ўзбекистон ССР иқтисодий мустақилларини кенгайтиришнинг бош мақсади иқтисодиётнинг жўшқин, юксак самарали, экологик жиҳатдан хатарсиз ривожланишини, аҳолининг ҳозирги замон турмуш стандартлари даражасидаги фаровон-

лигини, ижтимоий адолат ва ҳимояланишни таъминлайдиган янги хўжалик-хукуқий шароитларни шакллантиришдан изборат қилиб белгиланди.

Айни вақтда Концепцияда мақсадга эришиш йўлидаги вазифаларни ҳал этиш, жумладан, республика билан Иттифоқнинг ўзаро мажбуриятлари ва ўзаро масъулияти асосида Ўзбекистон ССР билан ССР Иттифоқининг хукуқ доираси соҳаларини фарқлаб кўйиш;

— давлат мулкининг ҳаддан ташқари марказлашувини ва бюрократик ташкил этилишини бартараф қилиш;

— мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини ривожлантириш, бу шаклларнинг тенг хукуқлилиги ва мусобақалашувини таъминлаш;

— асосан, иқтисодий усуслар негизида республиканинг ҳалқ хўжалиги давлат бошқарувига ўтиш, режалаштириш, молия-бюджет, банк тизимини сифат жиҳатидан ўзгартириш, меҳнат муносабатларини ва табиатдан фойдаланишни тартибга солиш;

— бозор механизмларини вужудга келтириш, товарлар, хизматлар, молия-кредит ресурсларига талаб ва таклифни тартибга соладиган нарх ва бошқа воситаларнинг аҳамиятини ошириш, Ўзбекистон ССРнинг ички, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон минтақа бозорини ривожлантириш;

— барча фуқароларнинг қобилияtlаридан тўла-тўқис фойдаланиш имкониятларини бараварлаштириш, аҳолининг кам даромадли табақаларини қўллаб-куватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш, маориф, фан, маданият ва санъатни ривожлантиришни таъминлайдиган ижтимоий кафолатларнинг таъсирчан тизимини вужудга келтириш;

— республика ташқи иқтисодий фаолияти механизмини сифат жиҳатдан ўзгартириш, шу жумладан, экспорт, импорт операциялари соҳасидаги хукуқлар ва имкониятларни кенгайтириш;

— хорижий сармоялар Ўзбекистон ССР иқтисодиётiga инвестиция киритиши, чет эл сайёҳлигини ривожлантириш ва ҳоказо;

— республика ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув идораларининг ваколатлари ва масъулиятини ажратиб кўйиш, ҳалқ депутатлари маҳаллий советларининг тўла ҳокимияти ташкилий-хукуқий ва молиявий-иктисодий кафолатларини таъминлаш;

— республикадаги иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни тартибга солишда қатнашувчи демократик жамоат муассасалари, истеъмолчилар жамиятлари, ишлаб чиқарувчилар уюшмалари, экология ва фан-техника жамиятлари, хайрия жамғармалари ва шу кабиларни вужудга келтиришга кўмаклашиш назарда тутилди.

Умуман, Ўзбекистон раҳбарияти СССР Ҳукуматига Ўзбекистоннинг шошилинч бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисидаги кўрсатмасига эътиroz билдириб, бу республика шароити учун бирданига тўғри келмаслигини ва бозор иқтисодиётига аввало аҳолини, биринчи навбатда, унинг кам таъминланган қатламини, ижтимоий кафолатлаб, сўнг ўтиш борасида Ўзбекистон ўзи мустақил ҳаракат қилишини маълум қилди.

1990 йил 29 августида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Иттифоқнинг янги шартномаси ва бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш программасининг асосий қоидалари ва йўл-йўриклирига нисбатан республиканинг тутган ўрни тўғрисида»ги масалани кўриб чиқиб бу борада шошилмаслик жоизлигини яна бир бор таъкидлади. Олий Совет Президиуми Иттифоқнинг янги шартномасини тузиш ҳамда бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш дастури бўйича тайёрланган таклифлар биринчи туркумини чуқур ўрганиб чиқиш ва муҳокама қилиш учун Ўзбекистон Олий Совети, Компартия Марказий Кўмитаси, Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси ва бошқа ташкилотларга юборди.

Кўриниб турибдики, янги Иттифоқ Шартнома лойиҳаси аввалги йиллардагидек дарҳол республика томонидан кувватланмади, бу ерда биринчи навбатда Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари ҳимоя қилинishi назарда тутилди. Янги Иттифоқ Шартномасини: «У Ўзбекистоннинг сиёсий суверенитетига заар етказмайдими?» деган нуқтаи назардан келиб чиқсан ҳолда имзолаш кўзда тутилди.

Хуллас, Концепциядан маълум бўляяптики, СССР марказий идораларидан фарқли ўлароқ, 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошида Ўзбекистон дадиллик билан иқтисодий мустақиллик ва сиёсий суверенитетни қўлга киритиш учун амалий ҳаракат қила бошлади. Айни чоқда Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллиги ва сиёсий суверенитетини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини

яратиш учун ҳам конкрет чоралар кўрилди. Бу борада халқнинг хоҳиши иродаси ҳисобга олинди.

Масалан, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқининг Ўзбекистоннинг мустақиллик сари дадил қадам қўяётганлигини 1991 йил 17 марта даги умумхалқ референдуми якунларида ҳам яққол кўриш мумкин. 1991 йил 20 февралда Ўзбекистон Олий Кенгашининг Раёсати йиғилиши бўлиб, унда СССР Олий Кенгаши томонидан белгиланган референдумда овоз беришга мўлжалланган асосий бюллетенъ билан бирга «Ўзбекистон янгиланаётган Иттифоқ (Федерация) таркибида мустақил, тенг ҳуқуқли республика бўлиб қолишига розимисиз?» деган савол қўйилган қўшимча бюллетенъ киритишга қарор қилинди. Бюллетендаги ушбу матн ўзгартирилиши мумкин эмас, деб белгиланди.

Олий Кенгаш Раёсати вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликларига бўлажак референдумда Ўзбекистоннинг мустақил бўлишига муносабат билдирувчи ушбу бюллетенъ матни юзасидан кенг меҳнаткаш омма ўртасида тушунтириш олиб боришни топширди. Бу ишларга ҳуқуқшунослар, мутахассислар, зиёлилар вакилларини кенг жалб қилиш тавсия қилинди.

Референдум якуни шуни кўрсатдики, Ўзбекистоннинг мустақил тенг ҳуқуқли республика сифатида янгиланаётган Иттифоқ (Федерация) таркибида бўлишига доир қўшимча бюллетенъ бўйича 9215571 нафар киши ёки овоз берувчиларнинг — 93,9 фоизи овоз берди.

Шундай қилиб, бу референдумда Ўзбекистон халқининг мутлақ кўпчилигида Ўзбекистонни мустақил республика сифатида кўриш хоҳиши борлигининг ўзиёқ республика раҳбариятининг бу борадаги дадил кучгайратини қўллаб-куватлаш ифодаси эди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда республиканинг давлат мустақиллигига доир мутлақо янги давлат рамзлари тайёрлаш ва қабул қилиш ишлари ҳам дадил бошлаб юборилди.

1991 йил 15 февраляда Ўзбекистон Олий Кенгashi «Ўзбекистоннинг давлат рамзлари тўғрисида» маҳсус қарор қабул қилди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

«Мустақиллик тўғрисидаги Декларацияга амал қилиб, Ўзбекистон ССР Олий Кенгashi қарор қиласи:

1. Ун иккинчи чақириқ Олий Кенгаш II сессиясида тузилган Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Конуни)нинг янги лойиҳасини тайёрловчи комиссиясига

Ўзбекистон ССРнинг Янги Давлат байроғи, Герби ва Мадҳиясига доир таклифлар ҳамда улар тўғрисида Низомлар тайёрлаш топширилсин. Комиссия республика жамоатчилиги ва депутатларининг фикрларига таяниб иш кўрсинг.

2. Бу борадаги таклифлар матбуотда эълон қилиниб, умумхалқ муҳокамаси уюштирилсин».

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган қонунлар, Ўзбекистон Президентининг Фармонлари, ҳукумат қарорлари катта аҳамиятта эга бўлиб, улар республиканинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақил ривожланиш йўлига бевосита қаратила бошлади.

Ўзбекистоннинг ўз суверенитети учун кураши, аввало, жумхуриятда қабул қилинган ҳар бир қонуннинг мазмуни ва моҳияти жиҳатидан собиқ Иттифоқ қонунларидан тубдан фарқ қилишида, бундан ташқари, ҳар бир қонун аввалгидек Иттифоқ қонунига мослаштириб эмас, балки республика манфаати ифода этилганини билан ажралиб тура бошлади.

Масалан, 1989 йил 20 октябрида ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессиясида «Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш» тўғрисидаги масала маҳсус муҳокама этилди. Сессияда шу масала юзасидан республика Олий Совети Раиси доклад қилди. Маърузада «Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун давлат механизмининг ҳамма бўғинлари Олий Советга бўйсунишини назарда тутиши алоҳида таъкидланди. Республика Олий Советига энг олий назорат қилувчи идора сифатида Ўзбекистон ССРнинг юқори мансабдор шахсларини, шу жумладан, Олий Совет Раисини сайлаш, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раисини, ҳукумат аъзолари ва бошқа раҳбар лавозимдаги кишиларни тасдиқлаш ёки тайинлаш ва зарур бўлганда уларни муддатидан олдин лавозимидан чақириб олиш ҳуқуқи берилди. Ҳукуматнинг бир йилда камида бир марта Олий Совет олдида ҳисоб бериши мажбурий қилиб қўйилди. Шунингдек, Олий Совет бюджетни назорат қилиш, министрлик ва идоралар ишини текшириш, депутатлар сўровини муҳокама қилиш масалаларини ҳам кўриб чиқадиган бўлди.

Конституцияга киритилган бу ўзгартиришлар рес-

публика давлат ҳокимиятининг олий идорасига мустақил давлат олий идорасига хос зарур ваколатларни берди. Айни чоқда бу ваколатлар унинг адолат бузилган ҳамма жойда зудлик билан адолатни тиклаши, жамият турмушкида юз бериши мумкин бўлган нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш имкониятини ҳам берди.

Қонун яна шуниси билан аҳамиятли эдики, Ўзбекистон ССР Олий Советини республиканинг Совет Федерациясида эркин, ҳар томонлама ривожланиши учун кафолат берадиган ваколатлар билан ҳам таъминлади. Илгари бу ваколатларнинг кўпчилиги фақат Иттифоқ идораларининг ҳукуқи ҳисобланар эди. Масалан, 102-моддада кўзда тутилган «мулкчилик муносабатларини, ҳалқ ҳўжалигини ва социал-маданий курилишни, бюджет-молия системасини, меҳнатга ҳақ тўлашни, нарҳ белгилашни, солик, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишни, шунингдек, бир қанча бошқа ижтимоий муносабатларни қонун йўли билан республикада тартибга солиш» шулар жумласидандир.

Шунинг учун ҳам Конституцияга киритилган бу қўшимчалар депутатлар томонидан яқдиллик билан кутиб олинди. Жумладан, сессияда сўз олган Фаргона вилоятидаги «Риштон» совхозининг бригада бошлифи, депутат Саодатхон Ёкубова «Ушбу сессияда муҳокама қилинаётган масалағоят муҳим бўлиб давлатни бошқаришда ошкоралик, демократия, инсон манфаатларини тўла ҳимоя қилиш, давлатнинг фуқаро олдидаги, фуқаронинг давлат олдидаги ҳукуқий жавобгарликларини таъминлашга олиб келади», деб барча сессия қатнашчилари фикрини ифодалади. Шу боисдан сессияда Ўзбекистон Конституцияси (Асосий Қонун)га ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қабул қилинган Қонуннинг 101-моддасида «Ўзбекистон ССР Давлат ҳокимиятининг олий органи доимий ишлайдиган Ўзбекистон ССР Олий Совети бўлиб, у ўз фаолиятига қонун чиқариш, фармойиш бериш ва назорат қилиш вазифаларини амалга оширади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети «Ўзбекистон ССР ихтиёрига бериб қўйилган ҳар қандай масалани қараб чиқиш учун қабул қилиш ва ҳал этишга ҳақлидир», айни чоқда миллий давлат тузилиши масалаларига доир қарорлар қабул қиласи, деб алоҳида таъкидлаб қўйилди.

Айтиш керакки, республика раҳбариятининг Ўзбе-

қистоннинг сиёсий суверенитетини таъминлашга қартилган қатъий позицияси И.А.Каримов томонидан 1980 йиллар охиридан бошлаб бир неча марта кўндаланг қилиб қўйилди. Жумладан; У КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил 20 сентябрида Москвада бўлиб ўтган пленумида дадил тарзда: «Биз иттифоқ ва республикаларнинг вазифаларини, бурчларини ва ўзаро мажбуриятларини аниқ-равшан белгилаб қўйиш, республикалар мустақиллигини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш тарафдоримиз», деб таъкидлари. Орадан бир оз ўтгандан сўнг — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1990 йил 23 марта даги пленумида Президент И.А.Каримов Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақилликка эришишнинг асосий йўлларини кўрсатиб: «Сиёсий системани янгилаш масалаларини Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллиги муаммоларидан ажralган ҳолда қарап мумкин эмас. Бизда бундай мустақиллик учун шарт-шароит бор», деган фикрни билдиради.

Дарҳақиқат, 1980 йилларнинг охирларидан бошлаб республикада иқтисодий ва сиёсий суверенитет учун қадам-бақадам чора-тадбирлар кўрилди. Масалан, Ўзбекистон ССР Олий Совети 1989 йил 25 ноябрида бўлган «Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1990 йилги Давлат плани тўғрисида»ги масалани муҳокама қиласар экан, республиканинг иқтисодий мустақиллигига оид муҳим тадбирларни белгилади. «1990 йилга мўлжалланган план, деб таъкидланади сессияда, республиканинг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш принципларига ўтиш арафасида унинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш талабларини ҳисобга олган ҳолда тузилган эди... Энг асосийси, республиканинг шароити, ўзига хос хусусияти, анъанавий маросимлари ва манбаларидан келиб чиқсан ҳолда территориал хўжалик ҳисобининг ўз концепциясини ишлаб чиқишидир».

Сессия 1990 йил плани бюджет лойиҳаларида хукуматнинг ўзлаштирилган капитал маблағлари социал эҳтиёжларга сарф қилинишини қонунан тўғри ва асосли деб ҳисоблади ва «республиканинг суверенитети айни шунда яққол кўринади», деб таъкидлadi.

Сессияда республиканинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган кўйидагича қарор қабул қилинди:

«1990 йилда совет ва хўжалик органлари, илмий муассасалар ишининг муҳим йўналиши республикани

ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш принципига ўтишга тайёрлаш юзасидан амалий тадбирларни ишлаб чиқишидан иборат, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бу иш жараёнида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг реал ресурслари ни ҳамда амал қилиш имкониятлари — структурани тубдан такомиллаштириш ва унинг илмий-техникавий ҳамда ташкилий даражасини ошириш имкониятлари ни ҳар томонлама қараб чиқсин... амалга оширилаётган сиёсий система ислоҳотини, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда республиканинг иқтисодий суверенитетини кенгайтиришнинг асосий йўлларини белгиласин».

1990 йил 23 мартада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди. Унда Ўзбекистон ССРнинг сиёсий суверенитети масалаларига оид муаммоларни таҳдил этишга ва концепцияларини ишлаб чиқишига жиддий эътибор берилди. Пленум янгиланаётган сиёсий тизимда республика Компартиясининг ўрни ва мавқеи, унинг давлат ҳокимияти идоралари ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабати принциплари тўғрисидаги масалаларини муҳокама қилиб, буйруқбозлиқдан, маъмуриятчиликдан воз кечиш лозимлигини уқтириди. Шу билан бирга пленум республика сиёсий тизими тўғрисидаги масалани кўриб чиқишини ҳаёт тақозо қилаётганлигини кўрсатиб, реал ҳокимият Ўзбекистон Компартиясидан, унинг барча даражаларидаги комитетларидан халқ депутатлари Советларига берилиши билан боғлиқ барча қийинчиликларни енгид ўтишлари лозимлигини таъкидлаб, юзага келган вазиятда Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш муҳим аҳамият касб этади», деб таъкидлади.

Ўзбекистонда Президентлик бошқаруви масаласининг кўтарилиши шунчаки ССР Иттифоқи янги тартибига тақлид қилиш эмас, балки принципиал амалий ва тарихий ҳодиса бўлди. Республикада бошқарувнинг айни ана шундай шакли жорий этилиши, аввало, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, миллатлараро ва бошқа соҳалардаги муаммоларни ҳал қилиш жараёнини тезлаштиришга кўмаклашиш воситаси сифатида жорий қилинди. Энг муҳими шундан иборатки, Президент девонининг жорий этилиши — республика учун суверенитет ва давлатчиликда моҳият жиҳатидан янги босқичга ўтишни билдирар эди.

Алоҳида таъкидлаш керакки, айни шу пайтда кенг миқёсда тартиб ва интизомни, энг аввало, бошқарувнинг барча даражаларида ва жабҳаларида ижро механизмини қайта қуришни тезлаштириш вазифаларини ўз вақтида ҳал этиш масаласи, фуқаролар хуқуқларини ҳимоя қилувчи барча давлат муассасаларини назорат қилиш ҳам катта аҳамият касб этмоқда эди.

Ана шу объектив ҳолатни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Пленуми Президентлик лавозими ташкил қилишни республика Олий Совети сессиясига таклиф қилди. Натижада 1990 йил 24 марта XII чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси бўлди. Сессия Ўзбекистон тарихида биринчи марта Президентлик лавозимини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Сессия яқдиллик билан Ислом Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти этиб сайлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда Президент лавозимининг таъсис этилиши жумхуриятнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги учун кураш борасида кўйилган дадил қадамлардан дастлабкиси эди.

Чунки узоқ йиллар мобайнида йиғилиб қолган миллий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ривожланиш муаммолари бу вақтга келиб ниҳоятда кескин тус олган эди. Ҳаёт республиканинг келажаги, ҳалқ тақдиди ва турмушининг, Ўзбекистон фуқаролари келажак авлодлари ҳаётининг тўқислиги, тинчлик, осо-йишталиқ муаммоларини изчил ҳал этишни кўрсата бошлади. Ўзбекистон олдидағи мана шу долзарб муаммоларни ҳал этишда Президент лавозими кенг имконият очар эди.

Республиканинг биринчи Президенти И.А.Каримов сессияда «Бу катта ишонч учун ўзимнинг миннатдорчилигимни билдираман, мен буни, энг аввало, ўзбек ҳалқи, Ўзбекистон ССРнинг барча меҳнаткашлари, ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар, жумхуриятимиизда яшовчи ҳамма миллат ва ҳалқлар тақдиди учун ўз зиммамга тушган улкан бурч ва жавобгарлик деб қабул қиласман. Ҳар бир фуқаронинг конституцион хукуқи ва эркинликларини таъминлаш йўлида катта масъулият деб тушунаман», деди.

Ўз фикрини давом эттириб, И.А.Каримов Президент вазифасига тўхталиб: «Ўзбекистон Президенти сифатидаги ўзимнинг асосий вазифаларимни нимадан

иборат деб биламан? Ўзбекистон ССРнинг сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш, уни янги ва ҳаётий мазмун билан бойитиш, шунингдек, «Президент бошқаруви»нинг муҳим вазифаларидан бири республиканинг иқтисодий мустақиллигини, ўзини-ўзи идора қилишга ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтишини таъминлашдириш. Айни чоқда меҳнаткашларнинг, аҳолининг ҳамма табақалари фаровонлигини ошириш, одамларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий соҳани тез суръатлар билан ривожлантириш — республика давлат ҳокимияти органларидан, шахсан мендан, Ўзбекистон ССР Президентидан доимий эътибор талаб қиласиган вазифадир». Шу тариқа Президент энг қийин ва қонли тўқнашувларни бошдан кечирган халқ олдида бутун масъулиятни очиқ-ойдин ўз зиммасига олди.

Шу билан бирга Президент ўз фаолиятининг марказида халқни маънавий юксалтириш, инсонни ахлоқий, жисмоний такомилга эриштириш турганлигини ҳам алоҳида уқтириди.

Гап Ўзбекистон мустақиллиги ҳақида борганда, шубҳасиз, Ўзбекистон Олий Советининг иккинчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Мустақиллик Декларацияси»нинг ўрни ва аҳамиятига алоҳида тўхташ лозим. Зеро, бу муҳим ҳужжат Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишида қўйилган навбатдаги муҳим қадамлардан бири эди. Бу умумдавлат аҳамиятига эга бўлган Декларацияни қабул қилишда республика Олий Совети депутатлари фаоллик кўрсатдилар. Ўзбекистондаги тарихий шарт-шароит ва вазиятни ҳисобга олган 200 дан ортиқ депутат XII чакириқ республика Олий Советининг иккинчи сессияси (1990 йил 18 июнда) бошланишидаёқ Мустақиллик Декларацияси қабул қилишни кун тартибига киритишни ва кечиктирмасдан шу сессияда уни қабул қилишни қатъий талаб этдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Раёсати аъзолари, комиссия раислари ва муовинлари «Мустақиллик Декларацияси» хусусида фикрлашиб, депутатлар фикрини олиш ва сўнг уни сессияга олиб чиқиш лозим деб топдилар. 19 июнь куни 40 дан ортиқ депутат, доимий комиссияларнинг раислари, ҳуқуқшунослар тайёрланган Декларация матнини батафсил кўриб чиқди. Натижада бу масала 20 июнь куни сессияда кун тартибига киритилди.

«Мустақиллик Декларацияси» депутатлар томонидан моддама-модда, бандма-банд муҳокама қилинди, ҳар бир миллат ўз тақдирини ўзи белгилаши ва у Декларация қоидаси билан кафолатланиши қайта-қайта тъкидланди. Унда ўзбек халқининг асрлар давомида кўлга киритган давлат қурилиши ва маданий тараққиёт борасидаги бой тарихий тажрибаси ва анъаналари ҳисобга олиниши уқтирилди.

Натижада сессияда қабул қилинган «Мустақиллик Декларацияси» кириш қисмига қуйидагича ёзиб кўйилди:

«Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи, Ўзбекистоннинг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қиласди».

Шунингдек, биринчи моддада: «Ўзбекистон ССРнинг демократик давлат мустақиллиги республиканинг ўз ҳудудида барча таркибий қисмларни белгилашда ва барча ташқи муносабатларда танҳо ҳокимлигидир», деб белгилаб кўйилди. Сессия қабул қилган бу «Мустақиллик Декларацияси» халқимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди.

Сурхондарё вилояти, Куйбишев сайлов округидан сайланган депутат И.Файзулаев ўз ҳис-туйғуларини ифодалаб: «Ҳаммамиз қарсак чалиб, жойимиздан туриб, бутун вужудимиз билан берилиб, Мустақиллик Декларациясини қабул қилдик. Бутун Ўзбекистон халқи кўриб турди. 70 йил давомида Ўзбекистон ишлаб топган маҳсулотларини, бор хомашёсини ўзи емай бошқа республикаларга бериб келди. Энди мустақилликни кўлга киритай деганда... орқага қайтмаслик лозим».

Шу кундан бошлаб республикада Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига доир масалалар мустақил тарзда ҳал қилина борди.

Бу борада бальзи мисолларни қелтириш ўринли. Жумладан, 1991 йил 22 июляда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Президиуми «Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган Иттифоқقا бўйсунувчи давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларини «Ўзбекистон ССРнинг

хуқуқий тобелигига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиб, жумладан, унда «Ўзбекистон ССРнинг «Мустақиллик Декларацияси»га амал қилиб, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида меҳнат жамоалари манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг хўжалик мустақиллитини таъминлаш мақсадида республика ҳудудида жойлашган иттифоққа бўйсунувчи давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари Ўзбекистон ССРнинг хуқуқий тобелигига ўтади», деб қайд қилинди.

Шунингдек, ушбу қарорда «Ўзбекистон ССР Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасига Иттифоққа бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг Ўзбекистон ССР хуқуқий тобелигига ўтиши тартибини белгилаш вазифаси топширилди».

Яна бир мисол: республика Олий Совети Президиуми «Чакана нархлар амалга оширилаётган бир даврда меҳнатни рағбатлантиришни кучайтириш ва меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон ССРнинг «Мустақиллик Декларацияси»га ҳамда Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисидаги қонунга мувофиқ «1991 йилги Иттифоқ бюджети» тўғрисидаги СССР Қонуни 8-моддасининг «корхоналар истеъмол фондини кўпайтиришни чеклашга оид қисми амал қилишини Ўзбекистон ҳудудида тўхтатиши» тўғрисида ҳам қарор қабул қилди. Шундай қилиб, 90-йилларнинг дастлабки даврларида Ўзбекистон ССР Президенти И.А.Каримов, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ва Ҳукумати Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий мустақиллиги, унинг миллий суверенитети учун дадил қадамлар қўйдилар. Бу халқ томонидан ҳам қониқиши билан кутиб олина бошлади. Масалан, Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув институти 1991 йили февраль ойида Тошкент, Самарқанд, Фарғона шаҳарларида 10 та саноат корхонасида 400 ишчи билан социологик сўров ўтказди. Сўралганларнинг 67,8 фоизи мамлакатдаги иқтисодий ахвол яхшиланмайди, деб, 72 фоиздан ортиғи эса ҳаётдан қониқмаётганини айтди. Ишчиларда собиқ Марказнинг социал-сиёсий тартиботларига ишонмаслик вужудга келди. Масалан: «Умумиттифоқ ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органларига сизнинг муносабатингиз қандай?», — деб берилган саволга 4,5 фоиз киши: «Ўзумидимни умумиттифоқ давлат идоралари билан боғлайман», 32,5 фоиз ишчи эса: «Республика давлат органдари билан боғлайман», деб жавоб берди. Ушбу жавоб-

лардан ҳам кўриниб турибдики, кишиларда умумитти-фоқ идораларига эмас, балки республика давлат идораларига, табиийки, республиканинг мустақил ривожланишига ишончи тобора орта бошлади. И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII чакириқ олтинчи сессиясида жамиятда юз бераётган ўзгаришларни тъерифлаб шундай фикр билдирган эди: «Мамлакатда бугун мавжуд бўлган кескин қарама-қаршилик вазияти бир кунда пайдо бўлгани йўқ. Ново-Огоревода Иттифоқ шартномаси устида иш олиб борилаётган бир пайтда СССР Олий Кенгашининг раҳбарлари позицияси маълум бўлди.

Улар ҳар хил сиёсий ниқоблар остида давлатни, марказий бошқарувни эски ҳолича сақлаб қолишга, Иттифоқ шартномасини тайёрлаш ва имзолашда эса Иттифоқ Олий Кенгашига энг олий, яъни ҳал қилувчи ҳукуқлар берилишига ҳаракат қилдилар. Жумхуриятлар ўзлари хоҳлаган ваколатларини Иттифоқда эмас, балки Иттифоқ хоҳлаган ваколатларини жумхуриятларга берар эмиш. Биз эса Иттифоқни фақат унинг таркиби-га кирувчи давлатларнинг тўлиқ мустақиллиги ва тенг ҳукуқлилиги билан янгилаш мумкин деган фикрда қатъий турдик. Асосий келишмовчилик ана шундан иборат эди».

Собиқ Марказни кучайтириш, ҳокимиятни яна Марказда тўплаш тарафдорлари ўз мақсадларини амалга ошириш учун оммавий ахборот воситалари, сессия трибуналаридан кенг фойдаландилар. Масалан, академик В.Кудрявцев «Правда» газетасида «Суверенитет ҳақида Декларациялар ва Иттифоқ Шартномаси» деб номланган мақола билан чиқиб, Иттифоқни республикалар суверенитетини торайтириш ҳисобига янги Иттифоқ Шартномаси тузиш гоясини илгари суради. Жумладан, унинг фикрича: «Марказ ихтиёрида мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириши белгилаш, молия, банк, божхона системасини назорат қилиш ҳукуқлари қолиши керак. Умумиттифоқ қонунлари республикалар қонунларидан устун турмоғи лозим». Бу Ўзбекистонда вужудга келаётган сиёсий тамойилларга мос келмас эди. Ўзбекистоннинг етакчи олимлари В.Кудрявцевнинг миллий республикалар суверенитетини чеклаш гоясига қарама-қарши мамлакатда миллий масалани ҳал қилишнинг уч оқилона йўли, яъни демократиялаштириш, децентрализация, деидеологизацияни амалга оширишни таклиф қилдилар.

Бироқ, Марказни кучайтириш тарафдорлари бошқа усуллардан: намойишлар ўтказиши, митинглар ташкил қилиши, ҳатто, ғайриконституцион йўллар билан давлат тўнтариши қилиши билан бўлса-да, барча хукуқни Марказда тўплаш, аввалги буйруқбозлик усулини қарор топтиришга ҳаракат қиласердилар.

1991 йил 19 — 21 августидаги Москвада давлат тўнтариши қилишга уриниб кўрилди. Уларнинг мақсадлари Иттифоқ худудида яшовчи барча халқларнинг мустақилликни қўлга киритишларига, ўз тақдирларини ўзлашри ҳал қилишларига йўл кўймаслик эди.

Шуни ҳам айтиш керакки, тўнтаришини уюштирган кишилар мамлакатда юз берган бошбошдоқлик ва пакондалик чўққисига чиққан бир пайтдан фойдаланиб қолмоқчи бўлишди. Аммо қайта куриш йилларида кўзи очилган халқни энди эски тузум доирасига киритишга, унга эскича буйруқбозлик қилишга уриниш бехуда эди. Бутун мамлакат учун фожиали бўлган ўша кунларда Ўзбекистон раҳбарияти, партия, совет ташкилотлари, корхона ва хўжаликларнинг раҳбарлари халқ сайлаган депутатлар, барча соғдил кишилар, халқни матонат ва осойишталикка даъват қилдилар. Улар барқарор ижтимоий-сиёсий вазиятни сақлаш, жумхурият худудида фавқулодда аҳвол жорий этилишига йўл кўймаслик, Конституцияга қарши давлат тўнтаришини қўллаб-куватлаш йўлидаги ифвогарона ҳаракатларга учмаслик учун ўзларининг бутун имкониятларидан фойдаландилар.

Фаоллар билан учрашувларда, жумхуриятнинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларация ва Конституцион тузум қоидаларига риоя қилинажаги айтилди. Халққа Марказдан ҳар қандай кўрсатмалар, турли ваъдалар берилиши, дағдагалар қилинишига қарамай, республика ўз сиёсий йўлидан қайтмаслиги айтилди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Ҳиндистон сафаридан қайтган ҳамоноқ — 19 август куни кечқурун Тошкент шаҳрининг фаоллари билан учрашиб, қатъий тарзда Ўзбекистон нуқтаи назарини маълум қилди. Республика раҳбарияти: «Марказдан, ким бўлишидан қатъий назар, қонунга хилоф кўрсатмаларни баҷариш мумкин эмас», — деб хисоблади. 20 августда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарлари иштирокида кўшма мажлис бўлди.

Унда Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш йўли ўзгармаслиги ҳақида Баёнот қабул қилинди.

Шу куни Ўзбекистон Президенти, республика Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И.А.Каримов республика аҳолисига мурожаат билан чиқди. Ушбу мурожаатда И.Каримов Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигига эришиш йўли қатъий эканлигини яна бир бор алоҳида уқтириди. Жумладан, у: «Ўзбекистон жумхурияти, унинг раҳбарияти қайта қуриш даврида ҳам ҳеч қачон бирорнинг гапига кириб иш тутган эмас. Марказдан, бошқа баъзи бир жумхуриятлардан қандай қарорлар чиқмасин, ваъдалар берилмасин, ҳар қандай чақириқлар, даъватлар, йўл-йўриқ кўрсатишга ҳаракатлар бўлмасин, биз ўзимиз танлаган йўлимиздан ва белгилаб олган мақсадимиздан қайтганимиз йўқ. Бу йўл бизнинг халқимиз тарихига, урф-одатларига, табиатимиз шарт-шароитларига, хуллас, халқимиз манфаатларига мос йўлдир», деб қатъий таъкидлади.

Шунингдек И.А.Каримов турли ижтимоий-сиёсий турӯҳлар ўртасидаги ихтилофларни ҳал этиш учун куч ишлатиш, энг аввало, ҳарбий куч ишлатишни очиқ-ойдин қоралади.

Ўзбекистон Президентининг Фармони билан Фавқулодда ҳолат давлат комитетининг файриконституциявий ҳукуққа қарши қарорлари ва бошқа кўрсатмалари ноқонуний деб эълон қилинди.

Ана шундай шароитда, яъни Марказ ва республикалар ўртасидаги муносабатлар тобора таранглашиб, Марказ бошқарув қобилиятини йўқотган, ҳар бир минтақа, ҳар бир жумхурият ўз ҳолига ташлаб қўйилган бир шароитда тарихий вазиятни тўғри баҳолай билиш қобилиятига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Кенгаш сессиясини чақириш ва унда Ўзбекистон Мустақиллиги ҳақида Қонун қабул қилишни талаб қилди. Чунки ҳар бир миллий жумхуриятнинг чинакам тенг ҳукуқлилиги ва мустақиллиги таъминлангандагина таназзулдан чиқиш мумкин эди. Бунинг учун ҳақиқий мустақиллик йўлидаги барча тўсиқлар олиб ташланиши, ҳар бир жумхурият сўзда эмас, балки амалда тенглар орасида тенг бўлиши лозим эди.

Айни шу мақсадларни кўзлаб, жумхурият Олий Кенгашининг XII чақириқ навбатдан ташқари сессияси 1991 йил 30 августда ўз ишини бошлади.

Ўзбекистоннинг Мустақил давлат деб эълон қилинишида мазкур сессия катта тарихий аҳамият касб эти-

шини алоҳида таъкидлаш лозим. Унда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроби тўғрисида»ги масалалар кун тартибига қўйилиб, қизғин муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида Президент И.А.Каримов маърузаси тингланди. У ўз нутқида 1991 йил ўрталарида Марказий Хукумат олиб бораётган ички сиёсатни таҳлил қилди. 19 — 21 август кунлари Москва Фавкулодда ҳолат давлат комитети аъзоларининг одамлар бошига азоб-уқубатлар солишга, бутун-бутун халқларнинг озодлигини, жумхуриятлар мустақиллигини яна кишанламоқчи бўлганликларини халққа рўйи-рост билдири. Алғовдалғовли кунларда ҳам Ўзбекистоннинг ўз йўли ва мақсади борлиги, бу халқ манфаатига мос йўл эканлиги, қандай қилиб бўлмасин, ундан қайтмаслиги айтилди. И.А.Каримов ўз нутқида мустақил давлатлар мақомига тўхталиб: «Бўлажак мустақил давлатлар... эркин, мустақил ва тенг ҳукуқли бўлиб қолишлари, ўзларининг миллий давлат тузиш, ташқи бозорга чиқиши, ўзи маъқул топган барча мамлакатлар билан халқаро муносабат ўрнатиш, дипломатик ва консуллик алоқалари масалаларини мустақил ҳал этишлари керак. Яна таъкидлаб айтаман, бу ҳеч кимнинг буйруғисиз ва аралашувисиз мустақил амалга оширилиши керак. Мана шу шароитга, сабабларга асосланиб, халқимиз хоҳиши-иродасини бажо келтириб, Олий Кенгаш дикқатига фақат бир масалани қўймоқчиман: Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳақидаги Қонунни муҳокама этиш ва уни қабул қилишни таклиф этаман. Бу қонунда қадимий ва янгиланаётган диёrimизда истиқомат қилаётган барча кишиларнинг хоҳиши-иродаси ўз ифодасини топган. Халқимизнинг бу эзгу хоҳиши-иродаси биз учун муқаддасdir».

Олий Кенгаш депутатлари моддама-модда муҳокамадан сўнг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Қонунни қабул қилдилар. Сўнгра республика Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнот қабул қилинди. Ўзбекистон ССРнинг номи Ўзбекистон Республикаси деб ўзгартирилди. Мустақиллик белгиланган кун 1 сентябрь 1991 йилдан бошлаб миллий байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ҳақидаги бу хужжатлар ўзбек халқининг асрий орзуси рўёбга чиқканлигининг ҳукуқий ифодаси бўлди.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонун foят катта аҳамиятга эга бўлганлиги учун бу муҳим хужжат ҳақида батафсил тўхташ лозим. Мазкур Қонун асосида Ўзбекистоннинг ҳукуқий ҳолати тубдан ўзгарди. Ўз моҳиятига кўра бу хужжат республика учун вақтинча Конституция ролини ҳам ўйнайдиган бўлди. 17 моддадан иборат бу қонун суверен Ўзбекистон Республикасининг асосий белгиларини аниқлаб берди.

1-моддада Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга мустақил демократик давлат деб эълон қилинади.

2-моддада Ўзбекистон Республикасининг ҳалқи суверен эканлиги ва у республика давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳиби эканлиги ҳақида гапирилади.

3-моддада Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий давлат ва маъмурӣ-худудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилаши қонунлаштирилди.

5-моддада Ўзбекистон Республикасида Конституция, унинг қонунлари устун эканлиги ва давлат идораларининг тизими, ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида кўрилганлиги ҳақида гапирилди.

8; 12; 14-моддалар Ўзбекистон мустақиллигининг иқтисодий асосларини изоҳлаб берди.

13; 14-моддаларда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий алоқаларидағи мустақиллиги шарҳланди.

15-моддада Ўзбекистон Республикаси худудида инсон ҳукуқлари умумий декларациясига мувофиқ ҳолда республика фуқаролиги жорий этилиши, у фуқаролар миллиати, элати, ижтимоий келиб чиқиши, қайси динга мансублигидан қатъи назар, бир хил ҳукуқларга эгалити ва улар республика Конституцияси, қонунлари ҳимоясида бўлишлари қонунлаштирилган.

16-моддада давлат рамзи бўлган герб, байроқ ва мадҳия ҳамда Давлат тили ҳақида гапирилса, 17-моддада эса Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон билан муносабатлари хусусида сўз бориб, Ўзбекистон Қорақалпоғистоннинг худудий яхлитлигини тан олиши ҳақида фикр юритилади, у Ўзбекистон таркибида эканлиги эътироф этилади (бу моддада Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон ўзаро муносабатлари икки томонлама тенглик асосида таркиб топиши кераклиги қонунлашти-

рилган). Шунингдек, бу моддада Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан тегишли қонунлар асосида чиқиб кетиши мумкинлиги ҳам эътироф этилган.

Бундай Қонуннинг қабул қилиниши мустақиллик даврида кўлга киритилган ютуқларнинг натижаси ҳисобланади. Бу эса ҳукуқий, иқтисодий ҳамда маънавий-ахлоқий муносабатлар натижаси сифатида энг муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун ҳам, ушбу Қонунга Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 1991 йил 30 сентябрь қарори билан Конституциявий мақом берилди. Жумладан, унда шундай дейилади:

1. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» 1991 йил 31 августида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонунига конституциявий мақом берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси амалдаги Конституцияси моддалари «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонуннинг қоидаларига зид келган ҳолларда мазкур Қонунга амал қилинсин.

3. Конституция комиссияси тайёрланаётган «Республика Конституциясининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонуннинг қоидаларига амал қилинсин».

Шу тариқа, қонун тарзида ҳукуқий жиҳатдан расмийлаштирилган Ўзбекистон мустақиллиги барчанинг дилини қувончларга тўлдирди. Тошкентдаги «Подъемник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси, 21-сайлов округидан Ўзбекистон халқ депутати Ботир Қосимов сессия якунида сўзга чиқиб, шундай деди:

«Яширмайман, мустақиллик ҳақида гап-сўз кўп эдик, лекин ишнинг амалий қисмига келганда силжиш йўқ эди. Ниҳоят, республикамиз Олий давлат ҳокимијати жуда муҳим қонун, Давлат мустақиллиги тўғрисида хужжатни қабул қилди. Энди мана шу ҳар биримизга қувонч ва ифтихор туйғуларини олиб келган қарорни амалда қувватлашимиз зарур».

Шу тариқа, халқимизнинг узоқ йиллар курашиб, интилиб кўлга киритган мустақиллик эрки қонун билан мустаҳкамлаб кўйилди.

## **Иккинчи боб БЎХРОНЛАР ГИРДОБИДА**

### **1. ДЕМОКРАТИЯ ВАСВАСАСИ**

Горбачевча қайта қуриш жамиятда демократик жа-раёнларни чуқурлаштирди. Озод сўз ва эркин фикр тамойилининг шаклланишига, шубҳасиз, шароит яратди. Бундай ўзига хос эркинлик тоталитар тазиيқ остида қолган халқ туйғуларини жунбушга келтириб юборди. Бу энг аввало зиёлилар фаолиятида аниқроқ кўзга ташланди. Жумладан, Ўзбекистонда ёзувчилар ва олимларнинг фаоллашуви жараёни пайдо бўлди. Ана шундай шароитда Муҳаммад Солиҳ, Аҳмад Аъзам, Абдураҳим Пўлатов, Бек Тошмуҳаммедов, Зоҳид Ҳақназаров сингари ижодий зиёлилар олдин ўзларини мишлий манфаатларни ҳимоя қилиш йўлидаги фидойилар қилиб кўрсатишиди. Сўнг маълум маънода «авторитет»га айлангач, ҳокимият учун интилишга ҳаракат қилишиди. Дастлаб Тошкентдаги «Талабалар шаҳарчаси»да тил байрамларини ўтказиш, ўзбек тилига Давлат тили мақомини бериш каби масалалар атрофида ташкил этилган мунозаралар аста-секинлик билан митингбозликларга айлантирилди. Натижада 1988 йилнинг 11 нояброда «Бирлик» халқ ҳаракатини тузиш ҳақида Қарор қабул қилинди. 1988 йилнинг 20 декабрида эса Тошкентдаги талабаларнинг биринчи митинги бўлиб ўтди. Унда «Муҳаммад Солиҳ республика раҳбарлигига лойиқ» қабилидаги даъволар ўргага ташланди.

1989 йилнинг сентябрида «Бирлик» халқ ҳаракати иккига бўлинди ва унинг таркибидан чиққан Муҳаммад Солиҳ бошчилигида «Эрк» демократик партияси ташкил этилди. Кейинроқ бу ҳар икки ташкилот Аддлия вазирлигига рўйхатдан ўтиб, хукуқий ваколатга эга бўлди.

Аслини олганда, Президент Ислом Каримов айни ана шу муҳолиф гурӯҳлар билан ҳамкорлик қилиш,

жамият ҳаётини изга солишда, мавжуд муаммоларни ҳал этишда ва қийинчиликларни бартараф этишда улар билан елкама-елка туриб ишиш истагини билдириди. Бироқ бундай келишувни бирликчилар ҳам, «Эрк»чилар ҳам кескин равишда рад этишиди. Жамият ҳаётидаги камчилик ва нуқсонлардан фойдаланиб, ҳалқнинг озурда ва шикаста қалбига таъсир этиш йўли орқали ҳокимиятни эгаллашга ҳаракат қилишди. Ана шу тарзда расмий ҳокимият билан норасмий кучлар ўргасидаги келишмовчилик вужудга келди.

\* \* \*

Турли қарама-қарши ғоялар билан яшаётган сиёсий гуруҳлар ва партиялар агар чиндан ҳам ҳалқ ва мамлакат манфаатини кўзлайдиган бўлишса, улар ўтиш даврида, жамият тубдан янгиланаётган бир шароитда бирлашиб фаолият кўрсатадилар. Чунки, энг аввало жамиятни сифат жиҳатидан соғломлаштириш, унинг ҳар томонлама тараққиётига замин яратиш умумий манфаатлар мазмунини белгилайди ва ана шу мақсад уларни бирлаштириб ҳаракат қилишга даъват этади.

Чинакам янгиланишлар бутун жамият ҳаётида ҳам, одамлар онги ва тафаккурида ҳам, уларнинг турмуш тарзида ҳам туб бурилишлар ясайди. Янгича яшаш ва янгича фикрлаш тарзи шакллангунга қадар ҳар қандай ғоявий пўртанаалар ва сиёсий бўхронларга эрк бермаслий, оғир-вазминлик, қатъий иродада ва сиёсий етуклик намунасини кўрсатиш катта аҳамиятга эга эканлигини ҳаёт кўрсатмоқда.

Саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида собиқ СССР ҳудудида жунбушга келган сиёсий вассасалар ва демократия ўйинлари натижаси Ўзбекистонда «Эрк» демократик партияси, «Бирлик» ҳалқ ҳаракати вужудга келган эди. Улар ўз мақсад ва интилишлари билан мавжуд сиёсий режимга, у етмиш йил мобайнида ҳалқ бошига келтирган кулфатларга қарши эди. Мазкур гуруҳлар маъмурий-буйруқбозлий усулига асосланган давлат бошқарувига, яккаҳокимлик ва ғоявий ҳукмдорлик эгарига миниб олган коммунистик мафкурага қарши ҳолда фаолият кўрсатдилар.

Бироқ, бу фаолият конструктив ҳаракат, ҳукумат даражасига кўтарилган сиёсий нуфуз ва акл-идрок кўриги сифатида эмас, балки даҳанаки жанглар, эҳтиросли шиорбозликлар, ибтидоий ҳайқириқлар шаклида дунёга

келди. Бу жамият ҳаёти учун ҳам, ҳалқ ҳаёти учун ҳам жиддий хавф туғдирди.

Ҳар қандай шароитда ҳам демократияга соғлом мұносабатда бўлиш, демократияни юксак маънавият, ақл-идрок мезони, сиёсий етуклик ва том маънода ҳалқ манфаатлари йўлидаги ноёб ҳодиса эканлигини англамоқ зарур. Ана шу хуросалардан келиб чиқиб ва мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда юзага келган оғир ижтимоий-сиёсий вазият, жазавалар, бўхронлар оқибатларини ҳисобга олиб Президент Ислом Каримов мамлакат Олий Кенгашининг 1993 йил 2—3 июл кунлари бўлиб ўтган X сессиясида шундай деган эди: «Демократия устун бўлган жамиятда конструктив соғлом оппозициянинг роли жуда катта бўлади. Бундай оппозиция жамиятнинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ривожига ҳисса кўшади.

Айни замонда, мавжуд Конституциявий ҳокимиятни куч билан ағдаришни мақсад қилиб олган партия ва ҳаракатлар, шуни аниқ айтишимиз керак, тақиқлаб кўйилиши керак. Республика чегаралари дахлсизлиги ва хавфсизлигига қарши курашувчи, фашизм, ирқчилик, зўравонлик, миллий ва диний низоларни тарғиб этувчи, демократик эркинликлар ва ҳалқ маънавияти асосларига тажовуз этувчи ҳар қандай партия ва жамоат ҳаракатлари қонунга хилоф деб эълон қилиниши шарт».

Бу Ўзбекистон ҳукуматининг мустақилликнинг энг таҳликали кунларида тутган қатъий сиёсий йўли, стратегик қарашлари эди. Айни ана шундай қатъият, журъат, ички ва ташқи ғанимларимиз зўр бериб Ўзбекистонда барқарорликни йўқ қилишга, фуқаролар урушини келтириб чиқаришга уринаётган бир пайтда унинг событқадамлигидан, ҳар қандай иғвогарликларга йўл қўймаслик чораларини кўраётганлигидан далолат беради.

«Эрк» демократик партияси вакиллари ва уларнинг ҳомийлари мамлакатда вужудга келган қийинчиликларни рўкач қилиб, ҳар қандай йўл билан ҳокимият тепасига чиқиб олиш учун очиқдан-очиқ кураш бошлидилар. Улар кўча-кўйларда митинглар уюштириб, оммавий норозиликларни келтириб чиқаришга ҳаракат қилдилар. Ҳалқ сайлаган депутатларга ишончсизлик билдириб, уларнинг истеъфога чиқишиларини талаб қилдилар. Айни Тожикистон воқеаларини такрорлашга интилдилар. Демак, олдин шиорбозлик, митингбозлик,

кейин катта майдонларда ва хукумат бинолари олдида очлик эълон қилишлар, ундан сўнг эса қуролни ишга солиб қонуний парламентни барбод этиш ва ниҳоят давлат тўнтиришини амалга ошириш...

\* \* \*

## **Мавзуга доир материал**

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi Раёсатининг қарори.**

*Йигилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларни ташкил этиши ҳамда ўтказиши тартиби тўғрисидаги Низом лойиҳаси ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарор қиласди:*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари ҳамда Ошкоралик масалалари қўймиталари Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги билан биргаликда Раёсат мажлисисида бўлиб ўтган муҳокамани ва унда билдирилган мулоҳазалар ва таклифларни ҳисобга олиб, йигилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларни ташкил этиши ҳамда ўтказиши тартиби тўғрисидаги Низом лойиҳасини ишилаб охирига етказсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi Раёсатининг муҳокамасига киритсин. 1991 йил, 10-октябрь».*

\* \* \*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi Ахборотномаси.**  
**1991 йил, 12-сон. 32-бет.**

Айтиш мумкинки, худди ана шундай таҳликали вазиятларда хукумат бошқарув жиловини озгина бўшаштирганда, иккиланиш ёки саросимага тушганда Тожикистондаги воқеалардан ҳам даҳшатлироғи юз бериши мумкин эди. Лекин ундай бўлмади. Ўзбекистон хукумати қанчалик таъна-дашномлар ёмғири тагида қолмасин, демократия кушандаси, диктатура ҳокимияти деган маломатларни эшитмасин, ўз йўлида қатъий турди. Иккиланмади.

«Эрк» демократик партиясининг тажовузкорона ҳаракатлари ва сиёсий кўпорувчилик фаолияти айниқса Президент сайловлари кунларида энг юқори чўққига чиқди. Бу партия вакиллари сайловчидар билан учрашувларда, партия йигилишларида эҳтиросга берилишлар, қонуний хукуматни очиқдан-очиқ бадном қилиш ва зўравонлик сингари салбий ҳаракатларни

яққол намойиш қилдилар. Тўғридан-тўғри ҳукумат раҳбарларига турли йўллар билан ғоявий, сиёсий ва маънавий зарба беришга ҳаракат қилдилар.

\* \* \*

## *Мавзуга доир материал*

### **Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси раиси Кудратилла Аҳмедовга**

#### **Билдириш**

*Президент сайловлари бўйича кетаётган компания мутлақо адолатсиз ўтмоқда. Биз анчагача жим кутдик. Инсофга келарлар, бунчалик очиқ бирёқламаликка барҳам берарлар, деб ўйладик. Афсуски, бундай бўлмади.*

*Радио, телевидение, матбуот фақат И.Каримовнинг номзоди ҳақидаги материалларни ёритаяпти. Иккинчи номзоднинг вилоятлардаги учрашувлари, уни қўллаб-қувватлаб ўтказилган мажлис ва митинглар ҳақидаги хабарлар атайлаб яширилмоқда.*

*Қонунга хилоф равишда давлат структурасида ишловчилар томонидан Президент И.Каримовнинг номзодини қўлловчи имзолар тўпланмоқда.*

*Вилоятлардаги сайлов участкаларига «Эрк» демократик партиясидан аъзолар киритилишига қаттиқ қаршилик кўрсатилалаяпти. Бу нарса бўлажак сайлов натижаларини соҳталашибирши учун қилинаётган тадбир деб ҳисоблашга мажбурмиз...*

*«Эрк» партияси талаб қиласди:*

*а) Номзодлар тарғиботи зудлик билан қонунда белгиланган меъёрларга келтирисин;*

*б) Ҳар хил баҳоналар билан сайлов участкалари аъзолигига киритилмаган «Эрк» ДП аъзоларига сайловни кузатиш ваколати ва саноқ комиссиясида қатнашиши ҳуқуқи берилсин;*

*в) Номзодларнинг ишончили вакилларига ҳалқ олдида чиқшишлар қилиши учун қонуний имкониятлар яратилсин;*

*г) «Эрк» Демократик партияси ўтказаётган сайлов олди тадбирларига тазийқ тўхтатилсин ва бу ҳақда Марказий Сайлов Комиссияси маҳсус қарор қабул қилиб, қарор вилоятларга етказилсин.*

*Бу қонуний талабларимиз бажарилмаган тақдирда, биз бу президентлик сайловлари олдиндан режсалаштирилган, бир шахсни олдиндан сайлаш белгиланган тадбир, деб ҳисоблашга ҳақлимиз ва бу сиёсий ўйинда «Эрк» партияси*

ортиқ иштирок этмаслигини ҳамда қонун доирасида бошқа чоралар кўришга тайёр эканлигини билдирамиз.

«Эрк» Демократик партияси.

(«Эрк» газетаси. 1991 йил, 4—11 декабр.)

\* \* \*

Юқорида келтирилган ҳужжатта жиддийроқ назар ташлайлик. Эркчилар президентликка номзодларнинг бирёқлама ташвиқ қилинаётганини, М.Солиҳ учун радио, телевидение ва вакъти матбуот кам эътибор берадиганини даъво қилишмоқда. Ваҳоланки, мамлакат телевидениеси ўша пайтда улар учун алоҳида вакът ажратган эди. Уларнинг ўзлари бу кенг имкониятдан фойдалана олмадилар. Қолаверса, ҳар бир матбуот органи фақат ўз номзодини ташвиқ қилишдангина манфаатдор. Эркчиларнинг ўзларининг, уларга мадад бўлаётган бирликчилар ва бошқа гурухларнинг нашрлари мавжуд эди.

Юқорида зикр этилган қонунга хилоф равишда И.Каримов учун имзо тўплаш масаласи эса асосли эмас. Чунки у Президент сифатида фаолият кўрсатаётган, амалда халқ орасида тегишли нуфузга эга бўлган раҳбар ва сиёсий арбоб сифатида ўзининг бутун имкониятларини кўрсатган шахс эди. Демак, ортиқча овоз тўплаш ва имзо йиғишига ҳеч қандай муҳтоҷлиги ҳам, зарурати ҳам йўқ эди.

Вилоятларда сайлов округлари ва участкалари таркибига «Эрк» демократик партиясидан аъзолар киритилишига қаршилик қилинаётгани ҳақидаги фикр ҳам асосли эмас. Чунки, сайловлар тўғрисидаги қонунга биноан қатъий белгиланган муддат ичида участка аъзолари таркиби тузилади. Ана шу муддат ичида муқобил номзод вакиллари ўз вакиллари рўйхатини маҳаллий ҳокимият органларига етказишлари ва ўз тавсияларини беришлари керак. Участкалар таркиби тасдиқланганидан сўнг ортиқча югуришлар инобатта олинмайди ва бундай хатти-ҳаракатни фақат вазиятни чигаллаштириш учун қилинаётган ишлар деб тушуниш мумкин.

Президент сайловлари арафасида ҳар икки номзод учун етарли имконият яратилган эди. Буни Сурхондарё вилояти округ сайлов комиссиясининг Марказий сайлов комиссиясига юборган ҳисоботида ҳам кўриш мумкин. Унда жумладан кўйидаги сатрлар бор:

«Халқ депутатлари Сурхондарё Кенгаши ва Округ сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Мухаммад Солиҳнинг Сурхондарё вилоя-

яққол намойиш қылдилар. Тұғридан-тұғри хукумат раҳбарларига турли йүллар билан ғоявий, сиёсий ва маънавий зарба беришга ҳаракат қылдайлар.

\* \* \*

## *Мавзуга доир материал*

### **Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси раиси Кудратилла Аҳмедовга**

#### **Билдириш**

*Президент сайловлари бүйича кетаётган компания мутлақо адолатсиз ўтмоқда. Биз анчагача жим күтдик. Инсофга келарлар, бунчалик очиқ бирёкламаликка бархам берарлар, деб ўйладик. Афсуски, бундай бўлмади.*

*Радио, телевидение, матбуот фақат И. Каримовнинг номзоди ҳақидаги материалларни ёритаяпти. Иккинчи номзоднинг вилоятлардаги учрашувлари, уни қўллаб-қувватлаб ўtkазилган мажлис ва митинглар ҳақидаги хабарлар атайлаб яширилмоқда.*

*Қонунга хилоф равишда давлат структурасида ишловчилар томонидан Президент И. Каримовнинг номзодини қўлловчи имзолар тўпланмоқда.*

*Вилоятлардаги сайлов участкаларига «Эрк» демократик партиясидан аъзолар киритилишига қаттиқ қаршилик кўрсатиласяпти. Бу нарса бўлајсак сайлов натижаларини соҳталашириш учун қилинаётган тадбир деб ҳисоблашга мажбурмиз...*

*«Эрк» партияси талаб қиласди:*

*а) Номзодлар тарғиботи зудлик билан қонунда белгиланган меъёрларга келтирилсин;*

*б) Ҳар хил баҳоналар билан сайлов участкалари аъзолигига киритилмаган «Эрк» ДП аъзоларига сайловни кузатиш ваколати ва саноқ комиссиясида қатнашиши ҳуқуқи берилсин;*

*в) Номзодларнинг ишончли вакилларига ҳалқ олдида чиқишилар қилиши учун қонуний имкониятлар яратилсин;*

*г) «Эрк» Демократик партияси ўтказаётган сайлов олди тадбирларига тазиик тўхтатилсин ва бу ҳақда Марказий Сайлов Комиссияси маҳсус қарор қабул қилиб, қарор вилоятларга етказилсин.*

*Бу қонуний талабларимиз бажарилмаган тақдирда, биз бу президентлик сайловлари олдиндан режалаштирилган, бир шахсни олдиндан сайлаш белгиланган тадбир, деб ҳисоблашга ҳақлимиз ва бу сиёсий ўйинда «Эрк» партияси*

*ортиқ иштирок этмаслигини ҳамда қонун доирасида бошқа чоралар кўришга тайёр эканлигини билдирамиз.*

*«Эрк» Демократик партияси.*

*(«Эрк» газетаси. 1991 йил, 4—11 декабр.)*

\* \* \*

Юқорида келтирилган ҳужжатта жиддийроқ назар ташлайлик. Эркчилар президентликка номзодларнинг бирёзлама ташвиқ қилинаётганини, М.Солиқ учун радио, телевидение ва вакъти матбуот кам зътибор берадиганини даъво қилишмоқда. Ваҳоланки, мамлакат телевидениеси ўша пайтда улар учун алоҳида вақт ажратган эди. Уларнинг ўзлари бу кенг имкониятдан фойдалана олмадилар. Қолаверса, ҳар бир матбуот органи фақат ўз номзодини ташвиқ қилишдангина манфаатдор. Эркчиларнинг ўзларининг, уларга мадад бўлаётган бирлиқчилар ва бошқа гуруҳларнинг нашрлари мавжуд эди.

Юқорида зикр этилган қонунга хилоф равишда И.Каримов учун имзо тўплаш масаласи эса асосли эмас. Чунки у Президент сифатида фаолият кўрсатаётган, амалда халқ орасида тегишли нуфузга эга бўлган раҳбар ва сиёсий арбоб сифатида ўзининг бутун имкониятларини кўрсатган шахс эди. Демак, ортиқча овоз тўплаш ва имзо йиғишга ҳеч қандай муҳтожлиги ҳам, зарурати ҳам йўқ эди.

Вилоятларда сайлов округлари ва участкалари таркиби «Эрк» демократик партиясидан аъзолар киритилишига қаршилик қилинаётгани ҳақидаги фикр ҳам асосли эмас. Чунки, сайловлар тўғрисидаги қонунга биноан қатъий белгиланган муддат ичида участка аъзолари таркиби тузилади. Ана шу муддат ичида муқобил номзод вакиллари ўз вакиллари рўйхатини маҳаллий ҳокимият органларига етказишлари ва ўз тавсияларини беришлари керак. Участкалар таркиби тасдиқланганидан сўнг ортиқча югуришлар инобатта олинмайди ва бундай хатти-ҳаракатни фақат вазиятни чигаллашибдириш учун қилинаётган ишлар деб тушуниш мумкин.

Президент сайловлари арафасида ҳар икки номзод учун етарли имконият яратилган эди. Буни Сурхондарё вилояти округ сайлов комиссиясининг Марказий сайлов комиссиясига юборган ҳисоботида ҳам кўриш мумкин. Унда жумладан қўйидаги сатрлар бор:

*«Халқ депутатлари Сурхондарё Кенгаши ва Округ сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Мухаммад Солиҳнинг Сурхондарё вилоя-*

тига келиши тўғрисидаги хабар 8 декабр куни кечаси маълум бўлди ва 9 декабр куни эрталаб Сурхондарё Округ сайлов комиссиясининг раиси Зоироев М., вилоят Кенгашининг раиси муовини Голуб В.И., «Эрк» демократик партияси вилоят бўйича раҳбари Маматқулов Н. ҳамда бошқа вакиллар билан маслаҳатлашиб, уларнинг таклифлари асосида сайловчилар билан учрашилар. 10 декабр куни соат 14.00 да Термиз шаҳридаги жамоат сиёсий марказида, соат 17.00 да Термиз районидаги «Жайронхона» санаториясида ва 11 декабр куни эса Шўрчи районидаги маданият саройида ўтказилиши мўлжалланди ва мутасадди ўртоқларга хабар берилди.

10 декабр куни 12.00 да Термиз шаҳар тайёрагоҳида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод ўртоқ Муҳаммад Солиҳни кутиб олиш учун Сурхондарё Округ сайлов комиссиясининг раиси М.Зоироев, вилоят касаба уюшмалари иттифоқи раиси Х. Шарафиiddинов, Ҳалқ депутатлари вилоят Кенгashi раисининг муовини В.Голуб, вилоят Йжроия қўмитаси раисининг муовини К.Ахмедов, Термиз шаҳар Йжроия қўмитаси раисининг муовини Н.Норпӯлатов, вилоят «Сурхон тонги», «Заря Сурхана» рўзномаларининг муҳаррирлари Г.Саидмаликов ва В. Қодиров, вилоят телевидениеси ва радиоэашиттириш қўмитасининг раиси Ҳикматов Ш., «Эрк» демократик партиясининг барча табақадаги вакиллари ҳамда бошқа ўртоқлар ҳозир бўлишиди.

Мўлжалланган тадбир асосида Муҳаммад Солиҳ, унинг ишончили вакили Е.Березиков, ҳамроҳлари А.Абдумавлонов ҳамда Д.Исҳоқова ўртоқлар кутиб олинди ва тайёрагоҳда у вилоят телевидениеси мухбирларига қисқача интервью берди. Сўнгра улар вилоят Округ сайлов комиссиясининг раиси М.Зоироев, вилоят Кенгashi раисининг муовини В. Голуб ва «Эрк» демократик партиясининг ҳар хил табақадаги вакиллари иштирокида иккита «Волга» «Газ-24» ва битта «РАФ» енгил авто машиналарида Ҳаким ат-Термизий мақбарасини зиёрат қилди. Зиёратдан сўнг маҳсус меҳмонхонада улар жойлаштирилди. Тушлик нонуштадан кейин соат 14.00 да режалаштирилган вилоят жамоатчилик маркази залида (И.Каримов билан учрашув ўтказилган бино) сайловчилар билан учрашув ўтказилди. Учрашувда 150 киши иштирок этди. Учрашувни Округ сайлов комиссиясининг раиси М. Зоироев олиб борди.

Соат 17.00 да эса иккинчи учрашув «Жайронхона» санаториясининг меҳнат колективи ва даволанувчилари билан ўтказилди.

Учрашув тугагандан сўнг, ўртоқ Мұхаммад Солиҳ ва унинг ҳамроҳлари нонушта қилгандан сўнг, улар тунги дам олиш учун Округ сайлов комиссиясининг раиси М.Зориров, вилоят кенгаши раисининг муовини В.Голуб ва Термиз шаҳар Ижроия қўмитаси раисининг муовини Н.Норпўлатовлар томонидан кузатиб қўйилди.

11 декабр куни эрталаб соат 8-00 да, нонуштадан сўнг Шўрчи шаҳрига яна Округ сайлов комиссиясининг раиси ҳамроҳлигига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Мұхаммад Солиҳ ҳамроҳлари билан жўнаб кетишиди.

Шўрчи шаҳрида уларни Ҳалқ депутатлари Шўрчи район Кенгаши раисининг муовини Ш. Элмуродова ва бошқа ўртоқлар кутиб олишди. Шўрчига келингданда шу нарса маълум бўлдики, учрашув ўтказиладиган маданият саройининг поли таъмирдан сўнг бўялган бўлиб, бўёқ тўла қуримаганилиги сабабли ўртоқ Мұхаммад Солиҳ ҳамроҳлари билан анча асабийлашишиди. Район Кенгаши раисининг муовини Ш.Элмуродованинг тавсияси билан тўпланган одамларнинг камлиги учун (чунки «Эрк» партияси вакилларининг айби билан учрашув ҳар хил вақтда: соат-10.00 ва 11.00 да эълон қилинган экан) Ижроқўм залига ўтказиш лозим топилди. Ўртоқ Мұхаммад Солиҳ розилиги билан йигилиш ижроқўм залида бошланди. Қатнашчиларнинг тахминан 50 фоизи «Эрк» партиясининг вакиллари эди, (лекин орадан 15—20 минут ўтгандан сўнг сайловчилар сигмаганилиги учун унинг розилиги билан яна маданият саройига ўтишга тўғри келди) орадаги масофа 50-60 метр.

Учрашув 350 киши атрофида ўтказилиб, номзод шабнини ерга урувчи ҳеч қандай ғайриқонуний ҳаракат ва гап-сўзлар бўлгани йўқ. Лекин жойдан-жойга кўчишлар, сарой поли бўёғининг тўлиқ қуримаганилиги, район Советининг раиси Ш.Шерматовнинг кутиб олмаганилиги ҳамда учрашувга келмаганилиги ўртоқ Мұхаммад Солиҳ ва унинг ҳамроҳларининг иззат-нафсига тегиб, тушунтиришиларига қарамай маҳаллий раҳбариятга нисбатан шубҳа туғдирди ва улар норозилик билдиришиди.

Тушликдан сўнг ўртоқ Мұхаммад Солиҳ ва унинг ҳамроҳларининг хоҳиши-иродаси билан Округ сайлов комиссиясининг раиси ўртоқ Зориров ҳамроҳлигига Қашқадарё вилоят чегарасигача кузатиб қўйилди.

Ўртоқ Мұхаммад Солиҳнинг Сурхондарё вилоятидаги учрашувлари вилоят ва ноҳия рўзномаларида ҳамда вило-

*ят телевидениеси ва радиоси орқали батофсил ёритиб борилди.*

*Сурхондарё Округ сайлов комиссиясинин раиси:*

**М.ЗОИРОВ**

*Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси муовини:*

**В.ГОЛУБ**

*Марказий сайлов комиссиясининг инструктори:*

**Ю.СИРОЖИДДИНОВ**

**12 декабр, 1991 йил».**

Президент сайловларида М.Солиҳнинг етарли овоз ололмаслиги аниқ эди. Буни унинг ўзи ҳам ва тарафдорлари ҳам яхши билишар эди. М.Солиҳнинг сайловда ғалаба қозонолмаслигининг ўзига хос асослари бор эди:

**Биринчидан,** у ҳали партия раҳбари ва сиёсий етакчи сифатида омма ичига кириб ултурмаган, ҳалқнинг алоҳида эътиборини қозонолмаган эди.

**Иккинчидан,** «Эрк» демократик партияси дастурлари, партия раҳбариятининг омма орасидаги чиқишлиари том маънода жамиятни тубдан ислоҳ қилиш ва уни бутунлай янги ўзанг буриб юборишга қодир эмаслигини ҳалқ яхши тушуниб олган эди. Партия хулосалари, ислоҳотлар учун таклиф этган мулоҳазаларнинг ҳаётий жиҳатдан ҳам, илмий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам етуклигига ҳеч ким кафолат бермас эди. Аксинча, уларнинг ўзлари ортиқча шовқин-сурон ва дабдабалар билан сунъий равишда ўз нуфузларини оширишга интилишарди.

**Учинчидан,** Президент Ислом Каримов эса мамлакат жар ёқасига бориб қолган энг қийин ва зиддиятли пайтларда ўз иқтидорини кўрсата олган, ўз фикрининг ва тоғасининг тўғрилигига ҳалқни ишонтира олган эди. Бу айниқса собиқ Иттифоқ тарқалиши олдидан юз берган жиддий ижтимоий-сиёсий жараёнлар, миллатлараро низолар, қонли тўқнашувлар ва, энг муҳими, Москва билан Тошкент ўргасида кўзга кўринмас курашлар натижасида яққол кўзга ташланган эди. Ҳалқ мамлакатга худди ана шундай қатъиятли раҳбар зарурлигини, уни ҳар жиҳатдан қўллаб-кувватлаш кераклигини англаб олган эди. Сайловлар арафасидаги барча сиёсий ўйинлар, жizzакиликлар, зарда қилишлар ва

бошқа хатти-ҳаракатлар айни ана шу ҳаётий ҳақиқат-ни тан олмасликдан, ҳокимиятта эгалик хурожи тобора кучайганидан, мансаб ва курсига жон-жаҳди билан интилиш жазавасидан келиб чиққан эди.

Кўп номзодли Президент сайловлари бугунги ҳоди-са эмас. Бу жаҳон тажрибасида бор ва демократик та-мойиллар қарор топган дунёнинг жуда кўп мамлакат-ларида қатъий тартиб ва анъянага айланган воқелик.

Бироқ, уларда сайловлар юксак сиёсий маданият, ошкора, рўйи-рост фаолият асосида ўтади. Бир неча партия, ҳаракат ва бошқа сиёсий гуруҳлар номзодлари сайловда бир йўла иштирок этсалар-да, табиийки, уларнинг фақат биттаси Президентликка сайланади. Қол-ғанлар эса яна гўё ҳеч нарса бўлмагандай ўз фаолиятларини давом эттираверадилар. Умумий манфаат — мамлакат ва халқ манфаати йўлида бирлашиб кетадилар. Ички адоват, кек сақлаш, охир оқибатда эса давлат тўнтаришини амалга оширишга бормайдилар. Бу ўша номзодларнинг ҳам, уларни тарафдорларининг ҳам ва умуман мамлакатда қарор топган демократик тамойилларнинг ҳам баркамол маънавий қиёфасини, юксак сиёсий маданиятини белгилайди.

Президент сайловлари халқимизни кўп нарсага ўргатди. «Мени сайланг, мени сайланг» қабилидаги бо-зорчиликни ҳам, ҳар қандай ташкилий-сиёсий ишлардан хатоликлар қидириш ўюли билан «сувни лойқала-тиш» ҳолатларини ҳам кўрди. Бироқ, у собиқ ССР ҳукумати жазавага тушган, кичик халқларга зуфум қила-ётган бир пайтда ўз ҳукуматининг қатъият билан иш-лаганидан, Москва-Тошкент ўртасидаги сиёсий «жанг»-ларнинг кўпидан хабардор эди. Мамлакатда соғлом тоғ, очиқ сиёсий ҳаёт қарор топаётганини кўриб турарди. Амалдаги Президентнинг мустамлакачиликдан озод бўлиш ва мустақиликни эълон қилишдаги жасорати-ни қадрлар ва ана шундай ҳукуматга яшаш қанчалик қийин, машаққатли бўлмасин, имон-эътиқоди билан ишонар эди. Шунинг учун ҳам у сайлов компанияси пайтида турли сиёсий найрангларга учмади.

1992 йил 16 январ куни, мустақиликнинг бор-йўғи бешинчи ойида Тошкентда — талабалар шаҳарча-сида оммавий тартибсизликлар юз берди. У турли гу-руҳлар ва партиялар томонидан турлича баҳоланди. Аслида, иқтисодий тангликтан, нарх-навонинг кескин ва мунгизам ошиб боришидан, ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар билан нарх-наво ўртаси-

даги мувозанатнинг бузилганигидан қора ниятли кучлар фойдаланишга ҳаракат қилишди. Улар талабалар орасида иш олиб бориб, алоҳида тайёргарлик олиб бориши. Шиорлар ёзилди, тош, таёқ ва қалтақлар тўпланди. Эҳтирослар атайлаб қўзратилди. Ана шундай ҳаракатлар натижаси сифатида талабаларнинг оммавий тартибсизликлари ва ниҳоят улар вакилларининг ўлими сингари оғир, мусибатли фожиалар юз берди.

Бу хунрезлик бутун мамлакатда барча аҳолининг оёққа туришига, фуқаролар урушининг келиб чиқишига сабаб бўлиши ва натижада мустақиллик ҳам, бутун мамлакат ҳам боши берк кўчага кириб қолиши мумкин эди. Бу фожиалардан фойдаланиб қолиш ва осон йўл билан обрў ортириш учун «Эрк» демократик партияси ҳам енг шимариб майдонга чиқди. Сохта миллатпарварлик, юзаки ватанпарварлик, ясама фидойиллик ана шу фожиали кунларда ҳам кўл келди. Улар ҳар қандай оғир ва мусибатли ҳодисаларга нисбатан вазминлик, андишалилик ва айни пайтда ниҳоятда қатъиятлилик ҳамда мулоҳазакорлик билан иш тутаётган қонуний ҳукуматни айни ана шу фазилатлари учун ношудликка, укувсизликка ва ҳатто, ана шу фожиаларнинг ташаббускорига йўйишдан ҳам тойишмади.

Бундай ҳалокатли кунларда эркчиларнинг эҳтирослари жунбушга келарди. Айюҳаннос солиб, бутун дунёга жар солишаарди. Жаҳон радиостанциялари, айниқса Россия оммавий ахборот воситалари уларнинг доимий минбарига айланиб қоларди. Уларнинг хориждаги ана шундай ҳомийлари гўё Узбекистонда диктатура барқарор эканлигидан, бу ерда ҳукумат мустақил давлатни бошқаришга қодир эмаслигидан башорат қиласардилар. Бундай ғоявий кўпорувчилар аҳоли онгини бузишга, уларнинг фикрини чалғитишга сабаб бўларди.

Ана шундай мураккаб шароитда Узбекистон ҳукумати, унинг раҳбарияти тартибсизликларни келтириб чиқарган сабабларни вазминлик билан ўрганди, қўйилган масалаларни зудлик билан ҳал қилиш чора-тадбирларини кўрди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 16 январ куни кечқурун тартибсизликларнинг ҳақиқий сабабини аниқлаш, айбдор кишиларни жавобгарликка тортиш билан боғлиқ масалаларни, рўй берган воқеалар чоғида аниқланган муаммоларни ҳал қилиш учун республика Бош вазири бошчилигига маҳсус комиссия тузди. 28 январда эса республика ҳалқ депутатлари-

дан иборат (раис И.Файзуллаев) махсус комиссия тузди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов 25 январ куни Тошкент шаҳар фаоллари ва маҳалла оқсоқоллари билан учрашиди.

Президент улар илгари сурган муаммоларга тўхталаар экан, ҳозирги вақтингчалик иқтисодий танглик даврида аҳолини иложи борича ижтимоий жиҳатдан кўпроқ қўллаб-куватлаш мақсадида амалга ошириладиган ишлар хусусида фикр юритди. Айни чоқда ёшлар тарбияси билан кенгроқ шуғулланиш лозимлигига эътиборни қаратди.

Учрашув қатнашчилари пойтахтдаги барча маҳалла аҳли номидан ҳалқ фаровонлиги, юрг осойишталиги йўлида чинакам фидойи меҳнат қилаётганлиги учун И.Каримовга астойдил миннадорчилик билдирилар. Улар ҳар қандай вазиятда ҳам Президент билан елкадош эканликларини изҳор қилдилар. Бутун мамлакат ҳалқи Президент И. Каримов сиёсатини қўллаб-куватлашларини билдиришибди.

Хусусан ана шу таҳликали кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Кенгаш, Вазирлар Маҳкамаси номига келган хатлар, шошилинчномалар ва мурожаатномаларда раҳбариятнинг, аввало Президентнинг ички ва ташқи сиёсати умумхалқ томонидан қизғин маъқулланаётгани билдирилди. Шу билан бирга қийинчиликлар, камчиликлар хусусида, гуруҳбозликларнинг зиёни ҳақида ҳам аниқ фикрлар айтилди. Айниқса, Тошкентдаги талабалар шаҳарчасида 16—17 январда рўй берган тартибсизликлар ҳамда фожиа сабабларини аниқлаш, бундай кўпорувчилик айбдорларини топиб жазолаш талабини кўйдилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Кенгаш, Вазирлар Маҳкамаси номига келган хатлар, шошилинчномалар ва мурожаатномаларда раҳбариятнинг, аввало Президентнинг ички ва ташқи сиёсати умумхалқ томонидан қизғин маъқулланаётгани билдирилди. Шу билан бирга қийинчиликлар, камчиликлар хусусида, гуруҳбозликларнинг зиёни ҳақида ҳам аниқ фикрлар айтилди. Айниқса, Тошкентдаги талабалар шаҳарчасида 16—17 январда рўй берган тартибсизликлар ҳамда фожиа сабабларини аниқлаш, бундай кўпорувчилик айбдорларини топиб жазолаш талабини кўйдилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов номига йўлланган хатларнинг бирида шундай дейилади:

даги мувозанатнинг бузилганлигидан қора ниятли кучлар фойдаланишга ҳаракат қилишди. Улар талабалар орасида иш олиб бориб, алоҳида тайёргарлик олиб бориши. Шиорлар ёзилди, тош, таёқ ва калтаклар тўпланди. Эҳтирослар атайлаб кўзғатилди. Ана шундай ҳаракатлар натижаси сифатида талабаларнинг оммавий тартибсизликлари ва ниҳоят улар вакилларининг ўлими сингари оғир, мусибатли фожиалар юз берди.

Бу хунрезлик бутун мамлакатда барча аҳолининг оёққа туришига, фуқаролар урушининг келиб чиқишига сабаб бўлиши ва натижада мустақиллик ҳам, бутун мамлакат ҳам боши берк кўчага кириб қолиши мумкин эди. Бу фожиалардан фойдаланиб қолиш ва осон йўл билан обрў орттириш учун «Эрк» демократик партияси ҳам енг шимариб майдонга чиқди. Сохта миллатпарварлик, юзаки ватанпарварлик, ясама фидойилик ана шу фожиали кунларда ҳам кўл келди. Улар ҳар қандай оғир ва мусибатли ҳодисаларга нисбатан вазминлик, андйшалик ва айни пайтда ниҳоятда қатъиятлилик ҳамда мулоҳазакорлик билан иш тутаётган қонуний ҳукуматни айни ана шу фазилатлари учун ношудликка, укувсизликка ва ҳатто, ана шу фожиаларнинг ташаббуско-рига йўйишдан ҳам тойишмади.

Бундай ҳалокатли кунларда эркчиларнинг эҳтирослари жунбушга келарди. Айюҳаннос солиб, бутун дунёга жар солишарди. Жаҳон радиостанциялари, айниқса Россия оммавий ахборот воситалари уларнинг доимий минбарига айланиб қоларди. Уларнинг хориждаги ана шундай ҳомийлари гўё Узбекистонда диктатура барқарор эканлигидан, бу ерда ҳукумат мустақил давлатни бошқаришга қодир эмаслигидан башорат қиласардилар. Бундай гоявий қўпорувчилар аҳоли онгини бузишга, уларнинг фикрини чалғитишга сабаб бўларди.

Ана шундай мураккаб шароитда Узбекистон ҳукумати, унинг раҳбарияти тартибсизликларни келтириб чиқарган сабабларни вазминлик билан ўрганди, қўйилган масалаларни зудлик билан ҳал қилиш чора-тадбирларини кўрди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 16 январ куни кечкурун тартибсизликларнинг ҳақиқий сабабини аниқлаш, айбдор кишиларни жавобгарликка тортиш билан боғлиқ масалаларни, рўй берган воқеалар чоғида аниқланган муаммоларни ҳал қилиш учун республика Бош вазири бошчилигига маҳсус комиссия тузди. 28 январда эса республика ҳалқ депутатлари-

дан иборат (раис И.Файзуллаев) маҳсус комиссия тузди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов 25 январ куни Тошкент шаҳар фаоллари ва маҳалла оқсоқоллари билан учрашди.

Президент улар илгари сурган муаммоларга тўхталаар экан, ҳозирги вақтинчалик иқтисодий танглик даврида аҳолини иложи борича ижтимоий жиҳатдан кўпроқ қўллаб-куватлаш мақсадида амалга ошириладиган ишлар хусусида фикр юритди. Айни чоқда ёшлар тарбияси билан кенгроқ шуғулланиш лозимлигига эътиборни қаратди.

Учрашув қатнашчилари пойтахтдаги барча маҳалла аҳли номидан халқ фаровонлиги, юрт осойишталиги йўлида чинакам фидойи меҳнат қилаётганлиги учун И.Каримовга астойдил миннатдорчилик билдирилар. Улар ҳар қандай вазиятда ҳам Президент билан елкадош эканликларини изҳор қилдилар. Бутун мамлакат халқи Президент И. Каримов сиёсатини қўллаб-куватлашларини билдиришди.

Хусусан ана шу таҳликали кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Кенгаш, Вазирлар Маҳкамаси номига келган хатлар, шошилинчномалар ва мурожаатномаларда раҳбариятнинг, аввало Президентнинг ички ва ташқи сиёсати умумхалқ томонидан қизғин маъқулланаётгани билдирилди. Шу билан бирга қийинчиликлар, камчиликлар хусусида, гуруҳбозликларнинг зиёни ҳақида ҳам аниқ фикрлар айтилди. Айниқса, Тошкентдаги талабалар шаҳарчасида 16—17 январда рўй берган тартибсизликлар ҳамда фожиа сабабларини аниқлаш, бундай кўпорувчилик айбдорларини топиб жазолаш талабини қўйдилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Кенгаш, Вазирлар Маҳкамаси номига келган хатлар, шошилинчномалар ва мурожаатномаларда раҳбариятнинг, аввало Президентнинг ички ва ташқи сиёсати умумхалқ томонидан қизғин маъқулланаётгани билдирилди. Шу билан бирга қийинчиликлар, камчиликлар хусусида, гуруҳбозликларнинг зиёни ҳақида ҳам аниқ фикрлар айтилди. Айниқса, Тошкентдаги талабалар шаҳарчасида 16—17 январда рўй берган тартибсизликлар ҳамда фожиа сабабларини аниқлаш, бундай кўпорувчилик айбдорларини топиб жазолаш талабини қўйдилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов номига йўлланган хатларнинг бирида шундай дейилади:

даги мувозанатнинг бузилганлигидан қора ниятли кучлар фойдаланишга ҳаракат қилишди. Улар талабалар орасида иш олиб бориб, алоҳида тайёргарлик олиб бориши. Шиорлар ёзилди, тош, таёқ ва калтаклар тўпланди. Эҳтирослар атайлаб кўзғатилди. Ана шундай ҳаракатлар натижаси сифатида талабаларнинг оммавий тартибсизликлари ва ниҳоят улар вакилларининг ўлими сингари оғир, мусибатли фожиалар юз берди.

Бу хунрезлик бутун мамлакатда барча аҳолининг оёққа туришига, фуқаролар урушининг келиб чиқишига сабаб бўлиши ва натижада мустақиллик ҳам, бутун мамлакат ҳам боши берк кўчага кириб қолиши мумкин эди. Бу фожиалардан фойдаланиб қолиш ва осон йўл билан обрў ортириш учун «Эрк» демократик партияси ҳам енг шимариб майдонга чиқди. Сохта миллатпарварлик, юзаки ватанпарварлик, ясама фидойилик ана шу фожиали кунларда ҳам кўл келди. Улар ҳар қандай оғир ва мусибатли ҳодисаларга нисбатан вазминлик, андигашалик ва айни пайтда ниҳоятда қатъиятлилик ҳамда мулоҳазакорлик билан иш тутаётган қонуний ҳукуматни айни ана шу фазилатлари учун ношудликка, укувсизликка ва ҳатто, ана шу фожиаларнинг ташаббускорига йўйишидан ҳам тойишмади.

Бундай ҳалокатли кунларда эркчиларнинг эҳтирослари жунбушга келарди. Айюҳаннос солиб, бутун дунёга жар солишарди. Жаҳон радиостанциялари, айниқса Россия оммавий ахборот воситалари уларнинг доимий минбарига айланиб қоларди. Уларнинг хориждаги ана шундай ҳомийлари гўё Узбекистонда диктатура барқарор эканлигидан, бу ерда ҳукумат мустақил давлатни бошқаришга қодир эмаслигидан башорат қиласидилар. Бундай гоявий қўпорувчилар аҳоли онгини бузишга, уларнинг фикрини чалғитишга сабаб бўларди.

Ана шундай мураккаб шароитда Узбекистон ҳукумати, унинг раҳбари тартибсизликларни келтириб чиқарган сабабларни вазминлик билан ўрганди, кўйилган масалаларни зудлик билан ҳал қилиш чора-тадбирларини кўрди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаси 1992 йил 16 январ куни кечқурун тартибсизликларнинг ҳақиқий сабабини аниқлаш, айбдор кишиларни жавобгарликка тортиш билан боғлиқ масалаларни, рўй берган воқеалар чоғида аниқланган муаммоларни ҳал қилиш учун республика Баш вазири бошчилигига маҳсус комиссия тузди. 28 январда эса республика халқ депутатлари-

дан иборат (раис И.Файзуллаев) махсус комиссия тузди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов 25 январ куни Тошкент шаҳар фаоллари ва маҳалла оқсоқоллари билан учрашиди.

Президент улар илгари сурган муаммоларга тўхталаар экан, ҳозирги вақтинчалик иқтисодий танглик даврида аҳолини иложи борича ижтимоий жиҳатдан кўпроқ қўллаб-кувватлаш мақсадида амалга ошириладиган ишлар хусусида фикр юритди. Айни чоқда ёшлар тарбияси билан кенгроқ шуғулланиш лозимлигига эътиборни қаратди.

Учрашув қатнашчилари пойтахтдаги барча маҳалла аҳли номидан ҳалқ фаровошлиги, юрт осойишталити йўлида чинакам фидойи меҳнат қилаётганлиги учун И.Каримовга астойдил миннатдорчилик билдирилар. Улар ҳар қандай вазиятда ҳам Президент билан елкадош эканликларини изҳор қилдилар. Бутун мамлакат ҳалқи Президент И. Каримов сиёсатини қўллаб-кувватлашларини билдиришиди.

Хусусан ана шу таҳликали кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Кенгаш, Вазирлар Маҳкамаси номига келган хатлар, шошилинчномалар ва мурожаатномаларда раҳбариятнинг, аввало Президентнинг ички ва ташқи сиёсати умумхалқ томонидан қизғин маъқулланаёттани билдирилди. Шу билан бирга қийинчиликлар, камчиликлар хусусида, гуруҳбозликларнинг зиёни ҳақида ҳам аниқ фикрлар айтилди. Айниқса, Тошкентдаги талабалар шаҳарчасида 16—17 январда рўй берган тартибсизликлар ҳамда фожиа сабабларини аниқлаш, бундай кўпорувчилик айбдорларини топиб жазолаш талабини кўйдилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Кенгаш, Вазирлар Маҳкамаси номига келган хатлар, шошилинчномалар ва мурожаатномаларда раҳбариятнинг, аввало Президентнинг ички ва ташқи сиёсати умумхалқ томонидан қизғин маъқулланаёттани билдирилди. Шу билан бирга қийинчиликлар, камчиликлар хусусида, гуруҳбозликларнинг зиёни ҳақида ҳам аниқ фикрлар айтилди. Айниқса, Тошкентдаги талабалар шаҳарчасида 16—17 январда рўй берган тартибсизликлар ҳамда фожиа сабабларини аниқлаш, бундай кўпорувчилик айбдорларини топиб жазолаш талабини кўйдилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов номига йўлланган хатларнинг бирида шундай дейилади:

*«Хурматли Ислом Абдуганиевич!*

*Шу йилнинг 16—17 январ кунлари Тошкентнинг студентлар шаҳарчасида содир бўлган фожиадан барча фуқаролар қатори биз ҳам газабландик... ҳалок бўлган ва қаттиқ қалтакланиб реанимация бўйимида ётган ёшли римизнинг ота-оналари АЛАМ ва НИДОларини сўз билан ифодалаб бўлмаса керак. Бундай фожиали фалокат ҳеч қачон, ҳеч кимнинг бошига тушмасин.*

*25 январ куни Тошкент шаҳри раҳбарлари билан бўлган иигилишдаги очиқ нутқингиз учун Сизга катта раҳмат. Чунки бор ҳақиқатни очиқ айтib яхши иш қилдингиз, натижада Сизга хайриҳоҳ бўлган кишиларнинг барчаси бўлиб ўтган воқеани ўзингиздан эшишиб, ҳалқ душманларига нисбатан нафратлари яна ҳам ортди.*

*Фожиа сабабчиларини топиш ва уларнинг қаттиқ жазоланишларига Сизга ва ҳукумат комиссиясига ишонамиз. Биз бу қора ниятли шахсларни фақат қотилликнинг сабабчиларигина деб билмай, балки давлат тўнтаришига ҳаракат қылган хоинлар ҳам деб биламиз.*

*Ҳалқимизнинг баҳтили келажаги учун, республикамиз мустақиллиги учун қилаётган барча яхши ишларингизни исккиланмай ва ҳормай амалга оширишингиз тарафдоримиз.*

*Республикамиздаги барча ҳалол-пок, тоза фикрли ва виждонли кишилар Сиз билан.*

*Сизга сорғ-саломатлик ва омад тилаб, 119-Бўка миллий территориал округининг сабиқ СССР ҳалқ депутати: Собиров Абдураҳмон Фаниевич.*

*1992 йил, 20 февраль».*

*«Ҳалқ сўзи» газетаси,  
1992 йил, 13 февраль».*

Мустақилликнинг дастлабки йиллари ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ҳалқимизга бир қатор қийинчиликлар келтирди. Гоявий мухолифлар эса ўз хатти-ҳаракатлари билан уни тобора чигаллаштиришди, бу мамлакатда маънавий-руҳий вазиятни мураккаблаштируди. Ана шундай қийин ва зиддиятли бир пайтда Ўзбекистон ҳукумати масалага жиддий қаради. Буни Президент Ислом Каримовнинг 1993 йил 2—3 июл кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг X сессиясида сўзланган нутқида яққол кўриш мумкин: «Иқтисодий таанглиқ даврида низо чиқариш жуда осон. Гутурт чақи́лса бас—хўлу қуруқ баравар ёниб кетиши мумкин. Мен бу гапни илгари ҳам кўп марта айтганман, лекин бугун, азизлар, биродар-

лар, бошқа күшниларимизнинг аҳволини кўриб, яна бир марта тақрорлашга мажбурман. Сизларни, сизлар орқали барча ватандошларимизни хушёrlикка дайваг этмоқчиман.

Фуқаролар тўқнашуви бўлаётган минтақаларда одамлар нобуд бўляпти, қон тўқилалиги, ҳалқ хўжалиги юз миллионлаб сўм зарар кўрмоқда, мол-ҳол қаровсиз, далалар экинсиз қолиб кетмоқда.

Ўзбекистоннинг йўли шуки, биз тинчлик ва осоийшталикин сақлаб, бозор иқтисодиётига ўтишини шошмасдан, аҳолининг ноҷор қисмини асраб-авайлаб, уларга етарли шарт-шароитларни яратиб бериб, ана ундан кейин амалга оширишга бел боғладик.

Куруқ ваъдалар, жizzакилик, сиёсий жазавалар пайти ўтди. Бугун ҳалқимизга тинчлик ва осоийшталик керак. Олдин қоринни тўйғазиб, ишнинг сарҳисобини қилиб, тўғри йўлни таnlаб, бозор иқтисодиёти учун замин ҳозирлаб, ундан кейин сиёсий баҳслар билан шугулланиш мумкин. Олдин ҳаммамиз бир бўлиб, бир тан-бир жон бўлиб, эрганиг қун ҳаракатини қиласлик».

Ўз йўлига событлик, қатъият ва ирода энг оғир пайтларда мустақиллик деган олий неъматни асрой олди. Дарҳақиқат, ҳалқ орзу-умиди ва ички эҳтиёjlари билан давлат сиёсатининг уйғулиги таъминланмаса, бундай тараққиётнинг умри қисқа бўлади. Ҳар қандай шароитда ҳам ўтиш даврида давлат сиёсатида қатъий ирода, қарама-қарши фикрларга тўғри муносабат, зарур келганида эса «диктатура» маъносидаги қаттиққўллик, қатъий талаб эҳтиёj даражасига кўтарилади. Ана шу эҳтиёj қондирилган тақдирдагина жамиятда барқарорлик, иқтисодий тараққиёт, маънавий равнақ қарор топади.

Демократия ишқибозлари ўз фаолиятларидағи жиддий нуқсонларни, гоявий кемтикликни ва ташкилий ношудлик иллатларини жазавалару васвасалар билан қоплашга қанчалик интилишмасин, қайсиdir даражада мавжуд сиёсий режим оқибатида вужудга келган нуқсонлардан жабр тортаётган, иқтисодий, хукукий ва маънавий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолган аҳолининг иккиланишларидан, ички норозиликларидан устамонлик билан фойдаланмоқчи бўлдилар.

Яъни, ҳақиқатга ташна, тўрачилик ва маъмурий-буйруқбозлик иллатларидан зада бўлган, тобелик ва мутелик, кўркув ва ҳадик эзиб юборган ҳалқнинг сабр косаси тўлган бир шароитда у кимгадир эргашишга муҳтоj эди. Ўзларини миллиатпарвар қилиб кўrsатишга

интилғанлар аҳолининг ана шу кайфиятидан фойдаланишга, шу йўл билан нималаргадир эришишга интилишарди.

Уларнинг ўз иборалари билан айтганда мухолифат сифатида майдонга чиқишлиари жамият ҳётида ижобий ҳодиса эканлиги маълум. Чунки ҳар қандай жамиятда мухолифатнинг мавжудлиги фикрлар хилма-хиллиги, дунёқараашлар турличалиги, гояларнинг ранг-баранглигига олиб келади ва охир-оқибатда энг соғлом фикрни танлашга, энг соғлом гояларга эришишга имкон беради. Бироқ, бу жамият ҳёти бир текис кетаётган, ижтимоий-сиёсий жараёнлар маълум бир изга тушган, жамият тараққиётини йўналтирувчи куч-омма фикри мустаҳкам ва ягона занжирга айланган бир пайтда самара бериши мумкин.

Бироқ, юқорида айтганимиздек, жамият бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтаётган бир шароитда барча кучларни бирлаштириш, умумий манфаат йўлида бирлашиб курашиш сингари тантилик, юксак сиёсий маданият, ҳалқ ва мамлакат олдидағи ниҳоятда оғир масъулият миллий равнақ ва иқтисодий барқарорликнинг асосидир.

Афсуски, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаетган, ўзларини мухолифат деб билган сиёсий кучлар ана шу муҳим ҳолатга баҳо бера олмадилар. Ўзбекистон мустақилликка эришгач энди мамлакат ҳётида жиҳдий ўзгаришлар юз бериши мумкинлиги, унинг хоҳ ижобий, хоҳ салбий оқибатлари бўлмасин, ҳамма учун бирдай тегишли эканлигини англай олмадилар. Улар фаолиятида сиёсий ва ҳётий мантиқнинг энг оддий кўринишлари ҳам кўзга ташланмади. Буни нималарда кўриш мумкин?

**Биринчидан**, ўз гояси, мақсад ва вазифаларига кўра коммунистик диктатурага қарши турган «Эрк» демократик партияси айни коммунистик партия тарқатиб юборилганидан сўнг ҳам эндиғина шаклланадиган янги ижтимоий-сиёсий тузум шароитларида юз бераётган ҳодисаларга кескин қарши турганлиги том маънодаги мантиқиззликнинг ёрқин кўриниши эди.

**Иккинчидан**, улар ўзларининг ҳар бир чиқишлиарида янги тузум ҳокимияти ва мустақиллик ташаббускорларини эскича ишлаётганликда, ислоҳотлар ўтказишга қодир эмасликда айблашарди. Ҳалқни оёққа туришга, қалқишига, кескин норозилик билдиришга даъват этишарди. Жамият қон-қонига сингиб кетган қата-

ғонлик, бюрократия ва тўрачилик иллатларини тезда барбод этиш, эртаклардаги сингари «бир юмалаб» янги ҳаётта эришиш мумкин эмас эди. Бу табиий жараён. Бир юз ўттиз йиллик тобелик кайфиятларини, мутеллик руҳиятини синдириб, янгича яшаш тамойилларини англаш учун вакт кераклигини тушунишмади. Ёки аксинча, яхшигина тушунишарди-ю, норозилик кучайишидан манфаатдор эдилар.

Ваҳоланки, қарийб 130 йиллик мустамлакачиликдан озод бўлган мамлакат тақдири ўзини чинакам ватанпарвар деб билган ҳар қандай кишини қизиқтириши, ғояси, эътиқоди, касбу кори, ижтимоий келиб чиқиши ва миллатидан қатъи назар ана шу муқаддас замин истиқболи йўлида, янги ғоя—мустақил тараққиёт ғояси атрофида жипсланиши лозим эди.

Қолаверса, ҳалқ узоқ йиллик сиёсий исканждадан озод бўлгач, энди ўзини қаерга кўйишини, қандай йўлдан боришини, келажагини қандай белгилашини билмай қолган эди. Мамлакатда саросималик вужудга келди. Ишлаб чиқаришда парокандалик юз берди. Собиқ иттифоқнинг ягона иқтисодий маконида вужудга келган пўлат занжирлар узилгач, кун кечириш оғирлашди. Одамларда руҳий ҳорғинлик, асабий чарчоқлик, маънавий кемтиклик ва асабий таранглик кайфијати пайдо бўлди. Бу айтиш мумкинки, ҳар қандай шароитда ҳам сиёсий кучлардан жиддийроқ ўйлашни, жиддийроқ ҳаракат қилишни, ҳар бир қадамини ўйлаб босишни тақозо этарди. Чунки таъбир жоиз бўлса, мамлакатнинг ўша пайтдаги аҳволи ниҳоятда улкан газ бочкасига ўхшарди. Унинг туйнугига ортиқча бир гугурт чақиши ҳалокатли ва фалокатли ҳодисага олиб келиши муқаррар эди. Ана шундай пайтда «Эрк» демократик партияси мустамлакачилик ҳокимиятига нисбатан қандай позицияда турган бўлса, мустақиллик ҳокимиятига ҳам худди шундай позицияда турди. Ваҳоланки, йигирма миллиондан ортиқ аҳоли тақдири битта гугурт чақиши билан боғлиқ бўлган таҳликали вазијатда эди. Бу муҳолифатчиларнинг жиддий-сиёсий хатоси, узоқни кўра олмаслик иллати эди.

Ана шундай жиддий хулосалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда вужудга келган «демократия жарчилари»нинг баландпарвоз шиорларию қалин-қалин Низом ва Дастурлари шунчаки гап бўлган, холос. Чунки уларнинг олдинги ҳокимиятга ҳам, кейинги ҳокимиятта ҳам бирдай қарши туришларидан мамла-

кат ва халқ манфаати учун кураш эмас, айни ҳокими-ят учун кураш, тожу таҳт жанги, амалу курси кураши эканлиги аён бўлди. «Эрк» демократик партиясининг Низомида «Эрк» демократик партияси жамиятда то тувиликка, барқарорликка интилишни қўллаб-куватлайди, конфронтацион курашиш хавфли йўл...» деган сатрлар бор. Айни ана шунинг ўзи партия раҳбарияти тутган йўл бошқа, қоғозда баён этилган фоялар бошқа эканлигини кўрсатади.

Партия раҳбариятидаги манманлик, кибру ҳаво, ўзига ортиқча баҳо бериш, даҳоликка даъвогарлик иллатлари аста-секинлик билан хавфли касалликка айланиб борди. Натижада ўзининг «доҳий»лигига ўзи ишониб қолиб, барча ўзга ижобий ҳаракатлар нуқсон бўлиб кўрина бошлади. Чунончи, қонуний ҳукумат тутган туб ислоҳотлар йўли, у ишлаб чиқсан ҳар қандай тадбир, амалга оширган ҳар қандай янгиланишлар ана шу жайдари ва хонаки доҳийчалар назарида жуда майда ва жўн ҳодиса бўлиб кўринди.

«Эрк» демократик партияси фаолларидан бири Шоди Каримов ўзи аъзо бўлган партия раҳбари хусусида гапирав экан, қуйидагиларни баён этади: «Муҳаммад Солиҳ партиясининг раиси сифатида партия ҳаётининг асосий нормалари ва қоидаларини — Низомни биринчилар қаторида унинг ўзи бузди. Партия Марказий Ҳайъати ва Кенгаши билан маслаҳатлашмаган ва келишмаган ҳолда яккабошчилик асосида ўзи мустақил қарорлар қабул қилди. 1992 йил 2 июлда (мамлакат Олий Кенгашининг X сессиясида — муалл.) «Эрк» Демократик партиясининг раиси, Ўзбекистон Халқ ноиби Муҳаммад Солиҳ ҳеч ким билан маслаҳатлашмасдан депутатлик мандатини ташлаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси залидан чиқиб кетди».

Хўш, ўзини улкан сиёсий етакчи деб билган арбобнинг бу ҳатти-ҳаракатини қандай тушуниш мумкин?

**Биринчидан**, депутатлик мандатини зарда билан ташлаб, сессия залидан чиқиб кетиш у ўйлаганчалик ҳукуматга рўй-рост норозилик нишонаси эмас. Аксинча, ўз истиқболининг йўқлигига ишонгач, боши берк кўчага кириб қолгандан сўнг гангид қолиш, улкан партия фаолиятини бошқара олмаслик айбини яширишdir.

**Иккинчидан**, депутатлик мандатини гап-сўёсиз ташлаб кетиш — бу унга ишонч билдирган минглаб сайловчиларни менсимаслик, уларнинг қонуний ҳуқуқини поймол қилишdir.

**Учинчидан**, унинг номзодини кўрсатган ва ишонч билдирган, ўзларига биринчи раҳбар қилиб тайинлаган партия аъзоларини менсимаслик, кўпол қилиб айтганда, уларнинг кўзига кум сепиш, бетига тупуришдек гап.

**Тўртичидан**, сиёсий ҳаёт табиатан нозик ва сиркаси сув кўтармас ҳаётдир. Ботинан эса оғир-вазминлик, етти ўлчаб бир кесиш, ижобий маънодаги соvuққонлик, ҳар қандай курашларга тайёр ва ҳамиша «бошни кундага кўйиб яшаш»ни тақозо этадиган жасоратли ҳаёт. Ана шу нуқтаи назардан қараганда «Эрк» демократик партияси раиси Муҳаммад Солих жирраки ва енгилтак эканлигини кўрсатди. Сиёсий ҳаётнинг энг олий мезонларига муносиб эмаслигини намойиши этди.

Бундай йўл тутиш одатда бачканаликдан, болачалишликдан келиб чиқади. Очигини айтайлик, русларда «большой мальчик» деган ибора бор. Бундай одамлар саксон, юз йил яшashi мумкин, бироқ ҳеч қачон етилмайди, пишмайди, камолотга етмайди. Fўrligicha қолаверади.

М.Солиҳнинг сессия залидан чиқиб кетиши сабабларини «Эрк» демократик партияси Бош котиби А.Аъзам ўзига хос тушунади ва сиёсий етакчи сифатида қатъий позициясини «Мустақил ҳафталик» ижтимоий-сиёсий газетаси орқали аниқ баён этади. Унинг фикрича «...бу депутат беш юз депутатнинг панада писиб товуш бермайдиган оддий биттаси эмас, балки халқ орасида сўзининг эътибори баланд, сиёсий ҳаёт об-ҳавосига кучли таъсир ўтказиб келаётган сиёсатчилардан бири эди. Қолаверса, Ўзбекистон Президенти сайловидаги атиги икки номзоднинг бири бўлиб, расман бир миллион икки юз эллик мингдан ошиқ (аслида бундан кўпроқ) овоз олган эди. Шу фазилатлари бўлмаганда ҳам у жумхуриятдаги нуфузли партиянинг раиси ва энг муҳими, демократик муҳолифатнинг кескин талаб ва конструктив (?) мuloқot йўлларини оқилона, уйғун кўллаётган етакчиси эди.

Сессияда унинг аризаси овозга кўйилганда бу жиҳатлари эътиборга олинмади, аксинча саркаш депутатдан тезроқ қутулиш, уни иложи борича ёмонотлик қилиб чиқариш пайида бўлинди ва шу билан ҳокимиёт ва муҳолифат ўртасида билиттифоқлик кўприги ҳам кўйдириб ташланди».

Бош котиб мулоҳазаларини ўқиб кишида шундай савол туғилади:

**Биринчидан**, агар Мұхаммад Солиқ чиндан ҳам мамлакат «сиёсий ҳаёти об-ҳавосига кучли таъсир ўтказиб келаёттан сиёсатчи, нуфузли партия раиси, ном чиқарған демократ» бўлса, нега ўз обрўсига яраша иш тутмай енгилтаклик қилди? Ахир даҳоликка даъвогарлик билан зарда қилиб, мандатини ташлаб, сессиядан чиқиб кетиш ўртасида катта фарқ бор-ку! У шахс сифатида ўзини ким эканлигини кўрсатиб қўймадими-кан?

**Иккинчидан**, бир миллион икки юз мингдан ошиқ овоз олганлигини таъкидлаб, яна «аслида бундан ҳам кўпроқ овоз олган эди», деган шама нималарни англатади? Демак, Президент сайлови пайтида кўзбўяма-лилк йўл қўйилган, атайлаб сайловчиларнинг овозини Ислом Каримовга қўшиб беришган экан-да! Буни ким, қандай исбот қилиб бера олади? Ахир жуда кўп сайлов округлари ва участкаларида айни «Эрк» демократик партияси вакиллари билан бирга қатор халқаро ташкилотлар, дунёнинг нуфузли мамлакатлари вакиллари ҳам кузатувчи сифатида иштирок этишди-ку! Нега бирон жойда бундай кўзбўяма-лилклар ҳақида фикр айтилмади?

Муаллиф ўз фикрини давом эттирар экан, «Ўнинчи сессияда кўтарилиган қирқта масала бир ёқда қолиб, бир депутатнинг парламентдан қандай этак силкитани эл оғзига тушди. Парламент Раиси бошлаб берган бепанд гапга лаққа тушган қашқадарёлик олти ва «бошқа» ноибларнинг Олий Кенгаш нашри — «Халқ сўзи»да лот-манот ясад «Оллойи таолонинг (ҳатто исмингни ҳам тўғри ёза олмайдиган ноиб бандаларингни ўзинг кечир, Оллоҳ!) ўзи кўллайдиган Президентимиз» ҳимоясига ваҳмак яроқ тортиб чиқишилари мен нима дейман, кўбизим нима дейдига ўхшаб жуда ярашиқсиз бўлди. Бу «хушомад эмас — дил сўзлари»ни ўқиганлар ноибларнинг фаросатларига сира беш кетмайдилар. Агар газета муҳарририятидан айтилган «кўплаб оғзаки ва ёзма мурожаатлар» чўпчак эмас, рост бўлса, қашқадарёлик ноибларникидек «халқ талаблари»ни чиқариш компанияси давом этса, унда чиндан ҳам карвон билан итнинг фарқига боролмай қоламиз». («Мустақил ҳафталиқ». Аҳмад Аъзам. «Мен не дейману...» 1992 йил, ноябрь, № 13).

Орадан ўн йил ўтди. Одатда ҳар қандай нарсага олисдан туриб қаралса, у кўзга бутун қиёфаси билан яққолроқ ташланади. Ҳар қандай ҳодисани вақт ўтиб

холисроқ баҳолаш, уни ўз номи билан аташ мумкин бўлади. Вақт шундай олий ҳакамки, у ҳамма нарсани ўз жойига қўяди ва ўз номи билан атайди. Ана шу жиҳатдан, бўлиб ўтган воқеаларга бугун муносабат билдирар эканмиз, газета шарҳидаги айрим фикрлар нақадар «тўғри» эканлигига ишонасиз. Дарҳақиқат, ўша пайтдаги ноибларнинг фаросатига эмас, газета шарҳининг иddaосига чиндан ҳам «беш» кетасиз. Бугун «карвон билан итнинг фарқи» эса кўзга яққол ташланмоқда.

Шундай қилиб, халқ депутати Муҳаммад Солиҳнинг сессия залидан чиқиб кетиши, унинг гуруҳидагиларнинг фикрича, ҳукумат айби билан содир бўлган. Аслида эса унинг хатти-ҳаракати том маънодаги сиёсий арбоб ва мухолифатдаги партия раҳбари фазилатларига тўғри келмас эди, холос.

Дарвоқе, ўнинчى сессия арафасида «Эрк»чилар ва уларнинг тарафдорлари қонуний парламентнинг искефога чиқишини талаб қилиб, митинг уюштироқчи бўлдилар ва турли варақалар тарқатдилар. Бу мамлакатда айни ислоҳотларнинг оғир аҳволга тушиб қолган, халқ иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида хилма-хил муаммолар қалашиб қолган бир пайтда оммавий норозиликларни кучайтириш, қонуний парламентни тарқатиб юбориш ва ундан сўнг, давлат тўнтаришини амалга оширишга интилиш эди.

Муҳаммад Солиҳ хорижга кетиб қолгач, унинг извогарлик фаолияти тугамади. Қашқадарёдан йигитмага яқин йигитларни ўқитишиб мақсадида чақириб олди. Уларнинг хужжатларини мамлакатимиз ичкарисидаги ҳомийлари қалбаки расмийлаштириб, хорижга юбордилар. Натижада М.Солиҳ ва унинг гумашталари бу йигитларни чалғитиб, қонли тўқнашувга тайёрлаганликлари, айримларини эса ҳатто Чеченистондаги урушларда қатнаштириб, чиниқтирганликлари кейинроқ аниқ бўлди. Йигитларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари, маҳалладошу қишлоқдошлари алданганликларини пушаймон билан тан олишди.

\* \* \*

### *Мавзуга доир материал*

*С.Мадаминов ўзининг жиноий фаолиятини давом этириб, Тошкент вилояти бўйича норасмий «Бирлик» ҳаракати раиси X.Худойбердиев, «Ўзбекистон озод дехқон-*

*лар» партияси раиси ўринбосари О. Каримов, фуқаро Б. Шокиров ва бошқалар билан Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган, ҳалқ томонидан қонуний ўйл билан сайланган давлат ҳокимияти — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашини Конституцияда кўрсатилмаган тузилмалар билан алмаштириши ҳақида олдиндан ўзаро жиноий тибириктирганлар.*

*Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасида мавжусу бўлган «Халқ дипломатияси» уюшмаси, Ўзбекистон «Бирлик» ҳалқ ҳаракати, «Ўзбекистон озод дехқонлар» партияси, «Туркистан ҳалқ ҳаракати» вакиллари билан гайри-конституциявий «Миллий мажлис» деб аталмиш янги қонун чиқарувчи орган тузиш учун 1992 йил май, июн ойларида бир неча бор йигилишган ва шу гурӯҳ томонидан тайёрланган Ўзбекистон демократик кучларининг «Миллий мажлис» тузиш тўғрисидаги Битими, Ўзбекистон Республикаси «Миллий мажлиси»нинг муваққат Тузуги лойиҳаларини тайёрлаб, босмадан чиқариб тарқатганлар.*

*Ўзбекистон демократик кучларининг «Миллий мажлис» тузиш тўғрисидаги Битимида «Ўзбекистоннинг иқтисолдий-ижтимоий, сиёсий танглиқдан чиқиши даврида унинг ҳудудида мустақиб фаолият кўрсатувчи ва қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиши ваколатига эга бўлган «Миллий мажлис» таъсис этилсин деб, ҳаракатда бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ваколатини эгаллашга ҳаракат қилишган.*

*Ҳокимият Конституциявий идораларини гайриконституциявий мувозий ҳокимият таркиблари билан алмаштиришга қаратилган ҳаракатлари учун 1993 йил 12 феврал куни С. Мадаминов жиноий жавобгарликка тортилиб, унга нисбатан «ҳеч қаерга кетиб қолмаслик» ҳақида эҳтиёт чораси қўлланилган, шу тўғридан тилхатга имзо қўйиб, у жавобгарликдан қутулиши мақсадида чет элга чиқиб кетишнинг белгиланган тартибини бузиб, 1993 йил 13 апрелда Туркия Республикасига қочиб яширинган.*

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг хукмидан. Тошкент шахри. 2000 йил, 17 ноябр. «Халқ сўзи», 2000 йил, 22 ноябр.)*

\* \* \*

Энди Мухаммад Солиҳ учун битта ўйл қолган эди ва у худди ана шу йўлни танлади: тўғридан-тўғри мустақиллик ташаббускори, туб ислоҳотларнинг бош ташкилотчиси бўлган қонуний хукуматни очиқдан-очиқ

бадном этиш, унга зуфум қилиш, зўравонлик билан давлат тўнтиришини вужудга келтириш йўлига кирди. Натижада у парламентта муқобил ҳолда «Миллий мажлис» тузишга ҳаракат қилди. «Миллий мажлис тузуги» ва «Миллий мажлис баёноти»ни тайёрлашда бошчилик қилди. Бу энди чинакамига халқ томонидан сайланган қонун чиқарувчи органга даъвогарлик, мавжуд қонунларни инкор қилиш, мустақил тараққиёт йўлини кафолатлайдиган барча қонун актларига очиқдан-очиқ ишончсизлик билдириш демакдир.

\* \* \*

### *Мавзуга доир материал*

*1997 йил май ойида Т.Юлдашевнинг топшириғига кўра, жиноий ўюшма аъзолари Ж.Ходжиев, Б.Абдуллаев, К.Закиров, А.Ахмедов, З.Асқаров ва Р.Фахруддиновлар қалбаки паспортлар билан қонунсиз равишда четга чиқиб, Туркия давлатининг Истанбул шаҳрида ийғилишган. Ушбу ийғилишда Ўзбекистондаги турли диний экстремистик групхарга мансуб шахсларни «Ўзбекистон исломий ҳаракати» қошида бирлаштириб, биргаликда «жиход» эълон қилиб, қурол ишлатиши иўли билан Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд Конституциявий тузумни ағдариб ташлаб, ҳокимиятни босиб олиш мақсадида фитна ўюштирганлар. Тоҳир Юлдашев ўюшма аъзоларига вазифаларини бўлиб берган.*

*1997 йил шул ойида Т.Юлдашев Истанбул шаҳрида Хожи Абдулла Ходининг уйида жиноий ўюшма аъзолари Б.Абдуллаев, К.Закиров ва бошқалар билан учрашиб, уларга 50.000 АҚШ долларини бериб, Ўзбекистондаги жиноий ўюшма аъзолари, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий лагерларга юборилган шахсларни моддий эҳтиёжлари учун сарфлашни топширган.*

*С.Мадаминов Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузумни ағдариб ташлашга қаратилган умумий мақсадларини бирлаштириши учун Ўзбекистонда жиҳодий ҳаракатлар олиб бораётган жиноий ўюшма раҳбарлари Т.Юлдашев, К.Закиров, Б.Абдуллаев, А.Ахмедов, З.Асқаров ва Р.Фахруддиновларни 1997 йил шул ойининг охирларида Истанбул шаҳридаги уйига таклиф қиласи ва Т.Юлдашев бошчилигидаги жиноий ўюшмага қўшилиб, ҳамжисхатликда ҳаракат қилиб, Ўзбекистонда мавжуд Конституциявий тузумни ағдариб ташлаш мақсадида фитна ўюштирадилар.*

*лар» партияси раиси ўринбосари О.Каримов, фуқаро Б.Шоткиров ва бошқалар билан Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган, ҳалқ томонидан қонуний йўл билан сайланган давлат ҳокимияти — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашини Конституцияда кўрсатилмаган тузилмалар билан алмаштириши ҳақида олдиндан ўзаро жиноий тил бириттирғанлар.*

*Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган «Ҳалқ дипломатияси» уюшмаси, Ўзбекистон «Бирлик» ҳалқ ҳаракати, «Ўзбекистон озод дехқонлар» партияси; «Туркистон ҳалқ ҳаракати» вакиллари билан гайри-конституциявий «Миллий мажслис» деб аталмиш янги қонун чиқарувчи орган тузиш учун 1992 йил май, июн ойларида бир неча бор йигилишган ва шу гурӯҳ томонидан тайёрланган Ўзбекистон демократик кучларининг «Миллий мажслис» тузиш тўғрисидаги Битими, Ўзбекистон Республикаси «Миллий мажслиси»нин мувакқат Тузуги лойиҳаларини тайёрлаб, босмадан чиқариб тарқатгандар.*

*Ўзбекистон демократик кучларининг «Миллий мажлис» тузиш тўғрисидаги Битимида «Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий тангликтан чиқиши даврида унинг ҳудудида мустақил фаолият кўрсатувчи ва қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиши ваколатига эга бўлган «Миллий мажслис» таъсис этилсин деб, ҳаракатда бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ваколатини эгаллашга ҳаракат қилишган.*

*Ҳокимият Конституциявий идораларини гайриконституциявий мувозий ҳокимият таркиблари билан алмаштиришига қаратилган ҳаракатлари учун 1993 йил 12 феврал куни С.Мадаминов жиноий жавобгарликка тортилиб, унга нисбатан «ҳеч қаерга кетиб қолмаслик» ҳақида эҳтиёт чораси қўлланилган, шу тўғридаги ташхатга имзо қўйиб, у жавобгарликдан қутулиш мақсадида чет элга чиқиб кетишнинг белгиланган тартибини бузиб, 1993 йил 13 апрелда Туркия Республикасига қочиб яширган.*

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг ҳукмидан. Тошкент шахри. 2000 йил, 17 ноябр. «Ҳалқ сўзи», 2000 йил, 22 ноябр.)*

\* \* \*

Энди Муҳаммад Солиҳ учун битта йўл қолган эди ва у худди ана шу йўлни танлади: тўғридан-тўғри мустақиллик ташаббускори, туб ислоҳотларнинг бош ташкилотчиси бўлган қонуний ҳукуматни очиқдан-очиқ

бадном этиш, унга зугум қилиш, зўравонлик билан давлат тўнтишини вужудга келтириш йўлига кирди. Натижада у парламентта муқобил ҳолда «Миллий мажлис» тузишга ҳаракат қилди. «Миллий мажлис тузути» ва «Миллий мажлис баёноти»ни тайёрлашда бошчилик қилди. Бу энди чинакамига халқ томонидан сайланган қонун чиқарувчи органга даъвогарлик, мавжуд қонунларни инкор қилиш, мустақил тараққиёт йўлини кафолатлайдиган барча қонун актларига очиқдан очиқ ишончсизлик билдириш демакдир.

\* \* \*

### *Мавзуга доир материал*

1997 йил май ойида Т.Юлдашевнинг топшириғига кўра, жиноий уюшма аъзолари Ж.Ходжиев, Б.Абдуллаев, К.Закиров, А.Ахмедов, З.Аскаров ва Р.Фахруддиновлар қалбаки паспортлар билан қонунсиз равишда четга чиқиб, Туркия давлатининг Истанбул шаҳрида йиғилишган. Ушибу йиғилишда Ўзбекистондаги турли диний экстремистик гуруҳларга мансуб шахсларни «Ўзбекистон исломий ҳаракати» қошида бирлаштириб, биргаликда «жисҳод» эълон қилиб, қурол ишлатиш йўли билан Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд Конституциявий тузумни ағдариб ташлаб, ҳокимиятни босиб олиш мақсадида фитна уюштирганилар. Тоҳир Юлдашев уюшма аъзоларига вазифаларини бўлиб берган.

1997 йил июл ойида Т.Юлдашев Истанбул шаҳрида Ҳожи Абдулла Ходининг уйида жиноий уюшма аъзолари Б.Абдуллаев, К.Закиров ва бошқалар билан учрашиб, уларга 50.000 АҚШ долларини бериб, Ўзбекистондаги жиноий уюшма аъзолари, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий лагерларга юборилган шахсларни моддий эҳтиёжлари учун сарфлашни топширган.

С.Мадаминов Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузумни ағдариб ташлашга қаратилган умумий мақсадларини бирлаштириши учун Ўзбекистонда жиҳодий ҳаракатлар олиб бораётган жиноий уюшма раҳбарлари Т.Юлдашев, К.Закиров, Б.Абдуллаев, А.Ахмедов, З.Аскаров ва Р.Фахруддиновларни 1997 йил июл ойининг охирларида Истанбул шаҳридаги уйига таклиф қиласиди ва Т.Юлдашев бошчилигидаги жиноий уюшмага қўшилиб, ҳамжихатликда ҳаракат қилиб, Ўзбекистонда мавжуд Конституциявий тузумни ағдариб ташлаш мақсадида фитна уюштирадилар.

*Т.Юлдашев фитнани амалга оширишга раҳбарлик қилиб, Ж.Ходжиеев, К.Закиров, Б.Абдуллаев ва бошқа жиноий шерикларига Афғонистон, Тоҷикистон, Чеченистонда ташкил этилган ҳарбий дала лагерларида давлатга қарши фитна уюштиришида фойдаланиш мақсадида ҳарбий тайёргарликдан ўтган жсангариларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида террористик актларни ўтказиш учун юбориш тўғрисида топшириқ беради.*

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг ҳукмидан. Тошкент шаҳри. 2000 йил, 17 ноябр. «Ҳалқ сўзи», 2000 йил, 22 ноябр.)*

\* \* \*

Бундай хатти-ҳаракатнинг замирида том маънода давлатта қарши иш юритиш, гоявий ва сиёсий қўпурувчилик қилиш, натижада бутун мамлакатни ҳам, унинг аҳолиси ҳаётини ҳам, мустақилликнинг келажагини ҳам таҳлиқага солишига интилиш ётарди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий суди 1993 йил августида «Миллий мажлис» қатнашчилари устидан жиноий иш қўзғади. Уларни давлат тўнгаришини уюштиришга ҳаракат қилганликда айблади. Суд «Миллий мажлис» ташаббускорларини фаразгўйлик ва амалпарастлик ниятлари билан 1992 йил май, июнь, июль ойлари давомида ҳокимиятни эгаллаш мақсадида фитна уюштириб, ташкилий фаолият кўрсатиб, Конституцияга хилоф равишда давлатта қарши оғир жиноятларни содир қилган», деган холосага келди.

«Эрк» демократик партияси ўз низомига зид фаолият билан шуғулланганлиги учун 1993 йил сентябрдан бошлаб унинг фаолияти тўхтатилди. Партия ичидаги парокандалик, раҳбарият таркибидағи келишмовчилик оқибатида жамият ҳаётида жиддий хавф туғдирадиган ҳодисалар вужудга келди. Буни Шоди Каримов шундай изоҳлади:

«Эрк» демократик партиясининг раиси ҳамма қилгиликни қилиб қўйиб ўзи қамоқ жазосидан кутилиб қолиш ниятида чет элга қочиб кетишга улгурди. «Ўзбекистон Республикаси Олий суди, республика Бош прокурорига «Эрк» демократик партиясининг раиси Мұхаммад Солиҳ (Мадаминов Салай)нинг жиноий жавобгарлиги масаласини яна бир бор кўриб чиқиш ҳамда унинг тергов ва суд олдида жавоб беришини таъминлаш юклатилди».

Ана шу тариқа «Эрк» демократик партияси ва унинг

аъзолари оғир бўхрон кўчасига кириб қолдилар. Бундай бўхроннинг бош сабабчиси «Эрк» демократик партиясининг раиси Муҳаммад Солиҳнинг ўзи эди. Муҳаммад Солиҳ «Эрк» демократик партиясини қандай моҳирона ташабbus билан тузган бўлса, худди шундай ташабbus ва моҳирлик билан партияни ҳалокат гирдо-би сари бошлаб келди. Фақат нўноқ ва қобилиятсиз раҳбарнинг йўл кўйган хатолари азобини партиянинг оддий аъзолари тортдилар.

«Эрк» демократик партиясининг раиси Муҳаммад Солиҳ йўл кўйган хатолар ва нуқсонлар нималардан иборат? Бу хато ва нуқсонлар куйидагилар:

Биринчидан, ҳар қандай партиянинг яшаши, фоалияти ва ривожланишининг энг асосий шартларидан бири — бу партия раҳбарининг ғоявий-сиёсий ва назарий савиясининг юксак даражада ривожланган бўлишига, унинг партиявийлик ва ташкилотчилик қобилиятига боғлиқ. Бундай сифатлар «Эрк» демократик партиясининг раҳбарида том маънода шаклланмаган эди. У ҳали партиянинг ўзи нима эканлигини тушуниб етмаганди.

Иккинчидан, «Эрк» демократик партиясининг раҳбарида партиявий кураш тажрибаси мутлақо йўқ эди. У шу боисдан «Эрк» демократик партиясини бутун жамиятга қарама-қарши қўйди, Ўзбекистондаги бирорта ижтимоий-сиёсий ҳаракат ёки куч билан умумий иттифоқ тилини топа олмади, ҳақиқат ва адолатнинг «ягона ва бирдан бир соҳиби» эканлигини даъво қилди.

Партиянинг хорижда юрган раиси ўзининг «Низомий-хукуқи»дан фойдаланиб, Марказий Кенгаш мажлиси қарорларини бекор қилди. Марказий Кенгаш мажлисини чақириш ташабbusкори сифатида партия Марказий Кенгашининг Бош котиби Содикжон Йигиталиевни «хукуматга сотилган» шахс сифатида ўз вазифасидан четлаштирилганлиги тўғрисида буйруқ берди. Партиявий иш юритишнинг бундай диктаторлик услуби шу пайтга қадар жаҳонда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг бирортасида кузатилмаган. Муҳаммад Солиҳ танлаган авантюристик кўпорувчиликдан иборат бўлган бу Қарорни 1993 йил 16 майда Марказий Кенгаш қарорларини маъқуллаб овоз берган, умуман партия ва партиявиий иш услубидан бехабар шахслар: Дијором Исҳоқова, Сафар Бекжон, Отаназар Орипов, Абдулхай Абдумавлонов ва Ҳамидулла Нурмухamedовлар қўллаб-куvvatладилар. Марказий Кенгаш қаро-

ри бажарилмади ва август ойида партия қуултойи чақирилмади.

Нега Мұхаммад Солиқ «Эрк» демократик партияси Марказий Кенгашининг қарорларига қарши чиқди?

Партия қуултойининг чақирилишида бирор-бир хавфли аломат бормиди? Масаланинг ҳамма нозик томони худди ана шу «хавфли аломат»да эди. Агар август ойида «Эрк» демократик партиясининг қуултойи чақириладиган бўлса, хорижда юрган Раис партия форумида қатнаша олмас ва партиянинг раислиги лавозимига сайланмай қолиши хавфи бор эди. Биринчи раҳбар бўлиш касалига мубтало бўлган Мұхаммад Солиқ учун бу ҳаёт-мамот кураши эди. Унинг бош мақсади курашчан, фракцион партия сифатида «Эрк» демократик партиясини сақлаб қолиш эмас, балки партия тарқалиб кетадими, у ҳалокатта учрайдими, ундан мутлақо қатъи назар, «Партия раиси» деган қуруқ номни сақлаб қолишдан иборат эди.

Амалда фаолияти тўхтатилган, ўзи йўқ партиянинг раислик мандати Мұхаммад Солиқга нима учун керак эди? «Эрк» демократик партияси раиси мандатига эга бўлмаган Мұхаммад Солиқ хорижда оддий фуқаро сифатида сиёсий бошпана олиши мумкин эди, албаттага. Бироқ сиёсий партиянинг раиси мандати билан эса у энди оддий фуқаро эмас, балки сиёсий арбоб сифатида муайян имкониятларни кўлга киритар эди ва айни пайтда у ўзини моддий жиҳатдан таъминлаш имкониятига ҳам эга бўларди. Чунки у «Эрк» демократик партиясининг мандати билан халқаро ташкилотларнинг ҳомийлиги ва ёрдамидан, хорижий мамлакатларда маърузалар, учрашувлар уюштириш, интервьюлар бериш ва шу каби тадбирлардан келадиган даромадлардан фойдаланиши мумкин эди. Раислик мандатидан маҳрум бўлса, бундай имкониятлар ҳам ўз-ўзидан барҳам топар эди.

1993 йил 25 сентябрда бўлиб ўтган «Эрк» демократик партиясининг IV қуултойида бу интилиш рўёбга чиқди. IV қуултой аслида қонуний низом кучига эга эмас эди. Чунки Тошкент шаҳар партия ташкилотидан бошқа биронта вилоятда қуултой олди партия конференциялари чақирилмади. Қуултойга келган вакиллар қонуний сайланган делегатлар эмас, балки Мұхаммад Солиқга тарафдор бўлган (том маънода қонуний ҳокимиятга қарши позицияда турган, аҳолини гангитиб, турли норозиликларни кучайтираётган — муалл.), тер-

ма гуруҳ аъзолари эдилар. Курултойда «Эрк» демократик партияси Марказий Кенгашининг ҳисоботи эмас, балки Муҳаммад Солиҳнинг магнитофон лентасига туширилган Ўзбекистон Президенти ва ҳукумати сиёсатига қарши эҳтирослар билан тўлиб-тошган маъruzаси тингланди. «Эрк» демократик партиясининг курултойи Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматига қарши конфронтацион кураш байроби остида ўтди, партиянинг на Низоми ва на Дастурига ҳеч қандай ўзгартиш киритилмади, яъни амалда «Эрк» демократик партияси ҳаратат дастурисиз қолди...

Ўз мақсадларига эришмагач, шахсий манфаати йўлида минг-минглаб кишиларни чалфитиб юрган «доҳий» охир-оқибатда эл назаридан қолди. Унинг ғоялари асосиз эканлиги маълум бўлди.

Демократия, ҳуррият энг аввало у қарор топиши керак бўлган макон имкониятларидан, асрлар мобайнида шаклланган анъаналар ва турмуш тарзидан келиб чиқиши ва энг муҳими, туб ислоҳотлар жараённида аҳоли ижтимоий-сиёсий фаолигини, онглилик даражасини ҳисобга олмоғи лозим. Акс ҳолда, демократияга интилиш ўткинчи, айни пайтда фожиали ҳодиса бўлиб қолаверади.

«Эрк» демократик партиясининг мустақилликнинг дастлабки йилларидаги фаолияти ва умуман демократия «машмаша»лари авж олган пайтларни орадан бир қанча вақт ўтгач, назардан ўтказган Аҳмад Аъзам шундай хulosага келади: «бандда дамланиб қолган сувнинг шиддати ёввойи бўлади. Узоқ вақт қоронгуликда қолган одам ёруққа чиққач ҳавонинг қандайлигини суриштирмайди, тўйиб-ютоқиб нафас олиш пайида бўлади. Оғзи тиниқланган одам најот топса, энг аввало бор овози билан бақиришни ўйлайди ва ҳоказо...

Узоқ муддатли кулликдан кейин эришилган озодлик тўла, мутлоқ маъно кутиб олинади. Бироқ, эркинлик авж олдирилиб, сиёсий бўхронлар, манфаатлар атрофидаги ибтидоий курашлар, жазавалар авж олди. Иттироқ парчаланиб, мустамлака кишанларидан кутилган айрим мамлакатларда шундай ёки шунга яқин ҳодисалар юз берди.

Озарбайжон, Гуржистон, Молдова, Белоруссия, Тожикистанда бўлган ва бўлаётган воқеаларни, Россияда сиёсий кучлар мувозанатининг тез-тез ўзгариб туришини бир ўйлаб кўрайлик. Ҳолбуки, эркинлик, демократия шиорлари остида юзага келган мазкур ҳоди-

салар асл демократиядан йироқ бўлиб, халқ, халқ ҳокимияти тушунчалари билан оломон, унинг жунбуш иродаси чалкаштириб юборилган эди. Бу сиёсий қалқишилар демократиянинг эмас, унга хассос ташналиқ, билмай-англамай ташланишнинг ҳосиласи, ободонлик келтирадиган ёғин арафасидаги талотўп тӯфонию қасиргалари эди.»

Мустақилликнинг ўн йили бизни кўп нарсаларга ўргатди. Бутунлай янги тарихий шароитларда бутунлай янги тажрибалар дунёга келди. Бу тажрибалар «Ўзбек модели» сифатида жаҳон демократик жараёнларини бойитмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 23 февралида бўлиб ўтган биринчи чақириқ биринчи сессиясида Президент Ислом Каримов мамлакатда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқларини кафолатлаш, энг инсонпарвар, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш хусусида гапирап экан «Ўзбекистон XXI аср остонасида» дастурини ишлаб чиқиш зарурияти ҳақида алоҳида тўхтаган эди. Орадан кўп ўтмай ана шу кенг тармоқли дастур Президентнинг ўз ташаббуси билан яратилди. Бугун кўлимизга теккан «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» деб номланган йирик илмий, назарий, таҳлилий асар Ўзбекистон давлат сиёсатининг бош дастури сифатида дунёга келди.

Президент И.Каримов демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини асосларини шакллантириш хусусида гапирап экан, дунё муаммоларини, дунё тажрибаларини, инсоният тараққиёти даврида тўпланган ижобий хулосаларни чукур ўрганади ва унга ўзига хос баҳо беради. Жумладан, у бугун жаҳон сиёсатида ҳар қандай зўравонлик ва куч ишлатишдан, ҳар қандай қурол-яроғ ва тазииклардан устун келадиган тафаккур дунёга келаётганини, энди ёқавайронлик, портлатиш ва қирғинбарот келтиришлар ибтидой ҳодиса эканлигини, «зўр бўлсанг ўзингни ақлининг билан кўрсат» қабилида иш кўрсатиш вақти келганлигини бошқалардан кўра чуқурроқ тушунди. Энди борган сари очиқлик, юзма-юз туриб фикрлашиш, муаммоларни музокаралар йўли билан ҳал этиш ва ана шу аёвсиз музокаралар пайтида соглом ақл-идрок тантанасига эришиш зарурлигини кўрсатиб бермокда.

Президент Ислом Каримов мазкур китобда мустам-

лакачилик ва ирқий камситишиликнинг йўқ қилинганини социализм ва коммунистик мағкуранинг зўравонлик даъволари барбод этилганлиги, жаҳон харитасида янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлганлиги, минтақалараро муносабатларда мувозанатнинг ўзгариб кетганлиги, аникроқ қилиб айтганда, жаҳон тараққиётида Осиё қитъаси мамлакатлари ролининг ошиб бораётганлиги XXI аср ижтимоий-сиёсий жараёнларининг ўзгариб боришига сабаб бўлишини чуқур таҳлил этади.

Муаллиф назарида демократик тараққиётнинг турли қадриятлари, тамойиллари ва меъёрлари такомиллашиб, «бир-бирини бойитиб, оммабоп тус олмоқда. Энди ана шу қадриятлар ер юзининг турли мамлакатларида турли халқлар ва миллатларнинг ягона, умуминсоний, умумбашарий қадриятларига айланмоқда. Зотан, инсон ер юзининг қайси бурчагида яшамасин, у энг аввало инсонлигини тушунмоғи лозим ва у инсон каби яшашга ҳақлидир. Ўзбекистон сиёсати назарида жаҳон тараққиёти ва демократия жараёнлари ана шунга асосланмоғи лозим.

Китобда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида фикр юритилар экан, қуйидагилар муҳим омил сифатида кўрсатиб берилади:

**Биринчидан**, муаллиф тасаввурода «Фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб у инсоннинг ўз-ўзини камол толтиришига монелик қилмайди, аксинча ёрдам беради».

Демак, жамиятда энг аввало қонун устувор бўлиши, барчанинг қонун олдида тенглигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ана шунда фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликлари тўла таъмин этилишига имкон яратиласди. Ҳар қандай камситишиларга йўл кўйилмайди ва инсон ҳёти тўла кафолатланади.

Демократия сиёсий ёки ҳукуқий ҳодисагина эмас, айни пайтда у юксак маънавият, бой маданият, шахс камолоти билан боғлиқ бўлган, ҳар бир фуқаро маънавий-ахлоқий ва руҳий ҳолатини белгилайдиган олий қадрият. Муаллиф демократик жараёнларни чуқурлаштириш хусусида гапирад экан, демократия эркинликларини, жамият маънавий қиёфасини ва шахс озодлигини ана шундай яхлит ҳолда, бир бутун жонли организм шаклида тасаввур этади.

**Иккинчидан**, демократияни чуқурлаштириш омил-

ларидан бири сифатида кўп партиявийлик ҳақида алоҳида тўхтагалиди ва ўз фикрини аниқ, лўнда қилиб ўртага ташлайди. Ҳеч қачон партиялар сони демократия кўламини, миқёсини, даражасини ва қадриятларини белгилай олмаслигини кўрсатиб беради. Турли ижтимоий гуруҳлар манфаатини ҳимоя қила оладиган турли партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари ўз Низоми доирасидагина ўз аъзолари манфаатини ҳимоя қилиши мумкин, холос. Бироқ, умумий манфаат — ҳалқ, жамият, мамлакат манфаати сингари энг олий ва энг қимматли эҳтиёжлар ҳам борки, бу барча сиёсий партияларнинг умумий йиғиндисидан, турли ва хилмажил қараашларнинг уйғунлигидан келиб чиқади. То ана шунга эришилмас экан, демократия шунчаки русумга айланиб қолаверади. Ана шундай нуқтаи назардан «Партияларнинг пайдо бўлиши, уларнинг сони, дастури, йўл-йўриклари ўзига хослиги ва ҳоказолар эса ижтимоий манфаатлар йиғиндиси ва жамланиши орқали табиий йўл билан белгиланмоғи керак. Сиёсий партиялар мавжуд бўлишининг асосий ва бирдан-бир принципи давлатнинг Конституциявий меъёрларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этишдан иборат бўлмоғи лозим», дейди И. Каримов.

**Учинчидан**, мухолифат ҳақида. Муаллиф тасаввуридан мухолифатнинг мавжудлиги демократик жамият учун зарурий ҳодиса ва нормал ҳолатdir. Бироқ, бу шахсий манфаатлар заминидан униб чиқсан, ўз орзу-умидларига эришиш учун интилган ёки жамиятнинг орзу қилинган амалларидан маҳрум этилган бир ҳовуч норози, нолинчоқ шахслардан иборат бўлган аламзадалар «армия»си эмас, аксинча, ташкилий жиҳатдан расмийлашган, ҳукуқий мақомга эга бўлган, Конституция ва амалдаги қонунларга бўйсуниб яшашни турмуш тарзига айлантирган, ўз хатти-ҳаракати билан давлат ва жамиятдаги барқарорликка масъул бўлган юксак даражадаги сиёсий маданият кўригидир.

**Ҳақиқий** мухолифат том маънода давлат ва жамият тараққиётiga ёрдам берадиган, ҳукумат фаолиятининг такомиллашишига кўмаклашадиган, конструктив, иммий ва амалий жиҳатдан асосли бўлган, ҳаётий жиҳатдан ҳалқ томонидан маъқулланган хulosалар билан яшайди. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

**Тўртничидан**, жамоатчилик фикрининг қай даражадалигини билиш, уни шакллантириш ва такомилластириш, жамият ва шахс, давлат ва фуқаро ўртасидаги

муносабатларни чукурлаштириш катта аҳамиятта эга. Бунда оммавий ахборот воситалари ролини ошириш зарур. Айниқса, ўтиш даврида, туб ислоҳотлар амалга оширилётган бир пайтда турли тоифа, савия ва дунё-қараашга эга бўлган халқ фикрини бир нуқтага жамлаш, уни асосий йўналишга буриб туриш ислоҳотлар тақдирини ҳал қиласиган энг муҳим омиллардан биридир. Шунинг учун ҳам матбуотнинг жамиятда туттан ўрни ва ролини аниқлаш, уни «тўртингчи ҳокимият» даражасига кўтариш зарур.

Эскича фикр юритиш, эскича тафаккур тарзи ҳамма вақт янгиликнинг йўлини тўсади. Унга гов бўлади. Президент Ислом Каримов: «Эски сарқитлардан жудо бўлиш, дунёқараашлар, психологиялар, турли даъволар ўргасидаги кўзга кўринмайдиган, лекин тинкани куриладиган курашлар билан бирга бормоқда. Ҳаётнинг ўзи ана шу дунёқараашлар, психологиялар, даъволар орасидан ўтишга мажбур қилмоқда», дейди.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон ана шундай мураккаб, зиддиятли курашлари орқали янги асрга қадам қўймоқда. Бу курашлар қанчалик қийин бўлмасин, эскича тафаккурни синдириш, янгиликни қабул қилиш қанчалик машаққатли бўлмасин, айни пайтда у миллионлаб кишиларни ўзига эргаштириб бормоқда. Келажакка қатъий ишонч билан қарамоқда.

\* \* \*

## *Мавзуга доир материал*

### *МЕН «ЭРК» ПАРТИЯСИНИ ТАРК ЭТДИМ*

*(материал қисқартирилган ҳолда берилмоқда)*

*Ҳа, ишонаверинг: Мен «Эрк партиясини тарк этдим. Асосий сабаби лўнда қилиб айтганда, мен ҳеч қаҷон «Эрк» партиясининг ҳозирги тактик йўлида турмаганман ва уни қўллаб-қувватламаганман.*

*Мен Муҳаммад Солиҳга қўйидагиларни айтмоқчиман:*

*Миллат ва юрт фидойиси бўлган ўнлаб, юзлаб ҳақиқий «Эрк»чилар туфайлигина сиз Муҳаммад Солиҳ бўлдингиз, ўз номзодингизни Ўзбекистон Президентлигига қўйдингиз, 1 млн. 200 дан ортиқ сайловчи сизга овоз берди. Ўзбекистон халқ депутати бўлдингиз... Бу ютуқлар сизни эсанкиратиб қўйди, сиз осмону фалакка чиқиб кет-*

дингиз. Сиз биз каби фидойиларга раҳматлар айтиши ўрнига еттинчи самодан туриб юзимизга тупураяпсиз.

Сиз ўзининг шахсий манфаатини партия ва халқ манфаатидан юқори қўядиган, мансаб ва ҳокимият оғушида ҳеч нарсадан тан тортмайдиган, кёрак бўлса бу йўлда фуқаролар қонини тўкиб бўлсада, раҳбарлик шоҳсупасига чиқши орзусида юрган, амбицияга берилган шахс бўлиб чиқдингиз. Суҳбатларимизда сиз ҳар доим «10—15 одамнинг қони тўкилса ҳам майли, бу халқнинг кўзини очади» дер эдингиз. Бу гапларнинг мағзини мана энди мен чақаятман. Яна бу жанобларнинг Ўзбекистонда демократия йўқ, инсоний ҳуқуқлар бўғилаяпти деб айюҳаннос солишганига ҳайрон қоласан киши. Сизнингча нима қилиш керак? Ўғрига ҳам, безорига ҳам, кўчада чангитиб юрадиган тўполнончига ҳам давлат ўйл қўйиб, ўзи томошабин бўлиб кузатиб қараб турса, шу демократия бўладими? Ёки демократия ҳокимият тенасига фақат Муҳаммад Солиҳ келсагина амалга ошган бўладими? Барча сиёсий партиялар ва ҳаракатлар Ўзбекистон қонунлари ва Конституция доирасидан чиқмасликлари, унга бўйсунишлари керак эмасми? Хусусан Президентлик сайловида ғалабани бой берган Муҳаммад Солиҳ, айниқса, ўз қадамишини одоб ва ахлоқ доирасида ўйлаб босиши керак эди-ку. Ҳали у ерда, ҳали бу ерда рухсат этилмаган митингларни белгилаш, Президентга қарши китобчалар чиқариш, депутатлик мандатини намойишкорона ташлаб чиқиб кетиши каби ҳаракатлар ақлли, фаросатли ва ҳаётий тажрибага эга бўлган кишининг ишими? Бу ҳаракатларни ҳар бир киши Муҳаммад Солиҳ Президент бўломагач аламидан қиласапти, деб ўйламайдими?

Икки оғиз «Эрк» ҳафтаномаси ҳақида. Бу ҳафтанома саҳифаларида Ўзбекистондаги ҳаёт фақат қора бўёқларда ёритилди. Ким ишонади бундай афсонага? Бу ҳам майли. Адолат, ҳақиқат ва тўғрилик «ҳимоячилари» бўлмиш «Эрк» таҳририяти ходимлари ҳафтанома саҳифаларида эълон қилинган мақолаларнинг қалам ҳақларини муаллифларга бермасдан ўзлари имзо чекиб олсалар бунга ким айбдор? Ҳукумат «Эрк»ка, ҳафтанома муҳарририятига раҳматлар айтиб, мукофотга тавсия этсинми? Ҳақиқатчи, адолатпарвар бўлсанг, олдин бу ишни ўзингдан бошламайсанми?

*Партияning омма ўртасидаги фаолият доираси то-  
райиб кетди, у сектага айланиб қолди. Қонуний савол  
туғилади. Партияning бундай ақволга тушиб қолиши ил-  
дизлари, унинг асосий сабаблари қаерда? Албатта, баъзи  
бир қалтабин сиёсатдонлар ҳамма айни ҳукумат ва  
Президент олиб бораётган сиёсатга түнкашлари мумкин.*

*Бироқ партияning ҳозиргидек оғир ва ачинарли бир  
ақволга тушиб қолғанлигининг энг асосий айбдори ва са-  
бабчиси деб партия раҳбариятини, унинг сиёсат майдо-  
нидаги нўноқлиги, йўл қўйган хато ва камчиликлардан  
хулоса чиқара билмаслик деб ҳисоблайман. Улар нима-  
лардан иборат? Бу аввало назарий савияning қашшоқли-  
ги, партиявий ташкилий ишларда саводсизлик, уқувсиз-  
лик, партиявий ташкилотчиликнинг йўқлиги, сиёсат бо-  
бига қалтабинлик, узоқни кўра билмаслик, ҳаётий таж-  
рибасизлик, ахлоқ-одоб ва оддий инсоний муаммолардаги  
нуқсонлар, қўполлик ва дағаллик, «сўл»ларча радикаллик,  
ўзидан бошқани тан олмаслик ва «мен» касалигига муб-  
талолик, маҳаллийчиликдир.*

*Бу санаб ўтилган камчилик ва нуқсонлар бир-бира  
билан ўта чамбарчас боғланган бўлиб, ўз фаолиятини  
миллат ва ҳалқ тақдирига бахшида этган «Эрк» демок-  
ратик партияси фаоллари учун хусусан унинг етакчиси  
учун кечириб бўлмайдиган ҳавфли камчилик ва нуқсон-  
лардир.*

*...Ўзингиз ўйлаб кўринг, етарли даражада ҳаётий  
тажриба ва назарий савияга эга бўлмасдан турраб, оппо-  
зицион партия фаолиятига раҳбарлик қилиш, уни бош-  
қариш мумкинми? Назария партияга жасият тараққи-  
ётининг объектив ривожланиши қонунларини пайқаш ва  
кўра билиш, ҳар қандай шароитда ҳам адашмасдан, янг-  
лишмасдан тўғри ва оқилона йўлни танлашга ёрдам бе-  
ради. У асосий стратегик йўлдан чекинмаган ҳолда тур-  
ли даврларда турлича тактик йўлни қўллаш имконияти-  
ни туғдидари.*

*«Эрк» партиясининг раҳбарияти эса ана шу назарий,  
ғоявий қашшоқлик оқибатида СССР мавжудлиги дав-  
рида ҳам, СССР қулагач Мустақил Ўзбекистон вужудга  
келган шароитда ҳам бир хил кураш тактикаси йўлини  
танлади. Объектив тараққиёт қонуни бу йўлни қабул  
қилмади, уни инкор этди. Ҳолбуки, партиямиз собиқ*

дингиз. Сиз биз каби фидойиларга раҳматлар айтиши ўрнига еттинчи самодан туриб юзимизга тупураяпсиз.

Сиз ўзининг шахсий манфаатини партия ва ҳалқ манфаатидан юқори қўядиган, мансаб ва ҳокимият оғушида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, керак бўлса бу йўлда фуқаролар қонини тўкиб бўлсада, раҳбарлик шохсупасига чиқши орзусида юрган, амбицияга берилган шахс бўлиб чиқдингиз. Сұхбатларимизда сиз ҳар доим «10—15 одамнинг қони тўкилса ҳам майли, бу ҳалқнинг кўзини очади» дер эдингиз. Бу гапларнинг мағзини мана энди мен чақаяпман. Яна бу жанобларнинг Ўзбекистонда демократия йўқ, инсоний ҳуқуқлар бўғилаяпти деб айюҳаннос солишганига ҳайрон қоласан киши. Сизнингча нима қилиш керак? Ўтрига ҳам, безорига ҳам, кўчада чангитиб юрадиган тўполнончига ҳам давлат ўйл қўйиб, ўзи томошабин бўлиб кузатиб қараб турса, шу демократия бўладими? Ёки демократия ҳокимият тепасига фақат Муҳаммад Солиҳ келсагина амалга ошган бўладими? Барча сиёсий партиялар ва ҳаракатлар Ўзбекистон қонунлари ва Конституция доирасидан чиқмасликлари, унга бўйсунишлари керак эмасми? Ҳусусан Президентлик сайловида ғалабани бой берган Муҳаммад Солиҳ, айниқса, ўз қадамишини одоб ва ахлоқ доирасида ўйлаб босиши керак эди-ку. Ҳали у ерда, ҳали бу ерда руҳсат этилмаган митингларни белгилаш, Президентга қарши китобчалар чиқариш, депутатлик мандатини намойишкорона ташлаб чиқиб кетиши каби ҳаракатлар ақлли, фаросатли ва ҳаётий тажрибага эга бўлган кишининг ишими? Бу ҳаракатларни ҳар бир киши Муҳаммад Солиҳ Президент бўлолмагач аламидан қиласапти, деб ўйламайдими?

Икки оғиз «Эрк» ҳафтаномаси ҳақида. Бу ҳафтанома саҳифаларида Ўзбекистондаги ҳаёт фақат қора бўёқларда ёритилди. Ким ишонади бундай афсонага? Бу ҳам майли. Адолат, ҳақиқат ва тўғрилик «ҳимоячилари» бўлмиш «Эрк» таҳририяти ходимлари ҳафтанома саҳифаларида эълон қилингандан мақолаларнинг қалам ҳақларини муаллифларга бермасдан ўзлари имзо чекиб олсалар бунга ким айбдор? Ҳукумат «Эрк»ка, ҳафтанома мұхарририятига раҳматлар айтиб, мукофотга тавсия этсинми? Ҳақиқатчи, адолатпарвар бўлсанг, олдин бу ишни ўзингдан бошламайсанми?

*Партияning омма ўртасидаги фаолият доираси төрайиб кетди, у сектага айланыб қолди. Конуний савол туғилади. Партияning бундай ахволга түшиб қолиши илдизлари, унинг асосий сабаблари қаерда? Албатта, бაззи бир калтабин сиёсатдоңлар ҳамма айбни ҳұкумат ва Президент олиб бораётган сиёсатта түнкашлари мүмкін.*

*Бирок партияning ҳозиргидек оғир ва ачинарлы бир ахволга түшиб қолғанлигининг эң асосий айбдори ва сабабчиси деб партия раҳбариятими, унинг сиёсат майдонидаги нұноказлиги, йўл қўйган хато ва камчиликлардан хулоса чиқара билмаслик деб ҳисоблайман. Улар нималардан иборат? Бу аввало назарий савияning қашшоқлиги, партиявий ташкилий ишларда саводсизлик, уқувесизлик, партиявий ташкилотчиликнинг йўқлиги, сиёсат бобида калтабинлик, узоқни кўра билмаслик, ҳаётий тажрибасизлик, ахлоқ-одоб ва оддий инсоний муаммолардаги нуқсонлар, қўполик ва дағаллик, «сўл»ларча радикаллик, ўзидан бошқани тан олмаслик ва «мен» касаллигига мубталолик, маҳаллийчиликдир.*

*Бу санаб ўтилган камчилик ва нуқсонлар бир-бира билан ўта чамбарчас боғланган бўлиб, ўз фаолиятими миллиат ва ҳалқ тақдирига баҳшида этган «Эрк» демократик партияси фаоллари учун хусусан унинг етакчиси учун кечириб бўлмайдиган хавфли камчилик ва нуқсонлардир.*

*...Ўзингиз ўйлаб кўринг, етарли даражада ҳаётий тажриба ва назарий савияга эга бўлмасдан турраб, оппозицион партия фаолиятига раҳбарлик қилиш, уни бошқариш мүмкінми? Назария партияга жасамият тараққиётининг объектив ривожланиши қонунларини пайқаш ва кўра билиш, ҳар қандай шароитда ҳам адашмасдан, янглишимасдан тўғри ва оқилона йўлни танлашга ёрдам беради. У асосий стратегик йўлдан чекинмаган ҳолда турли даврларда турлича тактик йўлни қўллаш имкониятини туғдиради.*

*«Эрк» партиясининг раҳбарияти эса ана шу назарий, гоявий қашшоқлик оқибатида СССР мавжудлиги даврида ҳам, СССР қулагач Мустақил Ўзбекистон вужудуга келган шароитда ҳам бир хил кураш тәктикаси йўлини танлади. Объектив тараққиёт қонуни бу йўлни қабул қилмади, уни инкор этди. Ҳолбуки, партиямиз собиқ*

**СССР шароитида ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш, Ўзбекистоннинг миллий мустақиллигини таъминлаш учун ўша даврдаги шароитдан келиб чиқиб курашган ва тўғри қилган эди.**

**Энди-чи? Ўзбекистон қонуний ҳукумат раҳбарлигидан ўзининг миллий мустақиллигига эришган бугунги кунда аҳвол қалай?**

Ўзбекистон ҳукумати, унинг Президенти бугунги кунда ўзбек тилининг ривожи ва равнақи учун жон куйдирмоқда, Ўзбекистоннинг миллий давлат мустақиллигини яна-да мустаҳкамлашга фидойилик қилмоқда. Бундай шароитда партиямизнинг оппозицион йўли қандай бўлиши керак? Унинг тактикаси, кураш усули-чи? Ахир биз ушбу масалаларда Президент билан ҳамфир, ҳамдард, якдил ва ҳамкор бўлишимиз керак эмасми? Биз ушбу масалаларда Президент атрофида уюшиб, республикадаги барча кучлар, сиёсий партиялар барча демократик ҳаракатлар ҳамкорлиги ва бирлигини таъминлаб КПСС ва СССРни тиклаш учун ҳаракат қилаётган кучларга қарши кураш жабхасини тузишшимиз лозим эмасми? КПСС ва СССРни тиклашни қўймаётган ва орзу қилаётган кучлар Ўзбекистонимизнинг ўзида ҳам, унинг ташқарисида ҳам бор эканлигидан ким кўз юма олади? Турли сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ҳар хил важ-корсонларни рўйкач қилиб, аравани ҳар томонга қуруқ олиб қочиб, миллий бирлик ва ҳамкорлигимизни, Ўзбекистоннинг миллий мустақиллигини хавф ва таҳлика остига қўймаётганликларига бугунги кунда ким кафолат бера олади??!

Биз ўтиши даврида турибмиз, Ўзбекистонимиз ўз давлат мустақиллигига эришган иттифоқчи республикаларнинг қайси бирида демократик жараённи йўлга қўйишидаги тажрибаси бизга ўрнак-намуна бўла олади? Россия тажрибасими? Балки минг-минглаб одамларнинг қирғин бўлишига сабаб бўлаётган Гуржистон, Арманистон ва Озорлар тажрибаси бизга намуна дир? Ёки қон-қондош қўшнимиз Тоҷикистон тажрибаси бизга қўл келадими? Йўқ, албатта. Биз ҳаётга очиқ кўз билан қарамогимиз керак. Мураккаб тарихий бир ўтиш жараённида ақл ва фаросат билан иш тутиш лозим. Бу ўринда доно ҳалқимизнинг «етти ўлчаб бир кес» деган нақлига амал қиласилик. Ҳалқимиз учун бугунги ўтиши даврида объектив ва

субъектив сабабларга кўра мавжуд бўлган қийинчилик-лардан кўз юммаган ҳолда истиқболи улуғ ва қудратли Ўзбекистонимизни барпо этиши ишончи билан нафас олайлик. Бунинг учун ҳозирги кунда олдимизда фақат битта йўл бор, у ҳам бўлса, миллий ҳамкорлик йўлидир. Ана шу ғоя атрофида бирлашмас эканмиз, баъзи бир гина-кудуратлар билан аравани турли томонларга олиб қочар эканмиз, келажаги буюк ва қудратли мустақил Ўзбекистонга кўз тикиб бўлмайди.

Энди иккинчи энг муҳим масала — партияning ўзи ҳақида нима дейиш мумкин? Партиямиз раҳбарияти партияning ўзи нима эканлигини яхши биладими? Партия ягона маслак, ягона дунёқараши ва ғоялар бирлиги асосида шаклланган фидойи кишилар йигиндиси эканлигини, барча партия аъзолари учун бир хил интизом бўлишилигини, партия фаолияти демократик жараён асосида қурилиши, танқид ва ўз-ўзини танқид партия ривожи учун ғоятда катта аҳамиятга эга эканлигини раҳбарият тушунадими? Агар тушунса, нега бу партия фақат бир кишининг партияси бўлиб қолди?

Партия раиси Муҳаммад Солиҳ хорижий мамлакатларда юриб «Озодлик» радиосидан ташқари турли хил доираларда ўтказган савол-жавоб, маъруза ва мулоқотларида Ўзбекистонга, ҳукумат ва Президентгагина тош отиш билан кифояланганни йўқ. У энди партиядаги ўз сафдошларига ҳам қарши кураши бошлади. Ўзга мамлакатларда юриб, партия Марказий Кенгаши сайлаган шахсни лавозимидан бўшатиб, яқинда Ўзбекистон Олий судида «Миллий мажлис» деган жиноиий иш бўйича судланган Отаназар Ориповни Бош котибликка тайинлаш тўғрисида буйруқ чиқарибди. Ҳамма нарсани чет мамлакатда туриб, Муҳаммад Солиҳнинг якка ўзи ҳал қиласидан бўлса, бутун бошли партиядан у устун турса ўз-ўзидан қонуний савол түғилмайдими: қурултой чақириб партияning Марказий Кенгashi-ю, бошқарув ҳайъатининг сайланishining кимга кераги бор? Бугунги кунда «Эрк» партиясининг шиори «Солиҳ деганимиз — партия демак, партия деганимиз — Солиҳ демакдир» бўлиб қолди.

«Мен» касалига мубтало бўлган «Эрк» демократик партияси Марказий ҳайъати раҳбариятида ин қуриб ол-

ган бундай фўр ташкилотчилар туфайли партия кейинги пайтларда оммадан, ҳалқдан ажралиб қолди. Унинг сафларини миллат — юрт ва Ўзбекистон манфаатларини ўйлаб, «Эрк» партияси Дастуридаги мақсад ва вазифаларни амалга ошириши нияти билан келиб кирган кўплаб партия аъзоларининг ҳафсалалари тир бўлиб тарк этдилар. «Эрк» демократик партиясининг IV қурултойига қадар илгариги қурултойда сайланган Марказий ҳайъат аъзолари таркибидан деярли ҳеч ким қолмади. Ҳайъат амалда ўз фаолиятини тўхтатди. Назарий халтаси бўш, сиёсатда калтабин, бутун қалбини маҳаллийчилик оғуси заҳарлаган бундай маслаҳатчиларга таянган партия раиси Муҳаммад Солиҳнинг аҳволини энди тушунса бўлади, албатта.

У партия қурултойидан нега қўрқди? Партия қурултойи партия фаолиятини тўхтатиб қўйди, деб қўрқдими? Йўқ, албатта. Муҳаммад Солиҳни партияянинг тақдиди унинг келажак олдидаги, миллат ва ҳалқ олдидаги истиқболи заррача бўлса-да, қизиқтирган эмас. Муҳаммад Солиҳ бу ерда ҳамма нарсадан ўз шахсий манфаатини устун қўйди ва фақат ана ўша манфаат унинг оромига тинчлик бермади: мабодо чарх тескари айлануб кетса-ю, навбатдаги муддатда қурултойда партияянинг раислигига сайланмай қолса-я? Унда нима бўлади? Унда Муҳаммад Солиҳ хорижий мамлакатларда юриб ўз юрти Ўзбекистон шаънига, унинг ҳукумати шаънига уйдирма, ёлғон-яшиқ ва бўхтонларни айтиш имкониятидан маҳрум бўларди. «Эрк» демократик партиясининг бугунги кунда боши берк кўчага ва танг аҳволга тушиб қолганинги энди тушунгандирсиз. Бу партия ўзида оддий бир марказни, унинг ташкилий ишини йўлга қўя олмагани ҳолда қандай қилиб ташкилий уюшган сиёсий куч сифатида Ўзбекистон миқёсида оппозицион йўл тутуб майдонга чиқадиyo, ҳокимият учун даъвогарлик қиласди?

Юқорида айтилган фикр ва хуносаларни якунлаб мен шу нарсани қайд қилмоқчиман:

— Мен «Эрк» демократик партиясига Муҳаммад Солиҳ шахсини улуғлаш учун кирган эмасман. Партия раиси Муҳаммад Солиҳнинг бугунги кундаги ҳокимият учун кураш усули менга маъқул эмас ва «Эрк» демократик партиясидан чиққанлигимни билдираман. Чунки мен

ҳеч қачон анархия йўлини, миллатни бебошларча иккига бўлиб бир-бирига қарама-қарши курашга чорловчи йўлни қўлламаганман ва бу йўлни миллат ва юрт тақдири учун энг хавфли ҳамда фожиалий йўл деб биламан.

*Шоди КАРИМОВ,  
халқ депутатлари Тошкент  
шаҳар Конгани депутати,  
«Эрк» демократик партияси  
Тошкент шаҳар ташкилотининг  
собиқ котиби, профессор.  
(«Халқ сўзи» газетаси.  
1993 йил 27 октябрь).*

## 2. VIII СЕССИЯ: ТЎНТАРИШГА ДАЪВАТ

1991 йилнинг охирлари Ўзбекистон мустақиллигининг энг таҳликали, изтироблар ва оғир кечинмалар жўш урган даври эди. Ҳали Москвада собиқ иттифоқни сақлаб қолиш илинжида юрган сиёсий арбобларнинг жазавалари тутган, асабий ва тунд кайфият хукмронлик қилаётган, келажакдан умидлари катта бўлган бир пайтлар эди. Ана шундай зиддиятли бир пайтда Ўзбекистонда мустақилликни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, унинг хукуқий асосини яратиш борасида жиддий ишлар амалга оширилаётган эди.

Собиқ иттифоқ тарқалиши арафасида турли мишишлару гап сўзлар, сиёсий ивғогарликлар авж олди. Биринчилардан бўлиб ўз мустақиллигини эълон қиласган Ўзбекистон гўёки, фақат иттифоқ таркибидагина кун кўриши мумкин. У ҳеч қачон мустақил давлат бўла олмайди, мустақил тараққиёт йўлидан бора олмайди, охир-оқибатда эса Москва марҳаматига мажбур бўлади, деган фикрлар мавжуд эди.

Бундай мунозараларнинг бўлиши табиий эди. Чунки, узоқ йиллар Москвага қарам бўлган, халқи камситилган, унга ношуд-нотавон, ўз тақдирини ўзи белгилашга қодир бўлмаган мавжудот сифатида қаралиб келингандилиги сабабли, Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қиласган, «улуг оға»ларнинг таажжуби ошди. Бирорқ, бу ташки ғанимларнинг шунчаки дийдиёси эди, холос.

Энг ёмони ички парокандалик. Бу ниҳоятда оғир ва

сурункали касаллик. Уни фақат анча-мунча асаблар ва ҳаёт-мамот кураши эвазигагина даволаш мумкин. Аксарият ҳолларда эса, ички парокандалик сиёсий бекарорликка айланиб кетиб, бутун жамиятни остин-устин қилиб ташлайди. Минглаб одамларнинг ёстигини курилади, миллат кушандаси сифатида илдиз отади ва уни йиллар мобайнида кемириб ташлайди. Ана шундай халқ бошига қирон келтирувчи ҳодисалар Ўзбекистонда ҳам мавжуд эди.

Демократия ўйинлари авж олган бир пайтда ўзини кўз-кўз қилишга ишқивоз бўлган сиёсий арбоблар ҳам майдонга чиқишиди. Уларнинг айримлари турли мансаб пиллапояларидан тез-тез кўтарилиб ҳукуматнинг энг юқори курсиларини эгаллашга ҳам улгуришди. Ўзларини мавжуд сиёсатга садоқатли, ҳукуматта эса фидойи қилиб кўрсатишиди. Булар орасида узоқ йиллар партия ва шўро идораларида фаолият кўрсатган Шукурулло Мирсаидов ҳам бор эди. У янги ҳукумат таркиби сайлангаётган пайтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раислигига муқобиллик асосида сайланган эди.

Шундай қилиб, демократик асосда Парламент йиғилишида ишлаб турган раис ва Ш. Мирсаидов номзоди кўрсатилди. Номзодга сўз берилгач, у ўзининг нуктадонлигини ошкора намойиш этди. Депутатлар олдида баландпарвоз ваъдалар берди. «Икки йил қичида бутун мамлакатни газлаштиришга ва аҳолини тоза ичимлик суви билан тўла таъминлаш»га сўз берди. Номзод ўзининг даҳанаки «дастури»да йиллар мобайнида совет ҳокимияти ҳукмронлиги пайтида тўпланиб қолган энг оғир муаммони ҳал этиш сингари ҳалқимизга хуш ёқадиган, унинг кундалик турмушига мадад бўладиган масалани кўтариб чиқди. Кейинроқ маълум бўлдики, худди ана шу масалани кўтаришда айёрлик қилган ва вазиятдан фойдаланиб, республиканинг энг юқори мансаб курсиларини эгаллашга ҳаракат қилган.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор эди. Дарҳақиқат, Ш. Мирсаидов узоқ йиллар пойтахт шаҳар Ижроия қўмитаси раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси бўлим мудири, Давлат режа қўмитаси раиси сифатида раҳбарликда обдон чиниқсан. Унда бош-

қарувнинг паст-баландини яхши ўзлаштирган ва энг муҳими ўзининг ваъдаларига одамларни ишонтира оладиган даражадаги устомонлик ва уддабуронлик бор эди. Чапанисифат феъл-автори, масалани кескин кўйиши гўёки уни мард ва жасур қилиб кўрсатар эди. Балки Ш.Мирсаидовнинг ана шу жиҳатларини назарда тутган ҳолда, мамлакатнинг ва халқнинг энг оғир пайтларида юқори табақа раҳбарларининг довдираб қолганилиги, иккиланиб ишлаётганлиги, позицияларидағи той-ишларни ҳисобга олиб, нима бўлса ҳам аникроқ ва дадилроқ ҳаракат қиласидиган бир шахс зарурлиги боис у кўпчилик овоз билан Вазирлар Кенгashi Раислигига сайданди.

Лавозимни эгаллагач, янги раиснинг асл қиёфаси очила борди. Сессияда берилган ваъдалар чиппакка чиқа бошлади. Аникроғи хукумат раиси сўз билан иш бирлигини кўрсата олмади. Амалий фаолиятида такаббурлик, калондимоғлик, ўзига бино қўйиш иллатлари бўртиб кўринди.

Ўзбекистон мустақиллIGINИ Эълон қилиш, уни мустамлакачилик исқанжасидан қутқариб олиш жараёнлари қанчалик таҳликали эканлиги китобхонга аён. Олий Мажлиснинг 1991 йил 31 августда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида мамлакат Президенти Ўзбекистонни мустақил деб эълон қилиш таклифини киритганда зал гўё музлаб қолган эди. Президент «Нима, мустақилликдан чўчияпсизларми, нега қарсак чалмайсизлар?» деганидан сўнгтина депутатлар бир қалқиб тушишди ва залда гулдурос қарсаклар бошланди.

Москвада қон тўкилаётган, Марказ бутун вужуди билан иттифоқдош республикаларга тазийқ ўтказаётган, зуфум ва зўравонлик билан улар жиловини тортиб турган бир пайтда, унга қарши қўл кўтариш, мамлакат рулини бутунлай тортиб олиш ва ҳаракатдаги машинага сакраб чиқиб олиш чиндан ҳам жасорат эди.

Мустақиллик эълон қилингач, орада писиб ўтириб, зимдан ишлаётганлар аста-секин бош кўтардилар. Энди ўзларини истиқдол қаҳрамони, мустақилликнинг жарчиси, мамлакатни бошқаришда «нодир истеъдод» эканликларини кўрсата бошладилар. Бутун масъулиятни зиммасига олиб, ҳаёти ва оиласини хавф остида

қолдириб, мустақилликни эълон қилганларга очиқдан-очиқ қарши чиқдилар.

Жумладан, мамлакатнинг юқори поғонадаги раҳбарлиги ҳавоси ёқиб қолган Ш. Мирсаидовда кўп ўтмай худди ана шундай — мустақил мамлакатта тўла раҳна-мо бўлиш истаги пайдо бўлди. У энди Вазирлар Маҳкамаси Раиси бўлгунга қадар ва сайлов пайтида ҳам «Мен Президент Ислом Каримов сиёсатига содикман, ҳаммамиз унинг атрофида бирлашиб ишлашимиз керак, бир ёқадан бош чиқариб мамлакатимиз равнақи учун курашишимиз керак», деган гапларини унуди. Энди унинг ҳақиқатдан ҳам мамлакат «хўжайини», миллат «отаси» бўлгиси келди.

Ш.Мирсаидов феъл-атворидаги кибру ҳаво, манманлик айни пайтда енгилтаклик билан қоришиб кетган эди-ки, бу вақти-вақти билан ўзини ўзи фош қилиб кўяр эди. Унинг мамлакат телевидениеси орқали бир чиқишини одамлар ҳамон эслашади. Ўшанда Ш. Мирсаидовга телетомошибинлардан бири «Бензин жуда қиммат бўлиб кетди, машина ҳайдаш осон бўлмаяпти, нарх-навонинг бундай кўтарилишига сиз қандай қарай-сиз?» деган савол берди. У киши истеҳзо билан «Ийтгитнинг бойваччаси машина минади-да» дедилару, саволга жавоб берган бўлдилар. Ана шу биргина сўзнинг ўзи ҳукumat раҳбарининг маънавиятини, сиёсий етуклик даражасини, халқ олдидаги масъулиятини белгиламайдими?!

Ш.Мирсаидов ўзининг мана шу чиқиши билан минг-минглаб қийналиб яшаётган халқнинг қалбини жароҳатлади, кўнглини ҳаётдан ҳам, сиёсатдан ҳам, ҳукуматдан ҳам совитди, ўз обрўсига путур етказди. Дарҳақиқат, истиқлол арафаси ва ундан кейинги йиллар халқ ҳаётининг энг оғир ва мудҳиш кунлари бўлди. Фақат чин маънодаги истиқлол тарафдорларигина ана шундай оғир пайтда барқарорликни сақлай олишди. Мамлакатни ҳам, халқни ҳам тараққиёт йўлига чиқариб олишди.

Вақт ўтгани сайин мансабга интилиш касаллиги тобора хуруж олди. Натижада Ш. Мирсаидов энди атрофига одам тўплаш, ўз «команда»сини тузиш ва шу йўл билан очиқдан-очиқ мавжуд сиёсатга қарши чи-

қиши йўлини танлади. Бунинг бирдан-бир чораси Олий Кенгаш депутатларидан иборат гурӯҳ тайёрлаб парламентта ишончсизлик билдириш, шу йўл билан Президентлик лавозимини эгаллаб олиш эди ва шундай қилишга ҳаракат ҳам қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18—21 ноябрь кунлари бўлиб ўтган сессияси Ўзбекистон тарихида алоҳида воқеа сифатида муҳрланди. Айни ана шу сессияда Ш. Мирсаидов ва унинг гумашталари очиқдан-очиқ бош кўтардилар. Турли томондан сўз олиб, сессия кун тартибини бузиш, унга кўшимчалар киритиш баҳонасида турли, бир-бирига тўғри келмайдиган муаммоларни кўтариб чиқишига интилдилар. Тўғридан-тўғри Президентга хужум қилдилар. Масалага аниқлик киритиш учун Олий Кенгашининг ўн тўртинчи чақириқ VIII сессияси стенограммасини айрим қисқартишлар билан дикқатингизга ҳавола этамиз.

«Т.Жўраев: — Ўртоқлар, кун тартибига иккита кичкина масала қўшмоқчиман. Биринчиси, митинглар масаласи хусусида. Бизнинг ҳалқимиз азалдан митинглардан қайтариб келинган, сиёсий онги онгли равишда ўстирилмаган. Очигуни айтиш керак, биламизки, шу вақтга қадар биз колония эдик. Бизнинг «манқурт» бўлиб қолишишимиздан «хўжайинларимиз» манфаатдор эди. Шу вақтгача бизни ҳар томондан «туяning устидиа им қопиб» келди. Энди вақти келди. Мен ўйлайманки, ўзимиздан чиққан раҳбарлар ҳам ҳалқни ўз дардини айтишидан тиймаслиги керак. Ҳалқимиз раҳбарларга хатосини кўрсатсин, ўз дарду-ҳасратини айтсан. Айрим пайтлар ўйлаб қоламан. Эркин Юсупович айтгандай «ҳалқимиз қўйдек тарбиялаб» қўйилди. Алам қиларкан «қўйнинг» фарзанди бўлган биз ҳам «қўйдек» бўлиб қолаяпмиз. Мен «Ташаббус» гурӯҳи номидан Ўзбекистон Конституциясининг 48-моддасига биноан қуийдагича таклиф киритмоқчиман. Шу моддани ўзимиз тасдиқлаган энг охирги Ўзбекистон Конституциясидан тўлиқ ўқиб берсам:

«Ҳалқинг манфаатларига мувофиқ ва социалистик тузумни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадларида Ўзбекистон ССР гражданларига сўз, матбуот, йигилишлар, митинглар, кўчаларда намойишлар қилиб юриш

*эркинлиги кафолатланади. Бу сиёсий эркинликларни амалга ошириш, меҳнаткашларга ва уларнинг ташкилотлари га жамоат бинолари, кўчалар ва майдонларни бериб қўйиш, ахборотни кенг тарқатиш, матбуот, телевидение ва радиодан фойдаланиш имкониятларини бериб қўйиш билан таъминланади».*

*Биз бўлсан, ўртоқлар, Конституцияга тескари иш қилиб ўтирибмиз. Бутун ҳуқуқни Раёсатга бердик. Раёсат бўлса митингларни тақиқлаш таклифини қўйди. Биз эса уни тасдиқлаб юбордик. Энди матбуот конференцияларида одамлар савол берса, биз айборд бўлиб ўтирибмиз. Мен «Ўзбекистонда митинглар ва намойишлар ўтказилишини таъқиқлаш тўғрисида»ги Қарорни бекор қилиш масаласининг кун тартибига киритилишини таклиф қиласман.*

*Иккинчи масала, бизнинг республикада қонунлар бажарилмаётганлигини тан олиш керак, ўртоқлар. Мен Қонунчилик комитетининг аъзосиман. Лекин ҳозир Қонунчилик комитети номидан гапираётганим йўқ. Мени танқид қилмоқчи бўлган ўртоқлар шуни ҳисобга олсинлар.*

*Ишим юзасидан республиканинг кўзга кўринган ҳуқуқшунослари билан гаплашиб тураман. Уларнинг хуносаси асосида ўз фикримни билдириб, шуни айтмоқчиманки, ҳатто депутат Шовриқ Рўзимуродовга нисбатан ҳам ноҳақлик бўлди. У жиноят қилгани йўқ. Унинг айби раҳбарларни ҳақорат қилганлиги. Бу айбнинг чораси штраф санкциясига тўғри келади. Мен бир ўзим номидан эмас, балки «Ташаббус «гуруҳи номидан кун тартибига Рўзимуродовни шу ерга келиб, айбини бўйнига қўйиш масаласи киритилишини таклиф қиласман. Овозга қўйишнингизни талаб қиласман.*

**Ж.Маматов:** — *Муҳтарам дўстлар! Ҳозирги Инсон ҳуқуқлари Декларацияси устида бўлган тортишувнинг ўзи бизда инсон ҳуқуқлари кўп поймол қилинишининг далолатидир. Ахир Шовриқ Рўзимуродов бизнинг оила аъзомизку. Бугун мени бошимга тушади. Бу кулфат эртага Шовриқнинг, индинга бошқанинг бошига тушади. Лекин ҳозир мана шу ерда ўтириб «қарши» овоз берадиганларнинг бошига ҳам мана шу нарса тушади. Энди бироз ўрганишимиз керак. Бутун мамлакатда айтилаяпти, инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинган жойдагина демократия бўла-*

*ди. Инсон ҳуқуқлари поймол этиладиган жойда ҳеч қандай тараққиёт бўлмайди.*

*Ислом Абдуганиевич, Сиз бу дунёга устун эмассиз ёки Ўзбекистонни сизнинг онангиз яратган эмас.*

**Б.М.Мустафоев:** — Ўзбекистон Бош Прокурори: — Конун талабига асосан Олий Совет Президиумининг розилиги билан жиноий жавобгарликка тортши, қамоққа олиш масаласи ҳал этилган. Тергов ўтказилди. Йини суд кўриб чиқди. Суднинг ҳукми билан жазоланди. Республика Олий Судининг коллегияси ҳам бу ҳукмни тасдиқлади. Мана шу залда ўтирган депутатларнинг тергов ва суд идоралари тўғрисида қабул қилган ҳужжатларга асосан шундай тўхтамга келинди.

*Хурматли депутатлар! Қонунда судланиб, жазони ўтаган шахсни юзлаштиришга олиб келиш мумкин деган қоида йўқ. Ҳукмнинг охирги қисми тўғрисида сизларга тушунтириш бериш учун республика Олий Судининг Раиси сессия охиррида сўз сўрашга тайёргарлик кўрмоқда. Ҳукм чиққандан кейин Олий Суднинг ахбороти депутатларга маълумот тариқасида баён этилади. Суднинг ҳукмини Парламент текшира олмайди. Суднинг ҳукми устидан Парламент ҳукм чиқара олмайди. Ҳаракатдаги қонунни шу Парламент қабул қилган. Агар Парламент суднинг ҳукмига бирор талаб қўядиган бўлса, жиноят кодексининг тегишли моддаларини бугун ёки эртага янгилаб, диспозициясини ҳам, санкциясини ҳам бутунлай йўқ қилмагунча суднинг ҳукми Парламентда кўриб чиқишига тегишли масала бўлмайди.*

**Ш.Нусратов:** — Агар сиз билан бизнинг тасдигимиздан ўтмаган Раёсатнинг қарорини ҳисобга олмасак, ҳамкасбимиз, ҳалқ депутати уч ойдан ортиқ вақт давомида гайриқонуний равишда қамоқда сақланмоқда. Бунинг мазмуни шундаки, агар Президент хоҳлаб қолса, ҳаммамизниң ҳам тақдиримиз худди ана шундай бўлиши мумкин. Президент нимани хоҳлагани ҳаммамизга аён. Рўзимуродовни у қаматтирган. Мен бу масалани сессия кун тартибига киритишни таклиф қиласман ва депутат Рўзи-муродовни дарҳол, шу бугуноқ ҳибсдан озод қилишини талаб қиласман. Уни шу ерга келтиришини талаб қиласман.

**Раислик қўлиувчи:** — Регламентга бўйсунишингизни илтимос қиласман...

**Ш.Нусратов:** — Менга халақит қилманг. Мен фикримни охиригача айтаман, барибир.

Мен Конституцион назорат қўмитасининг раиси академик Шавкат Закариевич Ўразаевга мурожсаат қилмоқчиман.

Шавкат Закариевич, бизнинг халқимиз сизга маълумот берди. Сизни академик даражасига кўтарди. Шу кунгача нимага эришган бўлсангиз ана шу халқимиз туфайли эришдингиз. Депутатлар ҳеч нарсага эътибор қилмай, сиз туб миллатга мансуб бўлмаганингизга қарамай сизга самимий ишонч билдириб, ҳақиқий байнамилалчилик кўрсатиб, сизга конституцион ҳуқуқларни ҳимоя қилишини ишониб топширдилар. Бу ишончни оқлашингиз керак. Конституциявий назорат қўмитасининг холосасисиз бу депутатлар узил-кеси бир қарорга кела олмаслигини сиз яхши биласиз. Конституция талаблари шундай. Агар Конституциявий назорат қўмитаси ана шу масала юзасидан Конституция бузилган деб эътироф этса, Президент ишдан кетиши керак.

Республика Миллий Хавфсизлик Хизматининг Раиси Алиевга, Республика Прокурори Мустафоевга, Олий Кенгаш Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитасининг раиси ўртоқ Ҳалиловга мурожсаат қиламан.

Эркин, юрист сифатида ўз фикрингни айтгин. Сизлар ҳам, ўртоқлар, юрист сифатида ўз фикрингизни айтинг. Ҳозироқ, дарҳол ўз фикрингизни айтишингиз керак. Тўрттовингиз ҳам ҳозир тўғри йўлни танлаб олишингиз керак. Сизлардан илтимос қиламан.

Депутатлардан менинг қуийдаги таклифларимни қўллаб-қувватлашларини илтимос қиламан.

Конституциявий назорат қўмитасига ҳозир танаффус вақтида менинг юқорида эслатилган Фармон ва депутат Ш. Рўзимуродовга доир таклифларим Конституцияга қанчалик мувофиқ келишини аниқлаш топширилсин. Қўмита «ҳа» ёки «йўқ» деган жавоб берishi керак. Мен ана шу тўртта шахсадан ўз фикрини бевосита ҳозир айтишини талаб қиламан, токи халқимиз билсин, улар профессионал юристларми ёки йўқми?! Мен сизларга «юриш» қилмоқдаман. Ўзбекистон Республикаси депутат-

ларидан менинг таклифларимни қўллаб-қувватлашлари-ни илтимос қиласман.

Шу залда ўтирганлар демократия ёки диктатура-нинг иккаласидан бирини танлашлари лозим. Учинчи йўл йўқ.

**И.А.Каримов:** — Мен ўртоқ Нусратовга қисқача маълумот бериб ўтишни лозим топдим. Чунки у киши жуда қизишиб, ҳаяжонга берилиб гапирдилар. Ўртоқлар чамаси ушбу сессияга жуда тайёргарлик кўриб келганга ўхшайдилар. Бир-бирларини ўзаро қўллаб-қувватлашлари шундан далолат бермоқда. Гап шундай бўлаяптики, айрим ўртоқлар катта тайёргарлик кўриб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумхалқ сайловига доир масалага депутат Рўзимуродов масаласини, шунга ўхшашиб ёки масалаларни ҳам аралаштириб юбормоқчи. Лекин, қўйилаётган таклифларни инкор этмасдан шошилмай ҳаммасини оидинлаштириб олишишимиз керак. Ўртоқ Нусратов дахл қилган масалалардан бири КГБ ҳақида бўлди. Бу хусусда мен маълумот беришим албатта шарт. Депутат Нусратов менинг шаънимга оғир гап қилмасдан, оддий сўров қиласа ҳам бўларди. Олдин менинг фикримни билиб, кейин хулоса чиқарса маъқул бўларди, деб ўйлайман. Негаки, ҳозир залда бўлаётган қарама-қаршилик ҳеч бир яхши нарса бермайди. Аксинча, эртага бошқа республикаларда бўлаётган оқибатларга олиб келади. Демократия ёки ўлим деган масалани қўйишнинг ҳожати йўқ. Ҳар қандай масалани, шу жумладан демократияга тегишили масалани ҳам хотиржам кўриб чиқса бўлади. Бир-бirimizning шахсимизга тегмасдан чуқур ўйлашимиз керак.

КГБ масаласи кўпчилик учун янгилик эмас. Мамлакатда КГБ тизими тўкилиб кетмоқда. Шу нуқтаи назардан Украина Республикаси яқинда бир қарор қабул қилдики, ўртоқ Нусратов шу қарорни ҳам ўқиб чиқса яхши бўларди. Бу қарор, ўртоқ Нусратов ука, шу тўғридаки, 1 декабрда Украина Президенти сайлангунга қадар хавфсизлик хизмати Олий Кенгаш бўйсунуvida бўлади. Шу жиҳатдан олганда, мен Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида демократияга ҳеч қандай хиёнат қилганим йўқ. Бу масалани бир кўриб чиқишишимиз мумкин. Чунки менга ҳам ортиқча юк керак эмас. Хусусан

*Хавфсизлик хизматини Олий Кенгашига ҳам бўйсундиришимиш мумкин. Бу ҳеч гап эмас. Лекин бу хизматнинг иши масалани шундай оператив ҳал қилишини талаб қила-дики, комитет бир соат, ярим соатда қарор қабул қилиши керак. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг суверенитетига раҳна солинган пайтларда. Агар депутатлар Хавфсизлик хизматини Президент бўйсунувидан олиб Олий Кенгаши бўйсунувига беришга рози бўлсалар ёки бошқа таклиф киритсалар мен жоним билан розиман. Яна қайтараман. Агар сессия Хавфсизлик хизматини Олий Кенгаши бўйсундирайлик деса, мен жони-дилим билан розиман. Ука, ўртоқ Нусратов, масалани шу тарзда қўйиш керак. Бунинг тоталитар тузумга ҳеч қандай алоқаси йўқ ва бунга интилиш ҳам эмас.*

*Иккинчи масала Рўзимуродов тўғрисида бўлди. Бу жиҳатдан олганда таклифингизни овозга қўйишнинг ҳам ҳожжати йўқ. Рўзимуродовга доир қанча қўшимча маълумотлар бериш керак бўлса, шу бугуноқ берилади. Олий Суднинг каттаси, Конституцион суднинг каттаси ва бошқаларга топшириқ берсакда, куннинг охирида ёки ўзлари тайёр бўлган вақтда сизларга ахборот берсин...*

*...Шухрат Нусратов бу ерда катта масала қўймоқда. Агар Президент Конституцияни бузса, лавозимидан четлатилиши керак, демоқчи. Ўртоқ Нусратовнинг астайдил нияти ана шу. Агар мен нотўғри Фармон берган бўлсан, эртага Каримовни Президентликдан чақириб олишга асос бўлиши керак. Ўртоқ Нусратов, очиқ-ойдин гапириш керак: Гап шундаки, Президент қонунни бузганми ёки йўқми? Масала шу тарзда қўйилмоқда. Масалани бу тарзда қўйиш нотўғри деб биламан. Бу қонунни бузиш эмас. Агар Конституцион назорат кўмитаси Фармоннинг мазмунини ўзгартириши керак деган холосага келса, мен розиман. Лекин ҳозир гап бошқа нарсада. Пухта тайёргарлик кўрган ўртоқлар у ёқдан бу ёқдан олиб келиб, Каримов диктатор бўлди деб, эртага уни лавозимдан озод қилиши масаласини овозга қўйиш мақсади кўзланган.*

*М.Т.Зоҳидов:— Ўртоқлар, бугун Мирсаидов масаласи ўртага қўйилмоқда. Мен бу масала ҳам кун тартибига киритилган деб ҳисоблайман. Мен яқинда республикамиз партия ташкилотида муқаддам жуда юқори лавозимни*

әгаллаган бир одам билан сұхбатлашдим. Сұхбатдошим Анатолий Степанович Ефимов бўлган. Ефимов «Мирсаидов ҳокимиятни қўлга олишга интилоқда» деб айтди. Ўртоқлар, бу жуда жиiddий масала. Чунки бизда раҳбарликда турли ихтилоф бошлиномоқда. Депутатлар орасида ва нафақат депутатлар, балки мени депутат этиб сайлаган Университет сайлов округида талабалар ўртасида турли хил миши-мишлар юрибди. Мен депутатлар эътиборига ана шуларни маълум қишлоқчи эдим. Сўзимнинг охиррида Президент фаолиятига доир масала кун тартибига киритилишини яна бир марта талаб қиласман.

**Ш.Р.Мирсаидов:** — Хурматли ўртоқлар! Энг аввалим-бор ҳаммангизни ҳамжиҳатлик ва бирликка чақирмоқчиман. Чунки ҳаммамизнинг орқамизда ҳалқ турибди. Агар биз ҳамжиҳат бўлмасак, бир-биримизни қўллаб-қувватламасак, ҳалқ бизни кечирмайди.

Энди бояги масалалар бўйича. Сиз ҳозир ўртага қўяётган масалани мен бир йил олдин айтганман. Президентни ҳалқ сайлаши керак, деган таклиф киритганман. Ана шунда хурматли Ислом Абдуғаниевичга ҳам ҳозир, ҳалқ ҳаммамизни қўллаб-қувватлаб турган вақтда Президент сайловини ўтказиб олсан яхши бўларди, деб айтганман. Кейин қийин бўлиши мумкин. Ислом ака бу таклифни менинг номимдан Президентлик Кенгашига олиб чиққанлар. Буни ҳам бўйинга олиш керак. Кенгашида айрим хушиомадгўйлар, келажакни кўра билмайдиганлар бу масалани ҳозир кўтарсак, ҳалқ иккига бўлинниб кетади, дейшиди. Мана ҳозир олиб чиқсак, тўртга бўлинниб кетаяпти. Лекин, ана шу Ефимов, ўша вақтдаги Совмин раисининг биринчи муовини Берков Мирсаидов амал талашаяпти, деб гап тарқатган. Берковни мен бирга ишламаймиз, деганимдан кейин Президентлик Кенгашига ўтқазиб, кейин Москвага жўнатиб юборилди. Ана шунда Вазирлар Кенгаши тугатилиб, Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди ва Вице-президент лавозими таъсис этилди. Мен ўшанда ҳам ҳалқ ҳар хил фикрга бормасин, қачонгача ўзбек ҳалқи амал талашади, деб норози бўлмасин деган мақсадда тишни тишга қўйиб нима иши кўрсатилса, шунни бажариб келдим. Лекин ҳалқимнинг олдида рўйи рост айтаманки, ўз вазифамни ҳалол, пок бажариб келдим.

*Кейинги вақтларда айрим гап-сўзларга ишониб, мени амалий ишлардан узоклаштириш ҳаракати ҳам бўлди. Бу менга эмас, балки иқтисодиётга зарар-келтиришини Президентга айтдим. Бундан 15 кун олдин Москвага шартнома тузишга кетишдан олдин Ислом акага мени тинч қўйинглар, мен бу лавозимда ишламай, деб айтдим. Рухсат сўрадим. Қайтиб келганимда ҳам айтдим. Кеча ҳам шу гапни қайтардим. Бундан беш кун олдин ҳам айтганман. Сизларга мени Министрлар Кенгашининг Раиси этиб сайлаётган вақтингизда ҳам бу гапни айтганман. Мен қаерда ишлашимдан қатъи назар ўз халқимга, ўз юртимга хизмат қиласман. Шунинг учун менга амалинглар керак эмас. Шунга қараб хулоса қилинглар. Бош вазир дейдими, Вице-президент дейдими, бало-баттар дейдими, менга амал керак эмас. Мен ҳеч қачон ҳеч кимга бўйсуниб ишламаганман ва ишламайман ҳам. Тиз чўкиб яшагандан кўра, тик туриб ўлишни афзал кўраман. Эътиборларингиз учун раҳмат, мени тинч қўйинглар.*

*М.Жўраев: — Кўпгина миллат вакиллари ҳозир республикамизни тарқ этиб кетмоқда. Бу ҳеч кимга сир эмас. Бунга сабаб биз қабул қилаётган ҳужжатлар. Лекин, саноат корхоналарида асосан рус тилида сўзлашувчи халқлар меҳнат қилишади. Мен Республика Президентидан, Олий Кенгашининг Раисидан бошқа халқлар сақлаб қолинишига қандай қилиб кафолат берилишини эшишишни хоҳлардим. Халқ норози. Бугунги воқеаларга сабаб сўнгги 3—4 сессияда фақатгина битта одамга сўз бериб қўйганимиздадир. Яъни Президент ҳаммамизни бўғиб ташлади. Оқибатда бизга ўхшаб партиядан чиққан Советлар 94 марта текширилди. Шаҳар милицияси билан прокурор шаҳар Советини йўқ қиласман, деди».*

Сессия ана шу тарзда олдиндан тайёргарлик кўрилган ҳолда кескин жанговарлик, шафқатсиз кураш ва хужумкорлик руҳида ўтди. Собиқ иттифоқ худудида саросималик, барча иттифоқдош республикаларда турли ҳадиксирашлар ва иккиланишлар, мустақил Ўзбекистонда эса иқтисодий танглик хукмронлик қилаётган бир пайтда муҳолиф кучлар ҳокимиятни эгаллашга ҳаракат қилдилар. Аммо, соғлом фикрли кишилар, мамлакат ва халқ истиқболини аниқ кўра билган фу-

қаролар хукумат танлаган йўлни қизғин қўллаб-куватладилар. Ўзларининг фикр-мулоҳазаларини Олий Кенгаш ва сессия номига ёзиб юбордилар:

**Ўзбекистон жумхурияти Олий Кенгашининг саккизинчи сессияси қатнашчиларига Фарғона вилояти дехқонлар ўюшмасидан**

**МУРОЖААТНОМА**

*Хурматли сессия қатнашчилари, ҳалқ депутатлари!*

*Эл-юрт равнақи йўлида ҳалол, фидокорона меҳнат қилаётган 300 мингдан зиёд фарғоналик дехқонлар номидан сессия қатнашчиларини муҳим қарорларни қабул қилишда адолат тарозисини ишига солиб, ақл-идрок билан иш кўришга, ҳис-ҳаяжонларга берилмасликка даъват этамиз.*

*Жумхуриятимиз шаънига четдан, айниқса Марказдан айтилаётган гаплар бизни ҳам чуқур ташвишга солаянти. Айниқса Президентимиз Ислом Каримов шахсига нисбатан айтилаётган гаплар фақат бўйтон ва тухматлардан иборат, деб ўйлаймиз.*

*Президент ҳалқقا, айниқса дехқонларга қайишадиган раҳбарлардан эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Биргина томорқа бериш ҳақидаги Фармонни олайлик. Ахир, ҳалқимиз бу кунларни етмиши ўил орзу қилди. Жумхурят бўйича 350 минг гектар, Фарғона вилояти бўйича 41 минг гектар ер томорқага ажратилди. Бир уйда тиқилиб ётган ўнлаб оиласларинг кўкрагига офтоб тегди. Аҳолини уруғлик дон билан таъминлаш, ем-хашак ажратиш, газлаштириши, ичимлик суви келтириш тўғрисидаги Фармонлар қишлоқ аҳолиси дехқонлар тўғрисидаги чинакам ғамхўрликнинг намунасидир.*

*Улгуржи ва чакана нархларнинг ошиши, пулнинг қадрсизланиши, иқтисодий танглик биринчи бўлиб дехқоннинг ҷўнтағига қўл солди. Шундай вазиятда ҳам Президентимиз энг маъқул йўлни топиб берди. Пахтанинг харид нархи оширилди, солиқлар камайтирилди. Пландан ташқари пахта хўжаликларнинг ўз ихтиёрида қолдирилганлиги туфайли ҳам вилоятимизда давлатдан қарздор хўжаликлар умуман қолмади. Шу ҳисобга вилоятимиз хўжаликлари хазинасига 355 миллион қўшимча даромад ту-*

шаянти. Кечагина хазинаси бўшаб қолган хўжаликлар бугун енгил нафас олишяяни.

Депутатлар асосан республика мустақилиги, юртмиз осойиштадиги, эл фаровонлигини, миллатимиз кела жагини ўйлайдиган қарорларга асосий эътиборини қаратадилар. Улар Президентимизнинг мустақил, одилона йўлини қўллаб-қувватлайдилар, ҳамкорлик билан, ҳамфикр бўлиб иш юритадилар, ҳалқимиз умидини оқладилар, деб ишонамиз.

**Фарғоналик дехқонлар номидан:**

М. Шербўтаев — вилоят дехқонлар уюшмасининг раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими; Н. Умаров — Тошлоқ районидаги «Навбаҳор» «колхози раиси; М. Мўминов — Охунбобоев районидаги «Солижонобод» совхози директори; жами 9 киши.

**«Халқ, сўзи» газетаси. 1991 йил, 16 ноябрь.**

\* \* \*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига**

Сўёзимизнинг аввалида шуни ифтихор билан айтамизки, Ўзбекистоннинг мустақиликка эришиши республикамиз, ҳалқимиз ҳаётида унтутилмас воқеа бўлиб қолди. Бу истиқолни, эркинликни Ўзбекистон неча ўн ишлардан бери кутарди. Ўша чоризм босқинидан кейин эркинлигини йўқотган ҳалқ учун мустақиллик тенгсиз бир ғалабадир. Ким қандай баҳоламасин, қандай фикрламасин, бу воқеа тарих қатида мангу қолди. Ўзбекистоннинг мустақилликни қўлга киритишида, шубҳасиз, республикамиз Президенти Ислом Абдуганиевич Каримовнинг хизмати бебаҳодир. Ҳа, Ўзбекистон учун, унинг келажаги учун, ҳалқимизнинг баҳт-иқболи учун бугун ана шундай журъатли, мард ўғлонлар майдонга чиқиши керак.

Не бир машаққатлар эвазига эришилган мустақилликни ҳар биримиз дадил ҳимоя қилишимиз зарур. У, аввало, бирликни, яқдилликни, фаол ҳаракатни талаб этади. Ҳалқимизда бўлинганни бўри ер, деган нақл бор. Бугун турлича қараашлар, фикрлашлар, воқеаларга турлича муносабатда бўлишлар борлигини инкор этмаймиз. Лекин миллий мустақилликни сақлаб қолишдек улуғ иш

гина-кудуратни йигиштириб қўйишни, ҳалқимиз орзу қилган эзгу йўлни бошлаб берган Президент ва ҳукумат атрофига маҳкам жисплашишни тақозо қиласди. Биз ҳозирги мураккаб дамларда шуни унумтайликки, бошқача фикрлашиб, маҳаллийчилликка берилиш, турли гурухларга бўлинши — мустақилликка зарба бўлиб тушади, мустақиллик душманлари ҳаракати учун йўл очиди.

Президент кейинги пайтларда журъат билан катта ишларни амалга оширмоқда. Ўзингиз ўйлаб кўринг, кечагина бошимизга қандай кулфатлар тушганди. Мехнаткаш, жафокаш ўзбек ҳалқи шавнига ҳеч бир асоссиз таъналар ёғилди. У таҳқирланди, камситилди. «Ўзбеклар иши»нинг ихтироичлари эса тан тортмай, чор-ночор турмуш кечириб келган деҳқонга ҳам, бошқа раҳбарларга ҳам ниҳоятда шафқатсизларча муносабатда бўлдилар. Бевосита Президентнинг Фармони билан минглаб кишилар қамоқхоналардан озод этилди. Уларнинг кўплари ўз вазифаларига тикландишлар.

Динимиз, эътиқодимиз тикланаянти, ҳалқимизнинг кўпгина ажойиб урф-одатлари, анъаналари рўшнолик кўрди. Булар ҳам қалбимизни эзгуликка лиммо-лим этиб, барчамизни юксак орзу-истаклар сари руҳлантирмоқда.

Биз Президентнинг ва ҳукуматимиз бошқа раҳбарларининг мустақиллик йўлида бундан кейин ҳам дадил ҳаракатни сусайтирмасликларини истардик. Бу борада уларни доимо қўллаб-қувватлайдиган қудратли куч — ҳалқ, фаоллар бор эканлигини доимо ҳис қилишин. Зеро, И. А. Каримовнинг ўзи айтганидек, энди мустақиллик йўлидан ортга қайтиши йўқ. Энг муҳими, Президентнинг Марказ ва бошқа кучлар тазиикларидан ҳайиқмасдан мустақил Ўзбекистон ҳалқи номидан дадил иш кўришини истаймиз ва бу йўлда унинг ҳаракатини қўллаб-қувватлаймиз.

*Бутун Самарқанд вилояти аҳли номидан:*

*Ҳалқ депутатлари вилоят совети ижрония  
комитетининг раиси*

**Т. ҚИЛИЧЕВ**

*Олимлар номидан:*

*СамДУ профессори, филология  
факларни доктори*

**С. МИРЗАЕВ**

*Фахрийлар номидан:*

(«Халқ сўзи» газетаси. 1991 йил 19 ноябрь. Хатлар қис-  
қартирилган ҳолда берилмоқда.)

\* \* \*

Ш.Мирсаидов бошчилигидаги гуруҳ аъзолари анча чуқур тайёргарлик кўришди. Улар ўзларича мамлакатнинг энг юқори ҳукумат лавозимларини бўлиб ҳам олишган, ким қаерда, қайси вазифада ишлаши кераклиги хусусида ҳам аниқ холосага келиб қолишган эдилар. Ш.Мирсаидов айни шон-шуҳратга ўч бўлган, мансабу лавозим деса барча нарсани қурбон қилишга тайёр турадиган кишиларни атрофига тўплади. Шундайлардан бири Шуҳрат Нусратов эди. У икки оғиз фикрини ўз она тилисида ифодалаб бера олмайдиган ашаддий «ленинчи»лардан эди. Дастлаб комсомолда обдон чиниққан, яъни факультет комсомол ташкилотининг котиби, сўнг ТошДУ комсомол қўмитасининг биринчи котиби, вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби, қолаверса, ёшлар иттифоқининг турли катта-кичик ҳавойи, баландпарвоз «бюро» ва «президиум»-ларининг аъзоси бўлиб, амалпараматлик касалига мубтало бўлиб қолган эди. Туман ижроқўмининг раислиги ва туман партия қўмитасининг биринчи котиблиги унинг назарида ниҳоятда кичкина амал бўлиб қўринди. Энди мамлакатни сўрайдиган, халқнинг назарида турадиган курси зарур бўлиб қолди. Ана шу армонини амалга ошириш учун Мирсаидовнинг пинжига кирди.

Албатта Ш. Мирсаидов мамлакатга биринчи раҳбар бўлиш фикрига шунчаки келган эмас, бунинг учун у қанчадан-қанча режалар тузган. Бундай орзуларнинг айримлари «ярим йўлдаёқ» сароб бўлиб чиққан. Москва-да Г.Янаев бошчилигидаги қўпорувчилик ҳаракати исёнчининг Тошкентдаги вакили — амалдоши учун янги имконият яратди.

Дарҳақиқат, нима учун СССР вице-Президенти сифатида Г. Янаев мамлакатнинг ичкарисидаги Президентни ағдариб ташлашга жазм этиб, бутун иттифоқни алғов-далғов қилиб, мамлакатни улкан қамоқхонага айлантиrsa-ю Ўзбекистон Президенти И.Каримов олис

Ҳиндистонда давлат ташрифи билан юрган пайтда вице-Президент Ш.Мирсаидов бу юксак амални эгаллаб ололмас экан?! Тағин Москва, яқин дўсти ва таянчи Г.Янаев, унинг командаси қўллаб-кувватлаб турса. Пўписаю дағдағалар битилган қатор ҳужжатлар билан химоя қилса!

ГКЧП кунлари икки вице — икки амалдош, икки фикрдош бир қарорга келишди:

*«...Ўзбекистон ССРнинг барча вилоятлари ва Қорақалпогистон АССРга! СССР вице-Президенти ўртоқ Г.И.Янаевнинг СССР Президенти вазифасини бажаришга киришгани ҳақидаги Фармонга асосан, совет раҳбариятининг СССРнинг айрим жойларида Фавқулодда ҳолат жорий этиш ҳақидаги Баёнотига биноан, СССРда Фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси (ГКЧП— изоҳ бизниги — муалл.) нинг совет халқига Мурожаати ва ўртоқ Г.И.Янаевнинг давлат ва ҳукумат бошлиқларига, БМТнинг Бош котибига йўллаган Мурожаатлари муносабати билан Ўзбекистон ССРнинг барча ҳудудида СССРда Фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси фаолиятини яқдиллик билан ва ҳар томонлама қўллаб-куватлаш топширилсин...*

Ўзбекистон ССР  
вице-Президенти

Ш. МИРСАЙДОВ

Ўзбекистон КП Марказий  
Қўмитаси котиби  
Тошкент шаҳри. 1991 йил 19 август».

А. ЕФИМОВ

\* \* \*

Режалар узоқча бормади. Ўзбекистон Президенти И. Каримов Ҳиндистон сафаридан қайтиши биланоқ тезда Москвада юз берган давлат тўнтаришига ҳаракат, унинг сабаблари ва оқибатларини ўрганиб, қатъий хуносага келди. ГКЧП кунлари Ўзбекистон ҳукуматиномидан қабул қилинган барча ҳужжатларни бекор қилди. Ўзбекистон ҳудудида ГКЧП фаолияти батамом тўхтатилди. Москва билан алоқалар кескин тус олди. Энди иттифоқ таркибида туриш, Москва билан алоқаларни тиклаш бефойда эканлигини бошқа сафдошларидан кўра олдинроқ пайқади ва кўп ўтмай Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясини зуд-

лик билан чақириш таклифи билан чиқди. Олий Кенгаш бу таклиф ва сессияда кўриладиган масалани ниҳоятда долзарб ва айни пайтда жиддий сиёсий воқеа эканлигини ҳисобга олиб сессия кун тартибини маъқуллади. Натижада 1991 йил 31 августидаги Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинди.

Ш.Мирсаидов ниятига етолмади. Энди у куч тўплаб, қайтадан курашга чиқиши учун вақт керак эди. У пайт пойлади. Атрофига бир гурӯҳ амалпараматларни тўплаб Олий Кенгашнинг VIII сессиясига жиддий тайёргарлик кўрди. Буни Олий Кенгаш сессиясининг юқорида келтирилган стенограммасидан парчада кўрдингиз.

Сессияда Президент Ислом Каримовнинг қатъий иро-да кучи, ҳар қандай танқидий ва қўпорувчилик ҳаракатларига оғир-вазминлик, сиёсий ҳушёрлик ҳамда асосли мулоҳазалари билан муносабат билдирганлиги натижасида мухолиф кучлар ўз мақсадига ета олмади. Агар ана шу йиғилишда Президент озгина иккиланиб қолганида ўз позициясини бутунлай қўлдан бериб юбориши, ҳокимият тепасига эса бир тўда амалпараматлару шуҳратпараматлар келиб қолиши, натижада бутун мамлакат ҳам, халқ ҳам тубсиз жарга қулаге кетиши мумкин эди.

Кўп ўтмай Шукрулло Мирсаидов истеъфога чиқиши ҳақида ариза берди. Унинг учун бундан бошқа йўл йўқ эди. Бироқ, ўзини танти, мард ва муруватли қилиб кўрсатадиган бу шахсда айни ана шу фазилатлар кемтиқ эканлигини кейинги фаолиятида аниқ равшан кўрсатди. Сессия минбарида ўзини ориятли ва мағрур қилиб кўрсатган, «тиз чўкиб яшагандан кўра, тик туриб ўлмоқни» афзал кўрган «арбоб» кўп ўтмай пана-паналарда иш олиб борадиган, орқаворотдан тош отадиган кўрқоқ ва ношуд кимсага, яъни аслига айланиб қолди. У бир муддат Москвадан паноҳ топган бир гурӯҳ «собиқ»лар пинжига кирди. Улар билан бирлашиб Ўзбекистонга қарши, аниқроғи унинг ҳукумати ва Президентига қарши фитналар уюштиради.

«Московские новости» газетасининг 1992 йил 4 октябр сонида берган интервьюсида Ўзбекистонда мавжуд иқтисодий вазият ҳақида гапирав экан «Бугун одамлар кунини бир амаллаб кўриши мумкин, эртага эса вақт кетиб қолади. Барча қийинчилик ва етишмовчи-

ликлар ҳокимият тепасидагилар бўйнига эмас, халқ елкасига тушади. Очлик кўзголонлари бошланиб халқ билан курол тилида сўзлашишади. Шу билан бирга сиёсий барқарорликни сақлаб келмоқда, аммо бу ҳукуматнинг эмас, муҳолифатнинг хизматидир», деди-да, «Эрк» демократик партияси ва «Бирлик» халқ ҳаракати атрофида бирлашган «кўзголончи зиёлилар» хизматига юксак баҳо беради.

Газета мухбирининг «Нимага ҳокимият сизни ёқтирамай қолди?» деган саволига Ш.Мирсаидов: «Хаддан ташқари кўп нарсани биламан. Бундан ташқари, мен Президент атрофидагилардан уни танқид қилишга ботинган ягона кишинман» деб жавоб беради. Бу ўзини ҳар қандай пайтда ҳам мард ва дадил турган қаҳрамон қилиб кўрсатиш эмасми? Ахир ҳукумат раҳбари чиндан ҳам кўп нарсани билса, кўп нарсага қодир бўлса, нега ўз вазифаси доирасида масъулиятни зиммасига олиб, мамлакатдаги иқтисодий танглилкка ўзини жавобгар деб ҳисобламайди.

Газета мухбири «Ўзбекистонда нисбий фаровонлик мавжуд, нисбий тинчлик бор. Буни рад эта олмассиз, албатта?» деб сўраганида у: «Ҳа, албатта. Аммо фаровонлик одамлар кўз ўнгида эриб кетмоқда. Президентнинг яхшироқ яшаш ҳақидаги ваъдаси нархларни яна бир бор кўтариш билан якунланди. Ҳатто кўп болали ўзбек оиласарнинг асосий озиқ-овқати бўлган ноннинг ҳам нархи ошди», дейди. Бу ўтиш даврида, туб ислоҳотлар бошланган бир пайтда табиий ҳодиса эканлигини билиб туриб тан олмасликдан бошқа нарса эмас. Суҳбатнинг бир жойида шунга ўхшаган мағзаваларни тинмай қуяверса, бошқа бир жойида Россияядаги нархнаво Ўрта Осиё республикаларига ҳам кўчиши табиийлигидан «башорат» қиласи. Ахир куни-кеча ягона замин, ягона худуд, ягона сиёсий майдон ҳисобланган бир маконда иқтисодий занжирлар узилгач, бир хил вазият юз бериши табиий эмасми?

Мухбирнинг «Президент иш услубидаги қайси томонлар сизни қониқтирмайди?» деган саволига «Қарор қабул қилиш вақтида кўпчилик фикри ҳисобга олинмаслиги. Республикада «Қонун — бу мен» деган фикр ҳукмронлик қилмоқда» деб жавоб беради. Бу билан Ўзбе-

кистонда демократия йўқ, И.Каримов атрофидагилар билан маслаҳатлашмайди, уларнинг фикрини инобатга олмайди, демоқчи бўлади.

Бироқ жаҳоннинг машхур сиёсатдонлари, жамоат ва давлат арбоблари ўтиш даврида, ҳокимият жиловининг бир киши кўлида қаттиқ туришини маъқул кўрадилар. Чунки бундай шароитда озгина бўшашуучалиқ, ҳокимиятнинг турли томонидан турли кишилар ўз йўналишига тортиши жамиятда парокандаликнинг пайдо бўлишига олиб келади. Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни бир меъёрда сақлаб туриш учун ягона кўл ҳамма вақт зарур эканлигини ҳаёт кўрсатмоқда. Президент Ислом Каримов мамлакат жар ёқасига бориб қолган бир пайтда худди ана шу қаттиқ-кўллиги, ўз фикрида қатъйилити ва позициясини кўлдан бермаслик фазилати билан ютиб чиқди. Буни жаҳон матбуоти ўз вақтида юксак баҳолади.

Ш. Мирсаидов шу билан ўз фаолиятини тўхтатмади. Москвада туриб, у ердаги бир гуруҳ аламзадалар билан бирга Ўзбекистонда ижтимоий адолатни назорат қила-диган «Адолат» партиясини тузди. Гўёки, бу партия бошқа бир мамлакатда фаолият кўрсатиб, иккинчи бир мамлакатдаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга таъсир кўрсатар эмиш. Жаҳон тажрибаси бунчалик мантиқсизлик ва сохталикни кўрмаган.

Мустақиллик осонлик билан кўлга киритилмади. Курашлар ва изтироблар турмушимиздаги қатор қийинчиликлар ва муаммолар билан бирга қоришиб кетди. Ички ва ташқи ғанимлар билан олишиб, мустақиллик ҳимоя қилинди. Ўтган ўн йиллик давр ҳалқимизни кўп нарсага ўргатди. Энди у ўз истиқболига ва истиқололига қатъий ишонди.

### **3. ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ ВА МИНТАҚАВИЙ МОЖАРОЛАР**

Тарих чархпалаги тинмай айланяпти. Ҳаёт давом этяпти, тафаккур тобора жилоланиб, ёрқинлашиб боряпти. Инсоният ҳаёти такомиллашиб, янгидан-янги имкониятларини кўрсатяпти. Замоннинг эврилиши билан «Энг кичик заррадан Юпитергача» (F.Фулом) бутун

олам кенглиги, бутун ҳаёт сабоқлари, бутун инсоният тафаккурининг чексизлиги ва айни пайтда унинг айрим нуқсонлари ҳам намоён бўла бошлади. Зотан, инсон буюк фазилатлари камчиликлари билан яхлитлигича инсондир.

Инсон мавжудот сифатида қанчалик буюк яратувчилик қудратига эга бўлмасин, шунчалик жуда оддий, жўн ва ҳатто нафақат ўз ҳаётига, балки бутун инсоният тақдирига зомин бўладиган, унга қирон келтирадиган воситаларни ҳам ишга солиши мумкинлигига яна бир бор иймон келтирияпмиз.

**Замон ўзгаряпти. Тафаккур ўзгаряпти.** Унинг таъсирда ҳаётимиз ўзгаряпти, янги мазмун билан бойяяпти. Бундай буюк янгиланиш ҳодисаси том маънодаги янги цивилизация даврининг бошланиши эканлиги бугун ҳаммамизга аён. Зотан, ҳар қандай буюк тараққиётлар, ривожланиш чўққилари энг аввало ҳаёт ҳодисаларининг янгиланишидан, турмуш тарзининг ўзгаришидан, одамлар дунёқараши ва тафаккур тарзининг янгиланаётганидан бошланади. Бу бежиз эмас.

Бироқ, инсоният тақдири, оламу одамлар истиқболи хусусида ўйлаш, фикрлаш, янги юз йиллик ва янги минг йиллик тақдирилизни белгилаш ҳақидаги ғоялар камдан-кам шахсларгагина насиб этди. Бугун биз фажру ифтихор билан айта оламизки, ана шундай соф инсонпарварлик, соф тараққиёт ғоялари Ўзбекистонга насиб этди. Ўзбекистон раҳбари инсоният тафаккур олами тараққиёти ва жаҳон сиёсатида истиқболли ғояларнинг янги даврини бошлаб берди десак, тўғри бўлади.

## ЯНГИЧА ТАФАККУР СТРАТЕГИЯСИ

Яқинда европаликлар Берлин девори қулаганининг ўн йиллигини байрам қилишди. Аслини олганда бу бир миллиатни иккига ажратиб юборишдек нобакор сиёсатни, икки бир-бирига зид мафкура курашини барбод этган катта тарихий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий аҳамиятга эга бўлган улуф сана. Бироқ, унинг асл мазмунини, бутун моҳиятини очиб берадиган ҳодиса бутунлай бошқа. Бу бевосита жаҳон социалистик системасининг барбод бўлиши, хусусан

тоталитар тузумга асосланган СССР деб аталмиш давлатнинг таназзулга учраши билан белгиланади. Бу тарих ҳақиқати.

Бироқ, яна бир ҳақиқатни тан олмоғимиз керак. Айни ана шу дунё социалистик тизимишининг барбод бўлиши ва СССРнинг тарқалиб кетишига, ўн бешта мустақил мамлакатнинг пайдо бўлишига айни Ўзбекистон ҳам сабабчи бўлганлиги, у биринчилардан Иттифоқ таркибидан чиқиб кетганлиги тарих гувоҳ бўлган ойдин ҳақиқатdir.

СССР номи билан боғлиқ бўлган «совуқ уруш» сиёсати барбод бўлгач, инсоният ҳаётига таҳдид соладиган, уни таназзулга олиб борадиган, оламшумул тараққиёт йўлини бўғадиган янги омиллар вужудга келиши мумкинлигини, бу табиий эканлигини, инсон тафқури ва унинг феъл-авторидан келиб чиқадиган мантиқий ҳодисалигини биринчи бўлиб Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов айтган эди ва уни дунё минбаридан туриб ўртага ташлаган эди. Ўша пайтларда кимлардир бу foяларга ишонмади, кимлардир шунчаки йўл-йўлакай айтилган гап сифатида қабул қилди. Бироқ, ҳаёт ҳақиқати аччиқ ва шафқатсиз, вақт бераҳм ҳакам. У бор ҳақиқатни кўрсатди-қўйди!

Давлатимиз раҳбарининг БМТ, ЕХХТ ва бошқа бир неча ўнлаб ташкилотлар минбарларидан туриб, шунингдек, давлат ташрифлари чоғидаги учрашувлар ва сұхбатларда минтақавий можаролар, халқаро терроризм хавфи хусусида билдирган бутунлай янги foялари кейинроқ, яъни 1997 йили яхлит стратегик концепция — «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт кафолатлари ва барқарорлик шартлари» номли асар сифатида дунёга келди. Халқаро жамоатчилик эътирофини қозонган ушбу китоб жаҳон сиёсатида фавқулодда янгилик сифатида қабул қилинди ва дунёning бир неча ўнлаб мамлакатларида таржима қилиниб, нашр этилди.

Президент Ислом Каримов ўз асарида Ер юзидан «совуқ уруш» васвасаси йўқолди, бироқ энди мамлакатлааро, минтақавий низолар, маълум бир худудлар ўртасидаги келишмовчиликлар бутун дунё тақдирини белгилайдиган улкан хавфга айланиши мумкин деган

ташвишни билдирган эди. Афғонистон воқеалари ва Тожикистондаги хунрезликлар мисолида гапириб, бундай салбий ҳодисалар Ер шарининг турли минтақасида турли шаклларда ва турли мақсадларда юз бериши мумкинлигини, булар қандай шаклда ва мақсадлар йўлида вужудга келмасин инсон ва инсоният, одам ва олам тақдирига тажовуз эканлигини, у билан мутлақо муроса қилиб бўлмаслигини кўрсатиб ўтган эди. Жумладан, у «Уруш жамият ва давлатнинг ҳолатига фалокатли таъсир кўрсатади. Бу — урушнинг табиий йўлдоши бўлган иқтиносидий вайронагарчиликдагина эмас, балки миллатнинг келажаги учун муҳим аҳамият касб этувчи бошқа соҳаларда ҳам намоён бўлади. Қандай бўлмасин, ватандошлар ўргасида нифоқни авж олдириш, ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлган қочоқлар оқими, жамиятда жиноятчи унсурларнинг кўпайиши, урушни пул тошишининг ягона маңбаига айлантириш, миллатнинг генофондига штурм етказиши, ёш авлодни ҳатто бошлангич таълим олиш имкониятидан ҳам маҳрум қилиш шу халқнинг келажагини таъминлай олади дейишга кимнинг ҳам қурби етади ёки виждони йўл қўяди», деган муаммони ўртага ташлади.

Ҳақиқат ана шундай аччик бўлади. Бугун йигирма йилдан бўён уруш олови сўнмаган ҳудудда бу ажал комининг бурқсиб ётган тутунлари инсон кўзларини ачиштираётган, қалбини ўртаб, руҳини озурда қилаётган, вужудини минг бир азобларга колаётган, ҳам жисмоний, ҳам маънавий мажруҳ этаётган, натижада бутун миллат тақдирини таназзулга олиб бораётган ҳолатларни қандай баҳолаш мумкин? Унинг инсониятга келтираёган заҳар заққумию зарарини ўлчаб бўладими?

Дарҳақиқат, Афғонистонда уруш бошланган кунлари туғилган чақалоқ бугун йигирма яшар навқирон йигит ва дуркунгина қиз бўлиб вояга етишди. Унинг кўргани ўлик, қон, жароҳат ва ёвузлик бўлди. Жажжи кўллари ўлик ушлаб, тетапоя оёқлари билч-билч қон босиб ўси. Мактаб кўрмади, маърифат нима билмади, китоб ўқимади, қалам ушламади! Ушлагани ўқ-дори, курол-яроғ, ўйлагани ёвузлик бўлди! Ҳаётда бундан ортиқ жаҳолат борми? Жаҳолатнинг мезонлари, ўлчовлари, миқёслари, чегаралари борми? Ким уни кўрсата

ва белгилай олади? Агар бутун миллат фарзандлари йиллар мобайнида шу алпозда туғилсаю шу алпозда тарбияланса миллат тақдиди, унинг истиқболи қандай бўлади? Ким бунга жавоб бера олади? Тарих олдида, МИЛЛАТ ОЛДИДА, ўтмиш аждодлари ва келгуси авлод олдида, умуман келажак олдида қим ўзини кўрсата билади ва қандай жавоб бера олади. Президент Ислом Каримовнинг юқоридаги гапларида худди ана шундай аччиқ ҳақиқат ётади.

Ана шу хулосалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон раҳбари бундан бир неча йил олдин «бу ўринда ҳаммага яхши маълум бўлган бир ҳақиқат — кескин муаммолар, шу жумладан, теварак атрофимиздаги мавжуд муаммолар ҳам инкор этилмаслиги лозим. Акс ҳолда бу можаролар тангликка олиб келиши, бошқариб бўлмайдиган танглик эса ривожланиш йўлида учраган барча нарсаларни вайрон қиласидиган, давлат чегараларини ва ўзга сиёсий, иқтисодий, этник ва бошқа воқеиликларни тан олмайдиган фалокатта айланиб кетиши мумкинлигини ёдга олиш ўринли бўлади» деган эди.

Президент Ислом Каримов foяларининг ҳаётийлиги шундаки, айни ана шу можаролар ички зиддиятлар туфайли вужудга келган келишмовчиликлар, ўзаро низолар заминида ривожланиб, шаклланганини ва улар орқали халқаро терроризмнинг урчишига шароит яратилишини бугунги воқеалар мисолида ўз кўзимиз билан яққол кўриб турибмиз. Президент худди ана шу ҳолатдан ташвишга тушади, одамларни, сиёсатдонларни, давлат арбобларини огоҳликка даъват этади.

Дарҳақиқат, ёвузлик ва қонхўрликнинг миллати йўқ. У ҳар қандай суверенитет, мустақиллик, давлат чегаралари, ҳудудий яхлитлик деган энг олий қадриятларни инкор қиласиди. Ўзининг яшashi учун қулай имконият қидиради. Натижада бир мамлакат ҳудудида юзага келган ўзаро низолар ташқаридан туриб унга ҳомийлик қиласидиган кучлар таъсирида тез ривожланиб, нисбатан бўшроқ деворни қулатиб, кейинги ҳудудга бостириб киради. Бегуноҳ одамларни қақшатади. Ана шу ҳаётий мантиқдан келиб чиқиб Президент Ислом Каримов «Инсоният цивилизациясининг ривожланиш тарихи айниқса ҳар жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлиб

қолган ҳозирги дунё шароитида шундан аниқ далолат бериб турибдики, алоҳида олинганди бир давлатдаги ҳар қандай можаро узоқ вақт давомида миллий чегаралар доирасида қолиб кета олмайди. Бир қанча сабабларга кўра бундай можаро назорат қилиб бўлмайдиган дара-жада йилиб кетиши муқаррар», деган эди.

Президент Ислом Каримов бутунлай янги тарихий шароитда фаолият юритаётган янги типдаги сиёсий арбоб сифатида узоқ йиллар мобайнида шаклланган ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида қолган сафдошлари ва замондошларини бир муддат хушёрликка тортди. Уларни янгича тафаккур билан яшашга, бугунги жараёнларнинг истиқболдаги маҳсулини тушунишга, шунингдек, улар олиб келадиган машъумликларни ҳам англашга даъват этди.

Жумладан, унинг айни ҳалқаро терроризмнинг вужудга келиши, шаклланиш жараёнлари ва оқибатлари хусусида чуқур илмий ва назарий хуносалари, сиёсий жиҳатдан ўзига хос ёндошиш усули бор. Бу — донолик ва зукколикнинг, кўп йиллик ҳаётий ва амалий фаолиятнинг, мавжуд вазиятни тўғри ва теран таҳлил қила олиш салоҳиятининг уйғунилигидан келиб чиқсан қарашлардир.

Айни пайтда И.Каримов гоялари нафақат мустақил, балки янги даврнинг янги маҳсули, мантикий тафаккур тарзининг ёрқин тимсоли сифатида вужудга келди. Жумладан, буни терроризм ва ислом, исломнинг сиёсийлашуви, ислом никобидаги найранглар хусусидаги хуносаларида яққол кўрамиз:

«Сўнгти йилларда воқеалар фожиали тус олганлигининг яна бир сабаби шундаки, афғон можароларига маълум этник низолардан ташқари яна диний тус ҳам берилди. Исломнинг кескин сиёсийлашув жараёни содир бўлмоқда. У ўта радикал тус олди — ҳокимият тепасига чиқишига даъвогарлик қилиш ва барча диндошларни маддадга чақирган ҳолда бунга қуролли йўл билан эришишга очиқдан-очиқ ўриниш юз бермоқда. Динимизнинг инсонпарварлик гоялари ва асосларига ҳеч бир алоқаси бўлмаган ана шу жараён тогли Бадахшондан тортиб то Каспийгача бўлган жуда катта ҳудуддаги ижтимоий-сиёсий вазиятта бевосита ёки билвосита салбий таъсир

кўрсатди. Минтақадаги давлатларда афғон сценарийси-ни ўз халқларига зўрлаб қабул қилиришга тайёр турган экстремистик кайфиятдаги унсурулар топилиб қолди. Афғонистон воқеалари эса фожиали оқибатларга олиб келганингига ҳали биз ҳам баҳо берамиз, келгуси авлодларимиз ҳам баҳо беради». Тўғриси, бугун соғ вижданли тинчликсевар халқлар афғон воқеаларини, хусусан, уни ўз ҳудудларига — киндиқ қони тўкилган муборак Ватанларига мажбуран, зўравонлик билан «экспорт» қилаётганларни кескин қораламоқдалар. Келгуси авлоднинг баҳоси эса бугунгидан ҳам батарроқ, бугунгидан ҳам аччикроқ ва ҳатто аянчлироқ бўлади. Бундай баҳони тарих саҳифасидан ўчириб ҳам, ўзгартириб ҳам бўлмайди!

Президент Ислом Каримов минтақавий можаролар хусусида ва терроризмнинг ривожланишига имкон берадиган омиллар ҳақида гапирап экан, яна бир муҳим ҳолатта алоҳида тўхталади ва уни эътиборсиз қолдириб бўлмайдиган ниҳоятда катта потенциал хавф-хатар деб атайди. Можароларнинг, келишмовчиликларнинг ва зиддиятларнинг келиб чиқиши омили сифатида чегаралар орқали бўлиб юборилган халқлар тақдирига таҳдид солиш, уларнинг ўзаро муносабатларига путур етказиш, азалдан қондош-жондош, бир миллат вакили бўлиб келган, қариндош-урӯғ бўлиб кетган аҳолини чегаралар туфайли бир-бирига қарши қўйиш ҳоллари ҳам мавжудлигини уқтириб ўтади. Ана шундай ҳолатни назарда тутиб, Президент Ислом Каримов «Афғонистон билан чегаранинг икки томонидаги тожиклар ёки ўзбекларни, ё бўлмаса пуштун қабилаларини бирлаштириш фойдасига сунъий далиллар тўпламоқда. Мавжуд чегараларни этник асосда ўзгартириш йўлидаги ҳар қандай уриниш қандай оқибатларга олиб келишини тасаввур қилишининг ўзи даҳшатли, минтақамиздаги чегараларни ўзгартириш бугун жаҳон ҳамжамияти учун даҳшатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳатто Босния ва Герцеговинадаги можаролар бу мудҳиш воқеалар олдида «ҳолва» бўлиб қолиши ҳеч гап эмас», дейди.

Дарҳақиқат, бугун Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Афғонистон ҳудудида яшаётган ўзбеклар ва айни Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 130 га яқин

миллат ва элатдан иборат бўлган аҳоли таркибидаги қозоқлар, туркманлар, қирғизлар, тоҷиклар ўртасида низо келтириб чиқариш, уларни бир-бирига қарши қўйиш бутун минтақани жарга қулатишдан иборат бўлган мудҳиш ҳодисадир. Айни маълум бир мамлакат, маълум бир минтақа ҳалқлари ўртасидаги низолар ҳамиша фақат унингтина фожиаси бўлиб қолмаслиги, у айни пайтда бутун инсоният фожиаси, Ер шари тақдири билан боғлиқ бўлган ҳалокат эканлигини англашга даъват этади. Исталган бир мамлакатда ёинки ҳудудда қуролли тўқнашувлар, қон тўкишлар юз берса, авж олса накадар мудҳиш оқибатларга олиб келишини Президент Ислом Каримов шундай ифодалайди: «Куролли можаро кескинлашган тақдирида чегараларни тан олмасдан, кўшни давлатлар ҳудудига ёширилиб киришга тайёр турган қочоқлар муаммоси вужудга келади. Одатда, бу оқимда чегара орқали ион ва бошпана тошишнигина эмас, балки одамларнинг қалбига янги гулгула солишини истайдиганлар ҳам кириб келади».

Бу муаммонинг икки жуда муҳим томони бор. Биринчидан, Президент И.Каримов таъкидлаганидек, ўзаро низолар, можаролар, тўқнашувлар ва қуролли қирғинлардан азоб чеккан ва натижада ўз уйини, бошпанасини, қадрдон гўшасини ташлаб кетишга мажбур бўлган жабрдийда қочоқлар билан бирга бадният, одамларни жунбушга келтирадиган, ўз хатти-ҳаракати, гапсўzlари, гайриинсоний мафкураси билан муқим ва тинч яшаётган аҳолини саросимага соладиган, уларга таҳдид қиласидиган одамлар ҳам чегарадан ўтиб, кириб келадилар. Бу тинч ва барқарор ҳаёт кечираётган бошқа бир мамлакатда ҳаёт измини ўзгартириш таҳлиқани кучайтириш ва шу йўл билан тараққиётта ғов бўлишга олиб келади.

**Иккинчидан**, кутилмагандаги мамлакат ҳудудига кириб келган оч ва юпун одамлар тақдирига бефарқ қараб бўлмайди. Натижада тинч аҳолининг моддий ўзмий ва ижтимоий ҳаётига зарар келтирадиган омиллар вужудга келади. Бу, энг аввало, иқтисод билан, моддий неъматлар билан боғлиқ бўлган, қочоқларни қундалик озиқ-овқат билан таъминлаш, яшаш шароитини яратиш, турли юкумли касалликларнинг олдини олиш

мақсадида уларнинг санитария ҳолатини назорат қилиш ва тиббий хизмат кўрсатиш муаммоларини қелтириб чиқарди. Бундай ҳолат айни эндиғина тараққиёт йўлига чиқиб олаётган мамлакатларда мавжуд табиий қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Афғонистон ва Тожикистондаги можароларнинг бундай узоққа чўзилиб кетаётганини, муаммоларнинг чигаллашиб, тобора жиддий тус олиб бораётганини айни ана шу мамлакатлар аҳолиси унчалик ҳам баҳолай олмаётганга ўхшайди. Бунинг устига айни ана шу мамлакатлардаги мавжуд вазият орқали нафақат уларда, умуман Ер юзида, бошқа минтақаларда ҳам янгидан-янги муаммолар вужудга келяпти, жиноий унсурлар кўпайяпти. Жумладан, наркотик моддалар билан шугууланиш, халқаро терроризм ва қурол-яроғ контрабандаси жиддий тарзда авж олмоқда. Бу нафақат айни ана шу икки мамлакатнинг, балки бутун дунё халқларининг ҳаётига таҳдиддир. Зотан, Президент И.Каримов ибораси билан айтганда, дунёдаги мавжуд наркотик моддаларнинг 75 фоизи фақат Афғонистонда етиширилаётганлиги, унинг 90 фоизи Европага тарқатилаётганлигининг ўзи аянчли эмасми? Шарку Фарб муносабатларини, Магрибу Машриқ ўртасидаги жуда катта маданий, маънавий, иқтисодий, сиёсий алоқаларни кучайтириш ўрнига инсоният зотига қирон келтирувчи заҳри қотилни умумжаҳон бозорининг ноёб маҳсулотига айлантириш ва шу йўл билан жаҳон халқларини таназзулга келтиришдан даҳшатлироқ нарса йўқ.

### ИСТАНБУЛ САБОҚЛАРИ

1999 йили Туркияning Истанбул шаҳрида Европада Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги йигилиши бўлди. Унда янги юз йиллик ва янги минг йиллик остонасида туриб, кейинги асрдаги инсоният тақдирни, тараққиёт муаммолари ва уларга таҳдид солувчи омиллар кенг муҳокама қилинди. 1999 йилнинг 18—19 ноябр кунлари бўлиб ўтган ушбу улкан анжуманда асосий муҳокама қилинган масала Европада Ҳавфсизлик Хартияси бўлди. Хартия нафақат ташкилотта аъзо бўлган 54 мамлакатнинг, балки бутун дунё-

нинг келгуси асрдаги хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муҳим ҳужжатдир. Ушбу анжуманда биринчи бўлиб Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга сўз берилди. Ўзбекистон раҳбари мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ кўтарган муаммолар, илгари сурган фоялар нақадар реал эканлигини бутун шафқатсиз ва одил ҳакам — вақт яққол кўрсатиб берди.

Президент Ислом Каримов халқаро терроризм ва минтақавий можаролар хусусида гапирав экан, «Бугунги кунда халқаро майдонда «совуқ уруш» кўринишлари ўрнини бир-бири билан бирлашиб тобора кенг кўламли ва ҳужумкор моҳият касб этаётган ашаддий миллий давлатчилик ва сепаратизм, диний экстремизм ва халқаро терроризм каби иллатлар эгаллаётганини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ», деди. Дарҳақиқат, бундан саккиз-үн йил мұқаддам Ўзбекистон раҳбари бир марта эмас, бир неча марта турли-туман халқаро ташкилотлар, БМТ, ЕХХТ ва бошқа нуфузли идораларнинг олий минбарларидан туриб мазкур муаммони жиддий тарзда кўтарган эди. Айни инсоният ҳаётига таҳдид солувчи бундай можаролар ва ҳаракатларга халқаро ташкилотлар юзаки қараётганини, воқеа содир бўлгандан кейингина олисдан туриб шунчаки муносабат билдираётганини, кўп ҳолларда Эса томошабинлик вазифасини бажараётганини кўрсатиб берган эди.

Президент Ислом Каримовнинг стратегик қарашлари — бу аввал-бошданоқ минтақавий можароларнинг олдини олиш, қўшни мамлакатлар ўргасидаги муносабатларга путур етказмаслик, турли мамлакатларда яшаётган турли миллатга мансуб халқларнинг бир маромдаги турмушига таҳдид қилимаслик сиёсатидир. Айни ана шу сиёсат вақт ўтгани сари ривожланиб, такомиллашиб, тобора камолотта етиб боряпти ва унинг том маънодаги ҳақиқат эканлигини кейинги йиллар воқеалари аниқ ва равshan кўрсатиб берди.

Истанбул саммитида сўзлаган нутқида Президент Ислом Каримов «Бугунги кунда биз радикал кайфиятдаги марказларнинг диний экстремизм ва терроризмни тарқатишга қаратилган узокни кўзловчи режаларига, минтақа давлатларини ўzlари танлаган демократик, ҳукукий ва дунёвий тараққиёт йўлидан қайтаришга уриниши ҳол-

ларига дуч келмоқдамиз. Буни Тожикистондаги воқеалар, яқинда Тошкентда юз берган портлашлар, босқинчилар гурухларининг мустақил Қирғизистон жанубига сурбетларча бостириб кириши ҳамда барчага маълум бошқа фактлар исботлаб турибди.

Бундай режанинг амалга оширилиши учун Афғонистон асосий майдон вазифасини ўтамоқда. 20 йилдан бўён фуқаролар уруши давом этажётган бу мамлакат турли тоифадаги халқаро террористлар ва ақидапарастлар бошана топиб, тайёргарлик кўраётган синов лагерига, асосан наркотик моддалар етиштириш ва сотишдан олинган даромад ҳисобига кун кўрадиган мамлакатта айланниб қолди», деган муаммони кўтаради.

Ўзбекистон раҳбарининг позицияси, воқеа-ҳодисаларга ёндошиш усули ва сиёсий тактикаси халқаро терроризм ва экстремизмга қарши биргаликда курашишга даъват этишида, жумладан, Афғонистон ва Тожикистон можаролари, уларга ҳомийлик қилаётган кучлар фаолиятига баҳо беришда, уларни аниқлашда янада яққол кўзга ташланади. Истанбул саммитида Хавфсизлик Хартияси лойиҳаси муҳокама қилинар экан, бу лойиҳани янада тўлдириш, янги бандлар ва ғоялар билан бойитиш таклифини киритди.

Яъни «ЕХХТ минтақавий хавфсизлик, жумладан, Марказий Осиё бўйича минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантиришда янада фаолроқ бўлиши лозим. Бу ўринда ЕХХТ маъсулияти остидаги минтақаларда барқарорлик ва тинчликни издан чиқаришга қодир бўлган ташки таҳдидларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш масаласига алоҳида эътибор бериш зарур», деди. Ушбу таклифнинг ўзида ЕХХТнинг халқаро ташкилот сифатидаги нуфузини ошириш, унинг бевосита можаролар чигаллашиб борган жойдаги таъсирини кучайтириш ва шунчаки кузатувчилик ҳолатидан жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларини бошқаришга, мамлакатлар аро ва минтақавий хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашни йўлга соладиган, унинг мувозанатини сақлаб турадиган ташкилотта айлантириш зарурлигини таъкидлади. Бу давлат раҳбаридан алоҳида ирова, сиёсий кудрат, ички маданиятни талаб қиласидиган воқеликдир. Дунёнинг энг қудратли давлатлари раҳбарлари ишти-

рок этаётган халқаро анжуманды барчанинг дикқатига сазовор бўладиган аниқ ва конкрет тақлиф айтиш йўли билан ўзининг давлатининг салоҳиятини кўрсата билиш қобилиятидир.

Ўзбекистон раҳбари илгари сурган иккинчи тақлиф ЕХХТ ва унинг тузилмалари томонидан инсон ҳолатини тобора яхшилаш масалаларига берилаётган эътибор бўлди. Бу айниқса демократик янгиланиш йўлига кирган янги мустақил давлатлар учун ўта муҳим ва зарур эканини алоҳида таъкидлари ва «мазкур ташкилотнинг асосий мақсадини ҳисобга олган ҳолда, ЕХХТ-нинг фаолияти халқаро зиддиятларнинг олдини олишга қаратилган халқаро орган сифатидаги вазифаларини аниқ белгилаб олиш, шунингдек, унинг иқтисодиёт ва экология соҳаларида туттан ўрнини мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бу вазифаларни амалга оширишда АҚШ-нинг ЕХХТ доирасида Тезкор Фуқаролик корпусини (REACT) ташкил этиш тўғрисидаги ташабbusи кўл келиши мумкин», деди.

Халқаро терроризмнинг қандай шаклда бўлмасин, диний ёки бошқа тусда бўладими, тобора моддийлашиб, иқтисодий манфаатларга хуруж қилаётгани, айни ана шу эҳтиёжларни инсоният наслини айнитадиган оғу савдоси — наркобизнес орқали қондиришга интилаётганлиги масаласини, айтиш мумкини, Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов жаҳон сиёsatдонлари орасида биринчи бўлиб кўтарди. Айни халқаро терроризмнинг моддийлашув жараёни ниҳоятда хавфли, хатарли, таҳликали эканлиги илк бор аниқ-равшан таҳлил этилди. **Бу — биринчидан.**

**Иккинчидан**, халқаро терроризм нафақат инсоннинг жисмоний кушандаси, балки уни маънавий жиҳатдан ҳам барбод этувчи, унинг насли-насабини бузувчи, Ер юзида мажруху нимжон одамларнинг, ақлий ва маънавий жиҳатдан заиф аҳолининг кўпайишига олиб келадиган жиноят турига — биологик ҳалокаттга элтувчи хатарли ҳодисага айланәётганлигини ҳам Ўзбекистон раҳбари биринчи бўлиб кўтарди.

Президент И.Каримов киритган учинчи тақлиф бу Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти тизимини ислоҳ қилиш, уни бугунги ижтимоий-сиёсий жа-

раёнлар оқимиға мослаштириш ва инсоният тақдири билан боғлиқ бўлган, ҳаёт келтириб чиқараётган янгидан-янги муаммоларни ҳал этишга кўпроқ жалб этиш билан боғлиқ таклифлардир. Жумладан, Президент Ислом Каримов «Халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш масаласини кескин қўйиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Марказнинг асосий вазифаси терроризм кўринишлари билангина эмас, энг аввали, халқаро терроризмни маблағ билан таъминлаётган, кўллаб-куватлаётган, қурол-яроғ билан таъминлаб, жойларга жўнатаётган манбаларга қарши кураш бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича фаолиятларни мувофиқлаштиришдан иборат бўлиши лозим», деди. Бу чиндан ҳам ЕХХТ фаолиятини янги замонга мослаштириш учун унинг таркиби, тизими ва фаолият доирасини такомиллаштириш зарурати туғилганини кўрсатади.

\* \* \*

### *Мавзуга доир материал*

*Дастлабки тергов ва судда сўроқ қилинган гувоҳ С.Хамидов, А.Ишанов, И.Избасаров, М.Ашуров, Ж.Тургунов, Х.Атамуратов ва бошқалар ўз кўрсатувларида жиҳодий ҳаракат аъзоларининг даъватлари асосида Т.Юлдашев ва Ж.Ходжиевлар раҳбарлигидаги Тожикистоннинг Тавилдара, Чеченистоннинг Сержсанюрт, Шалидаги ҳарбий лагерларида пистолет, автомат, гранатамёт, пулемёт, зенит қурилмаси, гаубицалардан отишни, уриш тактикасини, топографияни, қўлбола портловчи моддаларини ясаши, стратегик объектларни портлатишни ўргангандиклари, Т.Юлдашев, Ж.Ходжиев ва жиҳодий ҳаракатларга содиқлиги, «амир»ларига сўзсиз итоат этиб, топшириқларини бажаришга «байъат-қасамёд» қабул қилганишларини, уларнинг асосий мақсади мавжуд ҳокимиятни «жиҳод» йўли билан ағдариб ташлаб, «Ўзбекистонда жиҳодий йўл билан Ислом давлати қуриши»дан иборат бўлганлигини, шу мақсадда уларни террористик актларни амалга ошириш учун қурол-яроғ ва портловчи моддалар билан Ўзбекистон Республикаси ичкарисига жўнатишганликларини баён қилишган.*

*Судда сўроқ қилингган гувоҳ А.Шарипов, В.Эгамбердиев ва бошқалар Т.Юлдашев ва Ж.Ходжиевларнинг топшириғига кўра, Ислом динини ўргатиш ниқоби Ўзбекистондан ёш, бақувват йигитларни Ж.Ходжиевнинг Таවилдарадаги ҳарбий лагерига даъват қилиб жўнатишганликларини баён қилишган.*

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг ҳукмидан. Тошкент шаҳри. 2000 йил, 17 ноябр. «Ҳалқ сўзи», 2000 йил, 22 ноябр.)*

\* \* \*

Истанбул саммити Ўзбекистон сўзининг кудратини, унинг сиёсий иродасини ва жаҳон тараққиётига кучли таъсир кўрсатайтганини яна бир бор намойиш қилган улкан ҳодиса бўлди. У яна бир бор дунёning энг нуфузли сиёсатдонлари эътиборини халқаро терроризм ва экстремизмнинг туб моҳиятини, унинг тараққиёт омилларини, Ер шари ва инсоният тақдирига солаётгани таҳдидларини ҳар томонлама чукур таҳлил этишга, илмий, назарий ва амалий жиҳатдан муносаб баҳо беришга қаратди. Президент Ислом Каримов нутқи бугунги Ўзбекистон сиёсатининг бутун кўламини ва умуминсоний қадриятга дахлдорлигини кўрсатиб туради.

## **ҲАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ ВА ИСЛОМ ОМИЛИ**

Президент И.Каримов мустақилликнинг ilk қунларидаёқ хавфсизлигимизга таҳдид соловчи омиллар хусусида гапирав экан диний экстремизм ва терроризм ҳақида такрор ва такрор гапирди. Ҳалқаро ташкилотлар минбаридан туриб, унинг дунёвий фожиа, тараққиётга тўсқинлик қилувчи кучли омил эканлигини бир неча марта таъкидлади. Бундан уч йил бурун нашр этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» номли китобида муаммонинг илмий назарий ечимини баён этди.

Президент Ислом Каримов XX аср муаммолари, одамлар дунёқарашидаги жиддий ўзгаришлар ва унинг оқибатлари хусусида фикр юритар экан, ана шу юз йиллик охирида «Ислом уйғониши», «Қайта исломлашиши», «Ислом феномени», «Ислом омили» сингари бир

қатор ибораларнинг пайдо бўлиш сабаблари нималарга олиб келиши мумкинлигига жалб этади.

\* \* \*

## *Мавзуга доир материал*

Ўзбекистондаги Конституциявий тузумни, ҳокимиётни куч билан қўлга олишдек гараз ниятларини амалга ошириш учун Т.Юлдашев, Ж.Ходжисевнинг бошчилигида Х.Сатимов, Т.Мамажонов, Ш.Мадалиев, З.Махмудов, А.Юлдошев, К.Закиров, Б.Абдуллаев, З.Хасанов, Б.Султанов, А.Сайдалиев, Ж.Абдуллаев, М.Маматов, Р.Солижонов ва бошқалар Фарғона водийсида ижро ва суд ҳокимиятининг айрим вазифаларини қонунсиз ўзлаштиришига ҳаракат қилишиб, «Адолат», «Товба», «Ислом маркази», «Ислом уйғониш ҳизби», «Ислом лашкарлари» каби норасмий диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик фаолияти тақиқланган сиёсий ташкилотларни тузишган.

Бу жиноий уюшмаларнинг асосий мақсадлари республикада вазиятни издан чиқариш, маҳаллий давлат бошқарув идораларини вужудга келган ўтиш даври шароитда кучсиз ва чорасиз қилиб кўрсатиш, мавжуд давлат тузумини заифлаштириш, унинг раҳбарларини эса обрўсизлантиришига қаратилган.

1990—1991 йилларда Наманган ва бошқа вилоятларда ташкил топган норасмий диний ташкилотларни ўзига бўйсундириш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Т.Юлдашев ва Ж.Ходжисевлар томонидан 1991 йил октябр ойида Наманган шаҳрида «Ислом маркази» норасмий ташкилоти тузилиб, унга шахсан Т.Юлдашев раҳбарлик қилган.

Т.Юлдашев фаолияти тақиқланган бирлашмалар тушиб, корхона, ташкилот, муассасалар ёки айрим шахсларга ҳужум уюштириш мақсадида қуролланган банда тузиб, ҳокимият Конституциявий идораларининг қонуний фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилишини ташкиллаштириб, фуқароларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳатлари етказилиши оқибатида уларнинг ўлимiga сабабчи бўлиб, мутлақо бегуноҳ фуқароларга нисбатан оғир жиноятларни содир қилишда уларга тухмат уюштиришган.

\* \* \*

Юқоридаги тушунчалар ўз-ўзидан дунёга келган эмас ва улар — дунёning катта бир қисмини эгаллаб олган ислом дини, унинг тараққиёти, истиқболи, жаҳон цивилизациясида тутган ўрни ва ролининг тобора кенгайиб бораётгани натижасида келиб чиқсан, деийиш мумкин. Президент бу жараёнлар инсоният тақдири, Ер шари истиқболи ва тараққиёти учун маълум бир таҳдид ва таҳлиқадан ҳам холи эмаслигига, унга хушёрроқ боқишига, тийракроқ назар билан қарашга даъват этади. Чунки ҳамма вакт соф исломий назария, унинг фалсафаси ва шариати, инсониятни комилликка даъват этувчи буюк таълимоти билан бирга, уни соҳталаштирувчилар, ундан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланувчилар ҳам йўқ эмаслигини, айни ана шу салбий ҳодисалар жамият тараққиётида кутилмаган фожиаларни келтириб чиқариши мумкинлигини кўрсатмоқда. Ундан ташвишга тушмокда ва бизни ҳам хушёрликка чақирмоқда. Ана шу ҳаётий ҳақиқат ва жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларидаги ислом омилини ҳисобга олиб Ислом Каримов: «Афсуски, ҳозирги замон тарихида ана шу ўта кескин кўринишлар жиддий можароларни, зиддиятларни келтириб чиқариши, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлигӣ инсониятни чўчитаяшти. Шундан дарак берувчи фикрлар анча-мунича тўпланиб қолган. Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги нуқтаи назаридан қарагандা бу ҳодисалар бизда ҳам жиддий ташвиш туғдирмоқда», дейди.

Президент И.Каримов тасаввуридаги диний тараққиёт ҳар қандай фанатизмдан холи, инсон тақдири ва олам бус-бутунлиги билан боғлиқ бўлган, мамлакат ички муаммоларига ҳам, дунёвий масалаларга ҳам илоҳий кувват, бекиёс ақл-идрок ва соғлом фикр билан ёндошишни тақозо этадиган, бунёдкорлик ва яратувчиликка даъват этадиган улкан фалсафадир. Зотан, худди шундай ёндошув, ана шундай дунёқараш, динни шун-

дай англаш ва унга эътиқод қўйиш улуг бобокалонимиз Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг мағзи бўлган «Дил ба ёру даст ба кор» деган таълимотига мос тушади. Айни шу ҳақиқат — инсоннинг бекиёс иқтидорини, унинг кенг имкониятларини тобора ривожлантирадиган, такомиллаштирадиган, ўзининг келажагини яратишга чорлайдиган ниҳоятда оддий ва айни пайтда мўъжизавий даъват, илоҳий кудратдир.

Жамият тараққиётини издан чиқариш, унинг ривожланишига тўғаноқ бўлиш аслини олганда унчалик ҳам қийин иш эмас, бунинг учун фанатизм таянчи бўлган хом хайларга озгина эрк бериш, ҳис-ҳаяжонларни жунбушга келтиришнинг ўзи кифоя. Сохта ақидапарастлик ҳаёт ҳақиқатини тан олмасликка, мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнларни юзаки баҳолашга йўл очиб беради. Натижада одамлар фикрлаш, ақл-идрок билан иш тутиш ўрнига ортиқча ҳис-ҳаяжонга бериладилар. Эҳтирослардан жунбушга келиб, турли даъватлару шиорлар билан майдонга чиқадилар. Бунга февраль воқеалари яққол мисол бўла олади ва ҳамма вақт ақидапарастликнинг якуни жаҳолатнинг тантанаси, адолатнинг ҳалокати билан якунланишини исбот этди.

Албатта, террорчилар ўzlарининг қабиҳ ниятларига ета олмадилар. Бироқ, бизнинг аччиқ қисматимиз яна бир бор ҳаёт ҳақиқатини исботлади: фанатизм — фикр ва тафаккур күшандаси, жаҳолат ва хиёнат ҳомийси эканлигини кўрсатди.

Президент Ислом Каримов диннинг жамият тараққиётida тутган ўрни ва роли, диний фанатизм ва экстремизмнинг фожиали оқибатлари хусусида фикр юритар экан, ақидапарастлик иллатининг Ўзбекистон мустақилигига таҳдид солувчи еттита омилини кўрсатиб беради. Жумладан:

**Биринчидан**, ақидапарастликни ёйиш орқали мусулмонларнинг давлатнинг ислоҳотчилик фаолиятига ишончини барбод қилиш, мамлакат ва ҳалқ тақдирини белгилайдиган барқарорликни, фуқаролараро ва миллатлараро тотувликни бузиш йўлидаги хатти-ҳарарати кўзга ташланаётганини кўрсатади. Фанатизм ва экстремизм дунёвий давлатчилик тамойилларини тан олмайди. Ҳақиқий демократияни, унинг сиёсий ва маъ-

навий аҳамиятини инкор этади. Кўпмиллатли ва кўпдинли жамиятда маънавий худбиналиқ орқали ўз мавқеини кўтаришга интилади, бошқа динларни камситиш 'ва инкор қилиш йўли билан халқ ҳаётини жар ёқасига олиб боради.

Иккинчидан, «Фундаменталистларнинг адолат ҳақидаги оломонбоп, жозибадор, аммо бақироқ ва асоссиз даъватларига кўр-кўёна эргашувчилар ўзгалар иродасининг қули бўлиб қолишини англашимиз лозим», дейди Президент И. Каримов. Дарҳақиқат, бу ҳайқириқ ва бақириқлар юзаки қараганда одамларни ўзига жалб этади, кундалик майдан камчиликларни дунёвий ташвишга айлантириб, уларнинг қалбида ҳаётта нисбатан норозиликни кучайтиради, руҳиятида парокандалик ва паришонлик, охир-оқибатда эса таркидунёчилик кайфиятини уйғотади. Йинсоннинг яратувчилик қурдати, меҳнат қилиш ва яшаш иқтидори сусаяди. Хонанишин кайфият куршовида қолади.

Қолаверса, аллақандай ҳайқириқлар ва шиорлар гирдобига тушиб қолган киши ўзини руҳан эркин ҳис қила олмайди. Шахс эркинлиги, унинг яшаш эрки ва бутун фикрий-маънавий озодлиги кўзга кўринмас тор чегаралар доирасида биқиниб қолади. Натижада ўша қобиқдан чиқаолмайди, бу кенг ва ранг-баранг оламини дикқинафас хонадангина иборат деб билади, ўша қобиқ ичидаган яшайдиган ва фикрлайдиган бўлиб қолади. Ҳурфикрлилик, озод яшаш, озод фикрлаш жозибасидан маҳрум бўлади. Натижада ўзи англамаган ҳолда кимларгадир муте бўлиб қолади. Тобелик уни бутунлай ўраб-чирмаб олади. Таракқиёт ана шу йўл билан тўхтатилади. Ҳаракатсиз, тушкун ва мўрт ҳаёт шаклланиб боради.

Учинчидан, ақидапарастлик ҳақиқий диндорлар ва сохта диндорлар ўртасидаги қарама-қаршиликни кучайтиради. Натижада бир мамлакат аҳолиси ўртасида гоявий низолар, бир-бири билан келиша олмаслик иллатлари пайдо бўлади. Бу иллатлар озгинан ҳис-ҳаяжон билан бойитилса, қонли тўқнашувларга айланиб кетиши ҳеч гап эмас. Бундай салбий ҳодисаларни ён-атрофимииздаги мусулмон мамлакатларда юз беряётган воқеалар мисолида яққол кўришимиз мумкин.

**Тўртингичдан**, Ислом Каримов яқин қўшни мусулмон давлатларда юз бераётган ҳодисалар бизни ҳушёрликка чақириши кераклигини уқтиради. Дарҳақиқат, воқеалар ўз ҳаётимизга, ўз тақдиримизга ва келажагимизга жиддийроқ қарашимизни тақозо этмоқда. Биз ҳар қандай сохта шиорлар, баландпарвоз даъватлардан кўра кўпроқ ақл-идрокка, том маънодаги ислом тафаккурига таяниб иш тутишимиз лозим. Ҳеч бўлмаганда, «Биз инсонни мукаррам қилиб яратдик» деган илоҳий даъватга муносиб ва ярашиқ хатти-ҳаракатимизни кўрсатмоғимиз даркор. Президент тасаввуридаги Ўзбекистон истиқболи фақат ақл-идрок тантанаси, соғлом фикр ва соғлом тафаккур ғалабасидир. Зотан, фақат ана шу ҳолатдагина инсоннинг Мукаррамлиги, унинг мавжудот сифатида олам Сарвари эканлиги ҳар жиҳатдан эътироф этилади. Барча эҳтиёжлари қондирилади.

**Бешинчидан**, мамлакатимиз барқарорлигига таҳдид солаётган омиллардан яна бири номусулмон мамлакатлар аҳолисининг фикрини чалғитиш йўли билан Ўзбекистон ҳақидаги муносабатларини ўзгартириш, деб ҳисоблайди Ислом Каримов. Буни Президент Ўзбекистон ҳукуматининг дунёвий давлат қуриш йўлидаги ислоҳчилик фаолиятини сохталаштиришда, жаҳоннинг энг соғлом фикрли сиёsatдонлари, йирик давлат ва жамоат арбоблари тан олаётган ҳамда жаҳон давлатчилиги тажрибасини бутунлай янги фикрлар билан бойитиб бораётган «Ўзбек модели»ни сохталаштиришга, обрўсизлантиришга интилишларда кўради. Мамлакатимизнинг бугунги ютуқларидан ғаши келаётган бундай «сиёsatдонлар» — извогарлар Ўзбекистонни баъзан даҳрийлар мамлакати қилиб кўрсатишса, баъзан «давлатни исломлаштиришнинг яширинча тарафдорлари», деб тарьиф беришмоқда.

**Олтингичдан**, энг муҳим таҳдид ривожланиш йўлига чиқиб олаётган Ўзбекистон учун икки олам — исломий цивилизация ва исломий бўлмаган цивилизация ўртасидаги зиддиятни кучайтиришдан иборат. Бу зиддият табиий равища инсон руҳияти ва унинг оламга муносабатидан тортиб, жаҳон тараққиётини белгилаб турган дунёвий сиёsatнинг икки муҳим қутбидир. Зотан, ана шу ҳар икки кутб умуминсоний қадриятлар,

Ер шари тақдири ва жаҳон цивилизацияси манфаатлари нуқтаи назаридан бир-бирига яқинлашса, бир-бирига кўмаклашса, инсоннинг қайси дин ва мазҳабга мансублигидан қатъи назар, унинг «мукаррам»лиги таъминланган, ҳаёти, яшаш ҳуқуқи кафолатланган бўлади.

Бундай холоса Ўзбекистон сингари ёш мустақил мамлакатлар учун ўзининг стратегик мақсадларини белгилаб олишида муҳим босқич ҳисобланади. Дарҳақиқат, бу босқич ўн бешта диний конфессия уюшмалари фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон тараққиёти учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Еттичинидан, хавфсизликка таҳдид Ўзбекистон ҳукуматининг дунёвий тараққиёт, туб ислоҳотлар, жамиятни бутунлай янгилаш ва диний эътиқод ҳамда фундаментализмга бўлган муносабатини сохталаштиришдан иборатдир. Бу дунёning турли минтақаларидан туриб тўғридан-тўғри Ўзбекистонга ғоявий хуруж қилиш, унинг дунёдаги кўпдан-кўп шериклари ишончини барбод этиш, шу йўл билан Ўзбекистон миллтий тараққиётига тўғаноқ бўлиш орзу-истагида дунёга келган.

Президент Ислом Каримов диннинг жамият тараққиётида тутган ўрни ва роли хусусида батафсил тўхтаплар экан, у фундаментализм иллатларини ўзига хос тарзда таҳлил этади ва, айтиш мумкинки, ҳозиргача ҳеч қайси минбарда айтилмаган, дунё сиёсий оламида тилга олинмаган, бутунлай янги холосаларни ўртага ташлайди. Янги дунёning бутунлай янги иллатларини, уни фожиаларга олиб келиши мумкин бўлган омилларни чуқур идрок этади ва асосли қилиб ифодалайди.

Юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайдиган, руҳий ва маънавий дунёқарashi, турмуш тарзи ва ақидалари хилма-хил бўлган Ўзбекистонда тили, миллати, ирқи, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, инсонлиги учун улуғлаш каби ғоят инсонпарвар сиёsatни қарбр топтириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини яққол кўриб турибмиз. Зоро, Президент Ислом Каримов «...биз демократик янгиланиш палласига кирад эканмиз, руҳий покланишни ҳам унутмайлик, тараққиётимизга ғов бўладиган маънавий риёкор-

ликдан тезроқ қутулайлик» ёки «буни бизнинг фуқароларимиз, ёшларимиз эсда тутишлари ва қадрлашлари лозим. Мамлакатимиз ичидаги ҳам, жаҳон ҳамжамияти олдида ҳам ўз масъулияtlарини тушунишлари ва унутмасликлари зарур» деганида, жаҳон андозаларида камдан-кам учрайдиган мамлакат ахолиси турли табақасини умуминсоний қадриятлар асосида жипслаштириши, шу асосда юксак маънавий-маърифий жамиятни шакллантириш тамойилларини ўргага ташлайди. Айни пайтда у «ўта нозик» масалага ўзига хос, ҳеч кимга ўхшамаган ҳолда ёндошади ва ўзининг ҳам нозик сиёсати, ҳар қандай чигал муаммоларни ҳал этишда ноёб маҳоратини кўрсата билди.

Диний ақидапарастлик жамият ҳаёти ва одамлар тақдири учун ҳамма вақт таҳликали, унга таҳдид солиб турадиган ашаддий ёвузликдир. Терроризм ана шу ёвузликнинг тарихда абадий равишда тавқи лаънатга маҳкум этилган кўринишидир.

Аслини олганда Ўзбекистондай ўтмиши инсоният тарихи, кишилик ҳаёти ибтидоси билан боғлиқ бўлган маконда, ўзбеклардай юксак маданият ва ноёб маънавиятга ворислик қиласидиган ҳалқ ҳаётида бундай фожиали ҳодисанинг юз бериши мумкин эмас. Чунки, мавжуд тарихий ҳақиқатни тан олишимиз керак. Ислом дини Арабистонда тақво ва ибодат шаклида дунёга келган. Ислом таълимотининг дастлабки ғоялари ва умуман унинг бутун ақоидларини ўзида мужассам этган муқаддас ғоялари мажмуаси «Куръон» у ерда нозил бўлган.

Бироқ, Ўзбекистонда — Мовароунияхрда Ислом том маънодаги фан, фалсафа, илм, назария ва тафаккур маҳсули сифатида дунёга келди. Айни ана шу заминда туғилган Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Абдухолиқ Фиждувоний, Бурҳониддин Марғиноний, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Хожа Аҳорори Валий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий ва бошқалар каби ўнлаб даҳолар борки, улар Ислом динини оддий, кундалик тақво ва ибодатдан том маънодаги таълимот, энг юксак маънавий-маърифий мафкура, соғ инсонпарвар ғоя даражасига олиб чиқдилар. Инсоният тараққиётини бутунлай ўзгартириб юборган, жа-

ҳон цивилизациясига тоятда кучли таъсир ўтказған Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, улуг саркарда ва давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа бобокалонларимиз дунё тараққиётини табиий фанлар, фалсафа, мантиқ ва адабиёт билан бирга Ислом назарияси ва таълимоти билан муштарак ҳолда тушундилар ва ривожлантирилар. Давр, тарихий шароит шундай эдикі, айни ана шу омилларнинг бири кам бўлган тақдирда буюк ихтиrolар, оламу одамлар тақдирни ва истиқболи билан боғлиқ бўлган кашфиётлар дунёга келмаган бўлур эди.

Масаланинг, яна бир нозик жиҳати бор: худди ана шу биз юқорида номларини тилга олган улуг даҳоларнинг барчаси ислом динини илмий, назарий ва амалий жиҳатдан қанчалик юқорига кўтарган, эъзозлаган, унинг назарияси ва фалсафасини бойитган бўлсалар, диний фанатизм ва ақидапарастликдан ҳам шунчалик кўп жабр кўрганлар. Айримлари ҳатто хурофот ва жаҳолат курбони бўлдилар.

Демак, жаҳолат, жоҳиллик яшовчан экан. Биз буни инкор эта олмаймиз. Ҳаёт ҳақиқати шундай. Демак, биз хавф-хатардан бутунлай холи, тинч ва осуда яшашга қанчалик интилсак, ҳаётимизнинг ҳар дақиқасида ақлиидрок йўриғи билан йўл тутиб ўзимизни, ўзимиз орқали фарзандларимизни, оиласизни, охир-оқибатда бутун жамиятимизни асраромогимиз даркор. Биз учун бундан бошқа йўл йўқ.

## ТЕРРОРИЗМНИНГ АЧЧИҚ САБОҚЛАРИ

1999 йил август ойининг охирларида бир гуруҳ жангарилар Тожикистон орқали Қирғизистоннинг Боткент туманига кириб келдилар. Улар қарийб уч ой мобайнида туманинг беш қишлоғини босиб олдилар. Тинч яшеттган минг-минглаб одамлар ҳаётига тажовуз қилдилар. Уларнинг мол-мулкини, озиқ-овқатларини тортиб олдилар. Бир қирғиз генерали, тўрт япон фуқароси ва бошқа бир неча кишилар гаровга олинди.

\* \* \*

## *Мавзуга доир материал*

1995—1996 йилларда Хоразм вилоятида Т.Юлдашев ва Ж.Ходжиевлар томонидан ташкил қилингган X.Атамурадов, С.Бобојонов, О.Рўзметов, В.Ким ва бошқалардан ташкил топган қуролланган гурӯҳ уларнинг топшириғи билан Чеченистонда ҳарбий тайёргарликдан ўтиб қайтишиган.

Улар 1998 йил ўрталарида Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Бурчмулла қишлоғига чегарадош бўлган Қирғизистон Республикасининг «Бешарал» қўриқхонаси биносини ўзлари учун лагерга айлантиришиб, Бурчмулла қишлоғида яшовчи шахслардан иборат қуролланган гурӯҳ ташкил этишиб, «Жиҳод» ўtkазиш учун диний, жисмоний ва ҳарбий тайёргарлик кўра бошлаганлар.

1999 йил 16 феврал куни белгиланган вақтларда портлашлар содир бўлиб, террористик актлар оқибатида Ф.Набиев, Р.Керимов, Б.Сиёева, Г.Данилов, А.Абдуллаев, Н.Ўрманов, Д.Холмўминова, А.Азимов, М.Юсупов, Ю.Бережной, Х.Мухаммедов, Ш.Юнусходжаев, М.Совутбаев, М.Ходжаев, Ж.Хабилов ва бир нафар шахси аниқланмаган, жами 16 нафар фуқаролар ҳалок бўлганлар, 128 нафар фуқароларга турли даражадаги тан жароҳатлари етказилган, фуқаролар, давлат ва жамоат ташкилотларининг мулкига 689.844.000 сўмлик моддий зарар етказилган.

Жиноятчиларнинг иродасига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентини ўлдириши мақсади амалга ошмаган.

Жиноий уюшма аъзолари У.Бабаджонов, М.Казиевлар билан биргаликда 1998 йил май-июн ойларида Чеченистондаги ҳарбий дала лагерида қўпорувчилик, диверсия, қуроллардан фойдаланиш, жанг қилиш усуllibини ўрганиб, Тошкент шаҳрига қайтиб келган Улуғбек Ергешевич Маҳмутов 1999 йил 27 сентябр куни Тошкент вилоятининг чегара зonasida жойлашган ҳарбий қисм оддий аскари Б.Раҳимовни бўшига болға билан қасддан уч марта уриб ўлдириб, унга бириктирилган АКС-74 автомати ва ўқ дориларини уюшган гурӯҳ манфаатларини кўзлаб, босқинчилик йўли билан эгал-

лаб, ўзига биринчи ишлган марказий Аэрогеодезия корхонасига тегишили УАЗ-469 русумли автомашинасида Бўка туманининг «Юнусовул» қишлоғи ҳудудига бориб, автомашинани шу ерда қолдириб Қирғизистон Республикаси Боткент туманида жанг олиб бораётган жангарилар сафига қўшилиш учун кетаётганда Қирғизистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинган.

Қирғизистон Республикаси ҳукумати томонидан Ж.Ходжисев таклифига асосан 4 нафар гаровга олинган Япония давлати фуқароларига У.Махмутов ва уч нафар жангарилар алмаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг Тожикистон Республикаси ҳукумати билан ўзаро келишувига кўра, 2000 йилнинг апрел-май ойларида Ж.Ходжисев бошчилигидаги жиноий уюшма жангариларини Афғонистонга ўтказиш таддиири ўтказилган.

Аммо, жиноий уюшма раҳбарлари Т.А.Юлдашев, Ж.Ходжисевлар Тожикистон Республикасининг айрим мансабдор шахслари билан жиноий тил биринчилишиб, ҳалқаро жамоатчиликни алдашиб, Ж.Ходжисевнинг ҳарбий лагерида бўлган аёллар, болалар ва ёши ўтган шахслар ҳамда Тожик муҳолифатининг айрим қўмондононларига тегишили бўлган жангариларни Ж.Ходжисевга тегишили бўлган жангарилар сифатида кўрсатишиб, уларни Афғонистонга ўтказиб юборадилар.

Аслида Ж.Ходжисевга тегишили бўлган жангарилар қурол-аслаҳалари билан яширин равишда Тожикистон Республикаси Тавилдарадаги лагеридан Лоджир ва бошқа тоғ қишлоқларига кўчиршлиб, уларга Қирғизистон Республикаси Боткент вилояти, Ўзбекистон Республикасининг Сурхондарё ва Тошкент вилоятларига яширинча ҳужум қилиш учун тайёргарлик кўриб туриш тўғрисида топшириқ берганлар.

Жиноий уюшма раҳбарлари Т.Юлдашев ва Ж.Ходжисевларнинг топшириғига биноан, 2000 йилнинг июн ойи бошларида жиноий гурӯҳ раҳбари Исматов Тожиддин бошчилигидаги Ж.Ходжисевнинг дала лагерида маҳсус ҳарбий тайёргарликдан ўтган 20 нафар жангарилар 40 қилограммдан бўлган қурол-аслаҳалар, 2 дона гранатамёт, 2 та РПК пулемётти, АКМ ва АКС-74 автоматлари, 1

\* \* \*

## Мавзуга доир материал

1995—1996 йилларда Хоразм вилоятида Т.Юлдашев ва Ж.Ходжисевлар томонидан ташкил қилингган X.Атамурадов, С.Бобојонов, О.Рўзметов, В.Ким ва бошқалардан ташкил топган қуролланган гурӯҳ уларнинг топшириги билан Чеченистонда ҳарбий тайёргарликдан ўтиб қайтишиган.

Улар 1998 йил ўрталарида Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Бурчмулла қишлоғига чегарадош бўлган Қирғизистон Республикасининг «Бешарал» қўриқхонаси биносини ўзлари учун лагерга айлантиришиб, Бурчмулла қишлоғида яшовчи шахслардан иборат қуролланган гурӯҳ ташкил этишиб, «Жиҳод» ўtkазиш учун диний, жисмоний ва ҳарбий тайёргарлик кўра бошлаганлар.

1999 йил 16 феврал куни белгиланган вақтларда порташлар содир бўлиб, террористик актлар оқибатида Ф.Набиев, Р.Керимов, Б.Сиёева, Г.Данилов, А.Абдуллаев, Н.Ўрманов, Д.Холмўминова, А.Азимов, М.Юсупов, Ю.Бережной, Х.Мухаммедов, Ш.Юнусходжаев, М.Совутбаев, М.Ходжаев, Ж.Хабилов ва бир нафар шахси аниқланмаган, жами 16 нафар фуқаролар ҳалок бўлганлар, 128 нафар фуқароларга турли даражадаги тан жароҳатлари етказилган, фуқаролар, давлат ва жамоат ташкилотларининг мулкига 689.844.000 сўмлик моддий зарар етказилган.

Жиноятчиларнинг иродасига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентини ўлдириши мақсади амалга ошмаган.

Жиноий уюшма аъзолари У.Бабаджонов, М.Казиевлар билан биргаликда 1998 йил май-июн ойларида Чеченистондаги ҳарбий дала лагерида қўпорувчилик, диверсия, қуроллардан фойдаланиш, жанг қилиш усуllibини ўрганиб, Тошкент шаҳрига қайтиб келган Улуғбек Ергешевич Маҳмутов 1999 йил 27 сентябр куни Тошкент вилоятининг чегара зonasida жойлашган ҳарбий қисм оддий аскари Б.Раҳимовни бўшига болға билан қасдан уч марта уриб ўлдириб, унга биринтирилган АКС-74 автомати ва ўқ дориларини уюшган гурӯҳ манфаатларини кўзлаб, босқинчилк йўли билан эгал-

лаб, ўзига биринчи ишлган марказий Аэрогеодезия корхонасида тегишили УАЗ-469 русумли автомашинасида Бўка туманинг «Юнусовул» қишлоғи ҳудудига бориб, автомашинани шу ерда қолдириб Қирғизистон Республикаси Боткент туманида жанг олиб бораётган жангарилар сафига қўшилиш учун кетаётганда Қирғизистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинган.

Қирғизистон Республикаси ҳукумати томонидан Ж.Ходжисев таклифига асосан 4 нафар гаровга олинган Япония давлати фуқароларига У.Махмутов ва уч нафар жангарилар алмаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг Тожикистон Республикаси ҳукумати билан ўзаро келишувига кўра, 2000 йилнинг апрел-май ойларида Ж.Ходжисев бошчилигидаги жиноий уюшма жангариларини Афғонистонга ўтказиш тадбири ўтказилган.

Аммо, жиноий уюшма раҳбарлари Т.А.Юлдашев, Ж.Ходжисевлар Тожикистон Республикасининг айрим мансабдор шахслари билан жиноий тил биринчилишиб, ҳалқаро жамоатчиликни алдашиб, Ж.Ходжисевнинг ҳарбий лагерида бўлган аёллар, болалар ва ёши ўтган шахслар ҳамда Тожик муҳолифатининг айрим қўмондонларига тегишили бўлган жангариларни Ж.Ходжисевга тегишили бўлган жангарилар сифатида кўрсатишиб, уларни Афғонистонга ўтказиб юборадилар.

Аслида Ж.Ходжисевга тегишили бўлган жангарилар қурол-аслаҳалари билан яширин равишда Тожикистон Республикаси Тавилдарадаги лагеридан Лоджир ва бошқа тоғ қишлоқларига кўчиршлиб, уларга Қирғизистон Республикаси Боткент вилояти, Ўзбекистон Республикасининг Сурхондарё ва Тошкент вилоятларига яширинча ҳужум қилиш учун тайёргарлик кўриб туриш тўғрисида топшириқ берганлар.

Жиноий уюшма раҳбарлари Т.Юлдашев ва Ж.Ходжисевларнинг топшириғига биноан, 2000 йилнинг июн ойи бошларида жиноий гуруҳ раҳбари Исматов Тожиддин бошчилигидаги Ж.Ходжисевнинг дала лагерида маҳсус ҳарбий тайёргарликдан ўтган 20 нафар жангарилар 40 килограммдан бўлган қурол-аслаҳалар, 2 дона гранатамёт, 2 та РПК пулемёти, АКМ ва АКС-74 автоматлари, 1

*та видеокамера, құл гранаталари, ўқ-дорилар, алоқа учун рациялар, пичоқ, дүрбин, тротил портлагиң әзірлеуден батареялар билан қуролланиб, контрабанда йўли билан Тошкент вилояти, Бўстонлик туманининг тоғли ҳудудларига ўтишиб, ўрмон хўжалигининг Тераклисой маска-нига жойлашиб олишган.*

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг ҳукмидан. Тошкент шаҳри. 2000 йил, 17 ноябр. «Халқ сўзи», 2000 йил, 22 ноябр.)*

\* \* \*

Турли миллат вакиллари ва бир неча мамлакат фуқаросидан иборат жангарилаар ҳалқаро терроризмнинг янги қиёфасини кўрсатдилар. Безорилар Қирғизистон ҳудудидан чиқиб кетган пайтлари Москвада нашр этиладиган «Время-МН» газетаси мухбири Ўзбекистон Президенти И.Каримовга савол билан мурожаат этди.

Ўзбекистон раҳбарининг «Время МН» газетасида чоп этилган интервьюси бугунги дунё можароларига, ижтимоий-сиёсий жараёнларига, хусусан ҳалқаро терроризм ва диний экстремизмга муносабатларда жуда катта аниқлик киритди.

Айтиш мумкинки, мазкур суҳбат XXI аср тафаккур тарзини, унинг йўналишларини, миқёсини белгилаб берди. Жаҳон сиёсатининг стратегияси, унинг фалсафаси, мантиғи, ҳаёт ҳақиқати нималардан иборатлигини аниқ-равшан кўрсатди.

Албатта, инсоният шажараси абадий. Ҳаёт эса чексиз, чегарасиздир. Унинг кутилмаганды янгидан-янги, бир-бирига ўхшамаган муаммолари пайдо бўлаверадики, уларни ўз вақтида илғаб олиш, англаб, тўғри тушуниш ва энг мақбул шаклдаги ечимини топиш алоҳида зукколикни тақозо этади. XX аср иллами сифатида дунёга келган, тобора мадда бойлаб, жазавага тушаётган ҳалқаро терроризмга кескин зарба бериш, таг-томири билан суғириб ташлаш айни пайтда ҳақиқат билан юзма-юз туриш жасоратини талаб қиласиди.

Аслини олганда, инсоният ва ҳаёт күшандаси бўлмиш ҳалқаро терроризмга муносабат билдираётган сиёсат ва давлат арбоблари оз эмас. Бироқ, улар ўз чиқишиларида бўлиб ўтган воқеаларни шунчаки шарҳлашдан, шунчаки

ки оммага кўриниш бериб қўйиш тамойилидан нарига ўтишмаялти. Уларнинг аксариятида масаланинг туб мөҳиятини очишга, унга кескин зарба беришга ё сиёсий иродатишишмаялти ёки шахсий шижиоат етарли эмас. Ё бўлмаса, «уни ўйлайдиган бошқалар ҳам бордир, нега айнан мен бошимни қотиришим керак» қабилида иш юритишляпти. Дунё ҳаётига таҳдид солаётган, инсоният тақдири, Ер шари истиқболи билан боғлиқ бўлган умумжаҳон муаммосини зиммасига олиб, унга қарши курашадиганлар эса оз. Камдан-кам давлат арбобларигина ўз ҳаловатидан кечиб дунёвий можароларни ўз юрагидан ўтказмоқда, унга муносабат билдиримоқда.

Ўзбекистон раҳбари мамлакат мустақиллигига асос солар экан, терроризм ва экстремизм, минтақалараро можаролар янги дунёнинг «совуқ уруш»дан холи дунёнинг оғир жароҳати эканлигини кўрсатиб берди ва жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларида янги хавф, янги таҳдид урчиб бораёттанини алоҳида таъкидлади. Дунё сиёсати оқимини ўзгартириш, уни янги мазмун билан бойитиш зарурати туғилганини исботлади.

Ўзбекистон раҳбари минтақада ва Ер юзининг турли ҳудудларида юз бераётган террорчиллик ҳаракатлари, дин ниқоби остида амалга оширилаётган қонхўрликлар ва зўравонликлар оқибатларига ўта жиддий қарайди. Президент И.Каримов воқеаларга ўз вақтида муносиб баҳо берди. Уларни бутун кўлами ва миқёси билан идрок этади. Натижада, масаланинг туб илдизини очиб беради. Халқаро терроризмнинг инсоният ҳаётига таҳдиди, фожиалари ва жаҳон тараққиётига буткул тўсиқ бўладиган омиллари хусусида гапиран экан; «Мени ҳудудни босиб олиш мақсадида амалга оширилаётган ташқи қуролли тажовуз хавфи эмас, балки миёси заҳарланган ёшларни ўзлари ўсиб улгайтан шаҳар ва қишлоқларни портлатишга ўргатадиган шаҳдарм ва базаларни бунёд этишини мақсад қилиб олган диний экстремизм экспансияси хавотирга солмоқда», дейди Ислом Каримов

Ўзбекистон раҳбари бу фикри билан, биринчидан, ҳудудни босиб олишга интилаётган ташқи тажовузлар ибтидоий ҳодиса ақл-идроқдан холи бўлган зўравонлик деб айтди ва у айни ёввойи оломон хуружи сифа-

тида кўрқинчли эмаслигини таъкидлади. Айни ана шу куролли тажовузга қарши тура биладиган, уни енга оладиган қудратта эгалигини кўрсатади. Бу, энг аввалио, Ўзбекистон давлатининг ҳам, унинг раҳбарининг ҳам сиёсий иродасидаи, маънавий қудратидан ва қолаверса, ҳарбий имконият даражасидаи далолат беради.

Ислом Каримов, тафаккурининг нечоғлиқ инсон-парварлиги, масалага ёндошиш усулининг юксак даражадаги маънавийлиги ва Шахс сифатидаги қатъияти шундаки, у воқеа-ҳодисаларнинг айнан ўзидан таҳлика га тушмайди. Балки уларнинг хилма-хил шакллари пайдо бўлаётгани, ривожланаётгани, мазмун-моҳияти оқибати изтиробга солади. Бу масаланинг иккинчи томони. Яъни ҳар қандай ташқи тажовузлар эмас, балки, миёси заҳарланган ёшларнинг ўзи туғилиб ўсган уйи, хонадони, киндик қони тўкилган муқаддас тупроғи, Она-Ватани, мўътабар остонасига болта уриши, уни барбод этиши, портлатиб юбориши, кун-паякун қилиши. Бу ман-куртлик ўз аждодларига, қавм-қариндошларига, волидаи муҳтарамасига, падари бузрукворига қўл кўтаришдек бедаволикнинг урчиб келаётганилиги билан изоҳланади ва уни ана шу умуминсоний таназзул ҳодисаси ташвишга солади.

Дунёда шундай давлатлар борки, улар ўз ҳудудига кимлар кириб, нималар билан шуғулланиб, қандай чиқиб кетаётганига эътибор ҳам беришмайди. Бу ё ана шундай эркинлик ва демократия ниқоби остидаги халқаро ўйинларга берилиш, уларга кўр-кўrona хизмат қилиш жиддий ва қатъият билан қарап масъулиятидан қочиш ё бўлмаса қандайдир манфаатдорлик натижаси, дейиш мумкин. Акс ҳолда, Покистон айни ана шундай бедаволар уясига, уларнинг тажриба «мактаб»лари жойлашган майдонга айланармиди? Қирғизистон воқеалари, халқаро терроризмнинг тажовузкорлиги хусусида газета мухбирига гапирав экан, Президент Ислом Каримов «Нима бўлаётганини эшитинг: суверен давлат ҳудудига олти юз ёки минг кишидан иборат куролланган тўда кирмоқда... Ахир ҳар бир давлатнинг ўз қадр-фурур туйғуси бўлиши керак, унинг ҳар бир фуқаросида эса хавфсизлиги сиртдан ҳимояланганлигига ишонч туйғуси бўлиши керак», дейди.

Жангарилар Қирғизистон ҳудудига киргач, гүёки улар Ўзбекистонга ўтиш учун фақат «йўлак» сўрашган эмиш. Балки шундайдир. Лекин масаланинг мантиқ-сизлиги шундаки, қандай қилиб қонхўр, жаллод, манфур кимсаларга ўз уйингдан жой берасан? Эшикдан киритиб, қорнини тўйғизиб, устини бут қилиб чўнтағига пул солиб, тешикдан чиқариб юбориш мумкин? Бу қўйнида илонни кўтариб юриш билан баробар эмасми? Ана шу мантиқдан келиб чиқиб, содир этилган воқеаларни Президент Ислом Каримов шундай изоҳлайди: «**Ўзбекистон билан Қирғизистонни гиж-гижлатишга қаратилган уринишлар деб биламан ва уларни тамоман инкор этаман.** Агар бу ҳақиқат бўлганда эди, бўлмаса нима учун жангарилар қирғизларни талон-тарож ва қатл этишини бошладилар?»

Покистон — Афғонистон — Тожикистон — Қирғизистон ҳудудини эгаллаб олган қонхўрлик «ўйин»лари ва ана шу мамлакатларнинг ўзи ҳам айни халқаро терроризмнинг узвий, бир-бирига боғланган занжир ҳалқалари эканлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Агар улар қайсиdir даражадаги моддий, маънавий, ҳарбий соҳадаги «ҳотамтой» ҳомийларга суюнмаса, терроризм бу қадар тез ривожланмаган, бу қадар тез урчиб кетмаган ва халқаро мақомга эга бўлмаган бўларди. Агар ана шу боғлиқлик бўлмаганида эди, уларнинг ўзаро муносабатларида, фаолиятларида ҳамкорлик бўлмаганида эди, улар бунчалик эмин-эркин ҳаракат қилишмаган бўлардилар.

Жангарилар Қирғизистонга бостириб кирган пайтлари, уларнинг аксарияти ўзбек миллатига мансуб эмиш, деган миш-мишларни ҳам тарқатишиди. Гўёки, бундай террорчилик ҳаракати ўзбекларнинг ўзининг иши ва уларга дахлдор бўлган фожиа эмиш. Кейинчалик маълум бўлдики, улар таркибида тоҷиклар, чеченлар, афғонлар, араблар, қирғизлар ва ҳатто руслар ҳам бор экан. Тўғри, Ислом дини панасида туриб, ўзининг фаразли мақсадларини амалга оширишга интилаётган «мусулмон»лар орасида 5—10 та ўзбек ҳам бўлиши мумкин. Бироқ, ўзбек миллатига мансуб бўлган аҳоли Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон ҳудудларида ҳам яшамоқда-ку! Нима учун биз битта ё икки-

та ўзбек миллатига мансуб жангчини ушлаб олиб, уни бутун ўзбек халқига ва Ўзбекистонга нисбат бериши миз керак? Шунинг ўзи фоявий қўпорувчилик, уйдирма эмасми?

\* \* \*

## **Мавзуга доир материал**

### **АҚШ Давлат департаментида**

15 сентябр куни АҚШ Давлат департаменти мамлакат қонунларига биноан «Ўзбекистон ислом ҳаракати»ни хорижий террорчилик ташкилоти, деб тавсифлашга қарор қилганини билдириди ва бу хусусда маҳсус баёнот ҳамда маълумотнома тарқатди.

Баёнотда таъкидланишича, Давлат департаменти мамлакат Конгрессини ўз қароридан огоҳ этган. «Ўзбекистон ислом ҳаракати»ни хорижий террорчилик ташкилоти, деб эълон қилиш ҳақидаги қарор мазкур билдиришдан кейин етти кун ўтиб, расман кучга киради.

«Ўзбекистон ислом ҳаракати», дейилади баёнотда, тинч аҳоли ҳаёти ва минтақадаги хавфсизликка таҳдид салмоқда. Ўзбекистон фуқароларига нисбатан содир этилган террорчилик ҳаракатларига айнан шу ҳаракат жавобгардир. Унинг одамлари хорижсликларни, хусусан, 1999 йилги япониялик, бу йил эса америкалик алгинистларни ўғирлаган. Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудларига уюштирилган босқинчилклар учун жавобгарликни ҳам айни шу ҳаракат ўз бўйнига олган.

АҚШ Давлат департаменти «Ўзбекистон ислом ҳаракати» 16 кишининг ўлимига сабаб бўлган Тошкентдаги портлашларга ҳам алоқадордир, деган фикрда. Департаментнинг маълумотномасида қайд этилишича, «Ўзбекистон ислом ҳаракати» ислом жангариларининг каолицияси бўлиб, уларнинг мақсади минтақа мамлакатларида ҳокимиятни ағдариш, барқарорликни издан чиқаришидир. Мазкур жангариларининг маълум қисми Тоҷикистондаги фуқаролар урушида иштирок этган. Уларнинг бошлиғи Тоҳир Йўлдошев Ўзбекистон ҳукуматига қарши «эжиход» эълон қилган. 90-йилларнинг ўрталаридан буён «Ўзбекистон ислом ҳаракати» жангарилари Афғонистон ҳудудидаги лагерларда тайёргарликдан ўтиб келади, айрим жан-

гарилар Усама бин Ладин назорати остида туради. Тўда «Толибон» ҳаракати ҳамда Афғонистонда ва ўзга мамлакатларда қўним топган бошқа гуруҳлар, алоҳида шахслардан ёрдам олиб туради. «Ўзбекистон ислом ҳаракати» ўзининг гаразли мақсадларига эришиши учун террор йўлини танлаган. АҚШнинг иқтисодий ва тижорий манфаатларига катта фаоллик билан зарар етказишга уринаётган, АҚШ фуқароларига хужум қилган минтақадаги ягона гуруҳdir.

АҚШ сиёсати террорчилик ташкилоти билан қонуний муҳолифат ўртасидаги фарқни эътироф этиши асосига қурилган бўлиб, «Ўзбекистон ислом ҳаракати»нинг террорчилик ташкилотлари рўйхатига киритилиши ана шу фарқнинг инъикосидир. АҚШ Ўзбекистоннинг ўз сувренитетини ҳимоя қилиш, ҳудудий яхлитлигини сақлаш ҳуқуқини ва бу борадаги саъӣ-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Шу муносабат билан Давлат департаменти «Ўзбекистон ислом ҳаракати»ни ўзида 28 террорчилик ташкилоти номини жамлаган рўйхатга киритди. Бунинг натижаси ўлароқ, АҚШнинг ҳифзи ҳимоясидаги ҳусусий ва юридик шахсларнинг мазкур тўдага молиявий ёрдам кўрсатиши тақиқланади, Молия вазирлигига эса «Ўзбекистон ислом ҳаракати»нинг АҚШ юрисдикцияси остидаги ҳар қандай активларини тўхтатиш ҳуқуқи берилади. Шунингдек, ушбу тўда вакилларига АҚШга кириш визаси берилмаслиги ёки умуман мамлакат ҳудудига кириш таъкилаб қўйилиши мумкин.

(«Халқ сўзи». 2000 йил, 21 сентябрь.)

\* \* \*

XX асрнинг ўрталарида дунёга жуда катта талофат келтирган ва инсоният ҳаётига хавф-хатар солган фашизмни эсга олайлик. Гитлер ва унинг гумашталари гоясига кўр-кўrona ёндошган, унинг манфаатларига хизмат қилган миллионлаб буюк немис миллатига мансуб бўлган кишилар бор эди. Бироқ, ҳеч ким ҳеч қачон фашизмни буюк немис миллатига доғ сифатида нисбат бермайди-ку? Нега энди, Боткен фожиаларини ташкил этган ва амалга оширганлар орасида қаерда туғилгани ва яшаётганидан қатъи назар, қайси мамлакат фуқароси бўлганини инобатта

олмай ўзбеклар ва Ўзбекистон бошига мағзавалар қўйиши керак экан?

Ўзбекистон раҳбари сұхбат сўнгидаги қатъий позициясини очиқдан-очиқ ўртага ташлайди: «Чеченистон ва Догистон чегараларида Россия амалга ошираётган операциялар каби биз ҳам Тожикистон худудидаги террористлар базаларига қарши айнан ана шундай операцияларни уюштиришга тўла ҳақлимиз. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, айтмоқчиманки: Ўзбекистон бу базаларга шундай зарба беришига тамоман ҳақлики, у ерда уни анчагача эслаб юришади, ҳатто ўз авлодларига ҳам етказишади. Бундай босқинчилик ҳужумларни биз кечирмаймиз ва биз билан ўйнашга йўл қўймаймиз».

Ўзбекистон давлатининг қудрати, унинг юрт тинчлиги ва ҳалқ осойишталиги борасидаги сиёсий йўли ана шундай қатъий! Зотан, Ўзбекистон Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги орасида ўзининг барқарор ривожланиш йўлига чиқиб олганлиги, жаҳон сиёсий майдонида ўз сўзи ва ўз фикри билан алоҳида мавқега эга бўлаётганлиги, дунё воқеаларига қатъият ва ниҳоятда аниқлик билан ёндошаётганлиги боис жуда катта нуфузга эга бўлмоқда. Ана шуларнинг ҳаммасининг тагида жуда катта эътиқод, танлаб олинган йўлга событик фазилатлари ётади. Ҳалқ ишига, Ватан осойишталиигига қаратилган сиёсат юксак эътиқод даражасига қўтарилиган тақдирдагина у ҳар қандай таҳдидга таҳдид сола биладиган, ҳар қандай тажовузни енга оладиган, уни барбод қилишга қодир бўлган мўъжизага айланади.

**Тарих чархпалаги тинмай айланаверади.** Шу аснода турли-туман воқеа-ҳодисаларни гоҳ тадрижий равишида, гоҳ кутитмаган ҳолда келтириб чиқараверади. Ҳар бир даврнинг ўз муаммолари ва ўз юмушлари шу тахлит юзага қалқиб чиқади.

Ҳалқаро терроризм биз учун янгилик ҳам, айни пайтда тасодифий ҳам эмас. У йиллар мобайнида урчиб, ривожланиб, такомиллашиб бораётган муддиш ҳодиса. Унга кимлардир билиб-билмай, кимлардир онгли равишида шароит яратиб берди. Бироқ, камдан-кам кишиларгина ёвузликни туғилган заҳотиёқ англайди, тушунади, ўз вактида баҳо беради. Ана шундай буюк ҳодиса, ижтимоий-сиёсий жараёнлар боришини олдин-

дан пайқаб, олдиндан баҳо бера олиш қудрати Ўзбекистонга, унинг раҳбарига насиб этган. Бу буюк фазилат ва оқил сиёсатдонлик қудрати миллат ва мамлакат, ўзбек ва Ўзбекистон шаънини дунё меҳварига олиб чиқмоқда ва унинг маънавий қудратини кўрсата оладиган илоҳий омил сифатида кўзга ташланмоқда.

Дарҳақиқат, дунё кескин кўтарилишлар, оламшумул тараққиёт омиллари билан бирга уни таназзулга олиб борувчи, инсоният кушандаси бўлган ҳолатларни ҳам кўп кўрган. Зотан, инсон табиати шундай. Унинг жисмида яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик туйғулари ёнма-ён яшайди. Бутун ҳаёт, бутун Ер шари ва унинг соҳиби бўлган инсоният айни ана шу одам, унинг муҳаббатию нафрати, эзгулиги ёвузлиги ўртасида қалқиб яшайди. Ана шундай пайтда фақат яхшилик ва эзгулик туйғуларини ўстириш, тарбиялаш, уни камолга етказиш йўлини тутган одамдагина буюклик, даҳолик қудрати мавжуд бўлади. **Бундай илоҳий қудрат бугун яна ўзбеклар ва Ўзбекистонга насиб этган.**

Сиёсат қачонки эзгулик йўлини танласа, инсон-парварлик туйғулари билан сугорилса умуминсоний қадриятта айланади. Ўзбекистон раҳбарининг минтақавий можаролар, халқаро терроризм ва диний экстремизм иллалатларига муносабати айни ана шу эзгулик ва яхшиликнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилигининг, Ўзбекистон давлатининг сиёсати эса умумжаҳон сиёсатининг асосий қисмига, умуминсоний қадриятта айланадиганлигининг натижасидир.

## У ч и н ч и б о б

### XXI АСР – ЎЗБЕКИСТОН АСРИ

#### I. ТАРИХИЙ ДАВР КАШФИЁТИ

XX асрнинг сўнгти ўн йиллиги инсоният тарихида янги даврни бошлаб берди. Тоталитаризм, маъмурий-буйруқбозлик ва зўравонлик фояларига таянган социализм барбод бўлди. Миллатчилик, ирқчилик, фашизм фояларининг давоми бўлган коммунизм мафкураси инқирозга учраб мустамлакачиликнинг сўнгти қўрғонлари қулади. Башарият тақдирида инсон ва жамиятни озод этишининг янги босқичи, ялпи янгиланишлар жараёни амал қила бошлади. Бундай тарихий ўзгаришлар дунё иқтисодий, маънавий ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнларининг илгари мисли кўрилмаган кенг миқёсли янгиланишлар палласига кирганлигининг равшан ифодасидир.

Умужаҳон янгиланишлар жараёни аввал муайян мамлакат, кейин бир гурӯҳ давлатлар, айни чоғда эса барча мамлакатлар тақдирига, жамиятлар ва жамоалар, алоҳида инсонлар ҳаётига бевосита ва билвосита таъсир кўрсата бошлади. Дунё янгиланишлари жараённига ҳар бир давлат ўз тараққиёт кўлами, илмий-маърифий ва маънавий савияси, камолоти даражасидан келиб чиққан ҳолда кириша бошлади.

Ўзбекистон умумпланетар ўзгаришлар жараёнлари оқимида ўзининг бетакорр ижтимоий-сиёсий, маънавий янгиланишлари дастурига эга бўлган мамлакат сифатида ўзига хос ва ўзига мос мавқе эгаллади. Янги цивилизация ва инсоният тараққиётига кучли таъсир ўtkазишга қодир бўлган давлат сифатида ўзининг кенг имкониятларини намоён эта бошлади. Ўзбекистонда амалга оширилган фавқулодда кенг кўламдаги ишлар

ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси билан муштарак эканлиги алоҳида қайд этилиши лозим. Ўзбекистонда миллий, регионал ва умумпланетар мўлжаллар доирасида изчил ва тадрижий кечётган ялпи ўзгаришларни ўз вақтида ўрганиш, амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни баҳолаш, таҳлил этиш, ҳамда илмий-назарий умумлашмалар қилиш асносида бу жараёнларни мақсадли бошқариш Ўзбекистондаги янгиланишлар ривожи ўзига хос кечётганлигини ифода этади. Ижтимоий-иктисодий, маънавий ҳётни мақсадли такомиллаштириш, бу муҳитни умуминсоний ва миллий тамойиллар уйғунлиги руҳида ривожлантириш, сиёсий плюрализмга шарт-шароитлар яратиш, либерализм муҳитини ҳар томонлама кенгайтиришга давлат этиш орқали мамлакатимизда ялпи янгиланишлар жараёнлари бошланишига назарий пойдевор қўйилди. Давлат тузуми, жамият қурилиши ва шахс маънавияти дунёсини тубдан ислоҳ қилиш янгиланган давлат, ўзгарган жамият ва комил шахсни яратиш имконини берди. Давлат, жамият ва шахсни янтилаш жараёнлари, бу жараёнларни мақсадли бошқариш нечоғли ақлий шиҳоат, доно сиёсат ҳамда матонатни талаб этганлигига бугунги кунда амин бўлиб турибмиз. Зоро, бу бошқарув сермашаққат ва мураккаб кечувчи ижтимоий-сиёсий воқеалар, мафкуравий таъсир ва тазииклар, маҳсус юзага келтирилган моддий-молиявий тангликлар ҳолатлари шароитида амалга оширилди. Бу бевосита мамлакат раҳбарининг ўзига хос ноёб истеъдодидан, фаол сиёсий интеллектуал салоҳиятидан, И. Каримов шахсининг фавқулодда феномен эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон ялпи янгиланишлар жараёнини икки ўзаро узвий боғланган йўналишларда амалга оширишга киришди. Биринчиси, мамлакатнинг ички дунёсида, яъни иктисодиёт, маънавият, сиёсат, турмуш тарзида, ҳалқ характеристири ва менталитетида режавий асосларда амалга оширилаётган янгиланишлар мажмуудан иборат бўлса, иккинчи йўналиш, ҳалқаро ижтимоий муҳит манзарасини такомиллаштириш, яъни қарама-қарши кучлар ўртасидаги зиддиятларни барқарорлаштириш, коллизия муҳитидан муроса, ҳамкорлик му-

носабатлари, тинчлик маданиятига ўтиш, миллатлар-аро, давлатлараро, конфесиялараро толерантлик муносабатларини чуқурлаштириш, инсониятга умумий хавф туғдирувчи терроризм, наркобизнес, экстремизмга қарши халқаро ташкилот тузилмаларига асос солиш ва бошқа фаолиятлар мажмуудан ташкил топади.

\* \* \*

Ўзбекистонда ялпи янгиланишлар жараёни мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг қонунлар ўзгаришлар жараёнларидан аввал юриши керак, деган доно кўрсатмаси асосида амалга оширила бошланди.

Даставвал, Ўзбекистон мустақиллигининг хукуқий-меърий асослари яратилди. Мамлакатнинг истиқтол Конституцияси қабул қилинди. Миллий давлат тизими анъанавий давлатчилик foялари ва жаҳон давлатчилиги илғор тажрибаларининг синтези шаклида барпо этилди. Бошқарувда янги усуслар қарор топди. Маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида туб ўзгаришлар ясалди. Но-давлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари ва ўз-ўзини бошқариш органларининг ваколатлари кенгайтирилди.

Кўппартияйилик тизими таркиб топишига кенг шароит яратилди. Жамият ҳаётида соғлом демократик жараёнлар муҳити вужудга келди ва чуқурлашди. Инсон ҳақ-хукуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг хукуқий асослари вужудга келмоқда. Суд ҳокимияти мустақиллик моҳияти ва ҳозирги замон халқаро хукуқ тамойиллари негизида тубдан ислоҳ қилинмоқда.

Миллатлараро тотувликни таъминлаш чоралари кўрилди. Миллий хавфсизлик концепцияси ишлаб чиқилди. Мамлакат ҳудудий яхлитлигини ва тинчлигини таъминлашга қодир бўлган замонавий Куролли Кучлар тизими яратилди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий тамойиллари доирасида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсатининг устивор йўналиши қилиб белгиланди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг «Ўзбек модели» вужудга келди. Макроиқтисодиётни барқарорлаштириш, пул-кредит сиёсати тамойиллари ишлаб чиқилди. Мулкчилик, мулкка эгалик тушунчалари шаклланди. Мулк-

дорлар табақаси вужудга келди. Хусусий мулкка эгаликнинг янги тизими барпо этилди.

Ўзбекистонда маънавий-руҳий покланиш, миллий қадриятларни тиклаш, ворислик анаъаналарига садоқатли авлодни тарбиялаш ва амалиётга жорий этиш концепцияси ишлаб чиқилди. Мамлакатимизни озод ва обод жамиятга айлантирувчи, ватан равнақини маънавий таъминлаб берувчи миллий истиқлол фояси шаклланди.

Миллий истиқлол моҳияти ва мустақиллик фояларини англашда тарихий шахслар, буюк алломалар ва саркардалар, хусусан, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Ал-Мотуридий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Улугбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа улуг аждодларимиз ҳақиқидаги тарихий ҳақиқатнинг рӯёбга чиқиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Миллий урф-одатлар, қадриятлар ва анъаналарнинг тикланиши, янги жамият қуришда маънавий-маърифий тарғибот ва таълим-тарбиянинг роли оширилди. Бу соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнлари изчил амалга оширилмоқда.

Мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг хуқуқли ва фаол субъектига айланди. У Мустақил давлатлар Ҳамдўстлигида ўзига хос ва ўзига мос ўрининг эга бўлиб, минтақа тараққиётида муҳим роль ўйнай бошлади. Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик ва қардошлик муносабатларини янада ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ишлаб чиқилиди.

Бундай кенг кўламдаги ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёни чукур асосланган илмий-назарий таҳлилни, назарий умумлашмалар, хulosалар чиқаришни, амалий тавсиялар ишлаб чиқишни ижтимоий-гуманистар фанлар олдига долзарб муаммо сифатида кўймоқда.

Дарҳақиқат, ялпи ўзгаришлар жараёнларининг пировард натижасида ижтимоий онг мазмунида ўзгаришлар юз бера бошлади. Одамлар тафаккурида, феъл-атворида, саъй-ҳаракатларида янгича қарашлар қарор топди. Ҳаётга муносабатлар тизими ўзгарди. Ўзбек менталитети, миллий характер мазмунида янги жиҳатлар таркиб топа бошлади. Бу бевосита сиёсий, иқтисодий,

хукуқий ва маънавий соҳада туб янгиланишларга, ўзгаришларга маънавий асос бўлиб хизмат қилди.

Мамлакатда хукуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришининг ўзбекона тамойиллари вужудга келди. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий барқарорликка эришилди. Маънавий-руҳий покланиш, миллий қадриятларнинг тикланиши орқали истиқлол даври фуқароси вужудга келди. Бу — чинакам тарихий ва ижтимоий ҳодиса! Бу тарихий жараённинг кескин ўзгариши натижасида вужудга келган ва миллат келажаги билан боғлиқ бўлган тарихий кашфиёт!

Хуллас, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ва ўзига мос ўринга эга бўлганлиги, Юртбошимизнинг дунё муаммоларини ҳал этишда, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларини умуминсоний тамойиллар ва умуман яхшилик сари буришда фаол саъй-ҳаракатлар зарурлигини асослаб бераётганлиги мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятининг фаол субъектига айланәётганидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг кўҳна дунёни ислоҳ қилиш, уни янги ғоялар асосида ўзгартириш концепциялари дунё жамоатчилиги томонидан тўла маъқулланиб, қўллаб-куватланаётганлиги ўзбек характеристери ўзгарганлиги, ҳалқ онги, руҳияти, менталитети янгиланаётганлигидан далолат беради. Янгиланишлар жараёни узвий-узлуксиз ривож топмоқда. Маънавият мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий-интеллектуал тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб бормоқда.

Президент И. А. Каримов «Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад—юрган тинчлиги, Ватан равнақи, ҳалқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тутувлик, диний бағрикентлик каби кўп-кўп муҳим масалалардан иборат, деган эди. Бу бевосита жамиятни тубдан янгилашни, инсонни «янгилаш», инсон тафаккури, руҳияти, кайфияти ва онгини ислоҳ қилиш орқали амалга оширишни тақозо этадиган ҳодисадир.

Истиқлол эволюцияси бевосита одамлар тафаккури, уларнинг сиёсий, иқтисодий, хукуқий ва ижтимоий онгининг такомиллашиш жараёнлари билан боғлиқ

бўлган ҳодисадир. Ўзбекистонда кенг миқёсли ислоҳотларни инсон оғиз ва қалби орқали ўтказиш, бу жараёнларни ҳар томонлама ижтимоий фаол фуқарони шакллантириш иши билан уйғун ҳолда олиб борилди. Янгилашибарниң бундай «ўзбек модели» ижтимоий ҳаётнинг алоҳида йўналишларида тадрижий асосда, динамик тарзда олиб борилди. Жумладан:

**Давлатчилик соҳасида:**

- давлатнинг ялпи ислоҳотлар ўтказишида ташаббускорлиги, аҳоли бунёдкорлик ва яратувчаник фаолиятларининг рағбатлантирилиши;
- ҳукуқий демократик давлат қуришида миллий ва умуминсоний тамойилларниң уйғунлаштирилиши;
- қонун олдида аҳоли барча қатламлари тенглигининг таъминланиши, қонун устуворлиги тамойилларининг умумжамият томонидан қабул қилинган воқееликка айлантирилиши;
- жамият аъзолари моддий, маънавий ва ижтимоий имкониятларининг мамлакатни озод ва обод ўлкага айлантириш ғояларига сафарбар этилиши;
- аҳолининг мулқдорлар қатламини шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар, аҳоли турли табақалари турмуш тарзида ҳаддан ташқари фарқлар юзага келиб қолишининг олдини олиш;
- ҳалқаро иқтисодий ҳамкорликнинг янада такомиллаштирилиши, бир мамлакат билан яқинлашув бошқа давлатлар билан узоклашув ҳолатига олиб келмаслиги тамойилининг изчил амалга ошуви.

**Сиёсий соҳада:**

- ҳалқнинг ҳам бевосита, ҳам билвосита, яъни ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини бошқаришда тўлиқ иштирок этиши лозимлигининг асосланиши;
- ҳокимиятнинг умумэътироф этилган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинниш тамойилини жорий этиш асосида демократик бошқарув тизимларининг амал қила бошлиши, миллий давлатчилик тузилмаларининг барпо қилиниши;
- жамият сиёсий тизимида плоралистик ёндошгувлар тизимининг юзага келиши, кўп вариантли баҳолаш майдонларининг таркиб топтирилиши;
- бир мафкуранинг, бир дунёқарашнинг яккаҳо-

кимлигидан воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан олишнинг ижтимоий зарурлиги тамойилининг ишлаб чиқилиши;

— фуқароларнинг жамоа, жамият ва давлат олдида ҳамда давлат ва жамиятнинг шахс олдидағи мастьулият масалаларида адолатли мувозанат концепциясининг яратилиши;

— Ўзбекистонда туғилиб, унинг заминида яшаётган, меҳнат қилаёттан ҳар бир киши миёндий мансублиги ва диний эътиқодидан қатъий назар мамлакатнинг тенг ҳукуқли фуқароси бўлиши учун ҳукуқий, сиёсий ва маънавий шарт-шароитларнинг амал қилишига эришилиши.

#### **Иқтисодий соҳада:**

— юрг тинчлиги, ҳалқ фаровонлигини таъминлайдиган барқарор ривожланиб борувчи иқтисодиётнинг барпо этилиши;

— ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига босқичма-босқич, эволюцион ўтиш назариясининг асосланиши ва амалиётда муваффақиятли қўлланилиши;

— мулк эгалари ҳукуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш ва мулкчиликнинг барча шакллари ҳукуқий тенглигини мустаҳкам қарор топтирилиши;

— иқтисодиётни давлат томонидан бевосита бошқарилиши тизимидан воз кечилиши, корхоналар ва ташкилотлар мустақилларининг кенгайтирилиши, мусассасаларнинг хўжалик фаолиятига бевосита аралашув амалиётига барҳам берилиши.

#### **Ижтимоий ва маънавий соҳада:**

— умуминсоний тамойиллар, эзгулик гояларига содиклик, инсон ҳаёти ва шахсий дахлсизлиги, озодлиги, қадр-қиммати, касб-кор ва яшаш жойларини эркин таъланаш ҳукуқларининг таъминланиши;

— хурфикрлилик, виждан ва дин эркинлигининг қарор топтирилиши;

— ижтимоий адолат қоидаларининг рӯёбга чиқарилиши, аҳолининг ҳимояга эҳтиёжманд қатламлари—кексалар, ногиронлар, кўп болали оиласлар, ўкувчи ёшларнинг давлат томонидан ижтимоий ва маънавий муҳофаза этилиши;

— фуқароларнинг ўз интилишлари, имкониятлари ва қобилиятларини намоён қилишлари учун зарур шарт-шароитларнинг яратилиши.

Ихтимоий онг мазмунининг тобора инсоний моҳият касб эта бориши, шахс ҳақ-хукуқлари барқарорла-шаётганилиги, халқаро маконда меҳр-шафқат, бағри-кенглик, одамийликка доир умумпланетар майлнинг кучайиши жамият, жамоа ва шахс маънавиятида ян-гиланиш жараёнларини амалга ошириш билан бевоси-та боғлиқдир. XX аср сўнгига келиб инсоният ўз қазо-си ҳам, ўз давоси ҳам ўз қўлида, реал саъй-ҳаракатла-рида, тафаккур тарзида эканлигини тўла англаб етди. Дунё ўз-ўзини асрараш истинктини ишга солиш тарадду-дини кўрмоқда.

Ана шу жараёнларда марказий масалалардан бири ҳамма саъй-ҳаракатларни инсонга, унинг реал манфа-атларига, руҳий интеллектуал соғломлигига, маънавий тарбиясига қаратишидир. Президент И. А. Каримов ялпи янгиланишлар ва туб ўзгаришлар моҳиятини худди ана шу омилларда кашф этиб, ислоҳотлар барча жабҳала-рини айни инсон орқали амалга ошириш назариясини асослаб берди.

## 2. ШАХС ВА ЖАМИЯТ: ТАФАККУР ЁЛҚИНЛАРИ

Мустақиллик яшаш тарзимиз ва руҳиятимиизда ин-қиlobий ўзгаришлар ясади. Воқелик шу даражада тез ривожландики, табиий равишда, ҳеч қандай пўртана-ларсиз ва ларзаларсиз кескин бурилиш йўлига тушиб бораётган ҳаётимиз ҳам, яшаш тарзимиз ҳам, истик-болга муносабатларимиз ҳам бутунлай ўзгача мазмун, ўзгача қиёфа касб этди.

XX асрнинг сўнгти йиллари мамлакатимиз тарихи ва халқимиз турмушидаги ана шундай кескин бурилиш ясаган давр бўлди. Яъни, асримиз бошида зўравонлик билан амалга оширилган қонли Октябрь инқилоби мо-ҳиятига зид равишда тинчлик ва осойишталик билан бутун бир жамиятни шаклан бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтказиб, мазмунан эса инсоннинг ўзлигини англаш, яшаш хукуқини ҳимоя қилиш, фуқаролик-нинг барча имтиёзларини қонун билан кафолатлаш

каби фоят инсонпарварликка асосланган маънавий-руҳий инқилоб юз берди.

Ўзбекистон халқи энди мустақилликнинг дастлабки йилларида юз берган турли иккиланишлар, кўркув ва таҳликалардан бутунлай холи ҳолда келажакни аниқ кўра оладиган ва унга қатъий ишонадиган бўлиб қолди. Дарҳақиқат, истиқлолнинг дастлабки йиллари мамлакат аҳолиси маънавий-руҳий оламида бесаранжомлик, унинг кечинмалари ва ўйларида бирмунча саросималик ва ҳатто, айтиш мумкинки, изтиробли ҳолатларни келтириб чиқарган эди. Одамлар эртанги куннинг қандай бўлишини, ижтимоий-сиёсий жараёнлар оқими уларни қандай ўзанта сурib кетишини билишмасди. Уларда қўққисдан юз берган жиддий ўзгаришлардан ҳадиксираш кучли эди. Бозор иқтисоди нима? Мулкчилик, мулкка эгалик хукуқи қандай бўлиши керак? Бойлар бой бўлиб, камбағаллар камбағаллигича қолиб кетаверадими? Давлат кимларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қиласди? Инсон хукуқлари қандай бўлади? Демократия нима? Бундай саволлар одамлар бошида чарх уради-ю бироқ жавоб топишга қўйналишарди.

Мустақилликнинг ўтган даври бизнинг мудроқ онгимизни уйғотиб юборди, тушунчаларимизда ўзгариш ясади. Энди мамлакатни ҳар бир фуқароси эртанги куни аниқ-равshan кўриб турибди. Ўзининг ҳам, мамлакатнинг ҳам келажаги буюклигига қатъий ишонмоқда. Шунинг учун ҳам аниқ мақсад ва қатъий ирода билан мустақиллик йўлини, туб ислоҳотлар жараёнини қўллаб-куvvatламоқда.

Президент И. Каримов Олий Мажлис XIV сессиясида қилган маърузасида мустақил Ўзбекистон давлатчилиги тажрибасини, бошқарув тизими ва унинг хукуқий асосларини бутунлай янгича фикрлар билан бойитди. Айтиш мумкинки, мазкур сессияда қилинган маъзуза босиб ўтилган саккиз йиллик йўлимизнинг якуний холосаси ва тўпланган тажрибалар ҳамда мавжуд имкониятлар нуқтаи назаридан янги юз йилликдаги тақдиримиз стратегияси бўлди. Ўзбекистон хукумати кейинги асрдаги фаолиятининг асосий тамойиллари, ички ва ташқи сиёсатининг бош йўналишлари белгилаб берилди.

Президент Ислом Каримов маърузада Ўзбекистонда давлатчилик ва бошқарув тизимини шакллантириш хусусида алоҳида тўхтади. Мамлакатда чинакам фуқаролар жамиятини барпо этиш, давлат—жамият—фуқаро бирлигини таъминлаш борасидаги янги, ҳар томонлама илмий асосланган мулоҳазаларни ўртага ташлади.

«Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳайётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт. Давлатчилик ва фуқаролик муносабатлари, меҳнат ва уй-жой, нафақа ва солиқ, табиатни муҳофаза қилиш ва жиноятчиликка қарши курасиш масалалари, қўйингки, ҳайётимизнинг ҳамма жабҳалари ана шу заминга таяниши зарур», деб таъкидлadi Президент. Бу билан инсон ҳайётининг ҳар бир қирраси уйинг эҳтиёжлари, яшаш хуқуқи давлат сиёсати дараҷасига кўтарилиди. Давлат, унинг сиёсати фақат ҳалқ манфаати учун хизмат қилиши зарурлигини аниқ ва лўнда қилиб кўрсатиб берилди. Бу жамиятнинг умумий маданий-маънавий қиёфасини белгилаш билан бирга мамлакат фуқароларининг маънавий-ахлоқий ва руҳий кечинмаларига ҳам катта таъсир кўрсатади. Ана шунинг ўзи давлат билан фуқаро, жамият билан аҳоли ўртасидаги муносабатларни, уларнинг адолатта таянган ва уйғунлашиб кетган ягона җонли организмга айланиб боришига кенг имконият яратади.

Маълумки, Ўзбекистонда миллый давлатчилик ва бошқарув тизими анча шаклланди. У сиёсий жиҳатдан ўзига хос афзалликлари ва бой имкониятларини бошқа бир қатор ёш мустақил мамлакатлардан фарқли ҳолда жаҳон кўригидан муваффақиятли ўтказди, хуқуқий ва маънавий жиҳатдан анча мустаҳкамланди, ҳалқаро нуфузи эса ошиди.

Жаҳон давлатчилигининг илғор тажрибалари ва миллый давлатчилик анъаналари уйғунлашган, аҳоли асосий кўпчилиги мақсад ва интилишларини, маънавий-руҳий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда энг демократик, энг инсонпарвар, адолат ғоясини ўзининг сиёсий қарашларига сингдириб юборган ҳар томонлама баркамол жамият сари интилиш Ўзбекистон мустақил дав-

латчилигининг ҳозиргача бўлган қисқа даврдаги фаолиятида ёрқин намоён бўлмоқда.

Маърузада мамлакатимизда барпо этилган давлат тизимини янги сифат даражасига кўтариш, уни янги тарихий шароитларда, тобора ривожланиб бораётган қарашларимиз ва ҳаёт этиёжларини ҳисобга олиб, жаҳон андозаларига мослаштиришнинг асосий тамойиллари кўрсатиб берилди.

Ҳаёт хукуқий-демократик, инсонпарвар давлатни вужудга келтиришнинг бош омили мукаммал қонунчилик эканлигини кўрсатиб турибди. Президент И. Каримов эса ана шу ўлчовдан келиб чиқиб, бошқарув тизимидан тортиб, кўпқиррали ҳаётимизнинг энг кичик соҳаларигача дахлдор бўлган қонунлар тизимини ишлаб чиқиши заруратга айлантирмоқда. Қонун мукаммал ва аҳоли маънавий-ахлоқий олами етук бўлган жойда одамлар ўзларини ўзлари бошқариб бораверадилар. Нима мумкин, нима мумкин эмас, хатти-ҳаракатларимизни нималарга мослашимиз лозимлиги аниқ бўлади. Юксак маънавият ва қонунга бўйсуниб яшаш турмуш тарзига айланади. Ана шундай шароитда давлат ва бошқарув органлари фаолиятлари тубдан ўзгаради, давлатнинг бошқарувчилик вазифаси ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари зиммасига тушади ёки Президент айтганидек: «**Бошқарув вазифаларининг асосий қисмини марказдан вилоятларга, вилоятлардан шаҳар-туманлардаги давлат ва бошқарув идораларига ўтишини таъминлаш даркор. Шу тариқа бу босқич аста-секин ўз-ўзини бошқариш жамоатчилик ташкилотларига ҳам етиб боради».**

Умуман олганда, жамиятни демократиялаш жараёни мамлакат аҳолиси маънавий камолоти, ахлоқий етуклиги ва руҳий тайёргарлиги билан узвий боғланган ҳодиса. Унга бошқача ёндошиш ҳамиша жиддий нуқсонга, тарих кечирмайдиган фожиаларга олиб келиши мумкинлиги Президент Ислом Каримов сиёсий ва бошқарувчилик фаолиятида муҳим ўрин тутади. Бу воқеа-ҳодисаларга олдинроқ ҳам эмас, кейинроқ ҳам эмас, айни пайтда оғир-вазминлик, доимий кузатишлар асосида баҳо бериш, ҳар қандай шароитда ҳам энг мақбул вариантни танлай олиш салоҳиятини кўрсатади.

Жамиятни такомиллаштириш, аҳоли дунёқараши ва тушунчаларини янги ғоялар билан бойитиш узоқ мудатли жараён. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг янги асрдаги дастурий фаолиятидир. Ўтиш давридек ҳозирги мураккаб, зиддиятли, кенг миқёсли ислоҳотлар авж олган бир пайтда эса давлат бошқарувидан изчиликнинг сақлаб турилиши, бошланган оғир ва хайрли ишларни бир меъёрда олиб бориш ва охирига етказиш жамият ҳаётида ҳам, фуқаролар ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Инсоният тарихи давлат мулкини оммавий равишида хусусийлаштириш ҳодисасини эндиғина собиқ Иттифоқ таркибидан ажralиб чиққан мамлакатларда амалга оширилаётган ишлар мисолида кўрмоқда. Маълумки, кишилик тараққиёти ер юзининг барча мамлакатлари ва минтақаларида турли даврларда, турли ҳолатларда юз бергани билан, шаклан ва мазмунан айни бир хил тартибда амалга ошган. Жумладан, мулкчилик, мулкка муносабат жамият табиий тараққиётининг ва кишилар дунёқараши ҳамда эҳтиёжларининг маҳсулли сифатида шаклланган. Хусусий мулк ва миқдоридан қатъи назар, жамият фуқароси яшаш ҳуқуқининг қонуний ифодаси, мулкка эгалик эса турмуш тарзининг маънавий-ҳуқуқий кафолати бўлиб қолаверган. Кўп ҳолларда у фан-техника тараққиёти, маданий равнақ ва бошқа ижтимоий-сиёсий омиллар таъсирида қисман шаклини, миқёси ва кўламини такомиллаштирган, холос. Мазмунан эса ўз моҳиятини йўқотмаган.

Дарвоқе, инсоният тарихи хусусий мулкни зўравонлик ва тазийқ билан давлат тасарруфига олиш ҳодисасини ҳам бир марта кўрган. XX асрнинг бошларида юз берган ва биз 73 йил мобайнида ўзимизни ўзимиз алдаб, куюшқонга сигмайдиган дабдабалар билан байрам қилиб келган қонли Октябрь инқилоби ана шундай ғайриинсоний ҳодисани мисқоллаб териб, тўплаган моддий ва маънавий бойликларини бир тўполон билан давлат мулкига, кишиларни эса меҳнат восита сига, ишлаб чиқарувчи кучларга айлантириб қўйди.

Мана энди инсон ҳақ-ҳуқуқлари тўла тикланган ва ҳар томонлама кафолатланган жамият кураётган бир пайтимизда яқин ўтмишимиз асоратларидан қутулиш

анча қийин кечмоқда. Ҳар бир кишининг ўз яратувчилик қобилиятини кўрсата олиши, тадбиркорлик ва хусусий мулкни ривожлантириш асосида меҳнатга муносабатни тубдан ўзгариши, кишилар онгида ўрнашиб қолган боқимандалик иллатларига барҳам бериш анча вақт талаб этмоқда. Бу чинакамига онгимиз ва тушунчаларимиз орқали юз берәётган маънавий-руҳий янгиланиш жараёнидир.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, мулкка эгалик ва хусусий мулкнинг тор чегараси бўлмаслиги керак. Яъни шахсий бойликни кўпайтириш қандайдир қолип ёки миқдорда бўлишини давлат белгилаб қўймаслиги, аксинча, у мамлакатда ҳамманинг ҳар қандай вазиятда бой бўлишини таъминлаш асосида алоҳида ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ одамлар турмуш даражасини ошириш йўлидан бормоғи лозим. Бунга айрим сиёsatшунослар дунёning турли мамлакатларидан ўз корхонаси филиалларини қуриб, жаҳон бозорини эгаллаб олган йирик корпорация ва фирмалар раҳбарлари фаолиятини ва катта миқдордаги жамғармаларни мисол қилиб кўрсатишади.

Бироқ, Президент Ислом Каримов ҳар қандай тайёр андозаларга сифинмайди. Жаҳон тажрибалари ва миллий эҳтиёжлардан келиб чиқсан ҳолда мавжуд ҳодисаларга ўзига хос ёндошади. Натижада сиёsat ва давлат арбоби сифатида ўзининг янгидан-янги имкониятларини тобора кўпроқ намоён этди. Бу билан жаҳон давлатчилиги тажрибаларини бойитиб бориб, новатор сифатидаги ноёб башоратларини ва амалий фаолиятини ёрқинроқ кўрсата олади. Жумладан, мулкчиликка муносабатда ҳам унинг ўзига хос усули бор. Масалан, «Давлат жамиятнинг кескин табақаланишига— ошиб-тотшиб кетган бойлару камбағал-қашшоқларга бўлинниб кетишига йўл қўймаслиги керак», дейди.

Нотиқ масалага бундай ёндошув моҳиятини, мақсадини аниқ кўрсатиб берди. У стратегия жиҳатидан жаҳон тажрибаларини чукур таҳлил қилиб Ўзбекистон шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда оптимал йўлларни аниқлайди ва мақсадни таъминлайдиган чораларни белгилайди. Бу, айниқса, мамлакатда туб иқтисодий ислоҳотларни, жумладан, эркин бозор сиёsatи-

ни амалга оширишда кўзга яққол ташланмоқда. Давлат мулкини хусусийлаштириш ва янги иқтисодий тизими ни жорий этиш борасидаги фаолияти жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг қўллаб-куватланмоқда. Бу— биринчидан.

**Иккинчидан**, узоқ йилларга мўлжалланган, дастурий аҳамиятга молик мақсадлар давлат стратегияси даражасига кўтарилгани билан, кундалик талаблар, ҳайёт эҳтиёжлари ё вақтингчалик ҳолатларда тактиканиң ўзгариб туриши табиий ҳол. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, мавжуд сиёсий, ҳукуқий, маънавий-ахлоқий мезонлар нуқтаи назаридан Президентнинг юқоридаги фикри асосли ва ҳаётидир. Чунки, ўтиш даврида қонунчилигимизнинг ҳали тўла шаклланмаганлиги, айрим ҳолларда эса мавжуд қонунларга ҳам ҳали бўйсуниб яшашга одатланмаганимиз, баъзан худбинлик ва очофатликнинг авж олиб кетиши натижасида турли хилдаги суистеъмолликлар юз бермоқда. Натижада иқтисодий қонунбузарликлар (фойдани яшириш, солиқдан қочиш) ва бошқа кўзбўя-мачиликлар, ҳийлаю найранглар туфайли кимлардир ортиқча бойиб кетиб, кимлардир қашшоқлашиб қолиши мумкин. Ана шундай пайтда давлат қонун устуворлигини таъминлашда, аҳоли турли табақаси турмуш тарзида мувозанатни сақлаб туришда муҳим роль ўйнайди.

**Учинчидан**, Президент адолат гоясига қаттиқ суюнади ва инсон ҳақ-хукуқларини бутун чоралар билан ҳимоя қилиш, уни ижтимоий муҳофазалаш, табақаларга бўлинмаслиги, яшаш ҳукуқи каби Олий қоидани муқаддас тутиш—унинг инсонпарварлик сиёсатининг бош мазмуни.

**Тўртингчидан**, Президентнинг юқоридаги фикри олдин дунё минбарларидан туриб эълон қилган, жаҳон жамоатчилиги томонидан тан олинган туб ислоҳотларнинг машҳур беш тамойилидан бири — ўтиш даврида давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиб туриши кераклиги каби қоидасига айнан мос келади.

Президент сиёсатида юксак маънавиятга таянган жамият ва юксак маърифий инсонни шакллантириш алоҳида ўрин тутади. Инсон комилликка интилсагина, ўзи-

ни ўзи ҳар хил номаълум хатти-ҳаракатлардан тия ол-сагина ва аниқ қонунларга бўйсуниб яшаши ҳаёт тарзига айлантира ололсагина жамиятнинг умумий маънавий қиёфаси бой ва ранг-баранг бўлади. Дарҳақиқат, маънавий қашшоқлик, фикр торлиги, дунёқарашларнинг чегараланганлиги худбинлик ва нафсга кенг йўл очиб беради. Мехр-шафқатдан бегоналиқ, жамоа бўлиб яшаш, одамларнинг бир-бири учун кераклигини инкор этиш каби салбий ҳодисалар тобора чукурлашади.

Қадимдан ҳалқимиизда ахлоққа алоҳида эътибор билан қарашиб, инсон хатти-ҳаракатини ақлга бўйсундириш, унинг руҳиятини ҳар қандай чанг губорлардан тозалаш одатта айланган эди. Ана шу улуг ва муқаддас мактаб анъаналари бугун янги тарихий шароитларда янги мазмун билан бойитилмоқда ва у ҳаётий эҳтиёж, мустақил мамлакат равнақининг энг зарур омилларидан бири қилиб кўрсатилмоқда. Шунинг учун ҳам Президент И. Каримов маънавий баркамоллик билан инсоннинг яратувчилик имкониятларини тўла ишга солишини муштарак ҳолда тушунади ва бунга алоҳида эътибор беради. Ана шундай фазилатга эга бўлмасликини хиёнат даражасига кўтаради: «**Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ — бу аввало инсоғ ва адолат тўйғуси, иймон, ҳалоллик дегани. Манфаатпастлик йўлида қилинган ҳар бир қингир иш у қанчалик баландшарвоз таъриф-тавсифларга ўралмасин, фатволар тўқиб чиқарилмасин, барибир Ватанга хиёнатдир.**»

Келажакка ҳар томонлама баркамол мамлакатни мерос қолдириш Ислом Каримов сиёсатининг муҳим бўғини. Шунинг учун ҳам шаҳар ва қишлоқларда кенг миқёсда курилиш ишлари авж олдирилди. Уларнинг қиёфалари тобора кўркамлик касб этмоқда. Мустақиллик даврида мамлакатда 10 мингдан ортиқ кўшма корхоналар билан бирга юзлаб миlliй шаклдаги чойхоналар, минглаб савдо, маиший ва бошқа хизмат тармоқлари бинолари қад ростлади. Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш ишларининг кўлами эса тобора кенгаймоқда. Бу соҳада ўтган 70 йил мобайнида қилинмаган ишлар кейинги тўққиз йилда бажарилди, бу мустақиллик мазмун-

моҳиятини ҳам, мамлакат иқтисодий имкониятини ҳам яққол кўрсатади. Қолаверса, иқтисодий тантлик, турили даражадаги бир шароитда шунчалик кенг кўламли ишлар бажарилишининг катта сиёсий ва тарбиявий аҳамияти ҳам бор.

Биргина Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ишлар жаҳон жамоатчилиги диққатини тортмоқда. Бу ерда дехқон бозорларини қайта таъмирлаш савдо майдонларини кенгайтириш борасида қилинган ишлар, айниқса уларнинг миллий меъморчилик анъаналари асосида қайта тикланганлиги чин маънода мўъжизага айланди. Шунингдек шаҳарда қарийб 15 йиллардан буён гапириб келинаётган, бироқ гапдан бошқа нарсага ўтилмаётган пойтахтнинг Эски шаҳар қисмини таъмирлаш борасида ишлар айни истиқтолнинг қийин шароитларида бошлаб юборилди ва жуда кенг миқёсли ишлар бажарилди, равон ва ёруғ шоҳ кўчалар бунёд этилди, транспорт қатнови яхшиланди, ичимлик сув ва табиий газ келтирилди.

Бугунги кунда собиқ Иттифоқ доирасидан ажralиб чиққан мамлакатлар ўргасида Ўзбекистоннинг энг барқарор ривожланаётган мамлакатга айланганлиги жаҳон жамоатчилиги, сиёсатдонлари ва йирик давлат арбоблари томонидан зўр қизиқиш билан ўрганилаётганлигининг боиси Президент Ислом Каримовнинг ўз замондошлари ва сафдошларидан кескин фарқ қиласидан жиҳатларидир. Хўш, бу жиҳатлар нималарда кўринаади?

**Биринчидан**, мамлакат тараққиёти ва халқ манфаати учун зарур бўлган энг муҳим масалаларни тез илграб олишида ва уларни ўз вақтида ҳал этишга киришишида.

**Иккинчидан**, мамлакат ва халқ манфаатига зид бўлган ҳар қандай воқеаларга ҳамда ҳодисаларга кескин қарши туришида.

**Учинчидан**, ҳар қандай «замонавий» ё мода тусини оладиган сиёсий ўйинларга ўз вақтида чек қўйиш, барқарорликни сақлаб туриш учун бутун имкониятни ишга солишида.

**Тўртинчидан**, омма фикрини, диққат-эътиборини бир нуқтада жамлаб, давлат сиёсатининг нақадар тўғри

ва асослилигига ишонтира олиш қобилиятида ва бошқалар.

Бир сўз билан айтганда, сиёсий соҳадаги ютуқлар Ислом Каримов сиёсий фаолиятининг, сиёсий стратегиясининг тўғрилиги ва унинг муваффақият билан амалга оширилаётганлиги билан белгиланади.

Ўзбекистоннинг бугунги, яқин келажаги ва янги асрдаги тараққиёти хусусида гапирап экан, тўла ишонч билан «Халқимиз тарихида янги давр бошланди. Ватанимизнинг тараққиёт йўли аниқ белгилаб олинди. Бу йўлни истиқбол учун, мустақил Ўзбекистон учун, бозор муносабатлари ва умуман туб ислоҳотлар ўтказиш учун овоз берган, уни кўллаб-қувватлаган халқнинг ўзи тан олди. Халқ яқдиллиги ва ҳамфирлиги — ҳаммамизнинг буюк ғалабамиздир», деди Президент И. Каримов. Дарҳақиқат, халқ қарашлари ва эҳтиёжларининг давлат сиёсати билан уйғунлашиб бораётгани Ўзбекистонда ғоят баркамол маънавий-сиёсий муҳит вужудга келаётганлигидан ва унинг янги аср остонасида янгидан-янги имкониятларини кўрсатиб бераётганидан да-лолат беради.

### 3. ИСТИҚБОЛГА ДАЪВАТ

Одатда инсон янги йил арафасида қандайдир ҳаяжонлар оғушида қолади. Босиб ўтилган йил севинчу ташвишлари, амалга оширган ишларию улгурмай қолган юмушлари хусусида ўйлади. Ўзига ўзи сарҳисоб беради. Кириб келаётган янги йил эзгуликлар, орзуумидлар рӯёби йили бўлишини өрзиқиб кутади.

Агар йиллар эмас, ўн йиллар эмас, юз йиллик ва минг йиллик остонасида турсангиз, бу ҳаяжон нақадар улуғвор, нақадар шукуҳли, айни пайтда вужуд-вужудингизни, қон-қонингизни жунбушга келтирадиган туйгулар гирдобида қолаётганингизни чукурроқ ҳис қиласиз.

Агар орзу-ўйларингиз замину замон, оламу одамлар, миллату мамлакат тақдиди билан боғлиқ бўлса, бу ҳаяжоннинг нақадар юксак қадрият, олий неъмат эканлигини чукур англайсиз.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XIV сессиясида қилган маъруzasи хусусида ўйлар экансиз, беихтиёр ана шулар хаёлингиздан ўтади. Зотан, нотиқ ўз нутқини «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» деб атайди. Нима учун нутқайнан шундай номланди? Нима учун унга бошқача ном берилмади?

Биринчидан, юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон бутун Ер шари аҳли каби янги юз йиллик ва янги минг йиллик остонасида турганди. Зотан, у бутунлай янгича ҳаёт, янги тараққиёт, бошқача қилиб айтганда, янги Цивилизация, янги Ренессанс даври бўсағасидан ғоят баланд руҳ ва юксак ишонч билан ҳатлади. Худди ана шу буюк келажакнинг ва буюк тақдирнинг дебочасида яшаш, остонасида туриш нақадар шукухли, нақадар ҳаяжонли ва нақадар масъулиятли!

Иккинчидан, Ўзбекистон қатъият ва шиддат билан XXI асрга интилмоқда. У янги аср, янги минг йиллик остонасида мудраб ё ҳаёл сурниб турганича йўқ. Аксинча, у интилаяпти, ҳаракат қилаяпти, курашайпти. Ўз тақдирини, буюк келажагини яратиш йўлида заҳмат чекяпти. Кувончли, хузурбахш ва ёқимли изтироблар оғушида яшаяпти.

**Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда!** У ўзининг бутун имкониятларини, салоҳиятини, яратувчилик иқтидорини тарозига солиб, яна бир бор ўз кудратига тобора чукурроқ ишонч ҳосил қилмоқда. Бу ишонч уни барча қийинчиликлар, муаммолар ва мураккабликларни енгизига даъват этмоқда. Бу даъват миллион-миллион юракларнинг қаъридан, ўзбекистонликман деган инсон қалбининг туб-тубидан отилиб чиқмоқда. У яхлит ва ёрқин, рангин ва кўркам қиёфа касб этиб, «ўзбек модели» шаклига кирган соф ўзбекона журъат ва қатъият, ирода ва ақл-идрокка ўралган қиёфа дунё меҳварида пайдо бўлмоқда.

**Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда!** У миллат сифатида жаҳон цивилизациясига кучли таъсир ўтказган, инсоният ҳаётига маданият олиб кирган, кишилилк ҳаётининг маданийлашувига сабаб бўлган улуғ ва мўътабар аҷъаналарга ворислик қилаётган миллат кудратини, бутунлай янги тарихий шароитларда, бутунлай янги

ижтимой-сиёсий жараёнлар оқимида ўзлигини кўрсатмоқда. У куни-кеча пойдеворини кўйган, эндиғина қад ростлаётган тасодифий давлат эмас, аксинча, илдизлари асрлар қаърига етган, жаҳон давлатчилиги тарихини бойиттан, дунёда эса адолатли, инсон манфаатлари ҳимоя қилинган давлатчилик анъаналарини ва мактабини яраттан мамлакат эканлигини намоён этмоқда. Ўзининг олис истиқболини аниқ ва равшан белгилаб олмоқда.

**Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда!** Зотан, у бирордан мадад кутмайди, бирорнинг қўлига қарамайди. Аксинча, бирорга мадад кўлинни чўзади, муҳтоjlарга таянч, қийналгандарга ҳамдард бўлади. Дунё тақдирини, оламу одамлар тақдирини яхшилик ва эзгулик сари буришга ўзининг оташин гоялари, фоят асосли ва ҳайтий таклифлари билан ҳаракат қиласи ва бунга эришади. Ўзбекистонда шундай қудрат, шундай иродада, шундай салоҳият бор!

Бугунги Ўзбекистон нафақат ўз тақдирини, балки бутун Ер шари тақдирини, янги асрдаги истиқболини ва иқболини белгилашга жазм этган. Барча фиску фасодлару ифвогарликлару террорчилик суиқасдчиликларни ирова ва ақл кучи билан енгиб, уларнинг барчасини сомондай учириб, ўзининг ниҳоятда инсонпарвар ва салмоқли гоялари тантанасини таъминлаяпти ва бунга қудрати етмоқда.

**Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.** У яшайпти. Унинг жуда катта орзу-умидлари, изтиробларга тўла юраги депсинаяпти. Бу юрак салмоғи Ер шари салмоғи билан, бу юрак ҳарорати қуёш ҳарорати билан тенг десак муболага бўлмайди. Чунки, Ўзбекистон худди ана шу буюк чексизликни ўзига сингдириб, елкасида кўтариб турибди.

Президент Ислом Каримов сессияда қилган маъруzasида, аввалимбор ҳозиргача қўлга киритилган ютуқлар, амалга оширилган ишларимиз хусусида гапирди. Мустақиллик даврини сарҳисоб қилди.

Албатта, биз жуда муҳим тарихий даврни бошдан кечиряпмиз. Ўтиш даврининг ҳар бир куни мазмунни ўтмишимизнинг йилларига тенг келмоқда. Ижтимой-сиёсий жараёнлар оқими ниҳоятда тез. Бу жараёнлар

қалбимиз, онгимиз ва шууримиз орқали ўтиб, бутун тафаккуrimизда тўнтариш ясамоқда. Миллий истиқлол мафкураси, мустақиллик ғоялари бизни шахс сифатида, инсон ва одам сифатида тобора шакллантирмоқда. Зотан, бугунги ўзбек бундан 10 йил муқаддам бошимизда чарх урган, қалбимизни жунбушга келтирган «Мустақиллик нима?», «Бозор иқтисоди нима дегани?» сингари ўта жён саволлар қаршисида гангид, довдираб қолган ўзбек эмаслиги ҳаммага аён. У бугун мустақиллик тушунчасини бутун сиёсий, иқтисодий, маънавий, фалсафий, мантиқий ва ахлоқий қадрият эканлигини англаган ва ана шу қадриятлар асосида ўз тақдирини яратишга жазм этган миллат сифатида шаклланди. Миллий истиқлол мафкурасининг, мустақиллик ғояларининг қудрати ана шунда.

Дарҳақиқат, дунё янги юз йиллик ва янги минг йиллик остонасида турибди. Ана шундай бир пайтда жаҳон меҳварида ўзлигини кўрсатаётган Ўзбекистон янги асрдаги ва янги минг йилликдаги режаларини тузиб олмоқда. Ана шу мақсадда Президент Ислом Каримов олтита энг муҳим устувор йўналиш хусусида гапирди.

Биринчи устувор йўналиш — мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш.

Сиёсий соҳани эркинлаштириш, бевосита фуқароларни озод сўз, озод фикр асосида яшашга даъват этиш. Уларни яқин ўтмишдан қолган боқимандалик, фикр танбаллиги, ғоявий эътиқодсизлик, ижтимоий фаолиятда бўшантлик иллатларидан кутқариш. Шу йўл билан ўз манфаатларини рӯёбга чиқаришга, ўз хукуқларини ҳимоя қилишга қодир бўлган онгли ва иродали фуқаролар жамиятини вужудга келтириш.

Бошқарув тизимида аста-секинлик билан жамоат ташкилотлари ролини ошириш, уларнинг ваколатларини кенгайтириш орқали фуқароларни ўз-ўзини бошқаришга тайёрлаш. Булар Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ танлаган йўл — хукуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш стратегиясининг асоси бўлиб хизмат қиласиди.

**Иккинчи устувор йўналиш** — жамият маънавиятини янада юксалтириш. Бу соҳада ҳар бир фуқаро маънавий-ахлоқий шаклланиши, маданий даражасини ошириш вазифаси олдимизга долзарб қилиб қўйилади.

Маънавий жиҳатдан эркин ва озод бўлган шахс ўз ҳаётини ўзи йўлга сола билади. Ўз тақдирини ўзи яратади. Маънавий жиҳатдан етук шахс иймон-иродаси мустаҳкам, эътиқоди юксак, виждан амри билан яшайдиган шахсадир. Ана шундай фуқаролардан иборат жамият ҳар қандай ислоҳотларга қодир бўлади ва ҳар қандай муаммо ҳамда қийинчилкларни енга билади.

Бугунги Ўзбекистон фуқароси тафаккури тубдан ўзгарган ва ана шу ўзгарган тафаккур орқали ҳаёт мазмунини ўзгартираётган, турмуш тарзини янгилаётган ва ана шу маънавий-руҳий жараёнлар орқали ўзини ҳам, жамиятни ҳам тубдан янгилаётган **комил шахс** сифатида кўзга ташланади.

**Комиллик ҳақида гапирдик.** Албатта, бу нисбий тушунча. Умуман олганда, ҳаёт нисбий тушунчалардан иборат. Мутлақ ҳақиқатга айланган фикрлар ва ғоялар фақат даҳоларгагина хос. Бироқ, ана шу энг кичик фикрдан тортиб, энг буюк ғояларни ифодалаб берадиган хур ва озод сўз бор экан, тараққиёт абадий, ҳаёт эса пойдордир.

Баркамоллик, етуклик чексиз янгиланишлар жарәнининг маҳсули сифатида дунёга келади. Ҳали орамизда ноқобил, ғоявий жиҳатдан айнигана, маънавий жиҳатдан етилмаган одамлар бор экан, комилликка эҳтиёж, етукликка даъват ҳамиша долзарб бўлиб қолаверади.

Бироқ, Ўзбекистонда тарихан ниҳоятда қисқа даврда сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий соҳада кўлга киритилган ютуқлар, миллий давлатчиликни қарор топтириш, шахс эркинлиги ва озодлиги йўлида амалга оширилган вазифалар мамлакат фуқаролари умумий маънавий қиёфасини, Ўзбекистон фуқароси феноменини, унинг менталитетини белгилайди.

Халқнинг ўзига хослигини, унинг даҳолик кудратини, яратувчилик, бунёдкорлик ва ижодкорлик истеъоддини айни тафаккур маҳсули ва тафаккур ифодаси

бўлган хатти-ҳаракатлар билан баҳолаш мумкин. Шу билан бирга янгидан-янги туғилаётган ва тобора шаклланиб бораётган миллий фоя, миллий тафаккур ва унинг асосида дунёга келаётган турмуш тарзи бевосита озод ҳаракат, озод фикр маҳсулидир.

Истиқлол бизга жуда кенг имкониятлар яратиб берди. Бу имкониятларнинг энг қадрлиси озод яшаб, озод фикрлаб, озод меҳнат қилиш. Хур фикр, хур сўз, хур фоя том маънодаги инсон моҳиятини, унинг инсонлик қадриятини, ҳаёт ва жамиятдаги ўрнини белгилайди. Худди ана шу жиҳатдан қараганда эркинлик ва хуррият, фуқаролик бурчи, инсонлик шаъни, жамиятга дахлдорлик масъулияти нақадар оғир ва шарафли эканлигини яққол кўрсатади.

Учинчى устувор йўналиш кадрлар масаласи. Бу масала ҳар қандай вазиятда ҳам мамлакат ва жамият тақдирини ҳал қиласидиган, унинг тараққиётига асосий омил бўлиб хизмат қиласидиган энг долзарб, муҳим масаладир.

Мустақиллик даври кадрларини танлаш орқали янги асрдаги тақдиримизни, мустақиллик фоялари ва миллий қадриятларимизнинг аҳволини белгилаб берадиган, унинг масъулиятини зиммасига оладиган янги авлодни тарбиялаб етказиш бизнинг бош вазифамиз.

Ўзининг олис истиқболини аниқ кўра биладиган, бугунги куни билан эмас, янги юз йилликлар ва минг йилликлар ортидаги ҳаётта интиладиган кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ва «Таълим тўғрисида»ги қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчى сессиясида янги таҳрирда қабул қилинди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, таълим соҳасига дунёнинг бирон бир мамлакатида Ўзбекистондагичалик кўп маблағ ажратилмаяпти. Ҳалқ таълими тизими ни такомиллаштиришда айни ана шу йўл орқали ҳар томонлама етук, баркамол, мустақил фикрлашга қодир, жасоратли, иродали, фидойи ва ташаббускор кадрлар тайёрлашга катта эътибор бериляпти. Таълим тизими бутунлай ислоҳ қилинмоқда. Кадрлар тайёрлашнинг янги тамойиллари жорий этилмоқда.

Тўртингчى устувор йўналиш — ҳалқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши. Бу йилдан-йилга мам-

лакатимиз иқтисодий қудрати тобора ошиб бораётган бир пайтда халқ турмуш даражасини, унинг изчил ва барқарор ҳётини таъминлаш давлатнинг олий мақсади эканлигини белгилайди.

Давлатнинг қудрати унинг ижтимоий ҳимояга мухтож бўлган аҳоли турмуш даражасини оширишда кўринади. Зотан, Ўзбекистонда ижтимоий адолат, ижтимоий ҳимоя давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Бу Ўзбекистоннинг сиёсий қудрати ва иқтисодий имконияти тобора кенгайиб бораёттанини кўрсатади.

**Бешинчи** устувор йўналиш — иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни таъминлаш.

Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни бошлар экан, мустақиликнинг дастлабки кунлариданоқ у ўзининг имкониятларидан фойдаланиш, иқтисодиётни, ишлаб чиқаришни дунёдаги энг илғор технологиялар асосида изчиллик билан ривожлантиришни мақсад қилиб олди. Айни пайтда мамлакатимизда бир неча ўн минглаб кўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш технологияси бутунлай ўзгариб бормоқда. Натижада ҳом ашё базасидан оқилона фойдаланиб, ўз-ўзимизни таъминлаш ва хорижга тайёр маҳсулот чиқариш ҳажми тобора ортмоқда.

**Олтинчи** устувор йўналиш жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз ва давлатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлаштирип. Бу бевосита 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшаётган мамлакатда фуқароларнинг тенг ҳукуқлигини таъминлаш, уларнинг жамият ва мамлакат тақдири учун дахлдорлик туйғусини шакллантириш билан боғлиқ. Зотан, бугун Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон ягона хонадон — мамлакат тақдирiga ўзини тақдирдош деб билмоқда. Унинг жавобгарлигини зиммасига олмоқда.

Албатта, орамизда иродасиз, феъл-атвори шаклланмаган, имони суст одамлар ҳам мавжуд. Уларнинг бир қисми турли ғоявий қўпорувчилар ва ақидапарастларнинг найрангларига учишмоқда. Ўзларининг маънавий ва ахлоқий жиҳатдан етук бўлмаган қусурларини намоён қилишмоқда. Февраль воқеалари худди ана шун-

дай одамлар мамлакатимиз, мустақиллигимиз ва миллатимиз ҳаётига таҳдид солаёттанилигини, биз бундан ҳамиша огоҳ бўлишимизни, ҳеч қачон бефарқликка, лоқайдликка берилмаслигимизни, ҳамиша сергак ва ҳушёр бўлишимизни кўрсатди.

Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» номли маърузаси жаҳон ҳамжамиятида ўз сўзи ва ўз ўрни бўлган Ўзбекистоннинг янги асрдаги тараққиёти асосий йўналишларини белгилаб берди. Бу узоқ йилларга мўлжалланган стратегик мақсад Баш ислоҳотчилик вазифасини ўз зиммасига олган Ўзбекистон давлатининг сиёсий кудратини яна бир бор кўрсатади.

## ХУЛОСА

Инсоният ўз ўтмишида юксак тараққиёт даврларини, цивилизациянинг нурли чўққиларини кўп кўрган. Айни пайтда таназзул ва вайронагарликлар, ўпирилишлар ҳам ундан бегона эмас. Ихтимоий ҳаёт тубдан ўзгараётган тарихнинг бурилиш нуқталарида ҳам доим куттилмаган пўртаналар, бўхронлар вужудга келади. Жамиятни ларзага солгувчи, одамлар қалбига фулу, ташвиш ва ҳадик солгувчи кучлар майдонга чиқади. Турли фоя ва мақсаддаги кишилар жазавага тушиб, ўз манфатлари йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдилар.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон Совет тоталитаризми зуғумидан кутулиш йўлидаги, жуда катта курашлар, изтироблар даврида ва унинг натижасида қўлга киритган истикъолнинг дастлабки йилларида ана шундай воқеаларга гувоҳ бўлди. Ҳалқимиз маънавий озурдалик, руҳий тушкунлик, сиёсий бўхронлар ва иқтисодий танглик исканжасида қолди. Мустақиллик ана шундай мураккабликлар, зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар тўлқинларидан омон-эсон сақлаб қолинди. Бунда бош ислоҳотчи сифатида давлат ўз қатъиятини, қудратини, сиёсий иродасини кўрсата билди. Ўзининг танлаган йўлида қатъий турди. Турли сиёсий ўйинлар, жунбушлар ва эҳтиросларни енгиб ўтди. Бу албатта осонлик билан бўлган эмас.

Мустақилликка осонлик билан эришмадик. У том маънодаги курашлар, олишувлар, ошкораю пинҳона тўқнашувлар орқали қўлга киритилди. Истикъолнинг таҳликали, рутубатли, этларни жунжиктирувчи онларини ҳам, киши қалбига фурур, миллий ифтихор, келажакка ишонч ва рағбат уйғотгувчи фараҳбахш кунларини ҳам бошдан ўтказдик. Бугун жафокаш юртимиз тараққиётнинг равон йўлига чиқиб олган, жаҳон ислоҳчилик тажрибасида «Ўзбек модели» тушунчаси мустаҳкам ўрин олган, Ўзбекистон олам меҳварида ўзи-

нинг бутун салмоғиу ёрқин қиёфаси билан пайдо бўлган бир пайтда босиб ўтган йўлимизга назар ташлаймиз. Оғир ва мاشаққатли кунлар ортда қолганини кўриб, бир зум ўзимизни енгил сезамиз.

Мустақилликка осонлик билан эришмадик. Қара-ма-қарши фикрлар жўш урган, ҳиссиётлар жунбушга келган кунлар ортда қолди. Мамлакатни жар ёқасига олиб борган пўртанаалар ва бўхронлар тинди. Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий барқарорлик таъминланди. Хотиржам ва осойишта, айни пайтда эртанги кунимиз тақдирини ҳал этадиган бунёдкор ҳаёт қарор топмокда.

Мустақилликка осонлик билан эришмадик. Тарих абадиятга даҳлдор воқелик. Ўтмиш кишилик хотирасида абадий қолади. У ўзининг исжобий жиҳатлари, ибратли томонлари билан киши қалбида эзгулик туйгуларини жўш урдиради. Фахру ифтихор ҳисларини кучайтиради.

Салбий воқеаларни эса авлодлар ҳамиша нафрат ва надомат билан эслашади. Ана шу яхши-ёмон томонлари билан бир бутун тарих одамларни ҳамиша ҳушёрликка, келажакка масъулият билан қарашга, истиқбол олдида абадий қарздорликка чорлайди. Асрлар ўтиб, аждодлар ёди, мустақиллик яловини кўтарганлар хотираси, миллатимизни истибдод асоратидан озод этганлар иши келгуси авлодни, шубҳасиз, огоҳликка, тийракликка чақиради. Ана шунинг ўзи эзгулик! Ана шунинг ўзи ҳаётни гўзалликка тўлдиргувчи маъво! Тарихнинг бекиёс қудрати, улкан қадрияти ана шунда!

Аслини олганда ҳозир ҳам Ўзбекистон ва ўзбеклар учун осон эмас. У диний фанатизм, ақидапарастлик, наркобизнес, халқаро терроризм жабрини ҳамон тортмоқда. Бир пайтлар ҳокимиятни эгаллаш учун интилганлар, ўзларини «ватаңпарвар» ва «миллатпарвар» қилиб кўрсатганлар баҳараси очилди. Уларнинг никоби йиртилди. Бироқ бу бизга бефарқ ва хотиржам бўлишга имкон бермайди.

Ёвузлик, хурофот, жаҳолат мавжуд экан, у бизнинг баҳтли-саодатли ҳаётимизга таҳдид солиб турган экан, лоқайд ва бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ эканлигини ҳаёт кўрсатиб бермоқда. Америка Кўшма Штат-

ларида юз берган сентябрь воқеалари нафақат Ўзбекистон, балки бутун инсоният, бутун дунё, бутун Ер шари тақдирига таҳдид солмоқда ва бу таҳдид яшовчан эканлигига ишонч ҳосил қилди. Айни Америка—Афғонистон воқеалари Ўзбекистоннинг мавқенини, унинг сиёсий кудратини, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнлари оқимиға таъсирини яққол кўрсатди. Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Буш, Англия Бош вазири Тони Блэр, Украина Республика Президенти Леонид Кучма ва бошқа давлат ва сиёсат арбобларининг Ўзбекистон раҳбари билан мулоқотлари давлатимизнинг ана шу мушкул ва муаммоли дунёвий масалаларни ҳал этишда катта мавқега ва стратегик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Мазкур муаммо бўйича Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва бошқа турли даражадаги сиёсий ва ҳарбий етакчиларнинг Ўзбекистонга бир неча марта мурожаат этиши алоҳида қимматга эга.

Дарҳақиқат, бугунги Ўзбекистон дунёнинг энг фаол, айни пайтда энг асосли хulosалар айта биладиган, жаҳон сиёсатини ислоҳ қилишга қодир бўлган кучли давлат сифатида ўзини кўрсата билди.

Эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, жаҳолат ва маърифатнинг ўзаро кураши давом этмоқда. Айни ана шу кураш ва изтиробларнинг кудратли тўлқинлари ва гирдоблари ичра Ўзбекистон ўзининг янгидан-янги имкониятларини, куч-кудратини кўрсатиб бормоқда. Бу эса мамлакатимиз ҳар бир фуқароси учун нақадар қувончили. Зотан, мустақиллик учун кураш ва унинг изтироблари айни ана шу ўзаро тўқнашув нуқтасида яна ҳам қувончили ва фараҳлидир.

## М У Н Д А Р И Ж А

Истиқтол мавжларининг талқини . . . . .	3
Кириш . . . . .	7
<b>Б и р и н ч и б о б. Империянинг инциденти</b>	
1. Истибод ва истиқтол . . . . .	10
2. Тафаккурдаги эврилиш . . . . .	24
3. «Пахта иши» операцияси . . . . .	44
4. Тақдир чархпалаги. Инсон, жамият ва жараён . . . . .	61
5. Фарғона — Ўш — Наманган. Фожиалар занжири . . . . .	72
6. Жасоратнинг давоми . . . . .	101
<b>И к к и н ч и б о б. Бўхронлар гирдобида</b>	
1. Демократия васвасаси . . . . .	124
2. VIII сессия: Тўнтаришга даъват . . . . .	159
3. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар . . . . .	178
<b>У ч и н ч и б о б. XXI аср — Ўзбекистон асри</b>	
1. Тарихий давр қашфиёти . . . . .	210
2. Шахс ва жамият: тафаккур ёлқинлари . . . . .	217
3. Истиқболга даъват . . . . .	226
Хулоса . . . . .	234

**НАРЗУЛЛА ЖҮРАЕВ**

**ТАФАККУРДАГИ ЭВРИЛИШ**

*Истиқлол изтироблари ва қуончлари ҳақида муроҳазалар*

Тошкент  
«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
· 2001

Мұхаррир: *Барнобек Эшпүлатов*  
Бадий мұхаррир: *Анвар Мусақұжасев*  
Техникавий мұхаррир: *Диана Габдрахманова*  
Сақыфаловчи: *Мастура Атхамова*  
Мусаҳид: *Жамила Тоирова*

Теришга берилди 10.10.2001. Чоп этишга рухсат берилди 10.12.2001.  
Бичими 84x108<sup>1/2</sup>. Офсет босма. «Таймс» гарнитураси. Шартлы босма  
табоги 12,6. Нашриёт-хисоб табоги 13,5. Адади 5.000 нұсха. Буюртма  
№ 2574. Нархи шартнома асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
босмахонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон күчаси, 41.**

## **МУЛОҲАЗАЛАР УЧУН**

---